

Роберт спраул
Худога қай тарзда манзур бўлиш мумкин

Доктор Спраулнинг ушбу китоби Худога манзур ҳаёт нима эканлиги ҳақида мулоҳаза юритишимизга ундайди. Ушбу китоб тўлиқ ва мукамал тавба, Худога ва Унинг катта-кичик амрларига садоқат, Унга бутун борлигини бахш этишни талаб этадиган итоатгўйлик, кўҳна одамнинг ўзи билан шафқатсиз кураши, покланишга ва Муқаддас Рух билан тўлишга интилиш мавзуларини ўзида мужассамлаган.

*Асар Чак Грин,
Дейл ва Жойс Линдерга,
Худога қай тарзда манзур бўлишни
биладиган одамларга бағишланади*

СЎЗБОШИ

Шу пайт осмондан: “Бу Менинг севиқли Ўғлимдир. Ундан ниҳоятда мамнунман”, деган овоз келди (Матто 3:17).

Худо Янги Аҳдда тўғридан тўғри, эшитиладиган тарзда уч бора гапиради: Исонини чўндирилишида (Матто 3:17; Марк 1:11; Луқа 3:22), Исо қиёфасининг ўзгариши чоғида (Матто 17:5; Марк 9:7; Луқа 9:35) ва Исонинг Қуддусга тантана билан келганидан сўнг Отага мурожаати пайтида (Юҳанно 12:28). Худо дастлабки иккита ҳолатда Ўз Ўғлидан мамнун эканини билдиради. Қандай қўллаб-қувватлаш яхшироқ бўлиши мумкин? Ҳар бир масиҳий Худо унинг ҳатти-ҳаракатларидан мамнун эканини эшитишни истайди. Биз Уни улуғлаб қувонамиз. Биз Покловчимизга ёқишга уриниб шодлик туйғусини ҳис этамиз. Биз масиҳийлик ҳаётимизда барчасини Худога манзур бўлиб яшаш истаги билан бошлаймиз. Бироқ йўлимизда кўплаб тўсиқлар учрайди. Биз Худога ва ўзимизга манзур бўладиган ниманидир танлашга тўғри келадиган вазиятлар билан тўқнашамиз.

Бизга барча бу тўсиқларни енгиб ўтишимиз учун ёрдам керак. Масиҳийнинг бутун ҳаёти амалда кураш билан ўтади. Биз навбатдаги плацдармни забт этамиз, сўнгра эса орқага чекинамиз. Биз шиддат билан юқорига интиламиз, лекин баъзан шайтон ҳаракатимизга ҳалақит бериш учун йўлимизга нимадир тўкиб ташлагандек бўлиб туюлади. Навбатдаги тепаликни эгаллаганда, биз худди болалар каби, ҳатто қимирлашга ҳам қўрқамиз. Бироқ эгалланган тепаликда титраб турган Ўз фарзандларини қўллаб-қувватлайдиган ва агар бардош беролмай, йиқилгудек бўлсак Ўзининг ишончли қўллари билан бизни ушлаб олишга тайёр Самовий Отамиз бор.

Мазкур китобдан масиҳийлик ҳаётини амалий бошқарувда фойдаланиш мумкин. У салмоқдор илмий асар эмас, балки биз олиб бораётган курашда ёрдам беришга уринишдир, холос.

Китобни ёзиш ғояси Худога манзур бўлишни истайдиган масиҳийларга ҳамиша кўмак беришга интиладиган ноширим доктор Уэнделл Хоулига тегишли.

Унга, шунингдек, Морин Бучман хонимга бу ишимни тайёрлашда ва ёзилишидаги иштироки учун қизгин миннатдорчилигимни билдираман. Бундан ташқари, энг шафқатсиз муҳарририм - кўлидаги даҳшатли қизил қалам ҳамиша қатъий ва ишлашга тайёр турадиган рафиқам Вестига ташаккур айтаман.

Орландо, 1987

БИРИНЧИ БОБ НАФИС ИНОЯТ

“Одамларни кўряпман, лекин улар юраётган дарахтларга ўхшайди” (Марк 8:24). Қанчалик ғалати ифодалаш-а. Кўзлари яхши кўрадиган оддий одамлар ёнларидан ўтаётган бошқа кишиларни юраётган дарахтларга ўхшатишмасди. Бироқ одамларни “юраётган дарахтлар” тарзида кўрган киши бошқача ҳолатда бўлган. У, биз кўриб турганимиздек, барча масиҳийларнинг Худо томон интилишлари ва Унга ёкишга интилишларини ўзида акс эттирган мутлоқ сўқирлик ва тўлақонли нигоҳ ўртасидаги чегарада бўлган.

Муқаддас Китобда Исонинг барча шифобахш мўъжизалари одатда бир зумдаёқ ва тўлиқ натижа кўрсатган. Исонинг Лазарни ўликдан тирилтиргани қисман бўлмаган. Қўллари қуриган одамнинг шифо топиши босқичма-босқич кечмаган. Одамлар кўплаб ҳолатларда бир зумдаёқ тузалиб кетганлар.

Шу боис Марк баён этган Хушхабарда ҳикоя қилинган парча ғайриоддий. У сўқир одамнинг икки босқичда тузалгани ҳақида:

Исо шогирдлари билан Байтсайда шаҳрига келди. Одамлар Исонинг олдига бир кўрни олиб келиб: “Унга қўлингизни теккизиб қўйинг”, деб ёлвордилар. Исо кўрнинг қўлидан ушлаб, шаҳардан етаклаб олиб чиқди. Сўнг кўзларига тупуриб, қўлларини унинг устига қўйди-да: - Бирон нарса кўряпсанми? – деб сўради. Кўр бошини кўтариб: - Одамларни кўряпман, лекин улар юраётган дарахтларга ўхшайди, - деди (Марк 8:22-25).

Бу воқеа Худонинг нафис инояти ҳақида бўлиб, Масиҳнинг куч-қудрати ва марҳаматини намоён этади. Кўр одамнинг тақдиридан хавотирланган одамлар Исонинг олдига келганларида, У авваламбор “кўрнинг қўлидан ушлаб”, шаҳардан етаклаб олиб чиқди.

Бу кўринишни тасаввур қилинг-а. Шубҳасизки, Худонинг Ўғли бу одамни ўша жойнинг ўзида ҳам даволаши мумкин эди. Бироқ Исо уни оломондан нарига олиб кетди. У сўқир одамга шахсан хизмат қилди. Кўр

одамнинг тузалиши бу воқеани спектаклни кўргандек кўришга ҳозирланган бекорчи ва қизиқувчанлар учун томоша бўлиши керак эмасди. Раббимизнинг Ўзи уни бошлаб кетган. Сўқир одамнинг ҳеч қачон бундай ишончли етакловчиси бўлмаганди. У йиқилиб тушишдан, тўқиниб кетишдан кўрқмади. Унинг қўлларида Масихнинг Ўзи ушлаб олганди.

Агар Исонинг меҳрибонлик кўрсатиши шу билан якунланганида ҳам, ишончим комилки, шунинг ўзи етарли бўларди. Кўр одам бу ҳақда умрининг охиригача айтиб юрган бўларди. “У менга тегинди!” – у такрор-такрор шундай дейиши ва бутун ҳаёти мобайнида бу хотиралардан завқланиб юриши мумкин эди. Бироқ Исо бу билан тўхталиб қолмади. У навбатдаги кадамни ташлади.

Улар оломондан йироқлашганларида, Исо одатда туйғуларимизни таҳқирлайдиган бир иш қилди. У ўша одамнинг кўзига тупурди. Ҳозирда кимдир кўзларимизга тупурадиган бўлса, биз буни ўзимизни таҳқирлашга уриниш дея баҳолаймиз. Лекин Исо бошқа мақсадни – камситишни эмас, балки даволашни – кўзлаганди. У бу одамга тегиниб, ундан бирор нимани кўраётган-кўрмаётганини сўради. Айнан шу паллада ўша одам ёнидан дарахтга ўхшаш кишилар ўтаётганини кўрди. У ҳар қандай кўзи ожиз одам кўра олиши учун ўзида борини беришга тайёр бўлган манзарани кўрганди. Унинг нигоҳи парда билан тўсилгандек, хира эди – лекин у кўрди! У бир сония аввал умуман ҳеч нимани кўрмаётганди. Унинг кўзлари фойдасиз эди. У абадий зулматда яшарди. Бироқ энди ҳаракатланаётган шакллари фарқлай оларди. У ёруғлик ва зулматни фарқлади. Унга янги олам очилганди. У энди қўлидан тутиб юрадиган етакловчига муҳтож эмасди. Энди у ҳассасини ташлаб юбориши мумкин эди.

Аммо Исо ҳали ҳаммасини тугатмаганди. У ўша одамга иккинчи марта тегинди ва унинг хира нигоҳлари тиниқлашди. Энди бу одам одамларни ва дарахтларни фарқлай оларди. Энди у бутуқлари шамолда енгил тебранаётган дарахтларнинг ҳаракатсиз турганини кўраётганди. У турли тарафларга кетаётган одамларни кўрарди. У баланд ва паст бўйли, семиз ва ориқ, кекса ва ёш одамларни фарқлай оларди. У аввал кўришга ожиз бўлган одамларнинг қиёфаларини кўрди. У олдинлари қаршисида ким турганини тушуниши учун уларни бармоқлари билан пайпаслаб чиқарди. Ҳойнаҳой, у одамларни ўзларига хос овозларига кўра фарқлаган. Бироқ у энди қўллари чўнтагига тикиб, ҳаммасини таниши мумкин эди, негаки уларни кўраётганди. Лекин у аввал Исони кўрди. Исо унинг учун кўра олишдек марҳаматли қобилиятнинг мукаддимаси бўлди.

Гарчи Муқаддас Китоб бу ҳақда гапирмаса ҳам, лекин собиқ кўр одамнинг фақат кўзларигина шифо топмади. Масихнинг тегиниши унинг қалбини даволади. Унинг тош юраги вужудий юракка айланди ва унда энди янги руҳий ҳаёт уриб турарди.

Биз унинг шифо топиши ҳақидаги воқеани масихийнинг руҳан қайта туғилиши ҳақидаги яна бир масал тарзида қабул қилмаслигимиз керак. Бу мўъжиза – Масихнинг ҳукмронлигининг ғаройиб кўриниши – амалда, вақтда

ва маконда содир бўлди. Аммо бу ҳолат рамзий маънога эга. У эътиқодсиз одамларнинг руҳан янгилашини ифодалайди.

Муқаддас Китобда сўқирлик одамнинг тубанликка тушишини ифода этади. Биз сўқир бўлиб туғиламиз. Биз бу оламга худди руҳий зулматга киргандек кириб келамиз. Биз Худо Шохлигини тасвирлайдиган мавжудликни кўрмаймиз. Токи биз Масихга келмас эканмиз, кўзларимиз қалин тангачалар билан қопланиб, кўз гавҳарларимиз шунчалик хиралашадики, биз ҳатто дарахтларга ўхшаб ҳаракатланадиган одамларни кўришга ожизлик қиламиз. Худо Шохлигини кўриш учун, Худо севгисининг алоҳида инояти керак бўлади.

МУҚАДДИМА – РУҲАН ҚАЙТА ТУҒИЛИШ

Бизнинг Муқаддас Рухдан қайта туғилишимиз кўзларимизни илоҳий дунё учун очадиган Худонинг раҳм-шафқатини ўзида акс эттиради. Бизнинг янги туғилишимизни фақат Худо амалга оширади. Сўқир одам фақат ўз хоҳиши билан кўра бошлаши мумкин бўлмаганидек, биз ҳам руҳий ҳаётимизни ўзимиз бошлашга қодир эмасмиз. Сўқир киши кўришга қарор қилиши мумкин, лекин шифо топмагунича кўра олмайди. Бу қодир Худонинг мустақил, бутунлай мукамал, Ўз ҳукмронлиги билан бир зумдаёқ амалга оширган ишидир. Фақат Худогина ниманидир йўқликдан ва ўлимдан ҳаётни яратиши мумкин. Фақат Худогина инсон қалбини жонлантира олади. Худо одамга ҳаёт нафасини уфурганида, У буни босқичма-босқич эмас, балки *бир зумдаёқ* амалга оширади. У буни Муқаддас Рухнинг биргина тегиниши билан содир этади. Бизнинг руҳан қайта туғилишимиз бир лаҳзадаёқ рўй беради.

Мен “бир зумдаёқ” деганимда, гарчи бу вақтда дарҳол юз берса ҳам, буни вақт билан мувофиқлигини назарда тутмайман. Мен бу сўз остида Унинг бевосита, қўшимча воситаларсиз ёки ёрдамчиларсиз иш қилаётганини назарда тутаман. (Лотинча “*immediatuc*” сўзи амалда “воситачисиз” деганидир).

Мен бетоб бўлиб қолганимда, иккита иш қиламан: ибодат ва дори-дармонлар. Мен Худодан дори-дармонлар ёрдамида шифо беришини, шифокорларнинг қўлини тўғри йўналтиришини ва алоҳида назар билан даволанишимни амалга оширишини сўрайман.

Исо сўқир одамни даволаганида, ҳеч қандай қўшимча воситалардан фойдаланмаган. Унга ҳеч қандай дори-дармонлар керак бўлмаган. Исо Ўз овози билан даволаши мумкин эди. Мени ушбу воқеада битта ҳолат ҳайратда қолдиради: Исо нега бу одамнинг кўзларига тупурган? Нега кўр одам Силоам ҳовузида ювинмаган? Мутлақо аёнки, шифонинг кучи тупукда ёки ҳовузнинг сувига боғлиқ эмас. Исо бошқа ҳолатларга бусиз ҳам ажойиб тарзда ёндашган. Унинг куч-қудрати бевосита ва бир зумдаёқ намоён бўлган.

Бу худди бизнинг қайта туғилишимизга ўхшайди. Биз сувга чўмишимиз керак. Аммо баптистериядаги сувда инсон қалбини поклаши мумкин бўлган сеҳрли суюқлик йўқ. Сув ундан ташқарида бўлган нималарнидир ифода этади, у бизни жонлантирадиган Тириклик сувининг тимсоли. Сув – Худонинг шифобахш кучи рамзи ҳисобланади, холос.

Бироқ сўқир одамнинг шифо топганлиги ҳақидаги воқеада битта мазмунли чегара бор. Биз гарчи Худонинг мустақил кучи билан бир лаҳзадаёқ қайта туғилиб, зулмат салтанатидан ёруғлик шоҳлигига ўтсакда, аслида бизнинг покланишимиз навбатма-навбат кечади.

Биз руҳий ҳаётда қайта туғилганимизда, одамларни юраётган дарахтлар тариқасида кўрамиз. Бизнинг руҳий назаримиз ҳали ғира-шира. Биз аниқ-тиниқ кўра олмаймиз. Нигоҳларимиз хануз гуноҳ тумани билан қопланган. Аммо шундай кун келадики, бизнинг кўҳна одам бутунлай мағлубиятга учрайди. Шундай кун келадики, қалбимиз бутунлай покланиб, биз Масиҳнинг улуғворлигига тўламиз. “Покдил бўлганлар бахтлидир, Чунки улар Худони кўрадилар” (Матто 5:8) – масиҳийлар ўрта асрларда айнан шундай ҳолатни “хушбахт назар” деб атаганлар.

Бизнинг руҳий ҳолатимизни мукаммаллаштириш иши *улуғланиш* деб аталади. Улуғланиш бу ҳаётимизда содир бўлмайди. Покланиш тўлиқ ва мукаммал бўладиган самога тушиш дамларини кутишимизга тўғри келади. Ҳозир эса олдин кўришга ожиз бўлганларимизни кўра олсакда, барибир худди хира ойна ортидан кўраётгандек бўламиз.

Биз бу ҳаётда Масиҳга иккинчи марта ҳам тегинишимиз керак. Аслида учинчи, тўртинчи, бешинчи ва чексиз равишда зарур. Гарчи кўзларимиздаги тангачалар олиб ташланган бўлсада, лекин Исо барибир қўлларимиздан тутиб юриши керак.

Қайта туғилиш – бу йўлнинг бошланиши, холос. Бу омад ва омадсизликлар билан, улғайиш ва машаққатлар билан кечадиган йўл. Вақти-вақти билан ҳаракатимиз азобли даражада секиндек туюлади, лекин биз атрофимиздаги ҳамма нарса ҳайратомуз тарзда аниқ-тиниқ тус олмагунича, олдинга ҳаракат қилишга мажбурмиз. Бу иноятнинг майин тегинишидан бошланадиган ва Худонинг намоён бўладиган янги марҳамати сари мунтазам интиладиган ҳаётдир.

Юнон афсонасида Сизиф исмли фожеавий қаҳрамон бор. У илоҳларни ҳақорат қилгани учун жазо тариқасида абадий азобланишга ва бемаъни меҳнатлар қилишга маҳкум этилган. У улкан тошни тоғ тепасига итариб чиқариши керак бўлган. У бу тошни силжитиш учун бор кучини ишга солган. Бироқ ҳар сафар у чўққига етганида, тош яна тоғнинг пастига қайтиб тушаверган. Сизиф яна пастга югуриб тушиб, ҳаммасини бошидан бошлашига тўғри келган. Унинг саъй-ҳаракатларининг охири бўлмаган. У мағлубиятга маҳкум этилган.

Масиҳийлар баъзан ўзларини Сизиф каби ҳис этишади. Масиҳийлик ҳаётимиздаги жараён шунчалик секин туюладики, биз худди бир жойда депсиниб тургандекмиз, ғилдирак айланаверади, биз икки баробар зўр берамиз, аммо барибир муваффақияга эришмаймиз. Тасаввуримизда жодуланган айлана намоён бўлади. Бу айлана муқаддимасиз ва якунсиз яна ва яна такрорланади – абадий ва бемаъни такрорланиш.

Шимшўн қандай жазоланганини бир эслаб кўринг: у ўзининг куч-қудрати ҳақидаги сирни бевафо маъшуқаси Далилага ошкор этганидан сўнг,

уни филистлар асирга олишди. Муқаддас Китоб унинг шармандали мағлубиятини шундай ҳикоя қилади:

Филистлар уни қўлга олиб, кўзларини ўйиб ташлашди. Сўнг Ғазога олиб кетиб, занжирбанд қилишди. Шимшўн зиндондаги тегирмон тошини юргизиб, галла янчар эди (Ҳакамлар 16:21).

Мен филистларда тегирмон тоши қандай кўринишда бўлганини аниқ билмайман, лекин Голливуд суратга олган, буюк ва қудратли исроилликнинг ролини Виктор Мэтьюер ўйнаган эски бадий фильм ёдимда. Хотирамда шундай картина бир умрга сақланиб қолган: тегирмон тошини айлантириши керак бўлган ҳўкиз ўрнига чархга сўқир Шимшўн боғлаб қўйилган. Мен Виктор Мэтьюернинг бўш, шишадек қотиб қолган кўзларини, унинг тердан ялтираган билакларини эслайман. У ерда чуқур из қолдириб, ҳеч қаёққа кетолмасликка, чексиз равишда айлана бўйлаб юришга маҳкум этилган. Бу ҳолат мазмун-мантиқсиз айланишни ўзида ифода этади.

ДАВОМИ – ТАБАРРУКЛАНИШ

Бироқ масиҳийлик ҳаёти мазмунсиз бўлиши мумкин эмас. У айлана бўйлаб ҳаракатни такрорламайди. Масиҳийлик ҳаётининг йўли – тўғри чизиқ. Унда бошланиш, давом этиш ва якун бор. Унинг охирида асосий мақсад мавжуд – шон-шавкат. Барча борлиқни яратилишини бошлаб берган Худо Ўз халқи учун муайян мақсадга эга. Биз Масиҳнинг ушбу сўзларини эшитадиган кунга интиламиз: “Келинлар, Менинг севганларим, сизлар учун Отам тайёрлаб қўйган Шоҳликка киринлар”.

Биз хаворий Павлус билан биргаликда айтамыз: “Биродарлар, мен ўзимни ўша мақсадга етишганман деб ҳисобламайман. Ортда қолганларни унутиб, олдинга интиламан. Фақатгина ўша мақсадни кўзлайман-да, Худо мени Исо Масиҳ орқали чақириб, менга ато қиладиган самовий ютуқ томон интилмоқдаман” (Филиппиликлар 3:13-14). Масиҳийлик ҳаётида *олий унвон* бор, бошқача айтганда, энг олий унвон бор. Биз айлана бўйлаб юрмаймиз, балки олдинга интиламиз. Бизни мақсадга олиб борадиган тўғри йўлдамыз. Бизнинг йўлимыз – бу олдинга ҳаракатдир. Бир сўз билан айтганда, масиҳийлик ҳаётида *тараққиёт* бор.

Масиҳийликнинг мумтоз адабиёти вакили Жон Буньян ва унинг “Пилигрим саёҳати” асари ёдимизда. Пилигрим – бу само томон ҳаракатланадиган масиҳий. Унинг юксалиши елкасида олиб бораётган юк туфайли секин ва оғир бўлиши мумкин. У ҳар қадамда тўсиқларга учрайди. Унга Умидсизлик ботқоғи хавф солади, жаноб Дунёвий Донишманд қалб донолиги ҳаваслари тузоғига туширишга уринади.

Буньян ҳар бир масиҳийни йўлида кутиб турадиган кўплаб васвасалар ва тузоқларни яхши англаган. Аммо у масиҳийлик ҳаёти ҳақидаги ҳаётий муҳим ҳақиқатларни ҳам тушунган: биз барчамиз – саёҳатчилармыз ва олдинга борамиз.

Пилигрим – бу ҳамиша йўлда бўладиган одам. У йўл-йўлакай кўплаб жойларда бўлиб ўтади, у саёҳатчи, ҳаракатдаги одам. Саёҳатчи-масиҳий Қадимги Аҳддаги яхудий каби чодир ёки палаткаларда яшайди. У ярим

кўчманчи. У бу дунёда бир умрлик жойлашиб қолиши мумкин бўлган уйида ўтиргандек тўлақонли ҳис этмайди. Унинг учун ҳаёт – доимий кураш. У доимо оқар сувдан ичади. У барча имонлиларнинг отаси Иброҳим каби Худо ҳукмронлик қиладиган яхши мамлакатни излайди. Худонинг барча одамлари – дунёдаги пилигримлар ва саёхатчилардир.

Барча масиҳийлар олдинга юришади. Бу жараён битта жойда туриб қолишимизга ҳеч қачон изн бермайдиган, бизда макон тутган Муқаддас Рух томонидан таъминланади. О, биз қувонч билан жойимизда тураверган бўлардик. Биз ҳаттоки чекинган бўлардик. Худонинг хочга михланганидан сўнг яширинган шогирдлар каби биз қўрқувдан бир-биримизнинг пинжимизга тикилиб тоғ тепасида бикиниб олган бўлардик. Бироқ Исо бизнинг қолиб кетишимизга йўл қўймайди.

Ҳеч ким масиҳий бўлиб туғилмайди. Биз барчамиз табиатан вужудда яратилганмиз. Масиҳийлик ҳаёти бизнинг Муқаддас Рухда қайта туғилишимиз билан бошланади. “Янгидан туғилган масиҳий” терминини қўллаш мумкин эмас. Унда илоҳиётчиликда дудуқланишга ўхшаш ортикча лексика сезилади. Агар одам қайта туғилган бўлса, демак, у масиҳий. Агар у масиҳий бўлса, демак, янгидан туғилган. Масиҳий бўлмаган одам қайтадан туғилган одам бўла олмаганидек руҳан қайта туғилмаган киши масиҳий бўлиши мумкин эмас. Янгидан туғилган бўлиш Масиҳда Муқаддас Рух билан туғилишни англатади. Бу масиҳийлик ҳаётининг биринчи ва зарурий шarti. Шунингдек, у ўзида Масиҳдаги ҳаётнинг бошланишини билдиради.

Барча масиҳийча ҳаётни бир хилда бошлайди, биз барчамиз янгидан туғилганимиздан бошлаймиз. Янгидан туғилиш борасидаги тажрибамиз турлича бўлиши мумкин, лекин ҳар бир кишининг руҳан туғилиши далили зарурий шарт ҳисобланади.

Шуни унутмаслик муҳимки, эътиқодсизликда кечган аввалги ҳаётида бир хил тажрибага эга бўлиб, ўз масиҳийлик ҳаётларини бир хилда бошлаган иккита ўхшаш одам йўқ. Айрим одамлар беш ёшида қайта туғилишади, баъзилар – эллик ёшида. Айримлар имон-эътиқодга қаттиққўл ва интизомли муҳитдан кириб келишади, бошқалар – бетартиб ва бебош ҳаётдан. Биз турли гуноҳлар билан курашамиз, биз ўзимизда турлича юк олиб юрамиз.

Бизлардан айримлар ўзларининг имонга келган кун ва соатларини билишади. Бошқаларда қачон туғилганлари ҳақида ўта мавҳум тасаввур бўлиши мумкин. Билли Грэм Мардохей Хэм ташкил этган йиғилишда Масиҳни учратгани ҳақида ҳикоя қилади. Рут Грэм ўзининг имонга келган санасини аниқ белгилай олмайди. Баъзилар имонга келганларида йиғлашса, бошқалар қувончдан кулишади.

Худоба юзланишда барча бир хил ҳиссиётни бошидан кечириши керак дея хато ўйлашади. Тўсатдан ва ёрқин мурожаатни қабул қилган кишилар ўзининг руҳий туғилиш санаси ва соатини айта олмайдиган одамларга ишонишмайди. Камроқ ҳиссиёт билан имонга келган одамлар ўзларининг ёрқин ва кутилмаганда бошдан ўтказган кечинмалари ҳақида ҳикоя қилувчиларнинг ҳаяжонига тушунишмайди.

Биз одамларни турли вақтда ва турлича усуллар билан имонга келтирадиган Муқаддас Рухнинг ишини улуғлашимиз лозим. *Қачон ёки қаерда* имонга келганимиз муҳим эмас. Асосийси – *бизнинг имонга келганимиз*. Агар биз Рухдан туғилган бўлсак, Масихда бўлганларнинг барчаси билан биродар ва опа-сингиллармиз.

Павлус айтади:

Ахир, сизлар Худодан иноят топиб, имон орқали нажот топгансиз. Бу Худонинг инъомидир, сизнинг ютугингиз эмас. Яна ҳеч ким: “Мен савоб ишларим туфайли қутулганман”, деб мақтанмасин. Ахир, биз Худонинг ижодимиз. Худо бизни хайрли ишлар қилишимиз учун Исо Масих орқали яратди, бу ишларни биз учун азалданоқ тайёрлаб қўйган эди (Эфесликлар 2:8-10).

Ва бу ўринда биз барчамиз тенгмиз. Бизлардан ҳеч ким ўзини Худога юзлантириш ҳолатида эмасмиз. Фақат Худо бизни руҳий ҳаётга келтириши мумкин. Биз барчамиз Исо Масихнинг ижоди ҳисобланамиз. Исо – Бош Уста. Уни иши хуноб қилмайди, бир хил ҳам эмас. У бизни покланишида, шахсиятимизни ёки ўзига хослигимизни бузмаган. Ҳар бир масихий ўзида Масих ишлов берган ноёб санъат асарини намоён этади. Ҳар бир покланган одам – дурдона.

Исо Ўз ишини конвейер усулида бажармайди. У чексиз машаққат ва диққат-эътибор билан ҳар биримизни алоҳида шакллантиради ва ясайди. Биз қачондир бир имонлининг машинасига ёпиштирилган қоғозни кўргандик: “Илтимос, менга сабр-тоқат билан ёндашинг. Худо мени шакллантиришни ҳали тўлиқ якунламади”.

Покланиш ҳам жараён ҳисобланади, бунинг устига, доимий. Сизга бир зумдаёқ покланишингизни ваъда берадиганлардан нари қочинг. Бундай ваъда остида сохта таълимот яширинган. Бу таълимот перфекционизм атамасини олиб, масихийлик даврасида ўзининг ҳаётчан эканини исботлаган. Бу таълимот ҳаворийлари айрим одамлар ҳатто шу оламда ҳам руҳий баркамолликка эришишларини уқтиришади. Улар бизга “иноятнинг иккинчи иши”ни, бир лаҳзадаёқ покланишнинг “иккинчи марҳамат”ини ваъда қилишади. Бундай мураббийлардан нарига қочинг.

Масихий бўлганимга эндигина бир неча ой тўлганида, бир лаҳзадаёқ покланиш ҳақида таълим берадиган бир одамни учратиб қолдим. У менга кўлини қўйиб, мен ўша иккинчи марҳаматни олишим учун ибодат қилишга тайёрлигини билдирди. Менга бу ўта қизиқарли бўлиб туюлди. Ҳали ҳам гуноҳ қилишда давом этаётганим, мен ёш масихийни, қаттиқ қайғуга соларди. Мен ҳаётимнинг қайсидир жабҳаларида ажойиб ғалабаларга эришдим, баъзиларида мағлубиятга учрадим. Мен энди мендаги тана ва Муқаддас Рух ўртасида кураш бораётганини аниқ-тиниқ англаб турардим.

Мен руҳоний билан биргаликда бир лаҳзадаёқ покланиш ҳақида ибодат қилдим. Бироқ ҳеч нима юз бермади. Иккинчи марҳамат мени четлаб ўтди. Масихийлик ҳаётининг илк палласида ўз вақтини тўлиқ мукамалликка эришиш учун бағишлаган Мартин Лютер айтганди: “Агар қачондир роҳиблик ҳаётининг қатъий талаблари орқали самога етишмоғи мумкин

бўлган одам яшаган бўлса, бундай одам мен бўлишим керак эди”. Мен ўшанда, иккинчи марҳаматни зўр бериб излайдиган одам бор бўлса, ўша одам мана мен бўламан, деган хаёлга борганман.

Ҳалиги руҳоний эса гуноҳларим менинг гуноҳ тўридан қутулишимга халақит бераётганига ишончи комил эди. Мен сеҳрланган доирага тушиб қолгандим. Бу руҳоний амалда гуноҳдан озод бўлиш имкониятини қўлга киритишим учун энг аввало гуноҳдан қутулиш зарур эканини айтганди. Бошқача айтганда, иккинчи марҳаматни олишимдан аввал иккинчи марҳаматни олишим керак эди.

Бу умидсиз вазиятдан чиқишимга бошқа бир хизматчи ёрдам берди. Мен тез орада гўё бир зумдаёқ покланиш келтириши мумкин бўлган иккинчи марҳамат фирибгарлик эканини тушуниб қолдим.

Мен кейинчалик мукаммал покланишга эришганларини таъкидлаган иккита одамни учратиб қолдим. Уларнинг масиҳийлик ҳаёти тўлиқ муваффақиясизликка учраганди. Агар одамлар мукаммал покланишга эришганларига ўзларини ишонтирмоқчи бўлсалар иккита танловдан биттасини қилишлари керак: Худо талабларини бажариш ҳолатида бўлиш учун уларни чеклаш керак ёки ўзининг руҳий камолоти баҳосини кескин кўтариб юбориши шарт.

Бироқ бу вариантлардан ҳар бири – солиҳ киши учун ажал тузоғидир. Худо қонунларини чекланиши Унинг муқаддаслигига тажовуз ҳисобланади. Ўзига ортиқча баҳо бериш – ўз-ўзини бутунлай алдаш ва учига чиққан мағрурликдир.

Покланиш учун шунчаки қўл уришдан кўра анча кўпроқ саъй-ҳаракат талаб этилади. Қайта туғилиш чиндан ҳам бир лаҳзадаёқ рўй беради. Оқлашиш ҳам – бир зумда. Бироқ покланиш бир умрлик жараён ҳисобланади. У қаттиқ курашни ва улкан миқдордаги тўсиқларни енгиб ўтишни талаб этади. Ушбу жараённи Буньян китобидаги саёҳатчи хавф-хатарга дучор бўлиб, кўплаб тузоқларни айланиб ўтиши керак бўлган саргузаштлар билан таққослаш мумкин. Биз ҳам қора тунлар, ажал водийси сояси, васваса ва истак-ҳаваслар саҳросидан ўтишимизга тўғри келади.

Аммо бу саёҳатда битта таскин бор: Масиҳ ҳамиша ёнимизда бўлишга ва ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишимиз учун ёрдам беришга ваъда қилган. Раббимиз бошлаган ишини охирига етказди. У атрофимиздаги одамлар дарахтга ўхшаш бўлиб туюладиган босқичда бизни ташлаб кетмайди.

Йўқ, Худо бизнинг мутлоқ бахт-саодатли бўлишимизни ва руҳан улғайишимизни истайди. У Худонинг Ўзини тобора кўпроқ англаб, Унга манзур бўлиш учун интилишимизни хоҳлайди. Худо Унга манзур бўлишликда қувонч топишга бизни ўргатмоқчи бўлади. У ўша кўзи очилган сўқир каби кўра олиш қобилиятига эга бўлишимизни, бу оламни қандай ҳаракат қилиш ва оламни тушунишда ўзгаришимизни истайди. Онгимиздаги ўзгаришимиз ва улғайишимиз муқаддас Худога қандай манзур бўлишни янгича даражада тушунишга олиб боради. Худога қандай манзур бўлишни

тушунишда улғайишимиз бизнинг покланишимиз ҳамдир ва китобимиз айнан шу мавзуга бағишланган.

ИККИНЧИ БОБ МАСИХИЙЛИК ҲАЁТИНИНГ МАҚСАДИ

Мен бир вақтлар шундай таърифни ўқигандим: “Мутаассиб (фанатик) – бу шундай одамки, у ўз мақсадини энди кўра олмайди, лекин унга эришиш учун икки баробар куч-ғайрат сарфлайди”. Фанатик жазава билан қаёққадир шошади. У баскетбол савати бўлмаган баскетболчи, тўрсиз теннисчи ва дарвозасиз футболчидир.

Масихий покланиш жараёнида улғайиб ва Худога манзур бўлишни ўрганган ҳолда ўз мақсадини аниқ англаши керак. Муқаддас Китоб бу мақсадни аниқ-равшан белгилайди, лекин имонлилар негадир уни тезда унутиб қўйишади.

Хўш, масихийлик ҳаётининг мақсади нима? Исо уни шу тарзда белгиллаган: “Сизлар аввало Худонинг Шохлиги ва Унинг иродасини бажариш пайида бўлинглар, шунда қолган ҳамма нарса сизга берилади” (Матто 6:33).

Келинг, бу даъват нимадан иборат эканлигини тадқиқ этиб кўрайлик. Биринчидан, Исо бизга *излаш* кераклигини айтган. Бироқ излаш учун саъй-ҳаракат қилиш зарур. Жон-жаҳд билан излаш керак. Тангани йўқотиб қўйиб, уйдаги ҳар бир бурчакка ва ҳар битта тирқишга белги қўйиб чиққан аёлни эслайсизми? Агар сиз дам олиш учун ётмоқчи бўлсангиз, ўз изланишингизни яқунлай олмайсиз. Муваффақиятга эришиш учун кўп ишлашга тўғри келади. Зўр бериб ишлашга. Худо осмондан ҳаммасини муҳайё қилиб туширишини кутиб ўтиришимиз мумкин эмас.

Чўмилаётганда ўзининг машҳур солиштирма оғирлик қонунини кашф этган юнон математиги Архимед ҳақидаги воқеани ҳамма билади. У: “Эврика, топдим!” деб қичқирган. Биз, шунингдек, олма дарахти тагида ўтирганида бошига олма тушиб, тортишиш қонунини кашф этган Исаак Ньютон ҳақидаги ҳикояни ҳам биламиз. Архимед ва Ньютонга илмий кашфиётлар қилишларига йўл очиб берган бундай онгнинг ёришиши узоқ йиллик тинимсиз фикр-мулоҳазалар ва изланишларнинг юқори чўққиси бўлганди, холос. Улар шунчаки муваффақият эмасди. Айтишларича, Томас Эдисон ниҳоят электр лампочкаларида қизиган симдан фойдаланиш мумкин бўлган материални топишидан аввал минглаб турли нарсаларни тадқиқотидан ўтказган экан. Бу омад эмас, балки қаттиқ меҳнат. Ва биз агар Худога қандай манзур бўлиш кераклигини англамоқчи бўлсак, ана шундай зўр бериб меҳнат қилишимиз лозим.

Биз Худо Шохлигини ва Унинг ҳақиқатини излашимиз шарт. Эътибор беринг-а, Исо энг *аввало* Шохликни излашни амр этган. Янги Аҳднинг юнонча матнида битта ҳаракатнинг ўзига ўхшаш ҳаракатлар сериясида, унинг қанчалик муҳимлигига қарамай, биринчи ўринда бажарилиши унчалик ҳам шарт эмаслигини англатувчи *protos* сўзи қўлланилган. Ушбу жумланинг

янада аниқроқ таржимаси шундай: “Энг аввало ва энг кўпроқ даражада Худонинг Шоҳлигини ва Унинг ҳақиқатини изланг”.

Шоҳликни изланг. Ҳақиқатни изланг. Айнан шу мақсадлар масиҳийлик ҳаётида энг муҳимлари ҳисобланади.

ХУДО ШОҲЛИГИНИ ИЗЛАШ

Исонинг бу сўзларини қандай тушунишимиз керак: “Сизлар аввало Худонинг Шоҳлигини изланг”? Масиҳийлик оламида руҳий изланишлар масаласида турлича фикрлар билдирилади. Биз масиҳийлардан кўпинча шундай сўзларни эшитиб қоламиз: “Менинг дўстим масиҳий эмас, лекин у Худони излайди”

Хўш, масиҳий бўлмаган одам нимани излайди? Биринчидан, у ҳеч нимани изламайди. Асло Худони ҳам эмас. Павлус айтади: “Ҳеч ким Худога юз бурмайди” (Римликлар 3:11). Эътиқодсиз одам ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон Худони изламайди. Эътиқодсиз киши Худодан ҳамиша қочадиган одамни ўзида акс эттиради. Гуноҳкор одам учун ягона интилиш Худодан қочиш, Ундан яшириниш истаги бўлади. Исо ҳалок бўлганларни топиш ва қутқариш учун келган. У – Изловчи, биз эса барчамиз Ундан қочамиз. Одам ўзининг гуноҳкор ҳолатида ҳаёт унинг олдида қўйган жумбоқларга жавоб топишга уриниши мумкин, лекин у Худони изламайди.

Нега бизнинг назаримизда кўпинча эътиқодсиз одамлар Худони излайдигандек бўлиб туюлаверади? Биз уларга қараб, бахтни, ҳаловатни излашаётганини, айбдорлик туйғусидан қутулишни истаётганларини, онгли ҳаётга ва бошқа кўп нарсаларга интилаётганларини кўрамиз, аслида буларнинг барини фақат Худо беришини биламиз. Лекин улар Худони излашмайди. Улар Худодан яхшилиқ олишни исташади. Вужудда яшайдиган одамнинг гуноҳи айнан шундан иборат: у Худонинг Ўзини рад этиб, Худодан яхшилиқни олмоқчи бўлади.

Мен шу фикрни алоҳида таъкидлайман: фақат масиҳийгина Худони излайди. Худони излаш Унга мурожаат қилишдан *бошланади*. Гарчи биз бу оламга “Уни топганимизни” эълон қилсакда, Худога мушарраф бўлиш, бу қанчалик ғалати туюлмасин, Уни излашнинг бошланиши ҳисобланади. Худони излаш бир умрлик ишга айланади. Жонатан Эдвардс Худони излаш жараёнини “масиҳийлик ҳаётининг асосий иши” деб атаган.

Худо Шоҳлигини излаш Исонинг сўнгги амри ва Худодан сўрашдаги муҳим ибодат ҳисобланади: “Сенинг муқаддас номинг улуғлансин. Сенинг Шоҳлигинг келсин”.

Шогирдлар Исога берган сўнгги савол шундай бўлган: “Раббимиз, Исроил шоҳлигини тиклайдиган вақтингиз келмадими?” (Ҳаворийлар 1:6). Исо бу оламни тарк этиб, самога шон-шавкат билан кўтарилишидан бор-йўғи бир неча дақиқа олдин шогирдлар ўз саволи билан Уни шу заҳотиёқ ҳаракатлар бошлашига ундамоқчи бўлишган. Бу билан улар ўзларини ердаги шоҳлик қизиқтиришини кўрсатишган. Исо дастлаб юмшоқ таъна билан, сўнгра буйруқ билан жавоб қайтарган: “...Менинг шоҳидларим бўласизлар” (Ҳаворийлар 1:8).

Биз Худо шоҳлигини У ҳақдаги ўз гувоҳлигимиз билан излашга даъват этилганмиз. Биз Худо Шоҳлиги нимага ўхшаш эканлигини бу оламга кўрсатишга интилишимиз керак. Чунки ўша Шоҳликнинг ерда ҳам, самода ҳам ўрнатилиши Шоҳликнинг болалари Шоҳнинг хоҳиш-истагини шу ерда ва ҳозир ҳам бажаришларини англатади. Биз Худо Шоҳлиги ҳақида гувоҳлик бериш билан бу Шоҳликка хизмат қиламиз. Исо айнан шу боис Шоҳликнинг келишини Худо иродасининг бажарилиши билан боғлайди. Иккала ибодат ҳам – “Сенинг Шоҳлигинг келсин” ва “Сенинг муқаддас номинг улуғлансин” – моҳиятан бир-бирига боғлиқ. Улар бир танганинг икки тарафи ҳисобланади. Бу оламда Худонинг номи улуғланганида, Унинг шоҳлиги келади.

Демак, биз шундай хулосага келамиз: масиҳийлик ҳаётининг буюк ва асосий мақсади – *Шоҳга итоат қилиш*. Биз фақат итоатимиз билангина Унга манзур бўлишимиз мумкин.

СОЛИҲЛИК ИЗЛАБ

Шоҳликни излаш илоҳий солиҳликка интилиш билан бевосита боғлиқ. Бу Исонинг Ўзида намоён бўлган солиҳликдир. Исонинг бутун ҳаёти тантанали тақводорлик бўлган. У доғларсиз ва гуноҳсиз Қўзи, Отани тўлиқ мамнун этган Ўғил бўлган. Каломда Худонинг уйига бўлган севги Унинг ичини ёндиргани айтилган (Юҳанно 2:17). Унинг таоми Ўз Отасининг хоҳиш-иродасини бажариш бўлган (Юҳанно 4:34). Исо нафақат Худонинг тимсоли, балки мукамал солиҳ Инсон ҳам бўлган. Биз Унга ва Унинг Илоҳий Ўзлигига ўхшай олмаймиз, аммо Унинг Отага интилишини, Отага садоқатини ва Унга итоат билан манзур бўлиш учун кўрсатган қатъиятини ўз ҳаётимизда акс эттиришга ҳаракат қилишимиз керак.

Мен масиҳий бўлганимда, масиҳийлик ҳаётида нима энг муҳим дея ҳисобланишини билиб олдим. Мен ибодат ва Муқаддас Китобни ўқиш учун вақт ажратишим кераклигини тушундим. Мен жамоатга қатнаб туришим лозим эди. Тақводор бўлишим учун беодоб гаплардан, ичиш, чекиш ва шунга ўхшаш иллатлардан воз кечишим акс этиб туриши шарт эди. Мен ўшанда Муқаддас Китоб айтадиган солиҳлик аслида анча каттароқ нималарнидир назарда тутишини ўйлаб кўрмаган эканман. Бироқ, кўплаб ёш масиҳийлар каби, айнан шунга алоҳида эътибор қаратдим. Ҳатто шахсий мактубларим ҳам бошқача мазмунга эга бўлди. Улар Янги Аҳд хабарларидан кўчирмаларга ўхшаб қолди. Тез орада кундалик гап-сўзларим масиҳийлик сўз луғатига тўлиб кетди. Мен энди ҳеч кимга ҳеч нимани “ҳикоя қилмасдим”, балки “баҳам кўрардим”. Ҳаётимдаги ҳар бир муваффақият “марҳамат” бўлди ва мен тез фурсатда руҳий ҳаёт ифодаларини бозори чакқон маҳсулотлар атамалари каби кўплаб қўллаётганимни пайқаб қолдим.

Шунингдек, мен тез орада ибодат ва масиҳийлик луғатидан ташқари тақводорнинг ҳаётида яна нимадир бўлиши кераклигини тушундим. Худо мендан янада аҳамиятлироқ ниманидир кутаётганини ҳам тушундим. У менинг имон ва итоатда улғайишимни, шунингдек, энди фақат сут истеъмол қилмай, бошқа таомларга ўтишимни ҳам истайди. Ўзига хос масиҳийлик

луғати масихийлар орасида мулоқотнинг деярли механик воситаси бўлганини ҳам тушундим. Ҳақиқий тақводорликни излашдан кўра, мени турли маданиятларнинг ўзига хос тили ўзига кўпроқ тортаётганини кўрдим.

Мен йўл кўйган хато шундай эди: мен руҳий ҳаётни тақводорлик билан чалкаштириб юборгандим. Ва бу масалада асло ёлғиз эмасдим. Мен воситани мақсад билан аралаштириб кўйган одамлар гуруҳига тушиб қолгандим. Руҳий ҳаёт тақводорликнинг кадри паст ўринбосарига айланиб қолганди.

Узоқ йиллик хизматим мобайнида кўпчилик мендан қандай қилиб янада руҳий ёки янада тақводор бўлиш ҳақида сўрашди. Камдан кам шундай деб сўрашган: “Қай тарзда солиҳ бўлишни менга ўргатинг”. Бироқ нима учун ҳамма янада руҳий бўлишни истайди, деб мен ўзимдан сўрардим. Руҳий ҳаётнинг мақсади нимадан иборат? Тақводорликдан қандай фойда бор?

Руҳий ҳаёт ва тақводорлик бирдан-бир мақсад ҳисобланмайди. Агар улар *фақатгина* янада юқорида мақсадларга эришиш воситаси бўлмаса, амалда ҳар қандай мазмундан холи. Мақсад одамни руҳий ҳаётдан янада олдинроққа – тақводорликка олиб бориши керак.

Тақводорликка эришиш учун айнан руҳий қоидалар зарур ҳисобланади. Муқаддас Китобни ўрганиш, ибодат, жамоатга қатнаш, Хушхабарни ёйиш масихийнинг ўсиши учун жуда зарур, аммо улар бирдан-бир мақсадга айланмаслиги лозим. Мен солиҳликка руҳий ҳаётсиз етиша олмайман. Аммо солиҳликка етишмай туриб, ҳеч бўлмаса ташқи кўринишдан, “руҳий” бўлиш мумкин.

Исо ибодатгўй Эркак эди. Унинг ибодатли ҳаёти қизгин ва мазмунга бой бўлган. У Муқаддас Калом жабҳасида кенг тушунчалар Одами эди. У тўлиқ Худонинг Каломига эга эди. У руҳий эди. Лекин Унинг руҳий ҳаёти чинакам тақводорликда тўлиқ намоён бўлган. Шу боис Унинг руҳий ҳаёти юзаки бўлмаган. Унинг ички ҳаёти ташқи ифодакорликда намоён бўлган ва ифодаи ўлимигача ўзини фидо этиш тарзида кечган.

Бироқ тақводорликнинг ўзи нима? Бу саволга энг оддий жавоб шундай: *тақводорлик Худонинг назарида тўғри бўлган ишларнигина қилишдан иборат*. Бу оддий таъриф биринчи қарашда туюлганидан кўра анча мураккаб, чунки солиҳ бўлиш – Худо даъват этган ишларни қилиш демакдир, чинакам тақводорликнинг талаблари шунчалик улуғ ва кўпки, дунёда ҳеч ким бу мукамалликка етиша олмайди. Акс ҳолда Худонинг барча режаларини бажариш талаб этилган бўларди.

Каломда чинакам тақводорликнинг моҳияти қисқача баён этилган жойи бор. Бу Худо катта микдордаги талабларни чеклаганини ва уларни ҳақиқий тақводорликнинг асосий моҳиятини қамраган бир қанча талабларга жойлаганини билдиради. Келинг, ана шу намуналардан бир қанчасини кўриб чиқайлик.

МИХОНИНГ ТАЪРИФИ

Михо Пайғамбар Китобининг 6-боб 8-оятида азизлар ҳақидаги шундай таърифни топамиз:

Эй инсон, нима яхши эканлигини Эгамиз сенга аён қилди. Шудир Унинг сендан қилган талаби: Адолатли иш тутгин, Меҳр-шафқат қилишдан завқ олгин, Камтар бўлиб, Худонинг йўлидан юргин.

Адолат, раҳм-шафқат ва итоатгўй донолик. Уларга эришиш осон эмас. Худо менинг одил ва раҳм-шафқатли бўлишимни истайди. У итоатгўй азизлар билан мулоқот қилишдан завқланади ва шу боис уларга катта марҳамат беришни ваъда қилган. Бироқ У мағрурликка қаршилик қилади.

Чарльз Колсон Элсберг ишида қатнашгани учун қамоқхонада ўтирган. У Уотергейтс можаросида иштирок этмаган, лекин унинг номи Ричард Никсоннинг қулашига сабаб бўлган эпизод билан боғлиқ бўлган. Колсон бир куни талабалар қаршисида чиқиш қилиш учун университет шаҳарчасига келган. Унинг маърузасини бузишган. Никсонга қарши бўлганлардан бири нотикнинг гапини бўлиб қўйган: “Эй Колсон, сиз нега Никсонни ҳимоя қилиясиз?”

Колсон гапидан тўхтаб, ўша йигитга қараган. Сўнгра жавоб берган: “Чунки у менинг дўстим”.

Аудиторияда қарсақлар янграган. Ёшлар гарчи Уотергейт можаросига ва у билан боғлиқ ҳамма нарсага салбий ёндашсалар ҳам, дўстликка садоқатни муносиб баҳолашган.

Михо раҳм-шафқат ҳақида гапирганида, у “садоқатли севги” маъносини билдирадиган ибронийча сўздан фойдаланади. Бу Худо Ўз болаларига нисбатан ҳис қиладиган севгидир. Бу ҳамма нарсага дош берадиган қатъий севгидир. Бу абадий давом этадиган севги. Худо Ўз фарзандлари қилаётган ишларни маъқулламайди, лекин ҳамиша уларни ҳимоя қилади. Масиҳийларнинг севгиси ана шундай бўлиши керак.

Менинг болаларим севгимга сазовор бўлиш учун уринмасликлари лозим. Улар ҳафсаламни пир қилишлари, ҳаяжонга солишлари ва ҳатто жаҳллантиришлари мумкин, аммо бундай ҳатти-ҳаракатлари уларни севмай қолишимга мажбурлай олмайди. Мен болаларимга ҳамиша ҳам ва ҳамма нарса учун ижозат бера олмайман, лекин уларга доимо ўз севгимни беришим зарур. Севгида садоқатли бўлиш – ҳатто буни эплай олмасак ҳам, Худо бизни севгани каби севиш демақдир.

Садоқат. Раҳм-шафқат. Бу фазилатлар, гуноҳларга қарамай, масиҳийларга олдинга интилишларига изн беради. Дўстликдаги садоқат дўстни кўр-кўрона қабул қилишдан кўра анча каттароқ ниманидир билдиради. У Муқаддас Рух келтирадиган сабр-тоқатни, раҳм-шафқат ва юмшоқликни талаб этади. Масиҳ ҳамиша бизга содиқ бўлгани каби, биз ҳам бир-биримизга содиқ бўлишимиз керак.

ИСОНИНГ ТАЪРИФИ

Исо масиҳийлар ҳаётига тақдим этиладиган талабни оддий тарзда тақдим этган: “Одамлар сизларга нима қилишларини истасангиз, сизлар ҳам уларга ўшани қилинглар” (Луқо 6:31). Биз буни ахлокийликнинг олтин қоидаси деб атаймиз, негаки олтин ҳатто олмос ва ёқутлардан ҳам қимматбаҳо ҳисобланади. Ҳар қандай болакай олтин қоидадан иқтибос

келтириши мумкин, лекин уни кундалик ҳаётининг амалий қисмига айлантириш ҳақиқий қаҳрамонликдир.

Мен майда критицизм (танқидий назар)ни ёқтирмайман. Майда-чуйдаларга ёпишиб олишларига тобим йўқ. Муҳокама қилишни ёқтирадиган одамлар билан келишиб олишим қийин. Бундай одамлар мен ҳақимда нима деб ўйлашларини билмайман, аммо улардан кўп нарсани ўрганишим мумкин. Менга азоб берганларнинг шарофати билан қандай ҳатти-ҳаракатларим бошқаларни жароҳатлаши мумкинлигини биламан. Нимадир менга оғриқ берса, бу одамнинг азобланиши учун ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шу боис мен бу одамлардан бошқаларга қандай ёндашмаслик кераклигини ўрганиб оламан.

Биз танқидга нисбатан марҳамат кўрсатиш ўрнига кўпинча жавоб зарбасини қайтарамиз. Айнан шу ўринда ахлоқийликнинг олтин қондасини қўллаш лозим. Исо ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтариш мумкин эмаслигини айтган. Агар биз бошқа одамлардан қабул қилишни истаганларимизни ўзимиз уларга қиладиган бўлсак, шунчаки раҳм-шафқатни намоён этган бўламиз. Шу боис биз мулоҳазакор ва эҳтиёткор бўлишимиз зарур. Аммо бунинг учун одатий мулоимликдан кўра ортиқроқ нимадир талаб этилади. Биз тўғри бўлган ишларни, Худога манзур бўладиган саъй-ҳаракатларни қилишимиз керак.

Тақводорлик тўғри ҳаётни англатади. У ўзида бошқа одамларга нисбатан тўғри муносабатни акс эттиради. У бу ҳаётда ҳалоллик намоён этилишини билдиради. Тақводор одам – бу ишониш мумкин бўлган одам. Бундай одамнинг ҳалоллиги ташқи самарага қаратилмаган доимий ва амалий бўлади. Тақводор одам – бошқаларга ўргатиб қўйишга интиладиган олий ахлоқли шахс. У солиҳ, аммо буни намоёиш этмайди. У бошқаларнинг ҳис-туйғуларини аяйди. У одамларга тўғри ёндашишни истайди, негаки унда бизни севадиган Худога манзур бўлишдек олий мақсад бор.

ЁҚУБНИНГ ТАЪРИФИ

Ёқуб мактубининг муаллифи, хойнаҳой, Исонинг қондош укаси бўлса керак. Илк жамоат даврида уни Тақводор Ёқуб деб аташган. Унинг ҳақиқий тақводорликка берган таърифи кутилмаганда айтилгандек туюлиши мумкин:

Отамиз Худонинг назарида пок ва безубор дин-диёнатга эга бўлган инсон етим-есиру беваларни қайғули кунларида йўқлаб боради, у бу дунё дастидан булганмайди (Ёқуб 1:27).

Ҳақиқий тақводорлик етимлар ва бевалар ҳақида ғамхўрлик қилишда акс этади. Хўш, Ёқуб нега бу ҳақда гапирган? У асл тақводорлик *одамларга қаратилганини* тушунган. Агар биз одамларга ғамхўрлик қилмасак, ибодатларимиз беҳуда бўлиб қолади. Қадимги дунёда етимлар ва бевалар амалда ҳимоясиз бўлишган. Уларнинг пуллари бўлмаган, ҳеч қандай ҳуқуқлари йўқ эди, боз устига, уларга қалбан ёлғиз қолиш хавфи таҳдид солган.

Бизда етимларга ва беваларга моддий ёрдам кўрсатишга қаратилган давлат дастурлари ишлаб чиқилган. Уларнинг ўз қонуний ҳуқуқлари бор.

Аммо барибир уларнинг ахволига ҳавас қилиб бўлмайди. Улар, барча ёлғиз ва ҳимоясиз одамлар каби, ғамхўрлик ва севгига муҳтож. Ижтимоий институтлар ўзгариши мумкин, лекин эҳтиёжмандларнинг талаби ўша ҳолатда қолаверади. Азоб-уқубатларсиз тақводорлик иккиюзлама ёлғонга айланади. У ахлоқийликнинг олтин қоидаси олтинини занглаштириб қўяди.

Биз олтин қоидага бўйсунганимизда, бизни севадиган Худога манзур бўлишимиз мумкин. Биз адолатли ва меҳрибон бўлишга интиганимизда, амалда содиқ севгини намоён этганимизда Унга манзур бўлишимиз мумкин. Биз унутилган ва ҳўрланганлар сари борганимизда Унга манзур бўлишимиз мумкин. Бизга Калом берган солихлик ҳаётининг бундай қоидалари ичиш, чекиш ва ҳақорат қилишни таъқиқлашга олиб борадиган “руҳий” ҳаётдан кўра анча каттароқ қийматга эга.

Тақводорликнинг ўзи аниқ қоидаларга эга, лекин тақводорликнинг ўзи – қоидалардан анча устун туради. Агар биз одамларга бўлган муносабатимиз ҳақида ўйламай туриб уларни бажаришга интилсак, солихликка етиша олмаймиз. Муқаддас Каломда келтириб ўтилган барча қонунларни Худонинг Ўзи берган, негаки У одамлар ҳақида ғамхўрлик қилади.

Солих бўлишимиз учун бизга қоидалар зарур, лекин бу қоидалар ҳақиқий бўлиши керак. Улар Худо назарида тўғри бўлиши керак. Худо бизга тақдим этадиган талаблар ўрнини эгаллайдиган нарсалардан қаноатланмаслигимиз лозим. Худонинг Каломида Худога солих ҳаёт билан қай тарзда манзур бўлиш ҳақидаги барча зарурий қоидаларни топамиз. Биз йўналишини йўқотган ашаддий фанатикларга айланмасдан, Худонинг асл фарзандлари бўлган ҳолда бу қоидаларни бажарамиз.

УЧИНЧИ БОБ ФАРЗИЙЛАРНИНГ ХАМИРТУРУШИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГЛАР

“Эҳтиёт бўлинг!” Анчайин даҳшатли янграйди. Цезарь ҳам кунлардан бирида томирларидаги қонни музлатиб қўйган огоҳлантиришни эшитган: “Март ойининг Ид кунидан эҳтиёт бўл!”.

“Эҳтиёт бўлинг! Ҳовлида қопағон ит бор!” Бундай огоҳлантирув ўғрини уй дарвозаси олдида тўхтаб, ўйлантириб қўйиши учун етарли. “Эҳтиёт бўлинг” сўзларини бизга қандайдир хавф таҳдид қилиши мумкин бўлган жойларда тез-тез учратиш мумкин.

Исо бу сўзлардан Ўз издошларини даҳшатли хавф-хатардан огоҳлантириш учун фойдаланган. “Фарзийларнинг хамиртурушидан, яъни уларнинг иккиюзламачилигидан эҳтиёт бўлинглар!” (Луқо 12:1). Исо эҳтиёткорлик кўрсатишга даъват этиб, Жамоатга кўрсатма берган. Бу хамиртуруш у ҳақда шубҳа қилмайдиган одамларни заҳарлаши мумкин. У руҳият либосига ўраниб, ўлдириш учун келадиган худди оч йиртқичлар каби қўй терисини ёпинган бўрилар ҳақида гапирган.

Бу хавфли хамиртуруш аста-секинлик билан ўлдиради. У майда-майда бўлиб қуюлади, аммо муқаррар ўлдиради. “Наҳотки озгина хамиртуруш бутун ҳамирни ачитишини билмасангизлар?” (1 Коринф 5:6).

Исонинг сўзлари бутун масиҳийлик ҳаётига зарар етказиши мумкин бўлган юқумли касалликдан огоҳлантиради. Ҳаммаси оз-оздан бошланади. Бу огоҳлантирув бошқа даҳшатли огоҳлантирувлар билан мувофиқ келади. Исо айтган: “Агар сизларнинг солиҳлигингиз Таврот тафсирчилари ва фарзийларнинг солиҳлигидан устун келмаса, сизлар ҳеч қачон Осмон Шохлигига киролмайсизлар” (Матто 5:20).

Агар биз ҳовлидаги қопагон ит ҳақидаги огоҳлантиришга эътибор бермасак, нисбатан анча осон қутулишимиз ҳам мумкин. Саёз фикрлашимизнинг оқибати фақат йиртилган шимлар бўлиши мумкин. Бироқ Исо бироз қон йўқотиш ва шимга ямоқ солишдан кўра жиддийроқ оқибатлар ҳақида огоҳлантиради. Мен Осмон Шохлигини йўқотиб қўйишни назарда тутяпман.

Хўш, фарзийларнинг бу даҳшатли хамиртуруши нима ўзи? Бу хамиртуруш – *иккиюзламачилик*. Бу сохта тақводорликнинг хамиртуруши. Бу солиҳлик ниқоби остига яширинган, ҳақиқий тақводорликнинг қалбакиси бўлган ёлгон ва айёрлик хамиртурушидир.

“Агар солиҳлигингиз... *устун келмаса...*”. Исо бизнинг солиҳлигимиз Таврот тафсирчилари ва фарзийларнинг солиҳлигидан устун бўлиши ҳақида огоҳлантиради, акс ҳолда биз Шохликка туша олмаймиз.

Бу огоҳлантириш кўпинча инкор қилинади. Замонавий масиҳий атрофида ҳеч қандай аниқ хавф-хатар кўрмай, уни осонгина унутиб қўяди. Охир-оқибат, нимадан ташвиш тортишимиз керак? Биз фарзийлар киёфасида Масиҳни ўлдириш мақсадида фитна тузган хоинларни, бузуқи ва бетайин одамларни кўрамыз, холос. Хўш, кўрқинчли нима бўлиши мумкин? Ҳойнаҳой, Исонинг энг катта душманларидан тақводорликда ўзиб кетиш унчалик оғир вазифа бўлмаса керак. Фарзийлар биз учун порахўрлик (коррупция) тимсолига айланишган. Биринчи қарашда энг заиф масиҳий ҳам тақводорликда фарзийлардан осонгина ўзиб кетиши ва Исонинг огоҳлантирувига қийинчиликсиз жавоб қайтариши мумкиндек бўлиб туюлади. Биз айтишимиз мумкин: “Биз хавотир оладиган ҳеч нима йўқ. Биз масиҳийлар тариқасида имон билан оқланганмиз. Биз имон бўйича Масиҳнинг солиҳлигини қабул қиламиз. Ахир, Масиҳнинг солиҳлиги фарзийларнинг солиҳлигидан устун-ку. Агар бизда Масиҳнинг тақводорлиги бор экан, нимадан ҳам ташвиш тортамыз?”

Бироқ бу жавоб эмас. Ҳа, агар биз Масиҳда ҳақиқий имонлилар бўлсак, Унинг солиҳлигига эга бўламиз. Биз Худо олдида оқланганмиз. Худонинг Шохлиги бизга тегишли. Масиҳнинг солиҳлигига кимки эга бўлса, Худо Шохлигига кириши ҳақидаги далилдан кўра ишончлироқ ҳеч нима йўқ. Биздан Исо Масиҳнинг солиҳлигидан бошқа ҳеч нима талаб этилмайди. Масиҳий имонда сақлаган солиҳликдан ҳеч нима ўзиб кетолмайди. Шу маънода, ушбу мадҳия муаллифи мутлақо ҳақ: “Менга керак ҳамма-ҳаммаси – бу Сенсан”.

Бу осон жавоб. Аммо савол қолади: Масиҳнинг нажоткор солиҳлигига чиндан ҳам эга эканлигимни қандай билишим мумкин? Ҳақиқий қадр-қийматга эгаман деб ҳисоблаганим ҳолда, аслида қадр-қийматим сохта

бўлиб, алданиб қолмадимми? Одамнинг Масихга гўёки имон келтиргани ҳақидаги далил нажоткор имон берилганини асло қафолатламайди, чунки имон-эътиқодимиз борлигини унинг маҳсули билан исботлаймиз. Худо Масихни чинакамига улуғлайдиганлардан мамнун бўлишини биламиз. Биз қувонч билан ўз имонларини таъкидлайдиган, аммо Унга бутун ҳаётини бағишлашни талаб этадиган садоқатдан қочадиган одамларни Худога манзур бўлмайди деб ишонамиз. Исонинг қўрқинчли огоҳлантириши айнан ана шундан иборат.

ОГОҲЛАНТИРИШ ВА ИТ

Уйи дарвозасига ҳовлисида қопағон ит борлиги ҳақида огоҳлантирувни илиб қўядиган, аслида ити бўлмаган одамлар бор. Бундай огоҳлантирувлар замирида ҳеч қандай асос йўқ. Исонинг жиддий сўзлари ўзи муносиб бўлмаган унвонни ўзлаштириб олган одамлар ҳақида. Бу огоҳлантирув тақводорлиги қалбаки бўлган хавфли одамлар ҳақидадир.

Қачондир бир маҳаллий газетада эгалари дам олишга кетган кимсасиз уйни излаган ўғри ҳақидаги ҳикояни чоп этишганди. У бир куни шундай уйни топиб, хонадон эгалари машинага юкларини ортиб жўнаб кетишларини узоқ кузатиб турган. Ўғри қоронғи тушгач, эшик олдида келиб қўнғироқни босган. Жавоб бўлмаган. Ўғри мос келадиган калитни топиб, эшикни очиб кирган. У қоронғулик ичида қичқирган: “Эй, уйда бирор киши борми?” У қўрқувдан жойида музлаб қолган, чунки шундай овозни эшитганди: “Мен сени кўряпман ва Исо ҳам сени кўряпти”. Қўрқувга тушган ўғри қичқириб юборган: “Бу ерда ким бор?” Ва яна ўша овоз янграган: “Мен сени кўряпман ва Исо ҳам сени кўряпти”. Ўғри қўлчирикни ёқиб, овоз келган томонга йўналтирган. У қўлчирик ёғдуси такрор-такрор шу сўзларни айтаётган қафасдаги тўтини кўриб енгил тин олган: “Мен сени кўряпман ва Исо ҳам сени кўряпти”. Ўғри баланд овозда кулиб, хона чироғини ёққан. У фақат ана шундагина бошқа нарсаларни ҳам кўрган. Тўтининг қафаси остидаги полда йирик доberman-пинчер ётган экан. Тўти ана шунда қичқирган: “Уни ушла, Исо!”

Исода энг ажойиб доberman бор. Унинг тишлаши ҳуришидан кўра жиддийроқ. Исо чиндан ҳам солиҳ бўлгани учун Унинг издошлари ҳам шундай бўлишлари керак. Қопағон итнинг борлиги ҳақидаги огоҳлантирув ҳақиқий хавфдан огоҳлантиради. Бу сўзлар амалда тасдиқланган. Ит бу ҳолатда мавжуд ва у огоҳлантирувни мутлақо ҳақиқий қилади.

“Эҳтиёт бўлинг, ҳовлида қопағон ит бор!” – бундай огоҳлантирув асосли, агар хавфли кўппак бўлса, албатта. “Биз, масихийлар, Худонинг фарзандларимиз ва Масихнинг солиҳлигига эгамиз” – бундай эълон асосли, агар биз Унинг солиҳлигига чиндан ҳам интилсак, албатта. Чинакам солиҳликка, унинг фақат кўринишига эмас.

Тақводорлигимиз маҳсули Таврот тафсирчилари ва фарзийлар тақводорлигининг ташқи сохта жилвақорлигидан ўзиши керак. Биринчи қарашда фарзийлар ўз солиҳлигида юқори марраларга етишгандек бўлиб туюлади. Аммо уларнинг тақводорлиги юзаки бўлган. Бу яхшиликни кўз-кўз

қилиш бўлган. У қўплаб одамларни чалғитган, лекин энг қайғулиси шуки, фарзийлар ўз иккиюзламачиликлари билан ўзларини алдашган. Улар ўзларида ҳаммаси ҳақиқий эканига ўзларини ишонтиришган. “Бизнинг отамиз Иброҳимдир” – дейишган (Юҳанно 8:39). Улар Мусонинг қонунларини бажараётганларини таъкидлашган. Улар Шохликда яшаётганларига ишонишган. Бироқ улар Худога манзур бўла олишмаган, негаки У айёрликдан нафратланади.

Келинг, фарзийларни кеккайтирган ўша тақводорликни кўриб чиқайлик. Фарзийлик – Исроилда ислохотлар учун курашган пуританлар ҳаракати эканидан бошлай қолайлик. Қадимги Аҳдда фарзийлар бўлмаган. Улар Қадимги ва Янги Аҳд ўрталаридаги даврда пайдо бўлишган. Бу одамлар гуруҳи Исроил халқи ҳаётига мажусийлар ҳужумидан ташвишга тушган жамият қатламининг кайфиятини акс эттирган.

Исроил парчалана бошлади. Яхудийлар Худо уларнинг оталари билан тузган Худога садоқат ва итоат аҳдидан юз ўгира бошладилар. Бундай одамлар фарзийлар деб аталди, чунки бу сўз “бўлинганлар” маъносини англатарди. Бу одамлар мажусийликнинг қўшилишига мойил бўлганлардан ўзларини ажратишди. Улар ўзларини тақводорликка сари жон-жаҳд билан интилиш учун бағишладилар. Улар Худога бўйсунушга интилишларида деярли мутаассиблар эди. Уларнинг тақводор бўлиш истаклари тасодифий ёки юзаки эмасди. Улар чиндан ҳам Худога манзур бўлиш учун ҳамма ишни қилдилар.

Фарзийлик ҳаракатининг мақсади олижаноб бўлган. Бироқ улар тез орада ўз-ўзича тақводорликдан келиб чиқадиган солиҳликнинг ташқи шаклига диққатларини қаратишди. Улар ўзларининг хайрли ишларига тобора ишониб боришди ва Нажоткор келганида нафақат нажотга бўлган имкониятларини бой беришди, балки Унга қарши фитна ҳам уюштиришди. Уларнинг қалтис хатоси ўзларига Масиҳнинг керак эмаслиги ҳақида чиқарган қарорлари эди. Улар Худо одамларга юборган Покловчини қабул қилмай туриб, Худога манзур бўлиш ҳақида ўйладилар.

Фарзийлар Исо даврида қанақа эдилар? Мана, фарзийларнинг биринчи асрдаги фарқли хусусиятлари ҳақида қисқача баён.

ФАРЗИЙЛАР ХУШХАБАРЧИЛАР БЎЛИШГАН

Исо фарзийларга айтган: “Ҳолингизга вой, эй тафсирчилар ва фарзийлар! Сизлар иккиюзламачисизлар! Ахир, сизлар ҳеч бўлмаса бир кишини динингизга киритиш учун денгизу қуруқликни кезиб чиқасизлар. Ниятингизга эришганингизда эса, уни ўзингиздан беш баттар дўзахи одам қиласизлар” (Матто 23:15).

Биттагина одамини имонга киритиш учун денгиз ва қуруқликларни кечиб ўтишга тайёр Хушхабарчи одамларнинг ғайрат-шижоатини бир тасаввур қилинг-а. Бу олий мақомдаги миссионерлик шиддатидир.

Мен саёҳат қилишни ёмон кўраман. Худо менинг хизматимни кадрдон шаҳрим яқинидаги жойлар билан чеклаб қўйишини жуда истайман. Аммо ўз ишимни бажарган ҳолда, улкан масофаларни босиб ўтишимга тўғри келади.

Бироқ мени ваъз айтишим учун таклиф этишганида, одатда аудиториянинг тахминий ҳажмини аниқлаб оламан. Шу боис кимгадир ваъз айтиш учун ҳеч қачон Қўшма Штатлар чегарасини кесиб ўтмаганман. Шу маънода ўзимни фарзийлар билан таққосласам уялиб кетаман. Улар Хушхабарчилар бўлишган. Биз масиҳийлар учун бу ҳолат маломатли. Бироқ Исо уларни дўзах хабарчилари деб атаган.

Аммо огоҳлантирув аниқ билдирилган. Гарчи масиҳийлар хушхабарчилар ва миссионерлар бўлишга даъват этилган бўлсалар ҳам, бу амрнинг бирини бажариш бизнинг фарзийлар солиҳлигидан ўтиб кетишимизни кафолатламайди. Агар биз хушхабарчиликка ва миссионерликка фарзийлар каби интилишимизни намоён этмасак, бу ҳолат бизни ташвишлантириши керак, аммо биз ҳаттоки шижоатли бўлсак ҳам, бу эътиқодимизнинг ҳақиқий эканлигини ўз-ўзидан исботлай олмайди.

ФАРЗИЙЛАР УШР БЕРИШГАН

Исо бир пайтлар фарзийлар қурбонлик ҳақидаги амрни астойдил бажараётганларини тан олганди. Улар ҳамиша ушр беришади. Исо бу ҳақда шундай деган:

Ҳолингизга вой, эй тафсирчилар ва фарзийлар! Сизлар иккиюзламачисизлар! Сизлар ялпиз, шивит ва зирадан ушр берасизлар, аммо қонуннинг адолат, шафқат ва имон каби энг муҳим таълимотларини писанд қилмайсизлар. Буларнинг барини бажара туриб, иккинчисини ҳам ташлаб қўймаслигингиз керак эди (Матто 23:23).

Фарзийлар тузукка тушиб қолишди – улар майда-чуйдаларга ботиб қолишди. Улар учун ташқи ҳолат устун аҳамиятга эга бўлди. Улар муҳимроқ нарсаларда содиқ бўлишга лаёқатсизликларини ниқоблаш учун майда масалаларни юқори ўрингача кўтаришди. Аммо, ҳеч бўлмаганда ҳам, ушр бериб туришди.

Исроилда ушр одатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ёки чорва моллари билан тўланган. Биринчи ҳосил ва энг яхши мевалар Худога қайтарилган. Исонинг сўзларидан кўриниб турибдики, фарзийлар ҳатто ялпиз, шивит ва зирадан ушр бериб, ушр ҳақидаги амрни астойдил бажаришган. Бундай нозиклик кўчада ўн тийинлик танга топиб олиб, Худога албатта бир тийинни қайтарадиган, берадиган ушри билан аниқ ҳисоб-китоб юритадиган замонавий одамни эслатиб юборади.

Биз фарзийлардан ушрга нисбатан анчагина муносабатларни ўрганишимиз мумкин. Сўнгги тадқиқотларнинг кўрсатишича, жамоатларда Хушхабар масиҳийларининг фақат 4 фоиз аъзолари ушр беришар экан. Агар бу тадқиқотлар тўғри бўлса, демак, Хушхабар масиҳийларининг 96 фоизи мунтазам равишда Худони талон-тарож қилишади. Бу жабҳада бизнинг тақводорлигимиз фарзийларникидан анча орқада қолади. Ўтироз билдириб айтишимиз мумкин: “Аммо биз муҳимроқ нарсаларга диққатимизни қаратамиз. Ўхтимол, биз ушрни бермаётгандирмиз, лекин адолат ва раҳм-шафқат масаласида бефарқ эмасмиз”.

Аммо бу эътирозларнинг аксарият қисми асоссиз. Биз каттароқ ишларда улғайишдан аввал кичик масалаларда садоқатли бўлишга даъват этилганмиз. Ҳатто катта ишларда содиқ бўлиб, сўнгра ушр каби кичик масалаларни бой бериб қўйсак, бизни оқлаб бўлмайди, негаки биз Худодан ўғирлаяпмиз.

Бошқа томонлама, агар биз ушр берадиган одамларнинг кичик гуруҳига тегишли бўлсак ҳам, мақтанадиган ҳеч нимамиз йўқ. Биз шунчаки қилишимиз шарт бўлган ишни бажаряпмиз. Ушр ўз-ўзидан катта вазифа ҳисобланмайди, лекин фарзийлар бу бурчни астойдил равишда бажаришган.

Биз нафақат фарзийларнинг ҳамиртурушидан, балки улар устидан чиқариладиган ўта каттиқ ҳукмдан ҳам эҳтиёт бўлишимиз кераклигини қайд этишимга изн беринг. Улар тақводорлик масаласида Худога манзур бўлиш учун кичик (ва кўринарли) ишларга катта эътибор қаратишди, ҳолбуки бу кичик ишларга етарлича баҳо беришни биз унчалик истамаймиз. Аммо биз кичик ишларга ҳам, катта ишларга ҳам менсимасдан қараб гуноҳ қиламиз. Агар биз ҳаммага илтифотсизлик қилсак, Худога фарзийлардан кўра кўпроқ манзур бўла олмаймиз.

ФАРЗИЙЛАР ИБОДАТГҲЎЙ ЭРКАКЛАР БЎЛИШГАН

Исо фарзийларнинг қандай ибодат қилишлари ҳақида айтиб берган. Улар омма олдида ўз тақводорликларини кўз-қилишни ёқтирганлар. Улар нуфузли ўринларни эгаллаб, улуғвор ибодатлар қилишган. Улар Довуднинг Худо билан ибодатли ҳаётини ифода этадиган каттиқ кураши ҳақида ҳеч нима билишмаган. Агар Довуднинг ёстиғи кўз ёшларидан намиқиб кетган бўлса, фарзийларнинг ёстиғи қуп-қуруқ эди. Уларда ибодат хоналари бўлмаган, чунки улардан ҳеч қайси ўзида одамлар гуруҳини тўплай олмади.

Фарзийларнинг тақводорлиги юзаки эди. Уларни фермер ва ёғоч оёқли чўчка ҳақидаги воқеа билан таққослаш мумкин:

Якшанба куни эр ва хотин жамоатдан қайтиб, тушлик қилишди. Улар тушликдан сўнг айланиб келиш учун машинада шаҳардан чиқишди. Эр-хотин диққатини йўлнинг ёнгинасида ўтлаб юрган ёғоч оёқли чўчка ўзига тортди.

– Сен бунга бир қарагин-а! – деди эр хотинига. – Ёғоч оёқли чўчка!

Эркак бу ердаги фермернинг чўлок чўчкага ёғоч оёқ қўйиб, ғамхўрлик қилганидан ҳаяжонга тушганди. У фермернинг уйида тўхтаб, чўчкага сунъий оёқ қўйишга сабаб бўлган ҳолатни сўрамоқчи бўлди. У фермернинг уйи эшигини тақиллатиб, ичкарига кирди ва ўзини таништирди.

– Узр, сизни безовта қилдим, жаноб, аммо мени сунъий оёқли чўчка жуда қизиқтириб қолди. Бу қандай бўлганини айтиб беролмайсизми?

– Ҳа, албатта, - деди фермер. - Бундан бир неча ой аввал мени кўргани олдимга набираларим келишганди. Улар бир куни тушликдан сўнг ҳўкиз ўтлаётган яйловга боришган. Ҳўкиз уларга ғазаб билан

ташланган. Хавфни сезган чўчка болалар ва хўкиз ўртасига тушиб, жаҳлдор ҳайвонни ҳайдаб юборган. Бу чўчка набираларим ҳаётини сақлаб қолди. Эртаси куни эса набираларимдан бири фермадаги кўлга тушиб кетиб, чўка бошлаган. Чўчка кўлга сакраб тушиб, уни кутқариб қолган.

– Хуллас, - гапида давом этган фермер, - бу чўчка биз учун оиламизнинг деярли аъзосига айланди. Шу боис унга ёғоч оёқ қилдим. Ахир, уни бирданига бутунлай еб юборишга ўзимни мажбурлай олмайман.

Меҳрибон фермер ўз ғамхўрлигини шу тарзда намоён этган. У қахрамон чўчкага *ўта* фидойи эмасди, лекин атрофдагилар назарида олижаноб одам бўлиб *қўринишини* истаган. Ёғоч оёқ ташқи кузатувчилар учун фермернинг ғамхўрлигини акс эттирган, лекин ўтган-қайтган одамлар бутун воқеа ҳақида билишмаган. Унинг чўчкага бўлган ғамхўрлиги фарзийларнинг ибодатга бўлган аниқ севгилари каби чуқур эди. Аммо шундай бўлсада, фарзийлар ибодат қилишган. Улар ибодатларини беҳуда такрорий сўзларга қалаштириб ташлашган, аммо ибодат қилишган. Улардан айримларининг ибодатгўй ҳаёти шунчалик курукки, ҳатто ибодат ишоралари учун жой йўқ. Хуллас, биз Худони нафақат сохта ибодатларимиз билан, балки ибодат қилишга умуман лаёқатсизлигимиз билан ҳам таҳқирлаймиз.

ФАРЗИЙЛАР МУҚАДДАС КАЛОМНИ ЎҚИШГАН

Исо фарзийларга шундай сўзлар билан таъна қилган: “Сизлар Муқаддас битикларни текширасизлар, чунки улар орқали абадий ҳаётга эга бўламиз, деб ўйлайсизлар” (Юҳанно 5:39). Фарзийлар илоҳиёт борасида дурустгина тайёргарликка эга бўлишган. Улар Каломдан, Янги Аҳддан оятларни иқтибос келтиришлари мумкин эди. (Улар якшанба мактаблари мураббийлари учун ўта қадрли бўлган “Иккита қилич билан кураш” викторинасида ғолиб бўлишлари мумкин эди!) Бироқ улар Худо Каломининг қалби ва юрагини бой беришганди.

Аммо улар Каломни тадқиқ этишга интилишган. Кўплаб масиҳийлар Муқаддас Китобни умуман ўқишмайди. Уларда Каломни қачондир ўқишга бўлган яхши ниятлар бор, лекин ҳамиша бу мақсадларини четга суриб кўйверишади. Илоҳиёт борасида саволлар туғилганида, улар битта оятни у ерда, бошқа оятни бу ерда айтишлари мумкин, аммо жуда камчилиги Каломни жиддий ва ғайрат билан *тадқиқ этишади*. Биз Муқаддас Китобни ўрганиш машғулотларига қатнаймиз, нозик баҳсларда иштирок этамиз ва мазали егуликлар ташкил этамиз. Муқаддас Китобни ўрганиш машғулотларида кўпинча Каломни тадқиқ этишдан бошқа истаган ишимиз билан шуғулланамиз, аммо барибир тадқиқ этишга келганда, машғулотларимиз сифатини *юзаки* сўзи билан баҳолаш мумкин.

Исо Худонинг Каломини севган. Калом Унинг егулик-ичимлиги бўлган. У Ўз шогирдларини Каломни астойдил тадқиқ этувчилар бўлишларига даъват этган. Бироқ У Муқаддас Китоб билимларини

ўзлаштириб олишдан кўра кўпроғини талаб этган. Бизда Муқаддас Китобнинг соғлом доктринаси бўлиши керак, лекин ҳатто бу ҳам етарли эмас. Худога манзур бўлиши мумкин тақводорлик – тингловчиларнинг эмас, балки Унинг Каломини бажарувчиларнинг солиҳлигидир.

Хушxabарчилик, ушр, ибодатлар, Муқаддас Китобни тадқиқ этиш – бу тафсирчилар ва фарзийларнинг кўплаб кўринишдаги жиддий фаолиятдан айримлари, холос. Улар барча бу жабҳаларда муваффақиятга эришганлар. Аммо уларнинг барча фаолликлари юзаки бўлган. Улар иккиюзламачилар эди. Улар тақводорликнинг ташқи белгиларига амал қилишган, бироқ қалблари Худодан узоқда бўлган. Улар қонун ҳарфини ўрганишган, лекин унинг руҳини ўлдиришган.

Калом бизни огоҳлантиради: инсон ташқи кўринишига қарайди, Худо эса – қалбга (1 Шохлар 16:7). Бу Худони қонуннинг ҳарфлари эмас, балки унинг руҳи қизиқтиради дегани эмас. Биз қалбнинг ҳароратига таяниб, ташқи итоаткорликни оқлашимиз мумкин эмас. Худога манзур бўладиган масиҳийлик ҳаёти шундайки, у ички ва ташқи кўринишда ҳам ўзини акс эттиради. Ҳақиқий тақводорлик руҳга ҳам, ҳарфга ҳам итоатгўй. Фақат шундай солиҳликкина тафсирчилар ва фарзийларнинг солиҳлигидан ўзиши мумкин. Биз ана шундай солиҳликка даъват этилганмиз.

ТЎРТИНЧИ БОБ ДУНЁ БИЛАН КУРАШ

Мартин Лютер масиҳийлар олиб бориши керак бўлган курашнинг учта жабҳаси ҳақида гапирган. Масиҳий дунё, тана ва шайтон билан курашишга ҳукм этилган. Улар жуда даҳшатли душманлар. Уларнинг уруш олиб бориш усуллари ғирромликдан иборат. Улар масиҳийларга бор кучлари билан ташланишади. Уларнинг тактикаси – айёрлик ва ёлғон. Шайтон тубан ишлар жабҳасида мутахассис. Тана эса одамнинг руҳини бузадиган ички душман, кўпоровчи (диверсант) ҳисобланади.

Биз одил Худога манзур бўлиб яшашга интилиб, бу душманлар билан доимо курашамиз. Покланишимиз жараёнининг бир қисми курашдир ва – агар биз чиндан ҳам ўсадиган бўлсак – бу душманлар устидан ғалаба ҳам қозониб турамиз. Ҳар бир ҳақиқий имонлига бу даҳшатли рақиблар устидан ғалаба қозониш қанчалик қийинлиги маълум.

Биз мазкур бобда бу учта душманлардан биринчисини – дунёни тадқиқ этамиз. Бу оламнинг руҳи, тубанликка ботган ижод қадриятларининг тизими тана ва шайтон тизимидан фарқ қилиши мумкин, аммо улардан ажралиб чиқмаган. Тана тубан дунёнинг бир қисми ҳисобланади, шайтон эса бу оламнинг ҳукмронидир.

Биз шу дунёда яшаймиз, шу дунёнинг бир қисми ҳисобланамиз ва қайсидир даражада ўзимиз ҳам шу оламнинг маҳсулотимиз. Дунё курашимиз майдонига айланади. Уруш Европа ёки Тинч океани сарҳадлари билан чекланиб қолмайди. Дунё сиз билан бизнинг уйимиз ҳамдир. Биз яшайдиган ва ҳаракат қиладиган жойимизда жангга киришамиз. Бизнинг урушда қуролсизлантирилган ёки бетараф ҳудуд йўқ. Бутун сайёра кураш майдони

Примечание [01]:

ҳисобланади. Барча яратилган жонзотлар покланишни кутиб, биргаликда азобли инграйдилар.

Биз тиш-тирноқлар, сўйлоктишлар билан етказилган жароҳатдан қон томадиган оламда яшаймиз. Биз бўри кўзичоқ билан бирга ётадиган, болалар илонлар билан ўйнайдиган янги дунёни кутамиз. Аммо ҳозирги пайтда бўриларни қўйларимизни боқиш учун таклиф эта олмаймиз.

Мен илк бора Флоридага келганимда, заҳарли илонлар ўзида қандай хавфни акс эттиришини билиб олдим. Бизнинг ўлкаларда шақилдоқ илон ва бу турнинг бошқа заҳарли вакиллари яшарди. Мен кўпинча орқа ҳовлида ўйнайдиган невараларимдан хавотирда эдим. Деворим бўйлаб пакана пальмалар, узун ва қалин ўтлар ўсганди. Мен бу заҳарли судралувчилар пайдо бўлмаслиги учун ўша ҳудудни тозалашга қарор қилдим.

Мен бу чакалакзорни тозалашни бошлаганимда, пакана пальмалар остида қандайдир тезкор ҳаракат диққатимни тортди. Сўнгра уни кўриб, махлиё бўлгандек қотиб қолдим. У ажойиб эди: нозик, латиф, қора, сарик ва қизил рангларда тиниқ ва аниқ ҳалқалари чизилгандек гўё. Илон тез ва овозсиз мендан нарига судралиб кетди, у биринчи қарашда умуман беозорга ўхшарди. У худди тирик маржондек, чиройли безакдек бўлиб кўринар ва ҳар қандай қизиқувчан болақайнинг диққатини ўзига тортиши аниқ эди. Бу Шимолий Америкадаги энг чиройли ва энг заҳарли қизил илон эди. Мен бир лаҳзадаёқ ҳушимни йиғиб, уни шу ернинг ўзида ўлдирдим.

Мен ўлдирилган илонни банкага солиб уйга олиб бордим. Уйда уни болаларга кўрсатиб, қандай хавфли эканлигини тушунтирдим.

Дунё ҳар турли илонларга тўла. Одам Ато ва Момо Ҳавони алдаган илон ханузгача бу дунёда кўплаб турларга эга. Бу маҳлуқларнинг заҳри ва ёвузлиги бутун боғимизни заҳарлаши мумкин. Дунё чиндан ҳам ҳамма нарсани еб юборадиган аждарҳолар яшайдиган жой ҳисобланади.

БУ ДУНЁНИНГ ВАСВАСАСИ

Бу дунё ўзига жалб этади. У диққатимизни бутунлай эгаллаб олишга ва барча садоқатимизни унга беришимизга мажбурлашга интилади. У жуда яқин, у кўриниб туради, ўта жозибакор. Дунё ўзини осмон билан беркитади. Кўриниб турадиган нарсалари бор кучи билан диққатимизни ўзига тортишга уринади. Кўринадиган нарсалар Яратувчиси ва Ҳукмдори Худо бўлган янада гўзалроқ мамлакатга қарамаслигимиз учун кўзларимизни ўзига жалб этади. Кўринадиган нарсалар бизга ёқади ва биз вақтимизнинг катта қисмини, афсуски, кўринадиган дунёга ёқиш учун сарфлаб яшаймиз. Ихтилоф шундан келиб чиқади, чунки дунёга ёққан нарса Худога камдан-кам манзур бўлиши мумкин.

Биз Худодан шундай даъват олганмиз: “Бу дунёга мослашманглар” (Римликлар 12:2). Бироқ дунё биз барча масалаларда унинг фаол шериклари бўлишимизни истади. Бизни унинг ҳаёти ва ишларида тўлиқ иштирок этишимизга ундайди. Дунё босим ўтказади ва бизни унда иштирок этишга мажбурлайди.

Ўсмирлик чоғимизда ҳис қилган хавотирни эслайсизми? Ўзимизга бўлган ҳурматимиз, ўзимизга берадиган баҳомиз биргина сеҳрли сўз – *машҳурлик* – билан ўлчанарди. Питтсбург шаҳридаги дўконга туфли сотиб олиш учун борганим ёдимда. Ўшанда олтинчи синфда ўқирдим. Онам мени оёқ кийимлари бўлимига олиб борганида туфлиларни кўрсатаётган сотувчи ўқишларим ҳақида сўради. Беихтиёр бидирлаб юбордим: “Мен синфдаги энг таниқли ўқувчиман!”

Онам даҳшатга тушганди. У менга камтарлик ҳақида насиҳат қилди. У бундай мақтанчоқлик энг паст хусусият эканини тушунтирди. Лекин бу мен учун муҳим эмасди. Мен учун сўзларим амалга мувофиқ келиши муҳим эди. Мен синфдаги энг таниқли ўқувчи бўлиш ҳақида ўйлашни жуда хуш кўрардим. Бу масала олтинчи синф ўқувчисининг ақли учун энг асосийси эди. Албатта, ота-онам мени севишларини, опам мен билан фахрланишини хоҳлардим, аммо ҳаётимнинг мақсади машҳурлик эди.

Аммо машҳурлик учун тўлов қилиш керак. Буни назарда тутишимга тўғри келди. Мен мувофиқ келадиган тўпламга “эга” бўлишим зарур эди. Мувофиқ тарзда кийиниш, мувофиқ тарзда сочларни текислашни ўрганиш, оммабоп кўшиқларнинг сўзларини билишим керак эди. Жасоратимни исботлаш учун муайян маросимларни бажаришим шарт. Мен чорловни қабул қилишни ўрганишим керак. Синфхонадан журнални ёки дўкондан шоколадни “олиб чиқиш”ни уддалашим ва мени қўлга тушира олмасликларини исботлашим зарур эди. Ўқитувчиларни вазмин ҳолатидан чиқариб юборадиган ҳазилларни ўйлаб топишим керак. Мен бемаъни вандализмга ўрганишим керак эди. Ҳаттоки пиёзни ёқтирмасам ҳам, Доберт хонимнинг кичкина томорқасидаги барча пиёзларни юлиб ташладим. Кекса Ник Грин узумзорининг кейинги қаторидан ҳосилни йиғиб олаётганида, пинҳона бориб ҳамма узумларини юлдим. Мен Линда Хаффингтондан уй вазибаларини кўчириб олиб, дўстларимга узатиб юборишни ўргандим. Бу ва бошқа кўплаб шу каби “ҳазилкашликлар” таниқли бўлишим учун тўлашимга тўғри келган тўлов эди.

Аммо буларнинг бари ўсмирлик билан ўтиб кетади. Дарвоқе, ўтиб кетармикан-а? Баъзан ўйин шартлари шунчаки ўзгаради. Энди бошқача баҳо ўрнатилади, чунки қолган барчаси ҳам қимматлашади. Аммо талаблар ўша-ўша. Мен ҳали-ҳануз машҳур бўлишни истайман.

Мен тўққизинчи синфда таниқли бўлишнинг яна бир усулини пайқаб қолдим. Спорт. Мен баскетбол жамоаси сардори эдим. Менинг дунём ана шу доира атрофида айлана бошланади. Питтсбургнинг “Пост Газет” нашри ўйинимиз ҳақидаги натижаларни эълон қилмади. Мен “Спорт” журнали муқовасида пайдо бўлмадим. Лекин мен ўзимнинг кичкина оламимда қаҳрамон эдим. Биз ўйнаётганимизда, шундай гапларни эшитардим: “Спраул, Спраул, бизнинг одам, агар у уддаламаса, демак, бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайди”.

Мен окшомги ғолибона ўйинимиздан кейинги кунни ёқтирардим. Биз синфдан синфга йўлак бўйлаб юрганимизда, ҳамма менга қараб табассум қилар ва исмимни айтиб мурожаат қиларди. Еттинчи синф қизларининг

ошхонасида мендан дастрўмолга дастхат ёзиб беришимни сўрашди. Биз голиб бўлганимизда! Аммо биз *фақат* голиб бўлганимизда.

Мағлубиятга учраганимизда эса вазият бутунлай бошқача тус оларди. Мен ғазабланган нигоҳларни пайқамасликка уриниб, бошимни куйи эгиб олардим. Бошимни ёстикқа тикиб йиғлардим ва асло ухлай олмасдим, чунки кулоқларим остида дарғазаб ишқибозларнинг кичкириқлари жаранглаб турарди. Мен енгилганимиздан сўнг кўчада ортиқча кўринмасликка ҳаракат қилардим.

Мен одамлар берадиган баҳога ишонмасликка барвақт ўргандим. Аммо уларга эътибор қаратмасликни ўргана олмасдим. Бу мен учун ҳалигача ўзига тортадиган куч бўлиб қолмоқда. Мен ҳануз одамларга ёқиш истаги билан курашаман. Ҳалигача машҳурлик сеҳри билан кураш олиб бораман. Ҳамон аввалгидек менга норозилик билан ёндашишларини ёқтирмайман.

Бу олам билан “мувофиқлашиш” – “у билан бирга бўлиш”, бу дунёнинг шакл ва тузилмаларига мувофиқ бўлиш, шу оламда нима машҳурлик ҳисобланса, ўшани қилиш демакдир. Муаммо эса шундай: одамлар ўртасида оммабоп бўлган нимадир Худога ҳамиша ҳам маъқул бўлавермайди. Худога манзур бўлгани эса доимо ҳам одамларга ёқавермайди. Кимга манзур бўлишимизни тез-тез танлов қилиб туришимизга тўғри келади. Бу масиҳийлик ҳаётидаги ҳар кунлик курашдир.

Ҳар бир авлод, ҳар бир маданият ўзининг ҳукмронлик руҳига эга. Немислар иккита умумий ғояни ўзида бирлаштирган маҳсус *Zeitgeist* сўзини ўйлаб топишган. *Zeit* “вақт” маъносини билдиради, *Geist* эса “руҳ”. Демак, *Zeitgeist* – бу “вақт руҳи” ёки “давр руҳи”.

Масиҳий яшаётган замонавий *Zeitgeist* – бу секуляризм ёки барча диққат бу оламга, фақат шу фурсатга ва бу оламдан ташқарига жуда кам эътибор қаратадиган тубанликка ботиш руҳидир. Одамлар, қабр бошидаги қисқа сонияларни ҳисобга олмасак, абадият ҳақида камдан кам ўйлашади. Асосийси – шу ерда ва ҳозир. Ҳозирги фурсат билан, бугунги кун ҳузур-ҳаловати билан яшаш – давримизнинг руҳияти ана шунақа.

Дунёвийлик руҳи замонавий шаклга эга, лекин унинг моҳияти янгича эмас. Ҳар бир авлодда секуляризмнинг ўзига хос шакли бўлади. Биз – дунёвий мавжудотлармиз. Борлигимизнинг маркази шу олам ҳисобланади.

Исо даври ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. У Ўз шоғирдларини доимо ҳозирги вақтдан кўра узоқроққа қарашга даъват этган. У шоғирдларининг назарини абадиятга қаратган. “Бу дунёда ўзларингиз учун бойлик тўпламанглар”, - деган У ва дунёвий бойликларни абадият нурида чамалаб кўришга чорлаган. “Агар инсон бутун дунёни эгаллаб олса-ю, ўз жонидан маҳрум бўлса, бундан унга нима фойда?” (Матто 16:26).

Дунёми ёки руҳ? Дунёга ёқиш керакми ёки Худога? Бу муаммо ҳар бир авлод учун долзарб ҳисобланади. Бу дунёга мослашиш – ўзининг абадий руҳини йўқотиш билан таваккал қилиш демакдир. Бизнинг авлод *Zeitgeist* қадриятлари даражаси билан мувофиқликда самода иккита руҳга эга бўлишдан кўра бу оламда битта танага эгалик қилишни афзал кўради. Дунёнинг руҳи бизни ҳозир ўйнаб қолишга ва ҳаётдан баҳраманд бўлишга,

барча диққатни айнаи фурсатга қаратиб, кейин тўлов қилишга чорлайди. Бу энг оммавий йўналиш.

Агар масиҳий бу дунёнинг васвасаларига қаршилик кўрсатишга журъат қилса, у оқимга қарши бориши керак. У ўзидан мамнун одамларни Худони рози қилиш учун йўқотишга тайёр бўлиши шарт. Исо айнан шу боис айтган: “Одамлар Мен туфайли сизларни ҳақоратлаб қувғин қилганларида, сизлар ҳақингизда ёлғон гапириб тухмат қилганларида, бахтлисизлар! Севининглар, хурсанд бўлинглар.” (Матто 5:11-12).

Бахтли бўлиш ҳақидаги бу амрдаги асосий сўз - “Мен туфайли”. Дунё билан мувофиқ келмаслик ҳақида бизга йўлланган даъват шунчаки чорлов эмас. Ҳар қандай одам, агар атрофдагилардан фарқ қилса, ўзига эътиборни тортади. Бироқ бу тафовут дунёдан чинакамига фарқ қиладиган ҳақиқий сифатли “Исо туфайли” бўлиши керак, асло унинг арзон қалбаки нусхаси эмас. Биздаги тафовут *танланган* бўлиши лозим. Бу жиддий масалалар борасидаги фарқ бўлиши керак.

Дунёдан айрилиб яшаш ғоясини бузиб кўрсатиш жуда осон. Худди фарзийлар қилгани каби уни соддалаштирилган ташқи вариантга келтирса бўлади. Дунёдан ҳақиқий фарқланиш ўзгаришга асосланган бўлиши шарт. Ҳаворий Павлус бу олам билан мувофиқлашмаслик ҳақидаги амрига яна бир кўрсатмани қўшади. У айтади: “Бу дунёга мослашманглар, фикр-зикрингизни янгилаб, тубдан ўзгаринглар” (Римликлар 12:2).

Бу кўрсатма бизга ўзгаришимизни амр этади. Масиҳий учун жамиятдан шунчаки чиқиб кетиш етарли эмас. Ибодатхоналарга кетиб қолишимиз ҳам шарт эмас. Биз бу дунё ҳаётидан олдинроққа интилишимиз керак. Биз бу дунёга ўзгариш олиб келишимиз лозим, чунки Исонинг сиймоси бу оламдан ташқарида ҳам нур сочиб туради. Бу оламга берилмаслик керак, шунингдек, ундан қочмаслик ҳам керак. Биз бу оламга янги ва ундан фарқ қиладиган рух билан сингиб киришимиз лозим.

Ҳаммага маълум шундай жумла бор: “Биз бу оламда яшаймиз, лекин *бу дунёдан эмасмиз*”. Бу дунёдан бўлиш дунёвий одам бўлишликни англатади. Бу шу олам билан мувофиқлашиш деганидир. Бу дунёдан бўлиниб чиқиш – турмуш тарзимизда қайта шаклланмасдан, арзирли ўзгаришлар қилмасдан нонконформист бўлишни англатади.

Илоҳий покланиш ҳатти-ҳаракатларининг театри – мана шу дунё. Айнан шу оламга Худо Масиҳ сиймосида келди. Масиҳ Ўз шогирдларига кўрқувдан юқори қаватларда эшикни ичкаридан қулфлаб ўтиришларига рухсат бермаган. У Ўзгариш тоғида чодирлар ўрнатишга изн бермаган. Биз Қуддусда, Яхудияда ва ҳатто дунёнинг энг чеккаларида ҳам Масиҳнинг гувоҳлари бўлишга даъват этилганмиз. Қуддус шу оламда жойлашган. Яхудия ҳам шу дунёда. Дунёнинг чеккаси ҳам ҳали-ҳануз шу оламнинг ўзида. Шу боис биз бу дунёдан қочиб кета олмаймиз. Бироқ кўпгина масиҳийлар қочишга уринишади. Биз шундай йўл тутсак, амалда Худони ғазаблантирган бўламиз, **чунки У** дунёдан қочишимизни эмас, балки бу оламга илоҳий покланиш олиб келишимизни истайди.

ХУШХАБАРЧИЛИК ҲАРАКАТИ

Қўшма Штатларни катта ҳаракатлар қамраб олган. Дунёвий таълим-тарбияга альтернатив (бир-бирига зид икки йўл) тариқасида масиҳийлик мактаблари пайдо бўлди. Масиҳийлар ўз фарзандларига давлат мактаблари таълим беришини ортиқ исташмайди, ҳукумат эса ўз мактабларига масиҳийлик дунёқараши сингиб киришига рўйхушлик бермайди. Ҳукумат Худога нисбатан муносабатда “бетараф” бўлиб қолишни афзал кўради. Мактаблар диний “ҳолисликни” сақлаш мақсадида болаларга гўёки Худо йўқдек, ёзишга, ўқишга, арифметикага Худонинг алоқаси бўлмагандек қилиб таълим беришади. Аммо масиҳийлар Худога нисбатан бетараф муносабат ва Уни рад этиш ўртасидаги фарқ унчалик катта эмаслигини билишади.

Масиҳийлик Худоси – бутун оламнинг Яратгувчисидир. У Ўзи яратган барча нарсаларнинг мустақил Ҳукмдори. У Ўз жамоати ва давлатнинг мустақил Худоси. У илоҳиёт ва биологик олам устидан ҳукмронлик қилади. Шу боис “бетараф” мураббий – бу жўн эртақ, холос. Ҳар бир ўқитувчи ва ҳар бир ўқув режаси муайян дунёқарашни ифода этади. Яъни, Худо бу дунёқарашнинг ажралмас қисмини ташкил этади ёки бундай деб ҳисобланмайди. Худо билан ҳеч қандай бетарафлик бўлиши мумкин эмас. Уни тан олишади ёки назар-писанд қилишмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ниҳоятда аниқ нуқтаи назар ифода этилади.

Тобора кўпроқ масиҳий ота-оналар болага имонда таълим-тарбия бериш ўзларининг муқаддас бурчлари эканини англаб етишмоқда. Улар Америка тақдим этган ҳолис тизим деб аталадиган таълим эркинлиги устунлигидан фойдаланишмоқда. Бу ҳолат ота-оналар икки баробар тўлов қилишларига олиб бормоқда, чунки солиқ назорати аввалгидек биз давлат мактабларини қўллаб-қувватлашимизни талаб этмоқда. Аммо биз хусусий таълим тизими учун ҳам тўлашимиз керак. Худога қай тарзда манзур бўлиш илми юқори афзаллик ҳисобланган муассасаларда болаларини ўқитиш учун катта саъй-ҳаракатлар қилаётган – пул сарфлаётган – жонкуяр ота-оналарни айблаш қийин.

Бироқ мактаблар фақат нонконформистлар бўлиши ҳам мумкин эмас. Масиҳийлик мактаби ибодатхонага айланиб кетишнинг, дунёга гувоҳлик бермай, ўзини бу оламдан тўсиб қўйишнинг янгича шакли бўлиши мумкин, кўпинча шундай ҳам бўлиб чиқади. Агар биз Худога манзур бўлишни истасак, бу дунёда айнамаган ҳолда қолишимиз, ундан қочмаган ҳолда, шу дунё учун кўп ишлар қилишимиз лозим.

Айрим одамлар масиҳийлик мактабини айнан нима масиҳийча қилиши ҳақидаги масалани кўтаришади. Мактабда Муқаддас Китобни ўргатиш ёки синфхонада ибодат ўтказиш уни масиҳийча қилиб қўймайди. Ўқув режаси катта аҳамият касб этади. Худони ҳар бир ўқув тартибида англаб бориш лозим. Шунингдек, бу оламнинг таъсирчан гувоҳлари бўлишимиз учун яшаётган дунёмизни тадқиқ этишимиз шарт.

Яқинда менга мактабига таҳдид солган инқирозни бошидан кечирган директор қўнғироқ қилди. Юқори синф ўқувчиларининг адабиёт бўйича дастурига Жон Стейнбекнинг “Нафрат меваси” асари шартли тарзда

киритилган экан. Айрим ота-оналар бу китобни дастурдан тезда чиқариб ташлашни талаб этишибди. Уларнинг фикрича, бу китоб ўта “дунёвий” экан. Улар фарзандларининг бундай турдаги адабиётлар билан танишишларини исташмаган. Ота-оналар, адабиёт курсида *фақат масиҳийча* китоблар бўлиши керак, деб туриб олишган.

“Хўш, мен нима қилишим керак? – сўради директор. – Агар барча номасиҳий китобларни чиқариб ташласак, Америка адабиётининг меъёрий курсини қандай ўзлаштириш мумкин?”

Жавоб оддий: агар мактаб ўқув дастуридан барча номасиҳий китобларни чиқариб ташласа, Америка адабиётининг тўлиқ курсини бера олмайди. Агар талаба Америка адабиётини билиши керак бўлса, у масиҳий бўлмаган Стейнбек, Хемингуэй ва бошқа кўплаб муаллифларни четлаб ўтиши мумкин эмас. Ҳақиқий масиҳийча таълим – бу “иссиқхона (теплица)” таълими эмас. Талаба Америка адабиётини шакллантирган адабиётнинг асосий мавзуларини тушуниши учун уларни ўрганиши керак. Дунёвий назарияни яхшироқ ўрганиб олиш учун Худо улуғланадиган ва англаб олинадиган жойдан яхшироқ таълим маскани йўқ. Бундай адабиётни менсимаслик – бу оламнинг кадр-қимматини менсимасликни билдиради – улар кам эмас – масиҳийларни гўёки тафаккурни етарлича баҳолай олмасликда ва ўз маданий ривожланишларида орқада қолаётганликда танқид қилишларига сабабчи бўлади.

Ҳаворий Павлус жаҳон адабиётининг билимдони бўлган. У мажусий файласуфлар билан баҳслашган ва мажусий шоирлар асарларидан иқтибослар келтирган (қаранг: Ҳаворийлар 17:28, Павлус Эпимениддан парча ўқийди). Павлус дунёвий одам бўлгани учун эмас, балки ўқимишли ва кўп нарсаларни билгани учун мажусий муаллифларнинг асарларидан фойдаланган. Павлусдан бошқа ҳеч ким, Исодан ташқари, Каломни бунчалик севмаган. Шу билан биргаликда, у бошқа асарларни ўқиш учун ҳам вақт топган.

Африкадаги Гиппон шаҳридан роҳиб Августин аввал ўзи машғул бўлган янги платончиликнинг эзгулик фалсафаси асосида Жамоатда хизмат қилган. Ўрта асрнинг буюк илоҳиётчиси Фома Аквинский ўз даврининг дунёвий файласуфларига муносиб тарзда жавоб қайтаришни билган. Жан Кальвин Августиндан иқтибос келтиргани каби, Цицерон фикрларидан ҳам тез-тез фойдаланиб турган. Файласуф Жон Локкнинг асарларини ёқтирган Жонатан Эдвардс даҳрийлар билан курашга киришган. Бу одамлар дунёвий фалсафани жуда яхши билишган ва масиҳийлик ҳақиқати ёрдамида уни мағлуб этишга уринганлар. Улар ўзларини дунёдан тўсиб қўйишга интилишмаган. Улар масиҳийлик позициясида маҳкам турган ҳолда даҳрий муаллифларнинг сўзларидан тўғри маънода иқтибослар келтиришган.

Албатта, болаларимизнинг дунёвий фикрлар билан танишишларида айрим таваккалчиликлар бор. Ўғлим ўн икки ёшида Адольф Хакслини ўқиган. Бироқ у менинг назоратим остида ўқиди. Биз биргаликда дунёвий файласуфларнинг ғояларини муҳокама қилдик, ҳаётга нисбатан дунёвий ва Муқаддас Китоб тушунчалари ўртасидаги фарқни тадқиқ этишга уриндик.

Айримлар эътироз билдиришлари мумкин: “Ахир, Муқаддас Китоб “фалсафа ва қуруқ сафсаталар билан” (Колосаликлар 2:8) чалғиб қолмаслигимиз кераклигини айтмайдими?”. Ҳа, Муқаддас Китоб шундай дейди. Аммо нимагадир чалғиб қолишга изн бермаслигимиздан аввал унинг моҳиятини билишимиз керак. Чинакам масиҳийлик таълими дунёвий фалсафадан кўркмаслиги шарт. Биз масиҳийлик ҳақиқатлари анчайин кучли эканлигини биламиз. Улар дунёвий фалсафалар устидан ғолиб чиқади. Душманлардан қочишимиз ва улар билан мурасага келишимиз мумкин эмас. Бироқ биз бу душман қандай фикрлаётганини билишимиз лозим.

Мен яқинда масиҳийлик мактаби ходими билан гаплашиб қолдим. У шундай ташвишли эътироз билдирди: “Замонавий талабанинг тушунчасида икки хил – масиҳийлик ёки бошқа яхшироқ – таълим бор”. Бу эътироз беадабона айтилган гаплар эмасди. Бу кўпроқ масиҳийлик таълими ўзининг паст андазалари билан одамларни қаноатлантирмай қўйганидан чуқур ташвишни ифода этарди. Кўплаб ёрқин ва лаёқатли масиҳийлар дунёвий мактабларга кетиб қолишди, чунки улар ўша ерда сифатлироқ ва кенгроқ миқёсда таълим олиш мумкин дея ҳисоблашди. Афсуски, улар кўп масалада ҳақ, аммо хайриятки, атрофда чиндан ҳам аъло даражадаги кўплаб масиҳийлик мактаблари фаолият кўрсатмоқда.

Худо биздан тафаккуримизни қайта шакллантиришни талаб этади. Бу атрофдаги оламни бошқа позициядан кўрадиган тафаккур бўлиши керак. Биз дунёвий файласуфларни ўрганишда давом этамиз, аммо уларни ўрганган ҳолда ўқиб чиққанимизга танқидий муносабат билдиришга изн берадиган ўша кадриятлар тизими билан доимо танишиб борамиз. Бу ерда *танқидий* сўзи салбий маънода эмас. У эҳтиёткорликни ва ҳақиқатни сохталикдан ажрата билиш лаёқатини англатади. Худонинг ҳақиқати – биз бу оламнинг таълимотини элайдиган ўша ғалвирдир.

Қайта шаклланишга даъват – бу тафаккуримизни янгилашга бўлган даъват. Янги тафаккур илоҳий дунёқарашни жиддий ўрганиш натижасида ҳосил бўлади. Бунинг учун Муқаддас Каломни тадқиқ этиш лозим, чунки Калом бизга Худонинг тафаккурини очиб беради. Биз Худонинг тафаккурини қанчалик кўпроқ тушунсак, бизни Эрнст Хемингуэй ва Жан-Поль Сартр шунчалик камроқ кўрқитишади.

Биз дунёдан кўп нарсаларни ўрганишимиз мумкин. Ваҳий нафақат Худонинг Каломида бор. Худо Ўзини табиат ва инсоний маданият орқали ҳам намоён этади. Ҳар қандай ҳақиқат Худодандир. Гарчи умуман олганда дунёвий файласуфлар сохта пайғамбарлар бўлишсада, аммо уларнинг ҳамма айтётган гаплари ҳам ёлғон эмас. Ҳақиқат уруғини ҳамма ердан топиш мумкин. Биз ҳақиқат изларини дунёвий муаллифларнинг асарларидан топишимиз мумкин. Эҳтимол, уларда табиий ҳақиқатни топиш унчалик осон эмасдир, лекин улар мавжуд ва биз улардан фойдаланишимиз мумкин. Масиҳийлик ваъзаларида тақводорларнинг ҳам, дунёвий одамларнинг ҳам асарларидан кўплаб мисоллар келтирилади.

Дунё бизнинг покланишимизга тўсқинлик қилади. Бироқ унга тўғри позициядан ёндашсак, бизнинг иттифоқчимизга айланиши мумкин. Бу дунё

менинг Отамнинг дунёси ҳисобланади ва У бу оламдан ҳазар қилмайди. У оламни шунчалик севдики, уни гуноҳдан поклаш учун келди. У ҳозир ҳам бу дунёга келиб туради. У бу оламни тарк этмаган ва ундан чекинмаган. Шу маънода биз У қилганидек бу оламга яқинлашишга интилиб, Худога тақлид қилишимиз керак. Ва бизнинг мақсадимиз – дунёнинг ўзгариши.

Биз Худонинг халки сифатида бу оламда тинчлик билан яшашга ўрганишимиз лозим. Мартин Лютер айтганки, инсон илк бора Масихга мурожаат қилганида, у чекиниш ва дунёдан воз кечиш давридан ўтади. Эндигина имонга келган одам тўғридан тўғри “дунё билан алоқасини узади”. Дунё билан келишувнинг эски усуллари ўтмишда қолади. Биз ана шу даврда Худонинг оламига кирамиз. Ҳаворий Павлус мажусийлар олдига боришидан аввал узоқ вақт Арабистон саҳроларида бўлган. Мусо фиръан саройига юборилишидан аввал саҳрода Худо билан танҳо қолган.

Дунёдан юз ўгириладиган бу давр – мутлақо дуруст ва соғлом ҳолатдир. Бироқ Лютер таъкидлаганидек, биз бу оламни бағримизга босиш учун унга қайтмасак руҳий улғайишга эриша олмаймиз, аммо аввал қилганимиздек унга дунёвий тушунча асосида эмас, балки покланиш объекти сифатида ёндашмоғимиз лозим. Дунё – бу Худо яратган ва Масих келган бизнинг фаолият майдонимиз. Биз дунёдан юз ўгирмаймиз. У ўзининг барча гуноҳлари билан ҳамон аввалгидек Отамизнинг дунёсидир.

Биз уни Худо учун эгаллашни ўрганишимиз керак. Конформизм билан эмас, унинг васвасаларига ён бериш билан эмас, балки гувоҳлик орқали ва уни қайта шакллантирган ҳолда. Агар биз дунёга янгиланган тафаккур билан келсак, буни қўрқмасдан бажариш мумкин.

Янгиланган тафаккур – Худога манзур бўлишга интилишимизда жуда муҳим шарт, чунки покланишимизни истайдиган Худо биз тубанликка ботган дунёни юлдузлар каби ёритишимизни истайди. Бу дунёни ва унинг кадр-қийматини тушуниб етсанг, буни ажойиб тарзда уддалаш мумкин. Худо дунёни қандай қабул қилишини тушуниб етганингда ва ўзинг ҳам шу тарзда қабул қилишни бошлаганингда, енгил виждон билан унинг янгилиниши учун ҳаракат қилишинг мумкин. Ва бу билан Яратувчимиз ва Покловчимизга манзур бўласан.

БЕШИНЧИ БОБ ТАНА БИЛАН КУРАШ

“Руҳ тетик, тана эса заифдир” (Матто 26:41). Бу қисқагина жумлада Худонинг ҳар бир фарзанди бераҳм дунёда олиб борадиган курашнинг бутун моҳияти ифода этилган. Янги Аҳд тана ва руҳ ўртасидаги кураш ҳақида гапиради. Лютернинг айтишича, тана масихийнинг учта душманидан биттаси. Дунё, тана ва шайтон.

Бироқ Калом айтадиган тана нима ўзи? Имонли ҳаётининг марказида Худо ҳукмронлик қилиши ва Унга ёқиш истаги бўлиши керак. Хўш, бу танада уни шу йўлдан оздириши мумкин бўлган нималар бор?

ТАНА – ЖИСМОНИЙ ВУЖУДМИ ЁКИ ҚУЛАГАН ТАБИАТМИ?

Биз тана сўзини қўллаганимизда, одатда жисмоний табиатни назарда тутамиз. Бир тарафлама, тана бизнинг вужудимиздан ташкил топган моддиятга тегишли. Одамлар “танада” яшаганларида, биз “тана тили” билан гапирамиз; биз “тана ва қон” ҳақида гапирганимизда, қариндошларимизни назарда тутган бўламиз.

Инсоний вужудимиз жисмоний олам моддияти бўлиб, биз Муқаддас Китобдаги рух ва тана ўртасидаги курашни тана ва қалб ўртасидаги кураш сифатида кўришга мойилмиз. Бироқ бу нотўғри тасаввур. Муқаддас Китоб тилида тана – бу нафақат вужудга, балки вужуддан ташқарига ҳам тегишли. Келинг, Муқаддас Китобдан тана ҳақида айтилган айрим мисолларни қараб чиқайлик.

Янги Аҳдда кўпинча *тана* маъносида таржима қилинадиган юнонча иккита сўзни топамиз. Улар *soma* ва *sarx* сўзларидир. *Soma*, одатда, жисмоний вужудни билдириш учун қўлланилади. (Бизда “психоматик” сўзи бор, у ўзида иккита маънони жамлаган: вужуд ёки тана – *soma*, рух – *psyche*). Юнон тилидаги Янги Аҳдда *soma* сўзи одатда гуноҳкорликнинг яширин маъносини ўзида сақламайди, яъни қулаган инсоний табиатни англатмайди. Бу жисмоний танамизни англатадиган оддий сўздир.

Юнонча *sarx* сўзи билан масала бошқача. Баъзан бу сўз тўғридан тўғри бизнинг жисмоний танамизни англатади, аммо бошқа ҳолатларда ўзгача ҳолатни назарда тутати. У ёки жисмоний танани (худди *soma* каби) ёхуд одамнинг қулаган табиатини акс эттирадиган маънога эга бўлиши мумкин.

Юҳанно ўз Хушхабарида: “Калом Инсон бўлди, Орамизда яшади” (Юҳанно 1:14) деб айтганида, у бу сўзлари билан Калом қулаган табиатга айлгани ҳақида гапирмаган. У абадий Логос, Калом Ўзига инсоний табиатни қабул қилганини айтган. Павлус ҳам шу тариқа, “ўз қондошларим ҳаққи” (Римликлар 9:3) дея ўз ватандошлари тўғрисида гапирган. У бу ўринда қулаган инсониятни эмас, ўзининг қондош халқи яҳудийларни назарда тутати. Павлуснинг қондош биродарлари – бу унинг исроиллик ватандошлари. Ҳаворий улар ҳақида худди биз ватандош қариндошларимиз ҳақида гапирганимиздек гапиради.

Бироқ Муқаддас Китобда *sarx* сўзи қулаган табиатимизнинг гуноҳкорлигини таъкидлаш учун қўлланиладиган жой бор. Бу ўринда у фақат танамиз билан чекланиб қолмаган табиатимизнинг бузуқлигини акс эттиради. Одам тўлиғича қулаган мавжудот ҳисобланади. Гуноҳ мавжудлигимизнинг барча жабҳаларини заҳарлаган. Биз табиатан “вужуд тафаккури”га эгамиз. Онгимиз ҳам, танамиз ҳам борлигимизнинг бошқа жабҳаларидан камроқ гуноҳкор эмас. Уларнинг барчаси Худони манзур қилишга эмас, балки шахсий хоҳиш-истакларимизни қондириш учун йўналтирилган.

ВУЖУД ТАФАККУРИ

“Вужуд тафаккури” фақат “жисмоний гуноҳлар ҳақидаги ёмон фикрлар”ни билдирибгина қолмайди. Вужуд тафаккури – Худого қарши жиддий кўрсатмалар асосий ўринни эгаллайдиган онг. Бу ўз фикрларига

Худони киритмайдиган қулаган одамнинг онги. Бу Муқаддас Рухнинг бошқарувини қабул қилмайдиган одамнинг онги.

Павлус тана (*sarx*) ва рух (*pneuma*) ўртасидаги доимий курашни муҳокама қилади. Галатияликларга Мактубнинг 5:16-21 оятларида гап нафақат инсон руҳи ва танаси ўртасидаги, балки Рух, Муқаддас Рух бошқаруви остидаги ҳаёт ва бизнинг қулаган инсоний табиатимиз, танамиз бошқарадиган ҳаёт ўртасидаги қарама-қаршилик ҳақида боради.

Яна шуни айтайин: Рух етакчилигида ҳаёт кечиринг, шунда худбин истакларингизни қондирмайсиз. Ахир, ўшандай инсоний истаклар Рухга қарши, Рухнинг истаклари эса инсоний худбин истакларга қаршидир. Буларнинг иккаласи бир-бирига қарши, шунинг учун сизлар хоҳлаганингизни қила олмайсизлар. Аммо Рух сизни бошқарса, сиз қонуннинг амри остида эмассиз. Худбин истакларга эрк бериш куйидагиларни келтириб чиқариши ҳаммага аён: фаҳш-зино, ҳаром-ҳаршилик, ахлоқий бузуқлик, бутпарастлик, фолбинлигу иссиқ-совуқ қилишлар, душманлик, жанжалкашлик, рашик, жаҳлдорлик, ғаламислик, низолару ҳар хил гуруҳларга бўлиниш, бахиллик, ичкиликбозлик, айш-ишратга берилиш ва шунга ўхшаш ишлар. Сизларни олдиндан огоҳлантиргандим, яна огоҳлантиряпман: бундай ишларни қилувчилар Худонинг Шохлигидан баҳраманд бўлмайди.

Биз бу ерда тана ва рух ўртасидаги кескин қарама-қаршиликни кўрамиз. Бу тана ва қалб ўртасидаги эмас, балки ўзининг қулаган гуноҳкорона табиати бошқарувидаги эскича одам ва Муқаддас Рухдан ичимизда туғилган янги одам ўртасидаги келишмовчиликдир. Ана шу тана ва рухнинг бир-бирига рўпара келишидир. Улар доимий ихтилофда бўлишади. Тана, яъни бизнинг қулаган табиатимиз ҳаётимизда Муқаддас Рухнинг хукмронлик қилишига қаршилик кўрсатади. Тана ўз ичидаги руҳий одамдан ғазабланади ва ундан устун келишга уринади.

Рух шу тариқа тананинг душмани ҳисобланади. У тана нафратланадиган нарсаларни истайди. У ҳалолликни хоҳлайди. У Муқаддас Рухнинг самарасига интилади.

Бу қарама-қаршилик иккита рўйхатда дурустгина кўзга ташланади. Иккинчи рўйхат масиҳийларга яхши маълум. Бунда Муқаддас Рух ҳосили санаб ўтилган: севги, қувонч, тинчлик ва ҳ.к.з. Бироқ аввал биринчи рўйхатга эътибор қаратайлик. Бу рўйхатда тана ишлари келтириб ўтилган.

Биз тана ишлари рўйхатини тадқиқ этганимизда, танамиз иштирок этган гуноҳлар ҳам, ножисмоний гуноҳлар ҳам қайд этилганини кўрамиз. Биз фаҳш ва мастликни учратамиз. Бу ўзимизнинг жисмоний мойиллигимизга берилиб, тана фаолиятини бузган ҳолда содир этадиган гуноҳлар. Ва биз шу ерда ҳасад, нафрат, бутпарастлик ва шунга ўхшаш иллатларни топамиз.

Гап шундаки, биз ҳасад ва нафрат билан гуноҳ қилганимизда, танамиз ҳам бунда иштирок этади. Биз танамизсиз ҳеч нима қила олмаймиз. Бироқ ҳасад – руҳий (психик) кўриниш эмас. Бу онгимиз фаолияти бўлиб, унда ақлимиз ва фикрлаш жараёни ҳаракатга келтирилади. Биз танамиздан бутпарастлик жараёнида ҳам фойдаланишимиз мумкин. Биз бутларга

жисмонан сажда қилишимиз мумкин, аммо бутпарастликнинг моҳияти жисмоний жиҳатларда эмас, балки қалбга нисбатан муносабатдир.

Биз Янги Аҳдда тана (*sarx*) рухга (*pneuma*) тўғридан тўғри қарама-қарши эканлиги айтилгани ҳақидаги хулосага келямиз, яъни бунда тана сўзи остида бизнинг жисмоний вужудимиз эмас, балки барча қулаган табиат, инсоний табиат назарда тугилади. Бу икки хил ҳаёт тарзи – гуноҳ васвасаси ҳукмронлик қиладиган тана ҳаёти ва Худога манзур бўлиш истагига, солиҳликка олиб борадиган рух ҳаёти – ўртасидаги келишмовчиликлардир.

РУХ ИЛА БОШҚАРИЛАДИГАНЛАР

Бу вазиятда қалтис хатога йўл қўймаслик учун солиҳлик фақат ташқи белгилар ва жисмоний ҳаракатлардан иборат дея ҳисобламаслик кераклигини тушуниш муҳим. Худонинг Шоҳлиги егулик-ичкиликдан анча каттароқ нарсаларни англатади. Агар биз барча диққатимизни ташқи ҳолатга қаратсак, тақводорликни ташқи, кўринарли андазалар билан ўлчайдиган фарзийлик тузоғига тушиб қоламиз. Ширин табассум остида хусуматли ва ҳасадгўй қалб яширинган бўлиши мумкин. Мулоим ҳатти-ҳаракатлар нопок руҳни яшириши мумкин. Муқаддас Рух бутун борлиғимизни, ташқи ва ички ҳаётимизни поклашга интилади.

Айни вақтда солиҳликни фақат ички амаллар билан чеклаб қўймаслик керак. Тақводорлик сир-синоати ботинимизда мавжуд деган қарорга келиб алданишимиз мумкин. Агар руҳимиз билан ҳаммаси жойида бўлса, одамлар билан ўзимизни қандай тутишимиз умуман муҳим эмас деган хулосага келишимиз мумкин. Бу ўз-ўзини алдашнинг маккорона усули. Одамлар шу тариқа йўл қўйилиши мумкин бўлган гуноҳларни оқлашга уринишади. Биз тўсатдан пайдо бўлган “севги” эр ёки хотин хиёнатини оқлайди деб ўзимизга айтишимиз мумкин. Ўсмир ўз зинокорлигини “севги” билан тўлиб-тошган ҳолда қилганини айтиб, ўзини оқлаши мумкин.

Шунингдек, тана фақатгина жисмоний гуноҳ ёки васвасаларга тааллуқли эмаслигини, аммо ўзида бу иллатларни жамлашини тушуниш муҳим. Бу сўзлар билан ҳаётимизда бузуқ шаклда ҳаракат қиладиган ва тубанликка ботган табиатимиз таъсири остида бўладиган катта жисмоний кучлар аниқланади. Жисмоний хоҳиш-истакларни кўпинча назорат қилиш ўта қийин. Улар беқарор. Улар тўлқин каби ёпирилишади ва жадалиги даражаси билан фарқланиб туришади. Тушлик қилгандан сўнг парҳезга ўтишга қарор қилиш осон. Бироқ тушлик вақти келиб, очлик азоби иродаимизни ҳужум билан забт этганида, парҳезда қолиш мутлақо бошқа гап.

Рух бизни ўз-ўзимизни назорат қилишга ўргатишга интилади. Биз Худо томонидан жисмоний хоҳиш-истакларимиз назоратини ўз қўлимизга олишга даъват этилганмиз. Хоҳиш-истак ўз ҳолича гуноҳ ҳисобланмайди. Бу табиий жисмоний талаб ва вужудимизнинг ўзига хос функцияси. Аммо бу истақлар назоратимиз остидан чиққанида, у очкўзликка ўтиб, жиддий гуноҳга айланади.

Ҳирсий майллар, худди иштаҳа каби, ўз ҳолича қандайдир ёмонлик эмас. Худо бизга шартли равишда никоҳни берган бўлиб, ҳирсий

истакларимиз Худо амрининг маҳсули ҳисобланади. Бизда эр-хотинлик ҳукуқи ҳам, эр-хотинлик мажбурияти ҳам бор. Биз никоҳдан ташқаридаги жинсий алоқалардан сақланишимиз шарт. Жинсий алоқа ҳам Худонинг ижоди ҳисобланади. Худо танамизни жисмоний эҳтиросларга ҳаддан зиёд таъсирчан бўлган асаб тўқималари мажмуи билан яратган.

Худо болалар туғилиши функциясини бажарганимиз ҳолда ҳеч қандай жисмоний лаззатни бизлар олмайдиган қилиб бемалол яратиши мумкин эди. У таомнинг мазасини бизларга сездирмайдиган қилиб қўйиши мумкин эди. Аммо Яратувчи бизлар учун ёқимлироқ йўлни танлади. Жинсий алоқа ўзининг бор завқ-шавқи билан Худонинг инъоми ҳисобланади. Бироқ бу инъом фойдаланишда илоҳий чекловлар билан берилади. Гуноҳ Худонинг инъомини суиистеъмол қилишдир. Гуноҳ бу инъомдан Худо таъқиқлаган тарзда фойдаланишга олиб боради.

Мен қачондир хотинига хиёнат қилган одам шундай деганини эшитгандим: “Менинг жинсий аъзойимда виждон йўқ”. У танаси қилаётган ишлар учун асло жавобгар эмаслигини айтиб, ўзининг гуноҳкорона ҳатти-ҳаракатларини оқлаганди. Мен унга жинсий аъзода барибир виждон борлигини – унинг ақлини назарда тутган ҳолда тушунтирдим. Бизнинг жисмоний вужудимиз бизнинг ажралмас қисмимиз ҳисобланади. Менинг вужудим онгим бошқаруви остида яшаши керак, онгим эса Худонинг қонунига бўйсунуши зарур.

Ҳа, беихтиёр юз берадиган жисмоний қўзғалишлар бўлади. Биз юрак уришимизни ахлоқий қоидалар асосида уришга мажбурлай олмаймиз. Бироқ барча жисмоний фаоллигимиз ҳам ихтиёримиздан ташқарида эмас. Биз Худо томонидан ўзимизнинг ҳирсий ҳатти-ҳаракатларимизни назорат қилишга даъват этилганмиз. Биз ҳирсий муносабатларда ўз онгимизни назорат қила олмаслигимиз мумкин, лекин ўз ҳатти-ҳаракатларимизни назорат қилишимиз шарт.

Лютер бир пайтлар “аёл жозибадорлиги билан бошқаларни жалб этишини англаш – шаҳвоний нафс эмас”лигини айтганди. Қачонки, бу далилнинг оддий тушунчаси фантазияга айланиб, ўй-фикримизни эгаллаганда шаҳвоний нафс пайдо бўлади. Биз ҳирсий хаёллар билан онгимизни озиқлантирганимизда, шунчаки англашдан тана гуноҳига ўтамыз. Лютер бу ҳақда шундай деган: “Биз қушга бошимиз устидан учишини таъқиқлай олмаймиз. Аммо бошимиз устида унга ин қуришига изн бермаслик бошқа масала”.

Ўз-ўзини назорат қилиш – жинсий ҳаётнинг зарурий шarti. Биз ўзимизнинг ҳирсий ҳатти-ҳаракатларимиз учун Худо олдида жавобгармиз. Каломда айтилган: “Сизларнинг орангизда фаҳш, зинокорлик, ифлослик ёки ҳасислигу очқўзлик ҳатто тилга ҳам олинмасин. Булар Худонинг азизларига муносиб эмас” (Эфесликлар 5:3). Одамга маълум бўлган жамики оқловлардан бу мутлоқ таъқиқни четлаб ўтиш учун ҳамиша фойдаланилган. Психиатрлар ҳар қандай тирик ёш кишида ҳирс уйғониши табиий ва меъёрий ҳолат эканини таъкидлашади. Улар қисман ҳақ. Ҳирсий майл биз ўз табиатимизга кўра ана шундай фаолликка мойил эканлигимиз маъносида мақбул. Жинсий

бебошлик бизнинг давримизда унинг тарқалиб кетганлиги туфайли меъёрий ҳол бўлиб қолди. Айтиш мумкинки, зино қулаган одам учун одатий ҳол ҳисобланади. Бироқ Худо бу иккала гуноҳни ҳам таъқиқлайди.

Ҳирсий чекловлар аллақачон бекор қилинган, туйғуларимиз эҳтирос диверсантлари томонидан мунтазам ўққа тутилаётган бизнинг маданиятимизда оқил киши бўлиб қолиш ҳаддан зиёд қийин. Аммо Худонинг қонуни барқарор. У айтади: “Йўқ!” У ҳатто қулаган маданиятимиз шароитида ҳам ўзимизни назорат қилишга чорлайди.

Бесоқолбозликка мойил одамнинг тақдири ҳақида бир дақиқа ўйлаб кўринг. Худо бир жинсдаги мавжудотлар ўртасидаги жинсий алоқаларни кескин таъқиқлайди. Гетеросексуал одам никоҳдан ташқаридаги интим алоқалардан ўзини тийишга даъват этилгани каби, бесоқолбоз ҳам ақл-хушини йиғиб олишга даъват этилган. Худо бесоқолбозлик никоҳи тузиш учун бизга асло рухсат бермаган. Бесоқолбоз ҳар қандай бошқа бир ёлғиз эркак каби ақлли бўлишга чорланган. Донолик Худога ёқади, ҳатто у дастлаб бизнинг танамиз учун ёқимсиз бўлиб туюлса ҳам.

Биз ҳирсимизни тийишга танамизнинг заифлиги боис эришмоғимиз қийин. Аммо унга эришса бўлади ва Худо бизга ҳирсимизни тийишни буюради. Агар биз ўзимизни тиймасак, гуноҳ қилган бўламиз. Биз гуноҳ қилганларга нисбатан сабрли бўлишимиз керак, лекин илоҳий андазаларни ўзгартириш ва уларни заиф имкониятлар даражасигача пасайтиришимиз мумкин эмас. Худога Унинг меъёрларини ўзгартиришимиз, яхшилиқни ёмонлик ва ёмонликни яхшилиқ деб аташимиз ёқмайди.

Тана – дунёнинг иттифоқчиси. У ўзининг окловини Масиҳнинг солиҳлигидан эмас, балки бу оламнинг андазаларидан излайди. Тана – бу дунёнинг иттифоқчиси, дунё эса шайтон билан иттифоқчилик муносабатлари асосида бирлашган. Душман шу тариқа бизни Рухдан олиб кетишга ва тана талабларига бўйсундиришга интилиб, бизни йўқ қилмоқчи бўлади.

Бироқ имонлида кучли иттифоқчи – Муқаддас Рух бор. Афсуски, биз ҳар куни онгимиз ва танамизнинг қулаган олам билан иттифоқчилик муносабатларини эслаб турган ҳолда Худонинг фарзандлари ҳамиша уларга ёрдам беришга тайёр Муқаддас Рухга эга эканликларини унутиб қўямиз. Тана инсоний фаоллик устидан ҳукмронлик қиладиган дунёда Рух имонли одамларга Худога манзур бўлишлари учун имконият бериб, Ўз ҳузуридан тўлиқ баҳраманд этади.

ОЛТИНЧИ БОБ ШАЙТОН

Дунё, тана ва шайтон. Бу учта душманлардан энг даҳшатлиси биз учун шайтон ҳисобланади. У бизнинг шунчаки душманимиз эмас – у энг катта душман. Уни зулмат ҳукмдори, ёлғоннинг отаси, тухматнинг акаси ва илон-жодугар деб аташади.

Ҳаворий Павлус бизнинг курашимиз кўринадиган оламдан ва сезиладиган нарсалардан ташқарида жойлашган шайтон кучларига қарши кураш эканлиги ҳақида бизни огоҳлантирган: “Ахир, бизнинг курашимиз

инсонларга қарши эмас, балки самовий оламдаги ёвуз рухий кучларга, рухий ҳокимият ва ҳукмронликка ҳамда бу қоронғи дунёни бошқараётган рухий ҳукмронларга қаршидир” (Эфесликлар 6:12). Яъни ҳаётимизда Худога манзур бўлиш учун нафақат ўзимизнинг вужудий ҳошиш-истакларимизга, балки янада даҳшатли ва қудратли кучга қарши кураш олиб борамиз.

Энг аввало шуни тушунишимиз керакки, шайтон чиндан ҳам мавжуд. Жамиятнинг қўпгина қатламларида ва ҳатто жамоатда ҳам шайтон шахсиятига худди жўн бир афсонанинг персонажи каби ёндашадилар. Бир пайтлар ғарб фалсафасини ўрганадиган талабаларга савол берганим ёдимда: “Сизлардан ким шайтоннинг чиндан ҳам борлигига ишонади?” Ўттизта талабадан фақат учтаси ижобий жавоб қайтаришди. Қолган йигирма еттисаи шайтонни уйдирма деб ҳисоблашди.

Шунда синфдан сўрадим: “Сизлардан ким Худога ишонади?” Мени ҳайрон қолдирганча, ўттизта талаба ҳам Худога ишонишларини тасдиқлашди. Мен кейинги саволни бердим: “Сизлардан ким Худо одамларга яхшилиқни сингдирадиган Руҳий Мавжудот эканлигига ишонади?” Бу фикрни ҳаммалари маъқуллашди.

Шунда мен сўрадим: “Хўш, сиз нега одамларга яхшилиқни сингдирадиган Руҳий Шахс борлигига ишонасиз-у, аммо одамларни ёмонлик қилишга ундайдиган руҳий шахс борлигини инкор этасизлар?”

Мен навбатдаги жавобни олдим: “Замонавий илм-фан ўқимишли одамларни шайтонга ишонмайдиган қилиб қўйди”. Мен бошқа саволни бердим: “Замонавий илм-фаннинг қандай кашфиёти шайтоннинг борлигини инкор қилишга йўл очиб берди? Термодинамиканинг иккинчи қонуними? Ёки ядро синтезини ёхуд ядро бўлакланишини бошқарадиган қонунларми? Хўш, улардан қайси бири?”

Саволимдан сўнг дастлаб залга қабристон сукунати чўмди. Ҳеч ким ўз фикрига мувофиқ келадиган аниқ илмий кашфиётни айта олмасди. Ниҳоят бир талаба шундай деди: “Шайтон руҳ ва шарпалар тоифасига киради. Қизил туёқли, шохли ва паншаха кўтарган бу ёвуз шаклга қандай ишониш мумкин?”

Бироқ талаба шайтоннинг Муқаддас Китобда келтирилган образи ҳақида гапирмаганди. У шайтоннинг Хэллоуин байрами персонажларидан олинган ҳажвий суратлари ҳақида гапирганди.

ШАЙТОН МАҒРУР ВА ҚУДРАТЛИ

Қизил кийимга ўраниб, қўлида паншаха кўтарган шайтоннинг образи қаёқдан пайдо бўлиб қолди? Бўртириб кўрсатилган бу шаклнинг келиб чиқишини ўрта асрлардан излаш лозим. Ўша пайтларда шайтонни бесўнақай алфозда кўрсатиб мазах қилиш урф бўлган. Моҳият ҳам ана шунда. Ўрта аср жамоати шайтоннинг борлигига ишонган. У шайтоннинг ҳаддан зиёд мағрурлигидан ўзи азият чекиб, тубанликка ботган фаришта эканлигини билган. Мағрурлик шайтоннинг асосий заифлиги эди. Бу мағрур ва тубанликка ботган мавжудотдан, яъни шайтондан сақланиш учун шиддат билан курашиш лозим эди. Бу кураш шайтоннинг энг заиф нуқтаси – унинг

мағруригига қаратилганди. Масала шундай қўйилганди: ана шу заиф нуктага зарба берсанг, у сендан қочиб кетади.

Шу боис икки туёкли, қизил кийимга ўранган сарой масхарабози каби шайтоннинг мағрурлигига хужум қилиш энг яхши усул ҳисобланган. Шайтоннинг бу беўхшов образи атайин кулги остига қўйилганди. Афсуски, кейинги авлодлар бу ҳажвий образга душманнинг аниқ сурати каби қарай бошладилар.

Муқаддас Китобда айтилган шайтон бу ҳажвий суратдагига ўхшамайди. Муқаддас Китоб унинг “нурли фаришта”(2 Коринфликлар 11:14) тимсолида кўриниши мумкин бўлган шахс эканлиги ҳақида гапиради. Биз бу ерда шайтоннинг *sub species boni* (яхшилиқ ниқоби остида) намоён этиш қобилиятини аниқ кўрамиз. Шайтон – анчайин зийрак мавжудот. У буюк ёлғончи. Илонга Адан боғида аниқ-равшан таъриф берилган: “...анча айёри илон эди”(Ибтидо 3:1). Шайтон асло аҳмоқ эмас. У сохтакор ёлғончи. У гапга уста. Унинг ташқи кўриниши ғаройиб. Зулмат ҳукмдори ёруғлик либосига бурканган.

Муқаддас Китобда шайтоннинг яна бир кўриниши ҳам баён этилган – бу бировни ютиб юбориш учун изғиб, ўкириб юрган шер тимсоли (1 Бутрус 5:8). Ўтибор беринг-а, иблиснинг душмани бўлган Масих ҳам худди шайтон каби *шер* деб аталган. Шайтон-шер одамларни ғажийди. Яхудо бўғинидан бўлган Шер эса уларга покланиш ҳадя этади.

Шернинг бу иккала образи – куч-кучрат тимсоли бўлиб, шайтонда ёвузлик ва иблис қудратини акс эттиради. Унинг кучи, албатта, Масихнинг кучи олдида заиф, аммо барибир бизнинг кучимиздан анча устунлик қилади. У Масих билан тенглаша олмайди, лекин биздан анчайин кучли.

Шайтон ёлғоннинг иккита асосий усулидан фойдаланади. Бир томондан, у бизни ўзининг кучини *етарлича баҳоламасликка* ундайди. Бошқа тарафлама, унга ўз кучини ортиқча баҳолашга бизни ундайдиган вазиятлар бўлиб туради. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бизни бармоқлари орасидан айлантириб, тузоққа туширишга уринади.

Шайтон ҳақидаги жамоатчилик фикрининг кўрсаткичи бу иккала охириги позициялар ўртасида тебраниб туради. Бир томонлама, шайтоннинг умуман мавжуд эмаслигига ёки одамзот жамиятининг гуноҳидан келиб чиққан ёвузликнинг қандайдир кўринмас жамланма кучи мавжуд эканига ишонадиган одамлар бор. Бошқа томонлама, Масихни ўз диққат-ўтиборларининг марказига айлантиришни унутиб, барча ўтиборларини шайтонга қаратадиган одамлар мавжуд.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам шайтон ютиб чиқади. Агар у одамларни ўзининг йўқлигига ишонтира олса, уни пайқаб қолиб, қаршилиқ кўрсатишларидан хавфсирамай, ёмонлик қилавериши мумкин. Агар у одамларни ўзига ҳаддан зиёд ўтибор ва куч ажратишларига муваффақ бўлса, уларни оккультизм тузоғига тушириши мумкин.

Бутрус шайтонга етарлича баҳо бермаган. Исо уни бўлғуси хиёнати ҳақида огоҳлантирганида, Бутрус ўтироз билдириб айтган: “Ҳазрат! Мен Сиз билан зиндонга ҳам, ўлимга ҳам боришга тайёрман!” (Луқо 22:33). У

Ўзига ҳаддан ортиқ ишонган ва душманнинг кучини етарлича баҳоламаган. Исо бор-йўғи бир дақиқа олдин шайтоннинг кучи ҳақида уни огоҳлантирди, аммо Бутрус Унинг огоҳлантирувини рад этди. Исо айтди: “Шимўн, Шимўн! Мана, буғдойни ғалвирдан ўтказишгандай, шайтон сизларни синовдан ўтказишга изн талаб қилди” (Луко 22:31).

Ва мана, Бутрус ўзига бўлган ишончига қарамай, шайтоннинг қўлида ўйинчоқ бўлди. Шайтон учун Бутрусни васвасага солиш буғдойни ғалвирдан ўтказгандек осон эди. Оддий тил билан айтганда, Исо Бутрусга шундай деган бўларди: “Бутрус, сен шайтоннинг улкан кучига қарши асло бас келолмайсан”.

Аммо буларнинг барчасига қарамай, шайтоннинг бизнинг устимиздан ҳукмронлиги чекланган. У биздан кучли бўлиши мумкин, лекин бизда уни енгиши мумкин бўлган ва аллақачон енгиб чиққан Голиб бор. Калом айтади: “Ахир, ичингиздаги Рух дунёдаги шайтондан устундир” (1 Юҳанно 4:4). Ёкуб бунга қўшимча қилади: “Шундай экан, Худога бўйсунинглар! Иблисга қаршилиқ кўрсатинглар, шунда у сизлардан қочади” (Ёкуб 4:7). Биз Муқаддас Рух кучи билан ўкираётган шерга қарши чиққанимизда, у думини кисиб, биздан қочиб қолади.

Бутрус шайтоннинг экини бўлди, бироқ шайтоннинг бу ғалабаси вақтинчалик эди. Исо Ўзининг огоҳлантируви билан бирга таскин ҳам берган: “Бироқ имондан тоймасин деб, Мен сен учун ибодат қилдим. Сен тавба қилиб, Менга қайтганингдан кейин, биродарларингни имонда мустаҳкамла” (Луко 22:32). Исо Бутруснинг йўлдан озишини ҳам, қайта тикланишини ҳам олдиндан айтган.

Шайтонни етарлича баҳоламаслик – бу вайронкорликка олиб борадиган мағрурликдан азият чекиш демақдир. Уни ортиқча баҳолаш – унга ўзи асло муносиб бўлмаган иззат-икром кўрсатишдир.

Шайтон ҳам ижод. У ҳам якунланадиган ва чекланган мавжудот. У Худога бўйсунди. Масихийлик эзгулик ва ёвузлик кучларининг баробар эканлиги ҳақидаги дуализм концепциясини ҳеч қачон қабул қилмаган. Шайтон одамлардан кучлироқ, аммо Худога тенглаша олмайди. Унда Худога хос бўлган хусусият йўқ. Унинг билимлари бизникидан ортиқ бўлиши мумкин, бироқ у ҳар ерда мавжуд бўла олмайди. Унинг қудрати бизникидан кўп бўлиши мумкин, лекин у ҳар ишга қодир эмас. У кўп нарсаларга таъсир ўтказиши мумкин, аммо ҳамма нарсанинг ҳам уддасидан чиқолмайди.

Шайтон айни паллада фақат муайян биргина жойда бўлиши мумкин. У барча яхши ва ёмон фаришталар каби вақт ва макон билан чекланган. Эҳтимол, сиз бутун умрингиз мобайнида шайтоннинг ўзи билан тўғридан тўғри тўқнашмаслигингиз мумкин. Сиз унга тобе жинлар, алвастилар ёки бир гуруҳ шогирдларини учратишингиз мумкин, аммо унинг ўзи вақтини сиз ёки мендан кўра муҳимроқ нарсалар учун бағишлайди. Шайтон Исога ҳужум қилганидан сўнг ҳам, “Унинг ёнидан кетди, бироқ қайтиб келиш учун фурсат пойлаб юрди”(Луко 4:13).

ИБЛИСГА ҲАДДАН ЗИЁД ЭЪТИБОРМИ?

Бугунги кунда шайтоннинг фаолиятига қизиқиш янада ортган. Мистикага бўлган ташналигимизни қондириш учун Голливуд “Жинларни ҳайдаш”, “Омен” ва бошқа кўплаб кинокартиналарни ишлаб чиққан. Масиҳийлик доираларида ҳалос бўлишнинг янги хизматлари пайдо бўлди. Уларда жинлар босими ва бу босимдан ҳалос бўлиш концепциясига нисбатан Муқаддас Китоб нуқтаи назари мутлақо бузиб талқин этилган.

Мисол учун, инсон қалбидан жинларни ҳайдаб чиқаришни муайян қарамлик билан боғлиқ кўринишлар орқали англаб олиш мумкинлиги ҳақида эшитганмиз. Одамлар таъкидлашича, муайян жинлар бирор аниқ жиноят қилишга ундашади. Улар ичишга қарамлик руҳи, чекиш руҳи, хўрлик ва тушқунлик руҳи ҳамда ҳ.к.лар борлигини гапиришади. Мен ҳалоскорлик хизматининг анча машҳур айрим хизматчилари томонидан (уларнинг исмларини айтиб ўтирмайман) жинлар босимидан қутулиш белгиларини фарқлашни ўргатиш ҳақида ваъзалари туширилган магнитофон ёзувларини эшитганман. Мисол учун, нафас чиқариш чекиш руҳининг кетиш аломати ҳисобланади. Ушбу руҳ одамга тамаки тутуни билан кирар экан, у эшитарли нафас чиқариш билан чиқиб кетади. Шу боис қайт этиш ичкилик руҳининг чиқиб кетишидан дарак бериши мумкин. Барча гуноҳлар руҳи ҳам мавжуд. Бу иблисларни нафақат қувиб юбориш, балки уларнинг қайтишига йўл қўймаслик учун ҳам зарурий даволаниш тартибларини доимо бажариб бориш лозим.

Мен бундай таълимотга қандай муносабат билдиришни тасаввур қила олмайман. Муқаддас Қаломнинг ҳеч қайси жойида иблисона ташхисларнинг бундай тури борлигига ишора ҳам йўқ. Бу таълимотларнинг барчаси бизни жодугарлик оламига олиб кириб, охир-оқибат имонлиларга жиддий шикаст етказди. Афсуски, шайтон ва жинларга ҳаддан зиёд эътибор қаратилиши бизнинг Масиҳга камроқ эътибор бераётганимизни англатади. Бу ҳолат шайтонга ялтоқланмоқ ҳисобланиб, Худога асло ёқмайди.

Қаломда шайтон бизни хўрлаши, ҳужум қилиши, васвасага солиши, гуноҳга ботириши, тухмат қилиши ва айблаши кўрсатиб ўтилган. Бироқ ўзида Муқаддас Руҳ яшаётган масиҳийни жинлар енгиб чиқиши мумкин эмас. Худонинг Руҳи бор бўлган жойда озодлик бор. Агар ўзида Муқаддас Руҳ яшаётган одамни бир вақтнинг ўзида ёвуз кучлар назорат қилаётган бўлса, бизнинг покланишимиз беҳуда бўлиб чиқади.

Шайтон ва жинларга диққат-эътиборнинг қаратилиши бизни бошқа, ўта жиддий ҳавфдан – ўз гуноҳларимиздан атайин нарига олиб кетади ва чалғитади. Ҳа, шайтон мавжуд. Ҳа, муайян жинлар ва иблислар бор. Аммо аниқ гуноҳлар ҳам мавжуд. Шайтон гуноҳларимизда шеригимиз бўлиши мумкин, лекин биз барча айбларимиз ва мажбуриятларимизни жинларга ағдара олмаймиз. Бўкиб ичиш учун иблисга таслим бўлишнинг асло ҳожати йўқ. Биз ёмонлик қилишимиз учун ўзимизда туғма ёвузликлар етарли. Биз айтишимиз мумкин: “Мени шайтон бунга мажбурлади”. Биз гуноҳга ёки васвасага берилганимизни, шайтон бизни шундай қилишга мажбурлаганини айтишимиз мумкин, аммо унинг назоратида остида бўлишимиз мумкин эмас ва у бизни мажбурлай олмайди.

Биз ўзимизни назорат қиладиган руҳларнинг таъсири остида гуноҳ қилишимиз ҳақидаги назарияни қабул қилганимиз заҳоти, дарҳол иккита жиддий муаммо пайдо бўлади. Биринчидан, биз ўз гуноҳларимиз туфайли ҳеч қандай шахсий мажбурият олмаслигимиз ҳақидаги васвасага бериламиз. Ахир қаршилик кўрсатишга ожиз бўлсак, ўз гуноҳларимиз учун қандай жавоб беришимиз мумкин? Иккинчидан, биз халоскорлик хизматисиз кўмаксиз эканлигимиз ҳақида ўйлай бошлаймиз. Бизнинг онгимизга заифлигимиз учун айбдор эмаслигимиз ва халоскорликнинг алоҳида инъоми кўрсатиладиган хизматга муҳтож эканлигимиз ҳақидаги фикрлар сингдирилади. Бунда покланишнинг Муқаддас Китобга хос концепцияси рад этилишини кўрамиз. Бу нопок кучлардан халос қиладиган мутахассис майдонга чиқмагунча, Худога манзур бўладиган ҳаёт кечиришга ожиз эканлигимиз ҳақида имонлиларни ўргатадиган Муқаддас Китоб позицияси эмас. Шу боис мен имонлиларни бундай нарсаларга ўргатадиган одамлардан юз ўгиришларини қатъий сўраб қоламан. Ўз руҳингиз нажоти учун улардан нари қочинг.

ВАСВАСАГА СОЛУВЧИ ВА ОДАМ АТО

Хўш, бу ҳолда шайтон бизлар билан нима қилади? Шайтон бизга қарши фойдаланадиган иккита фаолият тури бор. Бу васваса ва айблов. Айбловни биз кейинги бобда батафсилроқ кўриб чиқамиз, бу ерда эса унинг васвасага солувчи сифатидаги фаолиятини кўриб чиқамиз.

Шайтоннинг васвасага солувчи сифатидаги иши Одам Ато ва Момо Ҳавонинг гуноҳга ботиши ҳамда Исонинг саҳрода васавасага солиниши ҳақидаги ҳикояда кўпроқ намоён бўлади. Бу иккала ҳолатда ҳам анча умумийлик бор, бироқ ҳайратомуз тарздаги қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд.

Адан боғида илон момо Ҳавога мутлақо беозор савол билан яқинлашди: “Ҳақиқатан ҳам Худо, боғдаги биронта дарахтнинг мевасидан еманглар, деб айтдими?” (Ибтидо 3:1).

Бу савол биринчи қарашда аҳмоқона бўлиб туюлади. Шайтон гўёки каттиққўл қоидалар ва Худонинг таъқиқларидан ҳайрон бўлгандек қилиб кўрсатди ўзини. “Наҳотки Худо сизларга боғдаги бирорта дарахтнинг мевасини емаслигингизни чиндан ҳам айтган бўлса?” Бироқ бу саволда далилларнинг мутлақо очиқ-ойдин бузилиши яширилганди. Момо Ҳаво шу заҳотиёқ илоннинг гапига тузатиш киритди: “...Йўғ-э, биз боғдаги ҳамма дарахтларнинг мевасидан ейишимиз мумкин, - деб жавоб берди. – Лекин Худо, боғ ўртасидаги дарахтнинг мевасидан еманглар ҳам, тегманглар ҳам, акс ҳолда, ўласизлар, деб айтган” (Ибтидо 3:2-3).

Худо Одам Ато ва Момо Ҳавога боғдаги ҳамма нарсалардан фойдаланишга рухсат берган – битта истиснодан ташқари. Битта дарахт таъқиқ остида эди. Бошқаларидан эса фойдаланиш мумкин бўлган. Аммо барибир шайтон сўради: “Ҳақиқатан ҳам Худо, боғдаги биронта дарахтнинг мевасидан еманглар, деб айтдими?” Мана, шайтоннинг нозик ҳийласи қанақа. У Худо одамни нимададир чеклаган экан, демак, уни озодликдан

бутунлай маҳрум қилгани ҳақидаги ўз фикрини усталик билан ниқоблади. Илоннинг саволи шунчаки савол эмасди. Бу савол Худонинг адолати ва меҳрибонлигига қарши айблов каби янгради.

Биз бу ерда болаларимизнинг таъқиқларга бўлган реакциясига яққол ўхшашликни кўрамиз. Агар биз уларга ўнта ишдан тўққизтасини қилишларига рухсат бериб, биттасини таъқиқласак ҳам, шу заҳотиёқ одатий арз-шикоятларни эшитамиз: “Сиз ҳеч қачон бизга ҳеч нимага рухсат бермайсиз!” Катта ёшлилар бу борада болалардан озгига фарқ қилишади, холос.

Шайтоннинг саволи Худони ноҳалолликда айблаш, Уни билвосита ҳақорат қилиш бўлганди. Шайтон сўнгра билвосита айбловлардан тўғридан тўғри ҳужумга ўтади. Момо Ҳаво вазиятни ойдинлаштириб, Худо ўлим жазоси билан огоҳлантириб, фақат биттагина дарахтни таъқиқ остига олганини айтганида, шайтон журъат қилиб дейди: “Йўк, ўлмайсизлар. Чунки Худо биладики, сизлар бу мевалардан есангиз, кўзларингиз очилиб, сизлар ҳам барча яхши ва ёмон нарсаларни биладиган бўлиб, Худога ўхшаб қоласизлар” (Ибтидо 3:4-5).

Бу ўринда васвасанинг моҳияти – очик ва сурбетларча ёлғон келтирилган: “Йўк, ўлмайсизлар”. Шайтон Худо айтганларининг мутлақо тескарисини айтади. Шайтон Худони ёлғончиликда айблайди: “Йўк, ўлмайсизлар. Худо сизларнинг ўлишингизни айтган, мен эса ўлмаслигингизни айтяпман”.

Хўш, аслида ҳақиқатни ким айтди? Исо шайтонга таъриф бериб, “чунки у ёлғончи, ёлғоннинг отасидир” (Юҳанно 8:44) деган. Шайтоннинг васвасага солишдаги энг асосий ёвуз фикри – Худо ҳақиқатини ҳужумларга йўлиқтириш. Шайтон Худони ёлғончиликда айблаш билан чекланиб қолмади, балки Худо қандай мақсадда алдаганини Момо Ҳавога тушунтирди: бунни қайсидир тарзда илоҳий ҳасад деб айтиш мумкин. Худо гўёки Одам Ато ва Момо Ҳавонинг кўзлари очилишини истамаган. У англаб етишнинг бу олий даражасини фақат Ўзи учун сақлаб қолмоқчи бўлган. У Ўзининг Илоҳийлигини баҳам кўришни истамаган. У дарахтнинг меваси Одам Ато ва Момо Ҳавони илоҳий қилиб қўйишидан чўчиган. Демак, Худонинг таъқиқлаши адолатсиз ва худбинликдир.

Шайтон бутун кучининг зарбасини ҳалоллик ва адолатга йўналтиради. У Одам Ато ва Момо Ҳаво бу дарахтдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканликлари ҳақидаги фарзани билдиради, чунки Худонинг қоидалари адолатсиз. Одамда, ҳаттоки бу Худога ёкмаса ҳам, ўзи истаган ҳамма нарсани қилиш учун дахлсиз ҳуқуқи бор.

Бу ҳолат инсоният тарихидаги энг сўнггиси эмасди. Одам кейинчалик ҳам катта миқдордаги васвасалар ва ҳаваслар билан тўқнашди. Ўша иблисона фикр-хаёллар одам онгида ҳар куни айланаверади. Мен ҳар сафар гуноҳ қилганимда Худо мендан истаган ишни эмас, балки ўзим хоҳлаган ниманидир қилганим боис гуноҳга қўл ураман. Худонинг қонунлари адолатсиз эканлиги ҳақидаги хиёнаткор фикрлар қалбимизда чуқур илдиз отган.

ВАСАВАСАГА СОЛУВЧИ ВА МАСИХ

Ана энди Масихнинг васавасага солинишини кўриб чиқайлик. Биринчидан, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг синовдан ўтказилиши ҳамда Исонинг васавасага солиниши ўртасидаги ҳолатлар фарқини қайд этиб ўтайлик. Одам Атонинг васавасага солиниши жаннат ичида рўй берган. Унда инсон билан ўзаро мулоқот қилиш ҳашамати бўлган. Унинг қорни тўқ эди. Унинг учун энг нозик мазахўрак таъбига мўлжалланган дастурхон ҳамisha тайёр бўлган. Одам Атода кўнгли тусаган ҳамма нарса мухайё эди.

Исо эса, аксинча, ёлғиз бўлган. У мутлоқ ёлғизликда туриб, энг оғир табиий шароитлар билан тўқнашди. Заиф ўсимликлар, камчил жонли табиат ва чаёнлар макони – яҳудийлар саҳроси ана шундай кўринишда бўлган. Одамлар билан мулоқотдан маҳрум Исо қирқ кунлик рўза мобайнида барча бу синовларни бошидан ўтказди. Унда мевасини узиб олиши мумкин бўлган дарахтлар ҳам, мева-чевалар ҳам йўқ эди.

Ўртадаги катта тафовутга қарамай, Унинг синовдан ўтиши ва жаннатдаги васаса орасида фаройиб ўхшашлик бор. Васасанинг моҳияти ўша-ўша – Худонинг Каломи ҳақиқатига бўлган ишончга дарз етказиш. Шайтон Исога яқинлашиб айтди: “Агар Сен Худонинг Ўғли бўлсанг, тошга буюр, нонга айлансин” (Луқо 4:3). Эътибор беринг-а, шайтон айтмади: “*Модомики* Сен Худонинг Ўғли бўлсанг...” Урғу биринчи сўзга берилганди: “*Агар* Сен Худонинг Ўғли бўлсанг...”.

Бироқ нима учун *агар*? Муқаддас Рух Уни саҳрога синов учун олиб кетишидан аввал, Исо қандай сўзларни эшитганди? Исо чўмдирилганидан сўнг самодан Худонинг овози эшитилди: “Сен Менинг севиқли Ўғлимсан. Сендан ниҳоятда мамнунман” (Луқо 3:22).

Шайтоннинг *агар* сўзи остида яширинган нозик ишораси куйидагича эди: “Худонинг Ўғли эканингга ишончинг қомилми? Агар Худо Сени шунчалик сева, бу ерда нима қилиб юрибсан? А-ҳа, Худо Ўзи марҳаматлаган Ўғли билан шундай муносабатда бўлар экан-да? Ҳарқалай, Сен Худонинг Ўғли эканлигингга биз ишонишимиз керак. Сен ахир очсан, шундай эмасми? Худонинг Ўғли учун тошни нонга айлантиришнинг ҳеч қийини йўқ. Бундан ҳеч қимга зарар етмайди”.

Исо дарҳол жавоб қайтарган. Албатта, У оч эди, бироқ Унинг ҳалолликка бўлган интилиши очлик ҳиссидан кўра анча қучлироқ бўлган. Унинг егулик-ичқулиги Отасининг хоҳишини бажаришдан иборат эди. У айтди: “Инсон фақат нон билан эмас, балки Худонинг ҳар бир сўзи билан яшайди” (Луқо 4:4).

Исо шайтоннинг барча ҳийла-найрангларини билиб турарди. Масихнинг онгида ҳеч қандай “агар” учун жой йўқ эди. Худо Исони Ўз Ўғли деб айтганди ва Исо Худонинг Каломи билан яшарди. Одам Атони Худо айтган ҳақиқатни рад этиши учун васасага солишганди, Исо эса васасага таслим бўлмади.

Ана шунда шайтон ўз тактикасини ўзгартирди. У Исога бутун олам шохлигини кўрсатиб айтди: “Сени ана шу шохликлар устидан ҳукмрон

киламан, уларнинг шон-шуҳратини Сенга бераман. Буларнинг ҳаммаси менга берилган, мен эса истаганимга бераман. Менга сажда қил, шунда ҳаммаси Сеники бўлади” (Луқо 4:6-7).

Хукмронлик ва шон-шуҳрат. Васваса ана шундан иборат. Шайтон шундай бир қонидани қурол қилиб олганди: “Ҳар бир одамнинг ўз баҳоси бор”. Бироқ у Исонинг ҳақиқий баҳосини аниқлай олмади. У бебаҳо Инсон эди. У бир қанча вақтдан сўнг шундай деб сўраган Инсон эди: “Агар инсон бутун дунёни эгаллаб олса-ю, ўз жонидан маҳрум бўлса, бундан унга нима фойда?” (Марк 8:36).

Исо шайтога жавоб қайтарди: “Йўқол кўзимдан, шайтон! Ёзилганки: Эганг Худога сажда қил, фақат Унга хизмат қил” (Луқо 4:8). Бу ўринда Исонинг сўзларидаги маъно – Худонинг Каломига итоат қилиш. Шайтоннинг Исога таклиф этганларини фақат Худонинг Каломини бузиш орқали қабул қилиш мумкин эди. Исо шайтоннинг ҳужумларини Муқаддас Калом билан даф этди. “Ёзилганки ...”, - деди Исо. У Қонунлардан иқтибос келтирди. Мутлақо аёнки, Исо Қадимги Аҳдга нисбатан кўплаб ўз замондошларидан ҳам ортиқ даражада эҳтиромни ҳис этган. У сал аввалроқ одамлар Худонинг ҳар бир сўзидан озиқланишлари кераклигини айтганди. У бузиш асло мумкин бўлмаган аниқ сўзлардан иқтибос келтирган.

Бироқ энди шайтон ҳам Муқаддас Каломдан иқтибос келтира бошлади. Аммо бу ўринда *агар* кўшимчасидан фойдаланди. “Агар Сен Худонинг Ўғли бўлсанг, Ўзингни бу ердан пастга ташла. Ахир, ёзилган-ку: “Худо Сен тўғрингда фаришталарига амр беради, Фаришталар Сени кўриқлайди. Оёғинг тошга қоқилиб кетмасин дея, Фаришталар қўлларида Сени кўтариб боради” (Луқо 4:9-11).

Шайтон авваллари Каломдан иқтибос келтирмасди, энди эса уни бузиб талқин этяпти. У Каломга қарши Каломдан фойдаланади. У гуноҳни оқлаш учун Муқаддас Китобга манба сифатида мурожаат қилиб, бу билан Муқаддас Рухга қарши жиноят қилади.

Шайтон гўёки шундай дейди: “Яхши, Исо, Сен Каломга ишонар экансан, бунини исботлаб бер! Худони синаб кўр. Ўзингни пастга ташла, кўрайлик-чи, Сени Фаришталар кўтариб олишармикан”.

Исо жавоб берди: “Эганг Худони синама” (Луқо 4:12).

Исонинг сўзлари мутлақо аниқ: “Мен Худонинг ваъдасини биламан. Аммо Мени чеклов, таъқиқлар бўлган ваъда билан васвасага солишга уринмагин. Муқаддас Калом айтадики, биз Худони синамаслигимиз керак (Қонунлар 6:16). Фаришталар Мени асрашига ишонч ҳосил қилишим учун маъбад тоmidан пастга сакрамайман. Худо шу ҳақда айтган, шу боис Унинг ваъдаси ҳақиқий эканига ишонаман”.

Ана шундан сўнг нималар бўлгани қизиқ. Матто Хушхабариде ушбунини ўқиймиз: “Шундан кейин иблис Исони тарк этди. Фаришталар келиб, Исога хизмат қилдилар” (Матто 4:11).

ИШОНЧСИЗЛИК ВАСВАСАСИ

Одам Ато ва Момо ҳаво билан, шунингдек, Исо билан кечган бу иккала васавасаларда ҳам моҳият Худонинг Каломига бўлган ишончга ишончга асосланган. Агар шайтон Худонинг Каломига нисбатан бизда шубҳа уйғота олса, биз йўлдан озишга тайёр бўлиб қоламиз. Худо айтган барча-барчасига ишонишга лаёқатсизлик ҳар қандай гуноҳнинг асосидир. Худо Каломининг ҳақиқати шубҳа остига тушган заҳотиёқ, назаримизда адолатли бўлиб туюлган ишда ўзбошимчалик қилишдан бизни ҳеч нима тўхтатиб қоллолмайди. Биз “ўз билганимизча” иш тутиб, моҳиятан итоатсизлик бўлган нимадир қилиб қўямиз. Биз ўз назаримизда тўғри бўлган нимагадир эътиборимизни қаратганимизда, Худога тўлиқ садоқатли бўла олмаймиз ва Унга манзур бўлишга интилолмаймиз.

Бироқ нима учун ишончсизлик гуноҳ ҳисобланади? Худога бўйсунилшдан воз кечиш Унинг ҳаққонийлигига тухмат ҳисобланади. Бундай рад этиш Худонинг Ўзи биздан нима талаб қилаётганини билмасликда айблашни ёки Уни талаблари бутунлай ёмонлик эканини англатади. Биз ҳар қандай ҳолатда ҳам Унинг илоҳий адолатини, Унинг ҳамма нарсадан хабардорлигини ва Унинг ҳаққониятини шубҳа остига қўямиз.

Аммо кўр-кўрона ишонч ожизликнинг намоён бўлиши эмасми? Ҳа, шундай. Имон ва енгилтак ишонч ўртасида катта фарқ мавжуд. Енгилтак ишонч – бу имон билан асло алоқаси бўлмаган анойилик. У бидъат ва бемаъни хурофот асосида қурилади. Имон учун ҳеч қандай асосга эга бўлмаган ҳолда нимагадир ишониш яхши эмас. Аммо Худо биздан буни талаб этмайди. У биздан мутлақо аён бўлган ҳақиқатга ишонишимизни сўрайди. У Исони қабрдан чиқариб олмай туриб, биздан Исонинг тирилишига ишонишимизни сўрамайди.

У чиндан ҳам келажагимиз учун Унга ишонишимизни сўрайди, бироқ бундай ишонч кўр-кўрона эмас. У Каломнинг мукамаллигига асосланган. У такрор ва такрор Унинг ваъдаси тўғри эканлигини бизга кўрсатган. Агар биздан фирибгарликда кўп бора фош этилган ва ваъдаларини доимо бузадиган таниқли ёлғончи ва муғомбирга ишонишимизни сўрашадиган бўлса, бизнинг унга бўлган ишончимиз енгилтак бир туйғу бўлади, холос.

Бироқ Худо одам эмас. У бунга ўхшаш бирорта ҳам гуноҳда айбдор бўлиши мумкин эмас. Биз ўз табиатимизга хос бўлган камчилик ва заифликларимизни Худога ағдаришга журъат қила олмаймиз.

Рим католик жамоати эътибор қаратишга арзийдиган концепцияга эга. Бу ғоя *fides implicitum* ҳақида. У имонли одамнинг жамоатга мутлоқ ишониши керак эканлигидан иборат, негаки жамоат одамларга масиҳийлик ҳақиқатини етказувчи институт сифатида гуноҳдан холидир.

Ҳа, шундай, агар жамоат гуноҳдан холи бўлганида, унга мутлоқ ишониш асосли ва тўғри бўларди. Бегуноҳ бўлган барча ва ҳар ким бундай ишончга муносиб. Бироқ мен Рим католик жамоати ёки бошқа бирор жамоат бегуноҳ эканлигига ишонмайман. Фақат Худогина чиндан ҳам беайб. Биз Унга чиндан ҳам *fides implicitum* тарзида бурчлимиз.

Агар шайтон Худога бўлган мутлоқ ишончимизни буза олса, унинг бизни йўлдан оздириш мақсадини амалга ошган дея ҳисоблаш мумкин, биз

ишончсизлик васвасаси қурбонига айланамиз. Одам Ато шу тариқа йўлдан озган. У Худога ишонмаган. Иккинчи Одам Ато, Исо эса Худонинг Каломи билан яшаган. У васвасага солувчига эргашмаган.

Исо васвасага солиниш олдидан Ўз Ўғлини руҳлантирган Ота овозини эшитган: “Сен Менинг севикли Ўғлимсан”. Худо Ўз Ўғлининг васваса устидан ғалабасидан мамнун бўлганига тўлиқ ишонишимиз мумкин. Исо шайтон-ёлғончининг сўзлари ва Худо Каломининг ҳақиқати ўртасида танлов қилди, У гумон ва шубҳа (скептицизм) билан эмас, балки имон-ишонч билан Ўз тақдирини боғлади. Худонинг фарзандлари тўлиқ Унга ишонганларида, аввал бўлганидек ва ҳозир ҳам, Худо улардан мамнун ва рози бўлади.

ЕТТИНЧИ БОБ

ШАЙТОН - ТУХМАТЧИ

Шайтон васвасада ҳам, айбловда ҳам даҳшатли душман каби ўзини намоён этади. Биз ўтган бобда шайтон-васвасага солувчига қаршилиқ кўрсатган ҳолда Худога манзур бўлишимиз мумкинлигини кўриб чиққандик. Мазкур бобда эса шайтоннинг заҳарли айбловларига берилиш ўрнига, ҳатто гуноҳ қилсақда, ўзимизни Худонинг раҳм-шафқатига топшириш орқали Унга манзур бўлиш мавзусини кўриб чиқамиз.

ЁВУЗ АЙБЛОВЧИ

Шайтон бизни руҳий саросимага тушириш учун Худо халқини айбловчи сифатида Муқаддас Руҳ ниқоби остида яшириниши мумкин. Биз айбдорлик туйғусини ҳис этишимиз керак бўлганида ўзимизни яхши ҳис этишга ундаши ёки аксинча, тинч-хотиржам яшашимиз керак бўлганида, айбдорлик туйғусини ҳис этишимизга мажбурлаши мумкин.

Закариё шайтон одамларни қандай айблаётгани кўриниб турган ҳолатни ҳикоя қилади:

Кейин фаришта менга Эгамизнинг фариштаси олдида олий руҳоний Ёшуа турганини кўрсатди. Ёшунинг ўнг томонида эса шайтон уни айблаб турган эди. Эгамиз шайтонга шундай деди:

- Эй шайтон! Гапларингнинг ҳаммаси ёлгон! Мен Қуддусни танлаган Эгангман. Мен сенга айтаман, гапларинг ёлгон! Ахир, бу киши алангадан қутқарилган бир ўтин парчасидай эмасми?!

Ёшуа фариштанинг олдида кир кийимларда турар эди. Фаришта атрофида турганларга:

- Унинг кир кийимларини ечинглар – деди. Ёшуага эса:

- Мана, қара, Мен сенинг гуноҳларингни олиб ташладим, - деди. – Энди сенга тоза, байрамларда киядиган янги кийимларни кийдираман.

Кейин мен:

- Унинг бошига тоза салла кийдириглар, - дедим. Унинг бошига тоза салла, устига эса янги кийим кийдиришди. Эгамизнинг фариштаси унинг ёнида турар эди.

Кейин Эгамизнинг фариштаси Ёшунани огоҳлантириб, шундай деди:

- Сарвари Олам шундай айтмоқда: “Агар сен Менинг йўлимдан юриб, талабларимни бажарсанг, Менинг уйимда, Маъбадим ҳовлиларида бош бўласан. Сенга шу ерда турганлар орасидан жой бераман (Закариё 3:1-7).

Ёшуа кир кийимлари билан турарди. У Худонинг ҳузурида турганида, шайтон унинг кийимларига эътибор қаратди. Душман Ёшуани Худо олдида айблади. Дарҳақиқат, унинг кийимлари кир бўлганди. Шайтон нишонга олиш учун энг нозик жойини танлади. Бироқ Худо Ўзи танлаганини ҳимоя қилди – “ахир, бу киши алангадан қутқарилган бир ўтин парчасидай эмасми?!”

Ҳар бир масихий дўзах алангасидан қутқарилган ўтин парчаси ҳисобланади. Уни алангадан тортиб чиқаришганидан сўнг олов унга зарар етказа олмайди. У бир муддат тутаб туриши мумкин, аммо ўтин ёниб кетмайди.

Тутаган ўтин ифлос қилади. Унга тегинган ҳар кимда қора доғлар қолдиради. Унинг куйган юзаки қисми қурум ва кул билан қопланган.

Биз ана шундай кўринишга эгамиз. Худо томонидан гуноҳи ювилган, Худонинг қўли билан алангадан тортиб чиқарилган бизлар ҳануз кул билан қопланганмиз. Бизда ҳали кўплаб қорақуя белгилари бор. Биз қурум доғлари билан қолганмиз. Бизнинг гуноҳимиз ювилган, лекин гуноҳсиз эмасмиз. Ва шайтон диққатни кир-ифлосликларимизга қаратмоқчи бўлади. У биз Худо марҳамати ва иноятдан кўра кўпроқ ўз гуноҳимизни англашимизни истайди.

Худо шайтоннинг айбловига қарши танбеҳ билан жавоб қайтаради: “...Мен сенга айтаман, гапларинг ёлғон! Мен Қуддусни танлаган Эгангман”. Худо шайтоннинг оғзини ёпади. Масих бизнинг ҳимоямиз учун овозини кўтарган Адвокатимиз ҳисобланади. Шайтон бизни таъкиб этганида, Масих суд залида туриб айтади: “Мен бу айбловларга қарши эътироз билдираман, Жаноб Ҳакам! Бу мен алангадан олиб чиққан ўтинларимдан бири”. Худо Ўзининг олий тахтидан жавоб қайтаради: “Эътироз қабул қилинади!” Айбловчи Қодир Худонинг суд залида жим бўлиб қолади.

Худонинг фариштаси Ёшуанинг эгидан кир кийимларни ечиб, уни ҳашаматли либосларга буркади. Бошига тоза салла кийдиришди. Худо Ўзи оқлаганларни шундай кийинтиради. Биз Унинг ҳаққониятига ўранганмиз, шу боис Унинг ҳузурида ўзимизни айбдор ҳис этишимиз керак эмас.

Лойиқ келадиган либос жуда муҳим иш. Мен яқинда Флорида губернатори қабулида бўлдим. Бу расмий қабул бўлиб, мен таклифномани сўнгги дақиқаларда олгандим. Мен мувофиқ тарзда кийиниш учун смокинглар ижараси агентлиги томон югурдим. Хизматчи буюртмамни қабул қилди, бироқ смокингни ўз вақтида қабул қила олмаслигим ҳақида огоҳлантирди. Ўша тунда туш кўрибман: қабулда мувофиқ тарзда смокинг киймаган ёлғиз ўзим эканман. Совуқ терга ботиб уйғониб кетдим ва шу ондаёқ енгил тин олдим, негаки бу бор-йўғи аҳмоқона бир туш эди, холос.

Бироқ губернатор олдида номувофиқ кийимда намоён бўлиб, жамоатчилик тартиби қондасини бузиш бошқа масала. Худонинг ҳузурида кир кийимда пайдо бўлиш эса мутлақо бошқа гап. Агар Худонинг тахти

қаршисида номувофиқ кийимда намоён бўлишдан қўрқсак, тўғри қилган бўламиз.

Аммо Худода смокинг тайёрлаш бўйича махсус устахонаси бор. У бизни кийинтирадиган либос бизга ижарага берилмайди. У абадий бизники бўлиб қолади. Ва албатта, у бизнинг ички кийимларимизнинг барча камчиликларини беркитади, чунки биз унга жуда яхшилаб ўраниб олган бўламиз. Бу либосга ўранганимиз заҳоти энди ҳеч қачон хижолатга тушмаймиз. Бу кийим ҳеч қачон эскирмайди, ҳеч қачон урфдан чиқиб кетмайди.

Айнан Худо ерда одам учун биринчи либосни тайёрлаган. Худо марҳаматининг илк қайд этилган акти Одам Ато ва Момо Ҳавони яланғочлигини беркитиш учун уларни кийим билан таъминлашдан иборат бўлган. Худо уларга раҳм-шафқат қилган, негаки улар уят хиссини сезишгани учун шу тариқа хизмат қилган (Ибтидо 3:21). У Ўзининг севган, аммо гуноҳ билан қирланган одамларига кийим беришда давом этмоқда.

Закариё айтадики, Худо Ёшуадан гуноҳларини олиб ташлаб, тоза кийимлар берганидан сўнг огоҳлантириб ўтди, яъни юмшоқ оҳангда танбеҳ берди. Ана шу қисқагина кўринишда Ёшуа шайтоннинг айбловини ҳам, Худонинг танбеҳини ҳам эшитди. Биз, масиҳийлар ҳам, худди шуни ҳис этамиз. Биз гуноҳ қилганимизда, шу заҳотиёқ шайтоннинг айбловини ҳам, Муқаддас Рухнинг ўз гуноҳимизни англаб етишимизга қаратилган хоҳиш-истакларини ҳам эшитамиз.

Аммо бу ердаги фарқ нимада? Шайтон бизни айблаган ҳолда бизга зарар етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. У бизни Худодан нари олиб кетишни истайди. Муқаддас Рух эса гуноҳдан юз ўгиришга бизни кўндиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. У бизнинг гуноҳларимизни англаб, Худога яқин бўлишимизни истайди. Шайтон эса биз гуноҳларимизни англаган ҳолда ўзимизни барбод қилишимизни хоҳлайди. Рух бизни айбдорлик ҳиссидан қутқариш йўлларини излайди. Уларнинг иккаласи ҳам диққатни битта гуноҳга қаратишади, бироқ мақсадлари мутлақо бошқа-бошқадир.

АЙБНИ ЛАЗЗАТЛИ АНГЛАБ ЕТИШ

Шайтоннинг айбловлари бизни умидсизликка туширади, аммо Муқаддас Рухнинг бизни фош этишида қандайдир лаззат бор. У эътиборимизни гуноҳга қаратганида, таскин ва кечиримни ҳам, қайта тикланишни ҳам олиб келади.

Дарбадар ўғил билан нималр юз бергани ҳақида мулоҳаза юритинг. У барча мол-давлатини совириб, чўчкалар орасида ётишга ва улар емишидан озикланишга мажбур бўлди. Ана ўшанда, Каломда айтилганидек, “Нихоят йигит ақлини йиғиб олиб, ўзига ўзи дебди...” (Луқо 15:17).

“Ақлини йиғиб олиб” ҳушига келиб, ўз ҳолатини ҳақиқат нурларида кўришни англатади. Бу онг тикланишига олиб боришни билдиради. Онгнинг шу пайтгача мудраб ётган қисми тўсатдан уйғонади. Худди одам руҳий

уйкудан уйғониб кетгандек. Бунинг ортидан ёмонликни бас қилиш қарори билан биргаликда ҳақиқий тавба келади. Масал бу ҳақда шундай дейди:

Нихоят йигит ақлини йигиб олиб, ўзига ўзи дебди:

- *Отамнинг қанчадан-қанча ёлланма ишчиларининг нони ошиб-тошиб ётибди, мен эса бу ерда очликдан ўляпман. Энди отамнинг олдига бориб, унга шундай деб айтаман: “Ота, мен Худога ва сизга қарши гуноҳ қилдим. Энди сизнинг ўзлингиз деб аталишга лойиқ эмасман. Мени ёлланма ишчиларингиз қаторига қабул қилинг.”*

Йигит отасининг олдига равона бўлибди. Йигит ҳали узоқда келар экан, отаси уни кўриб, ўзига раҳми келибди. У югуриб бориб, ўзгилни қучоқлаб, ўпибди (Луқо 15:17-20).

Биз Худо-Муқаддас Рухнинг фош этишини кўряпмиз. Рух бизга гуноҳларимизни кўрсатганида, У бизни тавбага ва қайта тикланишга олиб боради. Айбимизни дастлабки англаб етишлар оғриқли бўлиши мумкин, бироқ у тушқунликка олиб бормайди. У кўпроқ бизни Ўз бағрига босишни истаётган Ота олдига қайтаради. Ота бўрдоқи бузоқни сўйишни буюради, бизни яхши либослар билан кийинтиради, қавариқларимизни беркитади ва кўлимизни оила узуги билан безайди. Шуниси аниқки, бу масал қилган гуноҳимизга астойдил тавба қилиш ва ундан воз кечиш истагидан кўра Худо учун ёқимлироқ нарса йўқлиги ҳақида тушунча беради.

Муқаддас Рухнинг фош этиши бизга эркинлик олиб келади. У яхшилик ва мулоимлик билан тўлган. Рухнинг фош этиши Унинг азоб-укубатлари билан мувофиқ келади. Унда барча вайрон бўлган қалблар учун таклифни яққол кўриш мумкин. Бешафқат жазо эмас, балки илоҳий мукофот олиш вақти келди. Фаришталар ўртасида катта хурсандчилик ҳукм суради, Муқаддас Рухнинг қалбида эса қувонч ва шодлик. Масалда отанинг қувонишига бир қаранг-а:

- *Бўрдоқи бузоқни олиб чиқиб, сўйинглар. Еб-ичайлик, хурсандчилик қилайлик. Чунки бу ўғлим мен учун ўлган эди, энди тирилди, йўқолган эди, энди топилди.*

Шундай қилиб, хурсандчилик қила бошлабдилар (Луқо 15:23-24).

Шайтоннинг айбловидан мақсад тиклаш эмас, балки барбод қилишдир. У тавба қилаётганимизни кўришни асло истамайди. Гуноҳкор ақлини йигиб олиб, гуноҳ қилишни тўхтатганида, шайтоннинг измидагилар орасида қувончли ҳайкириқлар эшитилмайди. Шайтон гуноҳ олдида бизнинг таслим бўлишимизни истади. У барчамизни чўчкахонадаги чўчкалар олдига ҳайдаб киритишни истади. У гуноҳкорларда Худога нисбатан аччиқ ва душманлик туйғуларини уйғотиш учун бизни азоблайди. У гуноҳкорнинг ўзига раҳми келиб, Худони ўз тақдири учун айблашини хоҳлайди. У дарбадар ўғил чўчкаларни лаънатлашидан, айна вақтда Худони ҳақорат қилишидан умидвор. У дарбадар ўғилнинг шундай дейишини эшитишни истади: “Отам менга кам мерос берди. Худо адолатсиз, чунки мени шу чўчкахонада очликдан қийналишимга мажбурлапти”.

Тавба қилувчига нисбатан шайтоннинг муносабати дарбадар ўғилнинг акаси билдирган реакцияда акс этган:

Катта ўғил шу пайтда далада эди. Қайтаётиб уйга яқинлашганда, қулогига мусиқа ва ўйин-кулги садолари эшитилибди. Хизматкорлардан бирини чақириб:

– Нима гап? – деб сўрабди.

– Укангиз қайтиб келдилар. Отангиз уни соғ-саломат кўргани учун бўрдоқи бузоқни сўйдилар, - деб жавоб берибди хизматкор. Шунда катта ўғилнинг жаҳли чиқибди, ичкарига киришдан бош тортибди. Отаси эса ташқарига чиқиб, ўғлига ўтиниб гапирибди (Луқо 15:25-28).

Биз отанинг меҳр-шафқати ёқмаган аканинг ҳасад қилаётганини кўряпмиз. Шайтоннинг Аюбга муносабати ҳам шундай бўлган. Иблис ҳамиша ҳукм қилишга ва айблашга интилади, аммо кечиришга асло уринмайди. Мана шу боис масихий бошқаларни муҳокама қилиши мумкин эмас. Шу боис ҳаворий Павлус биз Исода Ўз қалъамиз каби кўрган ўша ҳимоя ва куч-қудрат ҳақида жўшқинлик билан гапиради:

Худонинг танлаганларини ким айблай оларди?! Худонинг Ўзи уларни оқлайди-ку! (Римликлар. 8:33).

Павлуснинг саволи риторика қоидаларига асосланган. У сўрайди: “Худонинг танлаганларини ким айблай оларди?”, унинг ўзи амалда шундай жавоб қайтаради: “Ҳеч ким бунга ботина олмайди?” Худо оқлаган одамни айблаш Хушхабарни ҳақорат қилиш демакдир. Масих ким учун ўлган бўлса ва У кимни ҳимоя қиладиган бўлса, уни ҳукм қилиш ҳам аҳмоқлик, ҳам ахлоқсизликдир.

Шайтоннинг айбловларига қарши бизнинг ҳимоямиз Хушхабар ҳисобланади. Иблис Хушхабардан нафратланади. У Хушхабарни рад этади. У бизни оқланишни қаердан бўлса ҳам излашимизга мажбурлашга уринади, аммо бизни Ўзининг мукаммал солиҳлиги билан буркаган Масихда эмас. Шайтон бизга қарши доимо айбловларни олдинга суради. У бизни муҳокама қилади. У кийимларимиз кирланиб кетгани, биз солиҳ Худога манзур бўлиш учун ҳаддан зиёд гуноҳкор эканлигимиз ҳақида қулоқларимизга кичқиради. Бироқ биз Масихда шундай деймиз: “Йўқол бу ердан, ғийбатчи! Худонинг танлаганларини ким айблай оларди? Нажоткорим мени кийинтириб қўйган. У мендан ҳамма гуноҳларимни ювиб ташлаган. Айнан шу лаҳзада У мен учун ибодат қилмоқда. Қулоқларингни беркит, шайтон, Масихнинг мени ҳимоя қилувчи сўзлари сенга эшитилмасин. Масих – менинг ҳаққониятим. Унинг хизматлари меники. Ҳеч нима мени Унинг севгисидан ажрата олмайди”.

Биз васвасаларга қарши туриб, гуноҳ қилмаганимизда Худога манзур бўлишимиз мумкин. Бизнинг Худога улғайишимизнинг бир қисми шу йўлдан яна ва яна олдинга боришдан иборат. Аммо биз такрор ва такрор гуноҳ қиламиз ҳамда Худога улғайганимиз сайин Худога ва бошқа одамларга қарши қанчалик турлича тарзда гуноҳ қилаётганимизни янада теравроқ англаб бораверамиз. Бироқ бизнинг руҳан улғайишимизнинг яна бир қисми Худо бизни қабул қилганига бўлган улкан ишонч ҳисобланади. Худо бизнинг ҳаётимиз покиза бўлгани учун бизни қутқармаган, балки биз Исо Масихнинг солиҳлиги билан кийинганимиз учун қутқарган. Ўз гуноҳини англаб етиш

чиндан ҳам оғриқли жараёндир, лекин бу ширин оғриқ бизни севувчи Ота кучоғига олиб боради. Агар шайтон-васвасага солувчи бизни бунга ундаса ҳам, Худодан юз ўгириб кетмасак, Худога манзур бўламиз. Шайтон-айбловчи ҳар қанча қаршилик қилмасин, биз Худога қайтганимизда Худога манзур бўламиз. Иблис имонлининг кулоғига шивирлайди: “Сен барча гуноҳларинг билан Худога ёқмайсан”, солиҳ эса шундай жавоб қайтаради: “Мен Худога манзур бўламан. Аммо барча шон-шавкат – Худоникидир!”

САККИЗИНЧИ БОБ

ҚЎРҚУВ ВА АЙБДОРЛИК МАЖМУИ

Рузвельт маъмуриятининг беҳаловат бошқаруви даврида президент бутун миллатни қамраб олган шундай сўзларини айтганди: “Биз қўрқувнинг ўзидан бошқа ҳеч нимадан қўрқмаймиз”. Франклин Рузвельт қўрқувнинг қудратли куч эканлигини тушунган. Қўрқув одамларни қарахт қилиб, рангини оқартириб қўйиши мумкин.

Қўрқув турли шаклларга эга бўлади. У жисмоний оғриқ, мағлубиятга учраш ёки аксинча, барча умид ва мажбуриятлар устидан енгиб чиқиш тарзида ифода бўлиши мумкин. Мен шундай иборани кўп марта эшитганман: “Мен қўрқувдан тошдек қотиб қолдим”. Бу ибора одатий ҳаёт оқими гўё йўлидаги тўсиқни учратиб, тўсатдан тўхтаган палладаги қарахтлик ҳолатини ўринли акс эттиради.

Бизлар турлича “фобия”ларга дучор бўлган одамлармиз. Яқинда ўтказилган тадқиқотлар америкаликлар йўлиққан ўнлаб турлича қўрқув турларини аниқлашди. Сиз бу рўйхатдан ўлим қўрқувини (танатофобия), баландликдан қўрқишни (акрофобия), ёпиқ жойлардан қўрқишни (клаустрофобия), бегона қиёфалардан қўрқишни (ксенофобия) ва бошқа турларини топишингиз мумкин. Бу ерда биринчи ўринни омма олдида чиқиш қилиш қўрқуви эгаллайди. Бундай тоифадаги одамларга мен ўзимни ҳам қўшиб ўтишим мумкин. Бундай дамларда ошқозонимда оғриқ сезаман. Кафтларим намиқиб қолади. Томоқ мушаклари зўриқади. Бундай қўрқув шу даражада кучли бўлиши мумкинки, одам ўз исмини эшитганида “тош”га айланиб қолади. Хотира панд беради. Мияда – бўшлиқ. Оғиз очилади, аммо сўз йўқ. Бундай қўрқув, маълумки, бирор ножўя гап айтиб қўйиш ёки бемаъни иш қилишдан қўрқиш асосида келиб чиқади. Қанчалик ғалати туюлмасин, аммо айнан қўрқув аҳмоқона ишлар қилишга ундайди.

Ҳеч ким кўпчилик одамлар қаршисида аҳмоқона кўринишни истамайди. Бундай вазиятдаги ҳаяжон ўта кучли бўлиши мумкин. Атлетлар кучли зўриқишдан келиб чиқадиган “бўшашиш”нинг қанчалик хавфли эканлигини билишади. Яқинда бир мухбир гольф мусобақаси иштирокчисидан интервью олди. Спортчи деярли ғолиб бўлаётганди, аммо нимадир юз берди ва у ўйиндан чиқади. Журналист ўйинчидан сўради: “Нима бўлди ўзи?” Ўйинчи оддий жавоб қайтарди: “Мен ҳолдан тойдим”.

Бундай самимий жавобни эшитиш ёқимли. Журналист бошқача тарздаги изоҳларни эшитишга ўрганиб қолганди, мисол учун: “Мен диққатимни жамлай олмадим”, “Фотоаппаратнинг шикирлаши мени

чалғитди” ёки “Коптогим ғалати тарзда бошқа йўналишга кетиб қолди”. Одатда мохир спортчилар ўз мағлубиятларини бундай сўзлар билан изоҳлашмайди: “Мен ҳолдан тойдим”.

Бироқ энг тобланган мохирлар ҳам чарчаб қолишади. Уларнинг барчаси бу нима эканлигини билишади. Уларни тўсатдан қўрқув босади ва барча мушаклар уюшади. Ключка (учи қайрилган даста)ни бир маромдаги ҳаракатлантириш ўрнига томирлари тортишиб қолаверади, бу эса ҳалокатли натижаларни келтириб чиқаради.

Ҳолдан тойишга нималар сабаб бўлади? Энг маълум жавоб – мағлубиятга учрашдан, ўзи умид қилган муваффақиятга эришмай қолишдан қўрқиш. Хўрланган ёмон ўйинчи бўлиш қўрқуви охириги кучни ҳам тортиб олиши мумкинки, бу муваффақиятсиз ўйинга олиб боради.

Бироқ қўрқув бошқа шаклга ҳам эга бўлиши мумкин. Қўплаб атлетлар ғолиб бўлишдан ростакамига қўрқишади. Спортчи ғолиб бўлганида бошқа даражага кўтарилади. Унга янги умидлар билдирилади, олдига янги вазифалар қўйилади. Бундан ташқари, одам айбдорлик туйғусини ҳис этиб, ўзини бу ғалабага номуносиб деб ўйлаши мумкин. Бу ҳолда ифодалаб бўлмайдиган қўрқув айбдорликнинг кучли ҳислари билан қўшилиб кетади. Биз айб ҳақида кейинроқ гапириб ўтамыз.

ЎЗГАРИШ ҚЎРҚУВИ

Келинг, вазиятимиз ўзгаришидан қўрқув ҳақида мулоҳаза юритайлик. Бизда эришган даражамизда ўзимизни яхши ҳис этишга мойиллик бор. Агар бу даражадан пастроққа тушсак, ўзимизга ишонч ва ҳурматни йўқотамиз. Бу ҳаётимизга безовталиқ ва ноқулайлик ҳиссини олиб киради. Аммо биз ўз ютуқларимизда янада юқорига кўтарилсак, бу ҳам бизга қониқиш ҳиссини бермайди. Биз ўзимизни бегона ва нотаниш сувга ташлашгандек ҳис этамыз. Биз нима кутишимизни билмаймыз. Биз мажбуриятларнинг янги ҳудудига тушиб қоламиз.

Ҳаётнинг ҳар қандай жабҳасида қулайликнинг муайян ҳудудлари мавжуд. Қулайлик ҳудуди – анча жиддий тушунча. Бизда қулайликнинг иқтисодий, академик, ижтимоий ва бошқа жабҳалари бор. Руҳан қулайлик ҳудуди мавжуд. Ўта шиддат билан кечадиган жиддий ўзгаришлар одамни жароҳатлаши ва ҳатто қарахт аҳволга солиши мумкин. Биз ўзгаришлар билан мувофиқлашишни уддалашимиз мумкин, лекин ҳаддан зиёд зўриқишни кўтариш оғир. Шу боис одамга ўзи жойлашган даражадан қониқиш олиш хусусияти хос. Бу мохир спортчига ҳам, масиҳийга ҳам ўта ҳалақит бериши мумкин. Бу қўрқув одамни олдинга силжитиши керак бўлган зарурий ҳатти-ҳаракатлардан тўхтатиб қолади.

Энди эса биз ўзгарадиган вазиятларга мослашиш нимани англатиши ҳақидаги масалага мурожаат қилишимиз мумкин. Бу нима дегани ўзи? Мослашиш – ҳаётимизда рўй берадиган ўзгаришларга муносабат билдириш деганидир. Болалар боғчасидан мактабга ўтган болакай янги шароитларга мослашиши керак. Келгуси муваффақиятларга эришмоқчи бўлган бизнес ҳам янги шароитларга мослашишига тўғри келади. Биз янгича вазиятларга

осонгина мослашиб кетадиган ижодкор ва ишбилармон одамларга қойил қоламиз. Биз янгича йўналишни қабул қилишни уддалайдиган одамларга қойилмиз, негаки бунинг қийин эканлигини биламиз. Янгича вазиятларга мослашиш осон эмас, шу боис барча янгиланишлар бизнинг қулайлик ҳудудимиздаги ўзгаришлар билан бирга кечади.

Шундай бўлсада, ҳар бир масиҳий ўзгаришларга даъват этилган. Бизга руҳан улғайишимиз йўлида олдинга бориш амр этилган. Худонинг Ўзи сусткаш эмас ва бизга ҳам фаолиятсиз ўтиришимизга изн бермайди. Бироқ ўзгаришлар билан бирга кўрқув ҳолатлари ҳам кириб келади. Иброҳимнинг ҳаётидан ушбу мисолга бир қаранг-а:

Шундан кейин Эгамиз Ибромга деди: “Ўз юртингдан, қариндош-уруғларинг олдидан – отанг хонадонидан чиқиб кет. Мен сенга бир юртни кўрсатаман, ўша ерга борасан. Буюк халқнинг отаси қиламан сени, Барака бераман сенга, Улуг қиламан сенинг номингни, Барака манбаи бўласан сен. Мен барака берарман сени дуо қилганларга, Сени лаънатлаганларни Мен лаънатлайман. Сен орқали барака топарлар, Ер юзидаги жамики халқлар.” Эгамиз амр қилгандай, Ибром кетди. Лут ҳам Ибром билан бирга кетди. Ибром Хорондан чиқиб кетганда, етмиш беш ёшда эди (Ибтидо 12:1-4).

Худо Иброҳимни кўним топган жойидан туришни буюради. Унга ўзининг қулайлик ҳудудини тарк этишига тўғри келаётганди. У ўз шаҳрини, халқини ва оиласини тарк этди. Унга ўрганиб қолган жойини ташлаб кетишига, ватанидаги хавфсиз ҳаёти ва оиласига тегишли ерларни унутишига тўғри келди. Унинг нафақага чиққанига ўн йил бўлганди.

Иброҳимга йўлланган илоҳий даъват улугворликка даъват эди. “Буюк халқнинг отаси қиламан сени” – ваъда ана шундай бўлганди. Кейинчалик Ибронийларга Мактуб муаллифи бу даъватни шундай шарҳлаган эди:

Имони туфайли Иброҳим Худога итоат қилди. Худо унга: “Мен сенга мулк қилиб берадиган ер бор”, деб буюрганда, Иброҳим қаерга кетаётганини билмасдан йўлга тушди. Имони туфайли у Худо ваъда қилган ерда ўрнашди, мусофир бўлиб, чодирларда яшади. Унинг ўғиллари Исҳоқ ва Ёқуб ҳам у каби кун кечиришди, чунки Худо уларга ҳам худди ўша ваъдани берганди. Нега Иброҳим бундай қилди? Чунки у Худо томонидан лойиҳалаштирилган ва қурилган, пойдевори мустаҳкам, боқий шаҳарни кутаётган эди. Ўзи қариб кетган, хотини Сора эса бепушт бўлганига қарамай, Иброҳим имони туфайли фарзанд кўрди. Чунки фарзандни ваъда қилган Худо садоқатли эканига у ишонарди. Шунинг учун бир оёғи гўрда бўлган бу одамдан осмондаги юлдузлардай, денгиз қирғоғидаги қумдай сон-саноқсиз насл келиб чиқди. Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқуб оламдан ўтдилар, аммо Худо берган ваъдасини бажаришига улар ишонардилар. Улар Худо ваъда қилган юртга эришмадилар, аммо ўша юртни узоқдан кўриб хурсанд бўлган эдилар. Улар бу дунёда келгинди ва мусофир эканликларини очиқчасига тан олдилар (Ибронийлар 11:8-13).

Иброҳим саёҳатчи эди. У Худонинг даъватига итоатгўйлиги шарофати билан ҳаракат қиларди. Худди шу гапларни Мусо, Ёшуа, Довуд, Павлус ва айниқса, Масиҳ ҳақида айтиш мумкин. Худо қаёққа буюрган бўлса, улар ўша

ёкка бордилар. Гарчи бу улардан муайян йўқотишларни талаб этсада, улар Худо буюрган ишларни қилдилар. Худди шундайин, масиҳий ҳам ҳақиқий ва мукамал хавфсизликка (Худонинг севгисига) эга бўлиш учун тўлиқ бадал ўрнида бу оламда хавфсизликни йўқотиш кўркувини енгиб ўтишга даъват этилган.

ҚЎРҚУВ ВА АЙБНИНГ БОҒЛИҚЛИГИ

Бироқ буларнинг барчаси қай тарзда айбга тааллуқли? Аввал айтиб ўтганимдек, кўрқув ва айб ўртасида сезилар-сезилмас қалин алоқа ҳамиша мавжуд бўлади. Бу иккала туйғу ҳам одамни қарахт қилиб қўйиш хусусиятига эга. Уларнинг иккаласи ҳам бизни тўхташга ва ҳатто руҳий йўлимиздан чекинишга мажбур қилиши мумкин. Иккаласи бизни Худога интилишимиздан тўхтатиб қолиши мумкин. Ва иккаласи ҳам бизни буюк мақсаддан – Худога манзур бўлишдан чалғитиши мумкин.

Гарчи биз кўрқув ҳиссини айбдорлик ҳиссидан ажрата олсакда, ҳамиша ҳам уларни бир-биридан фарқлай олмай қоламиз. Кўп ҳолларда қарахт қилувчи кўрқув айбдорлик ҳиссининг таъсиридан ҳосил бўлади. Кўрқув асосан Худонинг қўли билан жазоланишдан ҳадиксираш ҳисобланади. Бизни жамият рад этиши, ота-оналарнинг норозилиги ва яқинларимизнинг бизни муҳокама этиши чўчитади. Биз полиция ёки солиқ хизматидан кўрқишимиз мумкин. Аммо эҳтимолий кўрқувлардан энг даҳшатлиси – Барҳаёт Худонинг қўлига тушиб қолишдир. Гарчи кўпчилик одамлар бунга англаб етмасаларда, ўз ҳаёт тарзлари билан борлиқ Яратувчисини ғазаблантириб қўйганларидан кўрқувга тушишади. Ўз гуноҳкорлигини сезиш барча одамларга хос ва масиҳийлар ҳам мажусийлар каби Қодир Худо уларнинг ҳатти-ҳаракатларидан норози эканини билишади ёки ҳис қилишади.

Бир куни психиатр мени ўз маслаҳатида иштирок этишга таклиф қилганди. Уни такводор одам деб ҳам бўлмасди, лекин у шундай деди: “Мижозларимнинг аксарият қисми кўпроқ шифокорларга эмас, балки руҳонийларга эҳтиёж сезишади. Кўпчилик айбдорлик туйғуси билан бошланадиган муаммолардан азият чекишади”.

Психиатр бўлиш учун узоқ вақт ўқиш керак. Психиатр энг аввало тиббиётни ўрганиб, шифокор даражасига эга бўлиши, шундан сўнг бу нозик мутахассисликни эгаллашга ўтиши керак. Шундай бўлсада, у ўзининг узоқ муддатлик сабоқлари мобайнида илоҳиёт билимларини олмайди.

Айб фақат илоҳиёт муаммоси ҳисобланади. Илоҳиётнинг ўзига хос билимларини эгалламаган психиатр айб туйғусидан азобланаётган одамларга ёрдам беришга ожиз. Ва у токи Худога имон келтирмагунича, айб – мутлақо аниқ ва муайян кўриниш эканлигини тушуна олмайди, негаки ҳаётда мавжуд одамлар ўзларининг ҳаракатлари ва муносабатлари натижасида келиб чиқадиган бундай комплексдан чиндан ҳам азият чекишади.

Афсуски, кўпчилик шунчаки ўз шикоятларини эшитишлари учун шифокорларга пул тўлашади, негаки терапевтлар биринчи қарашда руҳий, аслида эса одамда ўз айбини англаш туфайлиб чиқадиган муаммоларни камроқ даражада тушунишади ёки умуман тушуниб етишмайди. Кўпинча

оила ва никоҳ масалалари бўйича маслаҳатчилар оилавий турмушга таҳдид соладиган жинсий алоқа муаммолари билан тўқнаш келишади. “Майл йўқлик” (“фригидлик”) ёки “жинсий заифлик” (“импотенция”) деб аталувчи муаммолар *ҳамиша* айб ёки кўрқувнинг у ёки бу шаклида илдиз отади. Мижозга нисбатан бу муаммони фақат “жисмоний ноқобиллик” деб аташ бутунлай адолатсизликдир.

Худо севувчи ва кечирувчидир. Шунингдек, Худо борлик Яратувчиси бўлиб, унинг ҳаётий фаолиятини таъминлайди. У ҳисобга олиш керак бўлган куч-қудратдир. Ҳатто Худо ҳақида энг жўн тушунчага эга бўлган одамлар ҳам, одатда Худо (ҳатто Уни *Худо* деб атамасалар ҳам) бизнинг бетартиб ва безовталиikka тўла дунёмиздан ранжийдиган руҳий Мавжудот эканини ҳис қилишади. Қодир Мавжудот имонлига ҳам, мажусийга ҳам кўрқув солади. Биз Худо Синай тоғига тушганида Мусо ва исроилликларнинг жавоб ҳаракатларини эслаймиз. У шунчалик даҳшатли эдики, одамлар бунга бардош беришга ожизлик қилиб қолдилар, Мусонинг ўзи эса ҳайқариб юборди: “...Кўрққанамдан титраб кетяпман” (Ибронийлар 12:21).

Гарчи замонавий одам Худодан кўрқиш ҳақидаги фикрларни йўқотиш учун имкон қадар ҳамма ишни қилса ҳам, ўз онгидан бу ҳаёлларни бутунлай ҳайдаб чиқара олмайди. Мажусий барибир баргнинг ҳар бир шитирлашидан қалтирайди, нопок одам ҳеч ким унинг ортидан қувмаса ҳам барибир қочади. Одамда Худо ҳар қандай паллада ташланишга тайёр бўлиб, яшириниб тургандек деярли ифодалаб бўлмайдиган, оғир кўрқув *ҳамиша* бўлади. Биз ҳамон аввалгидек тунда кутилмаган нимагадир тўқнашиб кетишдан чўчиймиз.

Яқинда бир маҳаллий жамоат оқсоқоллари дам олиш кунларида ҳордиқ чиқариш ва мулоқот қилиш учун шаҳар ташқарисига йўл олишди. Улар жума кунни кечкурун бир уйда тўхтадилар. Дам олиш дастурига тўрт гилдиракли багги пойга машиналарида ким ўзар ўйини ҳам киритилган бўлиб, оқсоқоллар хушёрликни ошириш учун газни тўлиқ босишди. Аммо ҳаммага ҳам багги етмай қолди ва шу боис улардан бири бошқариладиган ўт ўрувчи мосламани топиб, ҳайдовчининг ўрнига ўтирди. У хурсандчиликка қўшилиш учун пойга ўтказилаётган майдонга секин йўл олди. У тўсатдан ортида боши узра турган ниманингдир соясини кўрди, сўнгра эса бўйнида ёқимсиз тегинишни ҳис этди. У бор овози билан қичқариб юборди. Унинг қичқариғига бошқалар етиб келишганида, тунги зулматда гўёки ташланиш учун тайёр турган ўрилган ўтларни йиғувчи мосламани қўлида маҳкам ушлаб, кўрқувдан оқариб кетган қарияни кўриб ҳаммалари баланд овозда қулиб юборишди. Ҳойнаҳой, зулматдан доимо кўрқиш Худо олдида, қачондир барча гуноҳларимизни ўзимизга қарши қаратадиган (биз кўрқадиган) Худо олдидаги кўрқувдан бошланса керак.

Ҳеч ким Худога орқаси билан ўгирилишга журъат қилолмайди. У бизнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатимизни кўриб турганини, ҳар бир фикримиздан хабардор эканини биламиз. Айбдорлик туйғусига тўлган одам Унинг қўлидан жазоланиш кўрқувидан қутулиши мумкин эмас.

Биз айбдорлик туйғусини муҳокама қилаётганимизда, ўта эҳтиёткор бўлишимиз ва айбнинг ўзини айбдорлик ҳиссидан фарқлашимиз лозим. Айбни ҳис этиш субъектив. Улар ичимизда ҳосил бўлади. Биз ҳаттоки айбимиз бўлмаган пайтда ҳам ўзимизни айбдор ҳис этишимиз мумкин. Бироқ айб объектив, чунки гап нарсаларнинг аниқ ҳолати ҳақида бормоқда. Биз гуноҳ қилганимизда, айбдорларга айланамиз. Айб бизни Худонинг қарздорларига айлантиради. Айб бевосита гуноҳ билан боғлиқ.

Ғарбий катехизис гуноҳни “ҳар қандай номувофиқлик ёки Худо қонунининг бузилиши” дея белгилайди. Бу аниқ таъриф. У амалга оширилган гуноҳни ҳам, адашмовчилик гуноҳини ҳам қамраб олади. Биз Худо қонунларига номувофиқ яшаганимизда, Худо бизга тақдим этган ўша талабларни бажармаймиз. Биз Худо буюрганини қилмаймиз. Бу адашмовчилик гуноҳи. Биз Худонинг қонунларини бузганимизда, Худо таъқиқлаган ишларни қилган бўламиз. Бу амалга оширилган гуноҳ.

МАНЖУД АЙБ

Ҳар қандай ҳолатда ҳам, агар биз Худо қонунларини бузсак, айбдорларга айланиб қоламиз. Бундай айб аниқ ва объектив ҳисобланади. У одамни руҳан хароб қилади. Айбдорлик туйғуси билан биргаликда айбнинг ўзи пайдо бўлиши ҳам, юзага келмаслиги ҳам мумкин. Биз биламизки, айбдорлик туйғуси бизга ноқулайлик ҳиссини келтиради. Биз бу ҳиссиётдан халос бўлиш учун ҳар қандай воситалардан фойдаланамиз. Биз ўзимизни оқлаймиз. Биз муҳокама қиламиз. Биз айбимизни бошқа одамларга ёки вазиятларга ағдаришга уринамиз. Биз жамиятни айблаймиз. Биз атрофимиздагиларни айблаймиз. Биз ота-оналаримизни айблаймиз. Биз азоб ва шахсий жавобгарликдан қутулиш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз. Айбимиз чиндан ҳам катта. Ундан ўзимиздаги воситалар билан қутулишнинг иложи йўқ ва биз ундан тўғри фойдаланмасак – агар Масиҳнинг нажоткор меҳнатига мурожаат қилмасак – бебаҳо вақтимизни ва куч-қувватимизни беҳуда сарфлаб юборамиз.

Биз қалбимизни шафқатсиз қилишни ўргандик. Биз уятдан қизариб кетмасликни ўргандик. Еремиё Яхудога Худонинг сўзларини етказган: “...Сен фоҳишадай безбетсан, Уят деган нарсани билмайсан” (Еремиё 3:3).

Гап бу ерда айбдорлик туйғусини бостириш билан боғлиқ тавба қилишдан бош тортиш ҳақида бормоқда. Яхудо халки, гарчи Худонинг қонунини мудом бузган бўлсаларда, ўзларининг беғуноҳ эканликларини таъкидлашган. Гуноҳдаги ҳаёт уларни уятдан қизармайдиган фоҳишага ўхшатиб қўйгани боис энди ҳеч нимадан уялмай қўйганлар.

Бироқ айбдорлик туйғусининг йўқлиги асло гуноҳнинг ўзи йўқ эканлигини билдирмайди. Қотиллиги учун суд қилинишга тортилган одам ўзини оқлашлари ҳақида ҳукм чиқаришларидан умидвор, агар ундан фақат: “Аммо мен ўзимни айбдордек ҳис қилмаяпман” сўзларини айтиш талаб қилинганда эди, албатта. Одамларни ўлдириб, афсус ҳам, тавба ҳам қилмайдиган жинни ва васвос қотиллар бор, лекин уларда виждон қийноғининг йўқлиги ёвузликларини асло оқламайди.

Замонавий ҳаётнинг қайғули хусусияти шуки, маслаҳатчилар жуда тез-тез ҳолатларда ўз мижозларининг муаммоларини уларни айбдорлик туйғусидан халос қилиш орқали ҳал этишга уринадилар. Айбдорлик юкини енгиллатиш учун одамларга **улар** атрофдагиларнинг ёки эскирган эътиқоднинг ўта қаттиқ ахлоқий меъёрларининг қурбони бўлишганини тушунтиришади. Бундай усуллар нафақат имонда бўлмаган одамларга, балки масиҳийларга нисбатан ҳам қўлланилади. Ўтмишдаги ва ҳозирги гуноҳ юклари билан яшаётган кўплаб масиҳийлар уларни юпатишга уринадиган шифокор ва мутахассис-психиатрлар билан ўз нохушликларини баҳам кўришади: “Қандай шароитда яшаганингизни эътиборга оладиган бўлсак, бу ишни қилганингиздан ҳайрон бўлмаслик керак. Буни тушуниб етинг ва сизда муаммо бўлмайди”. Бироқ айбнинг моҳиятини бундай талқин этиш нотўғри. Муаммони тушунтириш унинг ҳал этилишини билдирмайди. Биз Худо билан ярашганимиздагина, айб йўқолади. Бундай ярашув ҳар қандай вақтда ҳам мумкин, чунки биз кечирувчи Худога хизмат қиламиз. У ҳеч қачон Ўз фарзандларини Ўздан кечирим сўрашга мажбурламайди. Улар ўз хоҳишлари билан кечиримга ўзлари келишади ёки ҳеч қандай шифокор ўз изоҳлари билан уларни қутқара олмайдиган гуноҳ ҳиссидан азобланиб юраверишади.

Қачондир ёнимга ёш йигити билан унаштирилган коллеж талабаси келганди. У куёви билан бирга яшай бошлагани учун ўзини айбдор ҳис қилаётган экан. Қизга мактаб маслаҳатчиси шундай тушунтирибди: “Сен ўзингни айбдор ҳис қиляпсан, чунки Виктория даври талаблари ва пуританлик таъқиқларининг қурбони бўлгансан. Сен бундай ҳатти-ҳаракат аслида дуруст эканлигини тушунишинг керак. Бу балоғатга етган кишининг ўзини соғлом ифода этиши ва никоҳга тайёргарликдир”.

Сўнгра қиз менга деди: “Аммо профессор Спраул, мен ўзимни аввалгидек айбдор ҳис қиляпман!” Мен жавоб бердим: “Эҳтимол, сен *чиндан* ҳам айбдор бўлганинг учун айбдорлигингни ҳис қилаётгандирсан. Никоҳдан ташқаридаги алоқага таъқиқ қиролича Виктория ва пуританлар томонидан ўрнатилмаган. Айнан Худо никоҳдан ташқаридаги жинсий алоқани таъқиқлаган. Биз Худонинг қонунларини бузганимизда, айбдорларга айланамиз. Мен ҳақиқий айбдан қутулишнинг ягона воситасини биламан – бу ҳақиқий кечирим”.

Мен ёш аёлга ҳақиқий кечиримнинг баҳоси ҳақиқий тавба эканлигини тушунтирдим. Бироқ ҳақиқий тавба одамнинг ўзига боғлиқ. Бошқа ҳеч ким мен учун тавба қилиши мумкин эмас. Ўзим ҳам бошқа киши учун тавба қила олмайман. Мен аёлга Худога юзланиб, Унинг қаршисида тиз чўкишини маслаҳат бердим. Менсиз. Маслаҳатчиларсиз. Ва Худонинг назарида унинг гуноҳлари бутунлай ювилиб, яна бокира бўлиб кўринишини унга ваъда бердим ва амалда қафолатладим. Ана ўшанда аёл ҳақиқий айбнинг оқибати бўлган қарахт қилувчи кўрқувдан халос бўлади.

Биз, масиҳийлар, ўз ҳаётимизни тадқиқ этишимиз керак. Биз ўзимизга иккита саволни беришимиз лозим: мен руҳан улғайишимда қаерда қолиб кетдим? Мен нега тўхтадим? Агар биз бу саволларга аниқ жавоб бера олсак,

диққат-эътибор талаб этадиган кўрқув ва айб ҳудудини белгилаб олишимиз мумкин бўлади. Худонинг инояти – айниқса кечирим инояти – бизга очик бўлган энг амалий куч бўлиб, фақат у бизни кўрқув ва айб қарахтлигидан қутқаришга қодир.

Худо бизнинг қотиб қолишимизни истамайди. У бу оламдан ва ундаги тўсиқлардан кўркмаслигимиз учун Унда ўзимизни хавфсиз ҳис этишимизни истади. У бизнинг ўз гуноҳларимизни англашимизни хоҳлайди, бироқ гуноҳимиз оғирлигини англашдан суғлашиб қолишимиз Унга маъқул эмас. Худо, худди севувчи ота-она каби, бизнинг озод бўлишимизни, тўғри ва Унга ёқимли бўлган ишларни қилишимиз учун кўрқув ва айбга тўла ҳаётдан бизни олиб чиқишга уринади. Бизга қандай озодлик тақдим этилаяпти-я! Гуноҳдан озодлик, кўрқувдан озодлик, биз қандай бўлсак, Худога шу тарзда хизмат қилиш ва манзур бўлиш озодлиги. Дунёдаги ҳеч қайси шифокор бизга бундай ҳаётни тақдим этишга қодир эмас.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ ҲАҚИҚИЙ КЕЧИРИМ

Биз кечирилмаган гуноҳнинг қарахт қилувчи кучини кўрдик. Унинг мавжудлиги ҳар қандай киши учун оғир юк ҳисобланади. Биз “Пилигрим саёҳати” қаҳрамони ўзида қандай даҳшатли юкни кўтариб юришга мажбур бўлганини эслаймиз. Биз ҳаворий Павлус айтган даҳшатли “тана ўлими”ни эслаймиз. Голливуднинг “Миссия” фильмини кўрганлар тўлиқ қурол-аслаҳалар билан тоққа кўтарилган, тавба қилган ёлланма-аскарнинг азоб-укубатларини эслайди.

Озодлик қувончини англаш учун бу юкни ташлаб юбориш керак. Ишаё эшитганларини эшитиш – “Сенинг гуноҳларинг кечирилди” – озодлик мусикасини эшитиш демакдир. Кўп асрлар мобайнида римлик католиклар руҳоний тавба қилиш онларида *Te Absolve* – “мен сени кечираман” сўзларини айтганида руҳларида енгилликни ҳис этишган.

Рим католикчилигида истиғфор келтириш сирли тавбага тааллуқли. Ислохот даврида катта миқдордаги протестантлар бу сирли ибодатдан воз кечдилар. Натижада кўплаб протестантлар католикларнинг бу амалиётига таажжуб билан қарайдилар. Биз шундай эътирозларни эшитамиз: “ Мен нега гуноҳларим учун тавбани руҳонийга айтишим керак? Бизнинг Олий Руҳонийимиз Масих. Мен тўғридан-тўғри Унга тавба қилишим мумкин. Менга бу оламдаги руҳоний керак эмас!” Бундай эътироз асослими ёки биз католикларга нисбатан ўзимизнинг янглиш муносабатларимизни шунчаки оқлаяпмизми?

Минг афсуски, кўплаб протестантлар нимага қарши эътироз қилаётганини ўзлари билишмайди. Вақт эътирознинг ҳақиқий объектини очиб ташлади, фақат Римга қарши арзимас масалаларда тўпланадиган ноаниқ ва нотўғри тушунчалар қолган.

ТАВБА ВА ПРОТЕСТАНТЛИК

Истикболда бу саволни тадқиқ этиш учун тарихда ислохотчиларни ҳаракат қилишга ундаган ўша пайтларга назар ташлаб кўрайлик.

Ислохот сирли тавбага тааллуқли суистеъмолчиликлар туфайли юзага келган. Рим тавбани даҳшатли гуноҳ қилган кишилар учун нажоткор иноят тикланишидаги зарурий қадам сифатида кўриб чиққан. Рим сирли тавбани “руҳи ҳалокатга учраганлар учун оқланишнинг иккинчи пиллапояси” деб атаган.

Бироқ нима учун “иккинчи”? Рим илоҳиётида оқланишнинг биринчи пиллапояси сирли чўмдириш ҳисобланади. Чўмдириш орқали инсон қалбига гуноҳкорни оқлайдиган иноят кириб келади. Одам ажал келтирувчи гуноҳ қилмагунича, чўмдирилган бўлиб қолади. Ажалкор гуноҳ “ажалкор” деб айтилишининг сабаби, у нажоткор иноятни вайрон қилади ёки ўлдиради. Ажалкор гуноҳ қилган одам яна оқланишга муҳтож бўлади, янгидан оқланиш эса сирли тавба орқали келади.

Сирли тавба бир неча босқичдан иборат. Унга истиғфор, тавба, руҳоний томонидан гуноҳларнинг ювилиши ва хайрли ишлар киради. Рим католик жамоати тавбани кўпроқ ҳиссиёт эмас, ҳаракат деб ҳисоблайди. Буни одам *бажаради*. Протестантлик адабиётида бунга мувофиқ тушунча *тавба қилинг* сўзлари билан берилади, католикча ифода эса “тавбани амалга оширинг”.

Ислохотчилик даврида тавба *раҳм-шафқат ишларидан* иборат бўлган. Бу тахминан шундай кўринишга эга бўлган: одам ибодатхонага келиб, руҳонийга ўз гуноҳлари ҳақида айтиб беради, сўнгра эса тавба ибодатини ўқийди ва руҳонийдан гуноҳларининг ювилгани ҳақидаги сўзларни кутади. Руҳоний зарурий тавбалар қилишга кўрсатма беради. Тавба қилувчига муайян ибодатларни неча-неча мартадир ўқиб чиқишини буюришлари мумкин, баъзан унга қаттиқроқ ва жиддийроқ жазолар белгиланади. Мана шу раҳм-шафқат ишидир. Улар Худонинг талабларини “қондиради” ва тавба қилувчига янгидан оқланишга эришиш имконини беради.

Ўрта асрларда хайр-садақа тавбанинг қонуний шакли сифатида кўриб чиқилган. Жамоат қутқарилиш сотилмаслигини қатъий таъкидлаб турган. Пулни ночорларга ёки жамоатга шунчаки бериб, кечиримни “сотиб олиш” мумкин эмас. Аммо барибир хайр-садақа самимий тавба қилишга ва Худони севишга иштиёқ уйғотади, бу эса тавбанинг иши ҳисобланади.

Бу борадаги жиддий муаммолар ўн олтинчи асрда юзага келган. Рим Авлиё Пётр иншооти (базилика)ни қуришни бошлаган. Жамоат кимки бино қурилиши учун чин кўнгилдан ва тақводорлик майли билан қурбонлик келтирса гуноҳларни ювадиган расмий ҳужжат сифатида поп индульгенциясини жорий этди. (Индульгенция – гуноҳларнинг ювилиши ва бу гуноҳлардан тозаланиш учун вақтинчалик жазодан қутулишни тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади).

Германияда Римнинг қандайдир тутуриксиз вакили Вильям Тетцель саводсиз деҳқонларга ҳам индульгенцияни сота бошлади. Бундан келиб чиқадики, индульгенцияни зарурий тавбасиз ҳам олиш мумкин бўларди. Бошқача айтганда, одам пул тўлаб гуноҳларига кечирим оларди. Ҳақиқий

тавбага бўлган ҳар қандай зарурият ва бундан кейинги ишларда раҳм-шафқатнинг кераги бўлмай қолди. Бош савдогар, руҳоний Тетцель Мартин Лютернинг ваъзларини атайин бузиб, тавбанинг ҳақиқий тушунчасини кадрсизлантирди. Бундай суистеъмолчиликка қарши Лютернинг машҳур тўксон бешта тезислари пайдо бўлди.

Инд�льгенция билан боғлиқ суистеъмолчиликлар Пандора кутисини очиб юборди. Бу масалада кўтарилган баҳс-мунозаралар оқланиш ҳақидаги саволни муҳокама қилишга олиб келди. Лютер охир-оқибат яхши ишлар орқали бўладиган тавбани танқид остига олиб, фақат имон орқали оқланиш доктринасини эълон қилди.

Лютер таъкидлаганки, Масих гуноҳларимиз учун Худонинг бизга қаратилган ғазабини тўлиқ қаноатлантирган. Одамлардан ҳеч ким бунга ҳеч нимани қўша олмайди. Ҳеч ким Исонинг хизматларига ҳеч қандай хайрли ишлари билан ҳеч нимани қўша олмайди, хусусан, эзгу ишлар билан олиш мумкин бўлган “мувофиқ келувчи” хизматлар (*meritum de congruo*) ҳам шулар жумласидан. Оқловчи иноят ўз гуноҳларига самимий тавба қиладиган ва Масихни имон билан қабул қиладиган барчага эркин тақдим этилади.

Лютер энг асосийси – фақат имон билан оқланишдан ташқари қолган барчасини “беҳудалик” деб ҳисоблаган. У имон бўйича оқловни “имонли одам турадиган ёки қулаб тушадиган жой” деб айтган.

Натижада кўплаб протестантлар эндиликда руҳонийлар қаршисида тавба қилишмайди. Биз деярли ҳеч қачон бошқа одамдан *Te Absolve* сўзини эшитмаймиз.

Протестантларни руҳонийнинг ҳатто шу сўзлари айтиши ҳам ҳайрон қолдиради: “Сени кечираман”. Римнинг фойдасига айтиш жоизки, жамоат ҳеч қандай ҳолатда ҳам руҳонийнинг кечириш ҳуқуқига эга эканлигини тасдиқламайди. Римнинг фикрича, у Исо шу сўзларни айтиб, Ўз Ҳаворийларининг зиммасига юклаган вазифани бажаради: “Сизлар кимнинг гуноҳларини кечирсангизлар, у кечирилади” (Юҳанно 20:23). Моҳиятан олганда, бундай ёндашув протестантлар ҳар якшанба кафедрадан туриб барча гуноҳлар кечирилгани ҳақида эълон қиладиган ёндашувдан катта фарқ қилмайди.

ИШОНЧГА НИСБАТАН ҚАТЪИЙ ЗАРУРИЯТ

Афсуски, кўплаб протестантлар ўзларининг гуноҳлари кечирилганига ишонч ҳосил қилишмайди. Уларни ҳамиша айб ҳисси таъқиб этади. Биз гўёки Хоч ҳеч қачон бўлмагандек тарзда ҳаёт кечирамыз. Бизда гуноҳларимизни ювиш учун Исонинг Поклаши қандайдир тарзда етишмаётганлиги ҳақидаги инжиқ туйғу кўмилиб ётибди. Иноятга бошқа одамлар муҳтож, биз эса покланиш учун ўзимиз нимадир қилишимиз шарт. Назаримизда, бизга қандайдир тарзда айбимизни ўзимиз ювишимиз зарурдек бўлиб туюлади.

Қачондир менга шу гапларни айтган аёл билан суҳбатда бўлгандим: “Мен гуноҳларимдан покланишни қандай олишим мумкин? Мен гуноҳларим

учун кечирим сўраб, Худога такрор-такрор ёлвордим, аммо барибир ўзимни айбдордек ҳис этяпман”.

Аёл илоҳиётга доир маслаҳатни излаганди. У ўзига кечирим учун тўлиқ ишонч бериши мумкин бўлган эзотерик воситани, қандайдир сирни очишимни кутгандек, менга қараб турарди. Жавоб бердим: “Фикримча, сиз яна бир бора ибодат қилишингиз керак”.

Менинг жавобим унинг ҳафсаласини пир қилибгина қолмай, жаҳлини ҳам чиқариб юборди: “Мен нима деганимни эшитмадингизми? Мен кўп маротаба ибодат қилдим. Яна ибодат қилишимдан нима наф бор?”

Жавоб қайтардим: “Мен бу сафарги ибодатингизда Худодан ўзингизга ҳаддан зиёд ишониб юборганингиз учун кечирим сўрашингизни хоҳлайман”.

Энди аёл ғазаб отига минди: “Ўзимга ҳаддан зиёд ишониш?! Бу билан нима демоқчисиз? Мен ибодатда ўзимни доимо тинчлантириб келганман. Ҳаддан зиёд ўзига ишончни қаёқдан олдингиз?”

Мен унга қуйидагиларни тушунтирдим: Худо айтганки, агар биз Унга гуноҳларимиз учун тавба қилсак, У кечиради. “Борди-ю, гуноҳларимизни эътироф этсак, содиқ ва адолатли бўлган Худо гуноҳларимизни кечириб, бизни ҳар қандай ёмонликдан фориғ қилади” (1 Юҳанно 1:9).

Айб ва айбдорлик туйғуси ўртасида каттагина фарқ бўлгани сингари, кечирим ва кечирилган одам ҳис қиладиган туйғу ўртасида ҳам анча тафовут мавжуд. Айб – объектив тушунча, айбдорлик туйғуси – субъектив. Кечирим – объектив, кечирим ҳисси – субъектив.

Агар Худо одамни кечирилган деб эълон қилса, бу одам чиндан ҳам объектив равишда, амалда ва тўлиқ кечирилади. Энди кечирим унинг учун ҳақиқийликка айланди. Агар кечирим мавжудлигидан хотиржамликнинг илиқ туйғуси оқишни бошласа – бу улкан ва мўъжизавий мукофот. Бироқ бундай ҳиссиёт кечиримнинг шартли белгиси ҳисобланмайди.

Бу икки томони бор таёқ ҳақида. Одам аслида кечирим олмаган бўлсада, ўзида кечирим туйғусини ҳосил қилиши мумкин. Мен кўплаб одамлардан Худо уларга “тинчлик” ҳадя қилгани ҳақида айтган гапларини эшитганман, айни вақтда эса улар қилаётган ишларни Худо қатъиян таъқиқлаган. Мен Худо ўзларига ҳаловат ва қалб осойишталигини берганига бошқаларни ишонтирган, лекин айни паллада ўз турмуш ўртоқларига хиёнат қилган одамлар ҳақида эшитганман. Бундай гап-сўзлар муайян равишда Муқаддас Рухни ранжитади.

Худо тавба қилган одамга кечиримни эркин беради. Бироқ У ҳеч қачон гуноҳ қилишга рухсат бермайди. У онгли тарзда гуноҳ қилувчиларга ҳаловатни топширмайди. Бу сохта, қалбаки ҳаловатдир.

Мен аёлдан ўзига ҳаддан ортиқ ишонгани боис қуйидаги сабабларга кўра ибодат қилиб, кечирим сўрашини айтдим: агар биз самимий тавба қилиб, Унга тавбада юз тутсак, Худо бизнинг гуноҳларимизни кечиради. Худо кечирган одамни кечирмаслик, хусусан, ўзимизни ҳам кечирмаслигимиз биз томонимиздан такаббурлик бўларди. Павлуснинг ушбу сўзлари устида мулоҳаза юритинг: “Сен ким бўлибсанки, бировнинг хизматкорини тергайсан? Хизматкорнинг тўғри ёки нотўғри иш қилганини

унинг хўжайини тасдиқлайди-ку! Хўжайин хизматкорни бошқаргани учун хизматкор тўғри иш қилади, бу хўжайинимиз Раббимиз Исодир” (Римликлар 14:4).

Хаворий бу ерда Масихни қабул қилганларни ҳукм этмаслигимиз ҳақида огоҳлантиряпти. Агар Худо кечирган одамларни ҳукм қилиш учун бизга рухсат берилмас экан, Худо бизни кечиргани учун ўзимизни ҳукм қилишимиз ҳам мумкин эмас.

Агар Худо одамни кечирса, демак, у буни ҳис қилишидан қатъий назар, кечирилган бўлади. Ҳиссиётли масиҳийлар ўз туйғулари билан яшайдилар. Рухий масиҳийлар Худонинг Каломи билан яшашади. Агар Худо менинг кечирилганимни билдирса, ўзимни кечиришни рад этишим мен томондан бутунлай ўзимга ишониб юбориш ва калондимоғлик ҳисобланади.

Мен айтган ўша аёл ўзини кечирилган деб ҳис қилмаганди, негаки Худо ваъдасининг ҳақиқийлигига шубҳа қиларди. Эҳтимол, бу ерда яширин яна нимадир бордир. Эҳтимол, у иноятга бошқа одамлар муҳтож, ўзини эса иноятни қабул қилиш учун ўта мағрур деб ҳисоблагандир. У оқланиши учун ўзи меҳнат қилишни, кечиримни ўзи *ишлаб топишни* истаган.

Исо ақл билан осон тушуниладиган, аммо қалб билан қийин қабул қилинадиган қисқача масални сўзлаб берган:

Хизматкорингиз қўш ҳайдаб ёки пода боқиб даладан эндиgina қайтиб келганда, қай бирингиз унга:

- *Кел даррров, дастурхонга ўтир, деб айтасиз? Бунинг ўрнига ўша хизматкорингизга:*

- *Кечки овқатимни тайёрла, еб-ичиб бўлгунимча, белингни боғлаб, менга хизмат қил, кейин ўзинг еб-ичасан, - деб айтмайсизми?! Хизматкор ўз вазифасини бажаргани учун унга ташақкурлар билдирмайсиз-ку! Шу сингари, сизлар ҳам ўзингизга буюрилган ҳамма ишни бажарганингиздан сўнг:*

- *Биз бор-йўғи хизматкормиз, вазифамизни бажардик, холос, деб айтинглар (Луқо 17:7-10).*

Биз аслида ҳеч нимага арзимайдиган куллармиз. Биз ҳаттоки Худо берган барча амрларни бажарганимизда ҳам, мақтанадиган ҳеч нимамиз йўқ. Унга мутлоқ бўйсунуш – бизнинг бурчимиз. Тақдирланишга лойиқ ҳеч қандай хизматларимиз йўқ.

Бироқ гап шундаки, У бизга буюрган амрлардан ҳеч нимани бажармаганмиз. Хўш, буларнинг барини қандай мувофиқлаштириш мумкин? Агар Унинг барча амрларини бажарганимизда ҳам, ҳеч нимага арзимайдиган куллар бўлиб қолаверсак, қандай қилиб ўзимизнинг барча камчиликларимиз билан нимагадир муносиб бўлишимиз мумкин? Асло муносиб эмасмиз. Мана нима учун иноят мутлақо ҳамма-ҳаммага зарур.

Биз ўз қарзини ҳеч қачон узолмайдиган қарздорлар ҳисобланамиз. Биз ўз иши ҳақида ҳисоб бериш учун чақирилган ўша иш бошқарувчига ўхшаймиз. Биз худди унга ўхшаб ўзимиз ҳақимизда айтишимиз мумкин: “Хўжайиним мени ишдан бўшатяпти. Энди нима қиламан? Ер чопишга кучим етмайди, садақа сўрашга уяламан” (Луқо 16:3).

Биз қийин вазиятга тушиб қолганмиз. Ер чопишга кучимиз етмайди ва садақа сўрашдан уяламиз. Аммо сўрашга тўғри келади, чунки қарзларни тўлашга курбимиз етмайди. Садақа сўрашдан бошқа иложимиз қолмайди.

Биз иноят билан яшаймиз. Биз кечирим билан юрамиз. Биз гуноҳларимиз учун тавба қилганимизда Худо кечирганига ишониб мамнун бўламиз.

КЕЧИРИМ ВА УНУТИШ

Муқаддас Китоб бизга айтадики, Худо гуноҳларимизни кечирганида, шарқ ғарбдан қанчалик узоқ бўлгани каби, уларни биздан шу қадар йироқлаштиради:

Бизни У гуноҳларимизга қараб жазоламас, Ёмонликларимизга қараб қайтармас. Самолар заминдан нақадар баланддир! Эгамизнинг содиқ севгиси ҳам Ундан қўрққанларга шундай юксакдир. Шарқ ғарбдан қанчалик узоқ бўлса, Гуноҳларимизни биздан шу қадар узоқ қилади (Забури 102:10-12).

Худо гуноҳларимизни кечирганида, уларни Унутилиш Денгизига ташлайди. Еремиё шундай ваъда ҳақида айтган: “Мен уларнинг айбларини кечираман, гуноҳларини ҳеч қачон эсга олмайман” (Еремиё 31:34). Муқаддас Китобда келтирилган бу эркак Худо гуноҳларни бошқа эсламаслиги ҳақида айтганида, нималарни назарда тутган экан? Худо қай тарзда кечириши ва унутиши мумкин? Қайд этиш жоизки, бу фақат мажозий ифода. Биз ахир ҳар ишга қодир, ҳамма нарсадан хабардор ва Ўзгармас Худо ниманидир хотирасидан чиқариб қўяди деб ўйламаймиз-ку. Худо менинг ҳаётимга тааллуқли ҳамма нарсани билади. У мен қачондир содир этган ҳар бир гуноҳимни жуда яхши билади. У бизнинг гуноҳларимизни ювганида, бу ҳақда билганларини аслида йўқотиб юбормайди. У фақат уларни рўйхат дафтаридан ўчиради, холос. У менга гўёки мен ҳеч қачон гуноҳ қилмагандек муносабатда бўлади. У гуноҳларимни Масихнинг солиҳлиги билан беркитади.

Худонинг унутиши нисбий. У менга қарши бўлган ҳеч нимани эсламайди. Худо гуноҳларимни кечирганида, қилган айбларим учун менга ҳеч қандай айблов қўймайди. Унда ёмон туйғулар учун асло жой йўқ. Унда давом этадиган душманлик йўқ. У билан ўзаро муносабатларим тўлиқ ва бутунлай тикланган. У Ишаё китобида берган ваъдасини менга ҳам беради: “Эгамизнинг каломи шудир: “Қани, энди биргалашиб ўйлайлик: Гуноҳларингиз қизил рангга ўхшаса ҳам, Сизлар қордай оппоқ бўласиз. Гуноҳларингиз қирмизи рангга ўхшаса ҳам, Сизлар момикдай оппоқ бўласиз” (Ишаё 1:18).

БОШҚА ОДАМЛАРНИ КЕЧИРИШ

Худоба ибодатда алоҳида бир кўрқув уйғотадиган жойи бор. Бу кечирим: “Бизга қарши гуноҳ қилганларни биз кечиргандек, Сен ҳам бизнинг гуноҳларимизни кечиргин” (Матто 6:12). Агар бизга қарши гуноҳ қилганларни рўйхушлик бермай кечирганимиз каби, Худо ҳам бизнинг

гуноҳларимизни ана шундай норозилик билан кечирганида эди, бизга жиддий хатар таҳдид солган бўларди.

Биз масиҳийлар сифатида кечирилган халқмиз. Худди шу тарзда, биз кечирувчи халқ бўлишимиз керак. Бошқаларни кечириш калитини Исонинг сабоқларидан топиш мумкин:

“Эҳтиёт бўлинглар! Агар биродарингиз гуноҳ қилса, унга танбех беринг. Агар тавба қилса, уни кечиринг. Агар ўша одам бир куннинг ўзида сизга қарши етти марта гуноҳ қилса-ю, етти марта қайтиб келиб, сизга: “тавба қилдим”, деса, уни кечириб юборинг.” Ҳаворийлар Раббимиз Исога: “Имонимизга имон қўшинг”, дедилар (Луқо 17:3-5).

Масиҳийнинг бошқа одамларни кечиришидаги мажбурияти масаласида катта чалкашлик мавжуд. Биринчидан, биз кимни кечиришимиз кераклигини ва иккинчидан, кечирим ўз ортидан нимани эргаштириб келишини тушуниб етиш лозим.

Биринчи масала юзасидан масиҳийлик доирасида ягона фикр мавжуд эмас. Шу боис масиҳий ўзига қарши гуноҳ қилган ҳар қандай одамни ҳеч қандай шартсиз ва бир ёқлама кечириши шарт дея ҳисобланадими? Мисол учун, агар бирор киши ҳеч қандай сабабсиз менинг феъл-атворимни танқид қиладиган бўлса, демак, мен хафалигимни ичимга ютиб, шу заҳотиёқ ўша одамни кечириб юборишим керак экан-да.

Бундай фикр қаёқдан пайдо бўлди? Ҳойнаҳой, бу саволга жавобни Исонинг ва Унинг шогирдлари мисолида топиш мумкин бўлар. Биз Исонинг хочда Ўз жаллодлари учун қандай ибодат қилганини кўрамыз: “Эй Ота! Уларни кечиргин, улар нима қилаётганларини билмайдилар” (Луқо 23:34). Биз Исо ўз амрларида раҳмдилликка ўргатганини эшитамиз: “Раҳмдил бўлганлар бахтлидир, Чунки улар раҳм-шафқат топадилар” (Матто 5:7). Ва яна бошқа бир жойда У дейди: “Лекин Мен сизларга айтаман: сизга ёмонлик қилган одамга қаршилиқ кўрсатманг. Агар кимдир ўнг чаккангизга урса, унга чапини ҳам тутинг” (Матто 5:39).

Исо раҳм-шафқат этикасини аниқ-тиниқ эълон қилади. Биз ёвузликдан тийилишга, сабр-тоқатли бўлишга ва бизни ранжитган кишиларга нисбатан шафқатли бўлишга даъват этилганмиз. Исо яқинларимиз билан ортиқча масофани босиб ўтишимизни буюрган. Худонинг Шоҳлигида жанжал, кизикқонлик, баҳс-мунозара ва хафагарчиликларга ўрин йўқ.

Исо бизга “бошқа чаккамизни тутишни” буюрганида, У ҳақоратга сабрили бўлиш лаёқатини англатадиган яҳудийча идиомани қўллайди. (*Идиома – маъноси ўз таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ бўлмаган, яхлит ҳолда бир маъно берувчи ихчам ибора.*) Эътибор беринг, Исо ўнг чаккамизга урган одамга ўгирилганча бошқа чаккамизни тутишимиз шарт эканлигини айтган. Одатда бу амрни тўғридан-тўғри маънода тушунишади, яъни бир чаккамизга зарба олганимиздан сўнг ўгирилиб бошқасини тутишимиз керак экан. Агар бизга жисмоний таҳдид билан ташланадиган бўлсалар ҳам, гўёки ҳимояланишга ҳаққимиз йўқдек, кимки шуғулланмоқчи бўлса, биз ҳар қандай одам учун бокс қопидек бўлиб тураверишимиз керакдек.

Бундай талқинда қанчалик чуқурлашиб кетиш мумкин? Бу матн агар босқинчилар қизимизни ўғирлаб кетадиган бўлишса, уларга ўғлимизни ҳам бериб юборишимиз кераклигини англатмайдими? Менимча, йўқ. Исо айтган сўзлар ҳақида ўйлаб кўринг. У *ўнг чаккага* урилган зарба ҳақида гапирмоқда. Тасаввур қилинг-а, сиз бир одам билан юзма-юз турибсиз ва у сизнинг ўнг юзингизга урмоқчи. Хўш, у буни қандай қилади? Иккита усул бор: у ёки чап қўли билан уради ёхуд ўнг қўли кафтининг *ички тарафи билан*. Ораминда биз “чапақай” деб атайдиган одамлар унчалик кўп эмас. Одатда одам зарба учун чап қўлидан фойдаланмайди (агар бунга махсус ўрганмаган бўлса, албатта).

Яхудийча “ўнг чаккага уриш” идиомаси ўнг қўлнинг ички томони билан бериладиган ҳақоратомуз зарбани назарда тутди. Ўрта асрларда дуэлга шу тарзда чорлашган. Одам қўлқопини ечиб, ўнг қўлининг ички тарафини ёйган ҳолда рақибини қўлқоп билан уриши керак бўлган. Бу қадимий одат ҳақорат етказишни назарда тутган. Ҳойнаҳой, Исонинг тингловчилари Уни яхши тушунишган, шекилли. Агар кимдир сени ҳақорат қиладиган бўлса, сен ҳам унга шу тарзда жавоб қайтаришинг керак эмас. Биз ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтармаслигимиз лозим. Бу гапларнинг асосий ғояси – ўзини бошқаришни ва хотиржамликни сақлаш, оғзаки ҳақоратга босиқ жавоб қайтариш. Исони сўроқ қиладиганларида хўрладилар, калтакладилар, гарчи У Ўзига ёрдам учун само фаришталарини чақириши мумкин бўлсада, барча ҳақоратларга сукут билан бардош беришга қарор қилди. У Ўзини лаънатлаганларни марҳаматлади ва Ундан нафратланганларга яхшилик қилди. У сўзлари билан Ўзига азоб берганларга севгини намоён этди.

НЕЧА МАРТА КЕЧИРМОҚ КЕРАК?

Бироқ юқорида айтилган гапларнинг бари одамга ҳақорат етказилганда масалани адолатли ҳал этиш имконини таъминлайдиган Муқаддас Китоб қонунига асло қарши чиқмайди. Амалда ҳар бир жамоат ўз қавмининг шикоятини жамоат судида кўриб чиқиши мумкин. Жиддий масалаларни ҳал қилиш учун фуқаролик судига ҳам мурожаат қилиш имкони мавжуд.

Демак, биз шундай хулосага келишимиз мумкин: агар бизга қарши гуноҳ қилган бўлсалар, биз бу одамни бир ёқлама кечиришимиз мумкин, лекин бундай кечирим ҳар бир вазиятда ҳам мажбуриятимиз ҳисобланмайди. *Қилишимиз мумкин* ва *мажбурмиз* тушунчалари ўртасидаги муайян фарқни кўриш керак. Луқа Хушхабарининг 17-бобида Исо кечирим ҳақида шундай дейди: “Агар биродарингиз гуноҳ қилса, унга танбеҳ беринг. Агар тавба қилса, уни кечиринг”. Бу ерда сизга қарши гуноҳ қилган киши – сизнинг биродарингиз. Ҳойнаҳой, кечиришга берилган амр бизга қарши гуноҳ қилган барчага тааллуқли эмас. Биз барчага ўз *яқинимиз* каби қарашимиз лозим, аммо ҳар ким ҳам *биродаримиз* эмас. Масиҳий-биродарларда бир-бирлари билан ўзига хос муносабатлар мавжуд.

Масиҳий гуноҳ қилган ҳолатлар учун бизга алоҳида амр берилган. Биринчидан, биродаримизга *гапириб олишига* имкон беришимиз керак. Бизга

Ўзимизга нисбатан йўлланадиган зарбаларни жимгина қабул қилиш буюрилмаган. Исо айбдор томонга танбеҳ бериш ёки таъна қилиш ҳақида аниқ кўрсатма берган. Сўнгра энг муҳими келади. Исо айтган: “Агар тавба қилса, уни кечиринг”. Шарт бор: “агар тавба қилса”. Фараз қилиш мумкинки, агар биродар тавба қилмаса, биз уни бир ёқлама кечиришга мажбур эмасмиз. Худо бизга кечирим беришидан аввал тавбани талаб этгани каби, биз ҳам биродаримизга ана шундай шартни қўйишимиз мумкин.

Албатта, биз тавба қилмаган биродарни кечириш йўлини тутишимиз мумкин, бироқ биз уни кечиришга *мажбурмиз* деб айтиб бўлмайди. Агар у қўйилган шартни бажариб, тавба қилса, бу ҳолда уни кечиришимиз керак. Биз тавба қилганни кечиришимиз *шарт*. Гуноҳга қўл уриб, тавба қилган кишини кечиришдан бош тортиш гуноҳ ҳисобланади ва бу ҳам ўз навбатида покланишни талаб этади.

Мен семинарияда талаба бўлганимда, бир вақтнинг ўзида кичкина жамоатда хизматчи бўлиб ишлаганман. Бир куни жамоатда ўзига хос ҳурматга сазовор бўлган бир аёлнинг қизини баногоҳ хафа қилиб қўйдим. Қиз менинг гапларимга ўта нохушлик билан жавоб қайтарарди. Мен унинг олдига бориб, узоқ вақт кечирим сўрадим. У мени кечиришдан бош тортди. Мен унинг олдига икки марта бориб, кўзларимда ёш билан кечирим сўрадим. Бироқ у барибир кечиришни истамади.

Бу келишмовчилигимизни бартараф этиш учун воситачи бўлиб тайинланган хизматчи билан ҳар ойда учрашадиган вақт ҳам етиб келди. У менинг руҳим устозим, саксон беш ёшли нафақадаги миссионер, улуғ солиҳликнинг намоёндаси бўлиб, эллик йил Хитойда яшаган ва шундан беш йилини коммунистик концлагерда ўтказган. Мен чуқур хижолат билан унинг олдига бордим. Унга ҳаммасини айтдим. У диққат билан гапимни тинглаб, хотиржам жавоб берди: “Биродар, сиз иккита жиддий хатога йўл қўйибсиз. Биринчиси аён: сиз қиз болани ҳақорат қилибсиз. Иккинчи хато шундан иборат: сиз уч марта кечирим сўрамаслигингиз керак эди. Биринчи уринишдан сўнг тўп унинг майдонига ўтиб кетган. Агар у кечиришдан бош тортаверса, ўз бошига ёнаётган чўғни йикқан бўлади”.

Бу табаррук кексанинг сўзларида донолик бор эди. Агар биз бирор кишига қарши гуноҳ қилсак, тавба қилишимиз керак ва шу билан муаммомиз барҳам топади. Худди шундайин, агар биродаримиз бизга қарши гуноҳкор бўлгани учун тавба қилса, биз уни кечиришимиз керак. Бироқ буларнинг барчаси кечирим нимадан иборат эканлиги ҳақида бизни мулоҳаза юритишга ундайди.

Биз тушуниб етдик: Худо бизни кечирганида, У бу гуноҳни бизга қарши далил сифатида ҳеч қачон қўлламайди. У гуноҳларимизни бошқа ҳеч қачон эсламаслик учун уларни унутиб юборади. Бироқ Худонинг кечирими “зиёни қоплаш”дан бош тортишимизни англатмайди. Аввалги ҳолатни тиклаш – католик сирли тавбасида эзгу ишлар адолатни қондириш йўлида амалга оширилиши билан бир хилда эмас. Зарарни қоплаш – биз зиммамиздаги қарзни тўлашга мажбур эканимизни билдиради.

Мисол учун, агар мен иш бошқарувчимдан пул ўғирласам, сўнгра ўз қилмишимдан пушаймон бўлсам, унда тавба қилиб кечирим сўрашимнинг ўзи камлик қилади. Мен пулни қайтаришим ва бўйнимга тушган жаримани ҳам тўлашим керак. Заккай зарарни қоплаш қондасини тушунгани учун Исога айтган: “Ҳазрат, мен мол-мулкимнинг ярмини камбағалларга бераман. Бирон кимсанинг нарсасини ноҳақ олган бўлсам, тўрт баробар қилиб қайтараман” (Луқа 19:8).

Мен тавба қилганимда, нимани беришим шарт бўлса, ўшани бераман. Бу демак, мен ҳаракатларим оқибатини ўз зиммамга олишга ва жазоланишга қарор қилишга мажбурман. Биз дунёвий, вақтинчалик, самовий ёки абадий айбларни фарқлаймиз. Агар мен дунёвий қонунларни бузиб, Худодан кечирим сўрасам, Унинг абадий кечиримини олишим мумкин, бироқ ўзимнинг вақтинчалик айбим учун жазомни олишим керак.

Голливуднинг эски кинофильмлари кечирим ҳақидаги ибодат сўзларини тўнгиллаб айтаётган руҳоний ҳамроҳлигида сиртмоқ ёки электр стулининг “охирги метрлари” томон бораётган босқинчиларнинг қатл этилиш лавҳаларини тез-тез кўрсатиб туришарди. Сиртмоқ образи Муқаддас Китоб билан номувофикдек бўлиб туюлади. Бироқ аслида бундай эмас, чунки Муқаддас Китоб қонунбузар қабул қилиши керак бўлган ҳақиқий тавбага чорлайди. Гарчи фуқаролик суди раҳм-шафқат кўрсатиб жиноятчига бериладиган жазони юмшатиши мумкин бўлсада, агар қонунбузар тавба қилса, Худо судга уни барча жазодан озод қилиши ҳақида буйруқ бермайди. Тавба қилувчи одам Худога ўзининг қайғуси билан манзур бўлса ҳам, жамият адолат тантана қилишини талаб этиши мумкин.

КЕЧИРИМ ВА ТАКРОРЛАНУВЧИ ГУНОҲЛАР

Никоҳ ришталари бузиладиган вазиятларда қандай қилиб кечириш мумкин? Дейлик, эркак хотинига хиёнат қилади ва унинг гуноҳи фош бўлади. Эр гуноҳига тавба қилади, уялади ва хотинидан кечирим сўрайди. Бундай вазиятларда хотиннинг ахлоқий бурчи нималардан иборат?

Бу саволга иккита жавоб бор: оддий ва мураккаб. Дастлаб оддий жавобни кўриб чиқайлик. Исо бизга қарши гуноҳ қилганларни ва ўз гуноҳига тавба қилганларни кечиришимизни талаб қилади. Шу боис хотин тавба қилган эрини кечириши *керак*.

Бунинг ортидан мураккаб савол келади: кечирим нимадан иборат? Ва у билан боғлиқ яна бир савол: эрини кечирган хотин барибир у билан ажрашиши мумкинми?

Биринчи қарашда бу ҳақда сўраш ҳатто бемаъ依ликдек бўлиб туюлади. Биз кечирим ажрашишнинг ҳар қандай имкониятини истисно қилади деб ўйлаймиз. Аммо бу шунчаки оддий эмас. Тавба қилган хиёнаткор ҳолатидаги ажрашиш масаласига асосан учта ёндашув мавжуд.

1 ёндашув. Кўплаб масиҳийлар ажрашиш ҳеч қандай асосга кўра ҳеч қачон оқланмаслигига ишонишади. Бундай одамлар учун масаланинг ечими оддий. Хотин эри билан ажрашиш мумкин эмас, ҳатто эр тавба қилмаган тақдирда ҳам.

2 *ёндашув*. Турмуш ўртоғига хиёнат қилганлиги учун ажрашишга йўл қўйилади. Асос бу ерда шундай: агар эр тавба қилмаса, хотин у билан ажрашишга тўла ҳақли. Бироқ эр тавба қилса, хотин уни кечириб, бирга қолиши керак.

3 *ёндашув*. Турмуш ўртоғига хиёнат туфайли ажрашиш ҳукуки тан олинади, лекин бу мажбурий эмас, фақат рухсат бор, холос. Ҳатто эр тавба қилса ҳам, хотин ажрашиш ҳуқуқидан шунчаки фойдаланиши мумкин. Аёл эрини кечириб, уни Масихдаги биродари каби қабул қилиши лозим. Аммо аёл ўша эркакнинг хотини бўлиб қолишга мажбур эмас. Турмуш ўртоғи бўлиш ҳуқуқининг йўқотилиши қилинган гуноҳ учун фуқаролик жазоси сифатида кўриб чиқилади.

Гарчи бундай саволларни ҳал этиш ўта мураккаб бўлсада, бир нарса аниқ: кечирим ўз ортидан ҳеч қандай “зарарни қоплаш” ёки жазо келмаслигини англатмайди. Кечирим остида инсоний ўзаро муносабатлар тушунилади. Шунингдек, у гуноҳ энди ўзаро муносабатларда асло иштирок этмаётганини билдиради.

Луқо Хушхабарининг 17-бобида, агар биродаринг сенга қарши етти мартаба гуноҳ қилиб, ҳар сафар тавба қилса, “уни кечир” деб айтилган.

Исо “уч марта”дан сўнг кечирим мажбуриятидан ўзимизни озод дея ҳисоблашимизга рухсат бермаган. Агар биродарим менга қарши гуноҳ қилса, тавба қилса, кечирим олса ва гуноҳ ишларини такрорласа, мен унга: “Сен аллақачон икки марта гуноҳ қилдинг!” деб айтишим мумкин эмас.

Мен ранжитилганим учун ҳисоб-китоб қилишим керак эмас. Унинг биринчи гуноҳини кечирган ҳолда, кўнглимда унга қарши ёмонлик сақламаслик мажбуриятини оламан. Агар у тағин гуноҳ қилса, мен ўзимга айтишим керак: “Бу унинг биринчи гуноҳи!”, негаки унинг биринчи гуноҳи унинг иккинчи гуноҳини қабул қилишимга асло таъсир кўрсатмайди.

Бироқ бу қийин вазифа. Айниқса, бизга қарши гуноҳлар доимо такрорланаверса, раҳм-шафқатли бўлиш оғир. Бизда шундай мақол бор: “Бир марта аҳмоқ қилдинг – сенга уят, икки марта аҳмоқ қилдинг – менга уят”.

Ўша бир хил гуноҳни кечириш ўта оғир. Етти мартаба кечириш – раҳм-шафқатли бўлиш лаёқатимизни охиригача етказа олиш демакдир. Исонинг шоғирдлари Унинг амрига: “Имонимизга имон қўшинг” (Луқо 17:5) дея илтижо билан жавоб қайтаришгани ҳайрон қолдирмайди.

ЎТМИШ ГУНОҲЛАРИ УЧУН КЕЧИРИМ

Масихий имонга келгунга қадар қилган гуноҳлари учун кечирилиши мумкинми? Жавоб аён – ҳа. Агар жавоб салбий бўлганида эди, кўпчилигимиз Худонинг лаънати ва ҳукми остида қолаверган бўлардик. Бироқ Масихнинг Поклаши бизни ҳар қандай гуноҳдан тозалаган.

Кейинги саволга жавоб унчалик кенг қўллаб-қувватланишни топмайди. Масихий имонга келгунча қилган гуноҳлари учун жавобгарми? Ва тағин биринчи қарашда жавоб узил-кесилдек бўлиб туюлади – ҳа, чунки бу вазиятда ҳам етказилган зарарни қоплаш қоидасини қўллаймиз.

Кимки бу саволга салбий жавоб берса, буни аниқ далиллар асосида қилади. Тагин эр-хотинлар жуфтлигидан мисол келтирайлик. Дейлик, эр хотини билан ноқонуний равишда, яъни Муқаддас Китоб қоидаларига асосланмаган ҳолда ажрашади. Орадан беш йил ўтиб у Масихга юзланади, масихий аёлни севиб қолади ва унга уйланмоқчи бўлади. Хўш, бунга жамоат қандай муносабат билдириши керак? Эркак собиқ хотини билан ярашиш йўлини излаши керакми ёки янги оиласини бемалол тузиши мумкинми?

Эркак собиқ хотинига нисбатан ҳеч қандай мажбуриятларсиз яна уйланиш ҳуқуқига эга эканлигини айтадиган одамлар ўша эркакнинг энди Масихда “янги ижод” эканлигини таъкидлашади. Янги туғилган одам имонга келгунча қилган ишлари учун жавобгар эмас, негаки у энди янги одамга айланган.

Бу Муқаддас Китоб қоидаларини нотўғри талқин қилишдир. Мен чиндан ҳам Масихда янги ижодман, мен – Р.К.Спраул янги ижодман. Р.К.Спраул янгидан туғилиши мумкин, аммо янги Р.К.Спраул ва эски Р.К.Спраул ўртасида узилмас шахсий алоқа бор. Р.К.Спраул барибир эски Р.К.Спраулнинг қарзларини тўлайверади.

Қуйидагини тасаввур қилинг. Жаноб Смит соат тўртда ўз иш берувчисининг ўн минг долларини ўғирлади. Ўша окшом соат бешда жаноб Смит Масихга юзланди. Хўш, у пулни ўзида сақлаб қолиши мумкинми? Аксинча. Имонга келиш одамни унинг мажбуриятларидан нафақат озод қилади, балки амалда бу мажбуриятларни кўтаради. Янги туғилган одам виждонли бўлиши, хусусан, қарзларни тўлаши, имкон бўлган заҳотиёқ барча зарарни қоплаш истаги унда кучли бўлиши керак.

Зарарни бутунлай қоплаш тўлиқ тавбанинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу ҳақиқий тавба белгисидир. Ҳақиқий кечирим учун ҳақиқий тавба керак. Агар бизнинг мақсадимиз тўлиқ ва мукаммал кечирим бўлса, биз тўлиқ ва мукаммал тавбага интилишимиз зарур. Агар биз Худога манзур бўлишни истасак, тавба қилишимиз керак. Биз бу юқори баҳони тўлашимиз шарт. Амалда фақат ана шундай баҳолаш билан таққослаган ҳолда биз “арзон иноят” иборасининг маъносини тушунишимиз мумкин. Тўлиқ кечиримнинг баҳосини ўлчаб бўлмайди, бироқ биз оладиган тўлиқ кечиримдаги афзалликлар билан таққослаганда, бу унчалик ҳам юқори баҳодек бўлиб туюлмайди. Бу дунёда бизга кечирувчи иноят берадиган Худо билан тузиладиган келишувдан кўра фойдалироқ ҳеч қандай келишув йўқ.

Биз хизмат қиладиган Кечирувчи Худо Унинг кечиримини миннатдорчилик билан қабул қилганимизда мамнун бўлади. Шунингдек, биз ўзимизни улғайган одамлар каби тутганимизда ва ўз гуноҳларимиз туфайли бошқа одамларга етказган зиёнимизни қоплаганимизда ҳам хурсанд бўлади. Агар Янги Аҳдни тўғри тушунадиган бўлсак, Худонинг Шохлигида масъулиятли ва кечиримли одамлар яшаши аён бўлиб қолади.

ЎНИНЧИ БОБ ТАНАВИЙ МАСИҲИЙ

Биз айб ва қўркув одамлар бутун умрлари мобайнида кўтариб юришга мажбур бўлган даҳшатли юк бўлиши мумкинлигини кўрдик. Бироқ биз лаззатли таскин ва қувончли хабарни ушбу сўзлардан топамиз: “Кўмир чўғини оғзимга теккизиб, шундай деди: “Қара, бу чўғ лабларингга тегди, энди айбларинг ювилди, гуноҳларингдан фориғ бўлдинг” (Ишаё 6:7). Ишаёнинг оғзига текказилган иссиқ кўмир гуноҳлар билан вайрон бўлган қалбларни тиклайдиган Қодир Худонинг поклаши ва кечиримини ўзида акс эттиради.

Худо биздан қонунсизликни соқит қилганида, бизни улардан кутқарганида бошқа ҳеч нима билан таққослаб бўлмайдиган озодлик туйғусини ҳис этамиз. Ҳеч қандай кутилмаган омад, ҳарбий ғалабалар, ҳеч қандай сайлов натижалари, романтик саргузаштлар, хизмат пиллапоаяларидан юқорига силжишлар Худонинг: “Сенинг гуноҳларинг кечирилди” деган сўзлари берадиган озодлик қувончи руҳини бера олмайди.

Хаворий Павлус бир пайтлар ўзида айб юкини ортиб юрадиган одамнинг гарчи жозибасиз бўлсада, аммо ёрқин образини тасвирлаганди: “Оҳ, мен шўрлик одам! Ўлим сояси остидаги бу аҳволимдан ким мени кутқарар экан?” (Римликлар 7:24).

Мен бу образнинг жозибасиз эканлигини асосан “ўлим танаси” иборасидан келиб чиққан ҳолда гапиряпман. Кўпгина қадимий маданиятларда совуққонлик билан онгли равишда қотиллик қилган одамни жазолашнинг даҳшатли одатлари бўлган. Ҳукмга мувофиқ унга ўз қурбонларининг жасадларини занжирлар билан боғлаб қўйишган. Чириётган жасадга боғлаб қўйилиш қандай эканлигини тасаввур қилинг-а. Ўз ортидан чириётган жасадни тортиб юриш! Ақлдан озиш мумкин.

Бунда масиҳийлик ҳаёти билан муайян ўхшашлик бор. Бизнинг эски, кўҳна табиатимиз Масиҳ билан хочланган. Эски одам ўлимга ҳукм этилган. Биз уни Масиҳда аллақачон ўлди деб ҳисоблаймиз, масиҳий эса Муқаддас Руҳ ҳаёт берган янги ижодга айланади.

Бу ерда бизни муайян қийинчиликлар кутиб туради. Биз эски табиатимиз ўлганлигини айтишимиз мумкин, бироқ ундан бутунлай кутула олмаймиз. Биз аввалгидек ўз оптимиздан эски аянчли табиатимизни тортиб юрамиз, бу жасад эса гўё ўзининг ўлганини билмайди ҳам.

Мен бир пайтлар бу дилеммани қуйидагича тушунтирганман: бизнинг эски табиатимиз боши узилган жўжага ўхшайди. У товукхонада тинимсиз югуради, қанотларини қоқади ва қаттиқ қичқиради. Менинг бундай ўхшатишим, токи бир фермер боши узилган жўжа қичқира олмаслигини мулоимлик билан менга айтмагунича, яхшигина иш бериб турди.

Бошсиз жўжа қичқира олмайди, аммо бизнинг кўҳна табиатимиз ёввойиларча ўқиради. У бор кучи билан қаршилиқ кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, эски одам бизни гуноҳга бошлашда давом этади. Мана нима учун масиҳийлик ҳаётида янги ва зарурий кечиримни олиш учун иноят тахтига ҳар кунлик саёҳатни амалга ошириш керак.

Ваъзхонлар шундай таклифлар билдиришганини эшитганимда жаҳлим кўзийди: “Исога келинг ва сизнинг барча муаммонгиз барҳам топади!” Бироқ

Хушхабарни бундай эълон қилиш шунчаки нотўғри. Одам масиҳий бўлганида ҳаёти ҳаттоки қайсидир маънода оғирлашади. Биз Муқаддас Рухдан туғилганимизда, эски ва янги одам ўртасидаги шафқатсиз кураш учун қайтадан туғиламиз. Бу кураш имонли одам янги ва ҳушёр виждон олганида бошланади.

Аввалги ҳаёт доимий итоатсизлик эди. Павлус Эфесликларга Мактубида айнан шундай ҳаётни ёзган:

Сизлар бир вақтлар гуноҳлару айбларингиз туфайли руҳан ўлик эдингизлар. Сизлар бу дунёнинг одатлари бўйича, ёвуз руҳий кучларнинг ҳокими бўлган шайтонга бўйсуниб, гуноҳга ботиб яшардингиз. Худога итоат қилмай яшаётганларнинг юракларида амал қилаётган шайтондир. Биз ҳам бир вақтлар худбин истакларимизни қондириб яшар эдик. Тана эҳтиросларига ва бемаъни ўй-хаёлларга берилиб яшайдиган, барча одамзод каби, табиатан Худонинг қаҳр-ғазабига лойиқ бўлган итоатсиз инсонлар эдик (Эфесликлар 2:1-3).

Мазкур оятларда асосий таърифи доимий итоатсизлик бўлган қайта туғилмаган одамнинг ҳаёти акс эттирилган. Бу оламдаги ҳаётимиз битта ўзганга, шу дунёнинг ўзанига йўналади. Бу дунёнинг эгаси – шайтон, ҳаво кучлари ҳукмдори. Августин бир пайтлар одамни от билан таққослаш мумкин эканини айтганди. Отни фақат битта чавандоз эгарлаши мумкин: ёки шайтон ёхуд Худонинг Рухи. Бу образ ҳақиқий вазиятни тасаввур қилишга жуда ёрдам беради. Лекин шайтон чавандоз бўлган аввалги ҳаётимизда акс этган ўша доимийликни масиҳийлик ҳаётимизда намоён этмаяпмиз. Энди шайтон эгардан туширилган ва уни Муқаддас Рух эгаллаган. Лекин шайтон жиловни тагин қўлига олиш ҳаракатини тўхтатмаган. От ҳамон доимо ўз йўналишини ўзгартиради. У гоҳ орқа оёқларида тик туради, гоҳ янги Хўжайинни ўзидан улоқтириб ташлаш учун югуради. Биз ҳамон аввалгидек жимгина инграймиз ва тез-тез эски хўжайинни эслаб, янги Хўжайинга қаршилиқ кўрсатамиз.

Павлус бу ҳақда шундай дейди:

Қонунни Худо берган. Мен эса гуноҳга қул қилиб сотилган ожиз бандаман. Ахир, ўзим қилаётган ишларни ўзим тушунмайман, чунки қилишни хоҳлаганларимни қилмайман, аксинча, нимани ёмон кўрсам, шуни қиламан. Ўзим хоҳламаган ишларни қилаётган эканман, бу билан қонуннинг яхши эканлигини маъқуллаётган бўламан. Демак, бу ишларни мен ўзим эмас, балки юрагимдаги гуноҳ қилаётган бўлади. Менда, яъни башарий табиатимда ҳеч қандай яхши жиҳат йўқлигини аниқ биламан. Яхшилик қилиш истаги дилимда бор бўлса-да, уни рўёбга чиқаришига кучим етмайди. Ўзим қилишни хоҳлаган яхшиликни қилмайман-да, унинг ўрнига ўзим қилишни хоҳламаган ёмонликни қиламан (Римликлар 7:14-19).

ҚАРАМА-ҚАРШИ НАЗАР

Римликларга Мактубнинг 7-бобида бизга қарама-қарши мавзу тақдим этилади. Биринчиси танавий масиҳий деб аталувчи концепцияга тааллуқли. Протестантлар орасида икки тоифа масиҳийлар борлиги ҳақидаги фикр кенг

тарқалган: танавий ва рухий. Танавий масиҳий – бу ҳаётида Масиҳ ҳукмронлик қилмайдиган тақводор, чунки бундай одам доимо итоатсизлик ҳаёти билан яшайди. Сўнгра ҳаёти Худога итоат ва рухий садоқат билан ифода этиладиган “Рух билан тўлган” масиҳий тоифаси келади. Бу ерда марказда Масиҳ туради.

Бундай тақсимланиш хавфни ўз ичига олади. Бу хавф иккиёқлама эканлиги шундан иборатки, биз ҳақиқатни анчайин бузиб талқин этишимиз мумкин. Биринчи нотўғрилиқ антиномизм деб аталадиган қадимдан машҳур бидъатни акс эттиради. Антиномизм сўзма-сўз “аксилқонун” маъносини беради. Аксилқонунчиларнинг қўшиғи шундай янграйди: “Мен қонундан озодман, о қувончли кайфият; мен истаганимдек гуноҳ қилишим мумкин ва барибир гуноҳлардан покланишга эга бўламан.” Бундай хатолик иноят ва кечиримни сохта тушуниш асосида келиб чиққан. Хато шундан иборатки, одам Масиҳни Худо сифатида эмас, балки Нажоткор сифатида қабул қилишни имконли деб ҳисоблайди. Бу итоатсиз, натижасиз ва эзгу ишларсиз эътиқод. Бу, ҳаворий Ёқуб ёзганидек, Худога манзур бўлмайдиган ўша “ўлик эътиқод”дир.

Демак, танавий масиҳий – бу Масиҳга имон келтирганини таъкидлайдиган, аммо Рухнинг маҳсулини бермай, доимо танада яшайдиган одам. Бундай одамни шаҳвоний масиҳий деб аташ керак эмас. У танавий номасиҳий деб ҳисобланиши лозим. Агар одам доимо ва ўзгармаган ҳолда тана ҳаётини намоён этар экан, у умуман масиҳий эмас. Унда Муқаддас Рух яшамайди. Рухдан туғилиб, ҳаётида ўзгаришлар бўлмаслиқнинг мутлақо иложи йўқ. Масиҳий Рухнинг маҳсулисиз масиҳий эмас. Антиномизм – бу қонунсизлик руҳи. Танавий масиҳий “эътиқоди” – бу умуман эътиқод эмас. У ноҳалолликни оқлаши мумкин эмас. У Худога манзур бўлиши мумкин эмас.

Биз имон орқали оқланиш фақатгина имон билан асло чекланиб қолмаслигинин эслаймиз. Протестантизм тўлиғича “биз ишларимиз билан эмас, балки имонимиз билан оқланамиз” фикрига асосланган. Бироқ тақводорнинг ҳаётида оқлайдиган имон пайдо бўлган вақтда одам ўзгара бошлайди ва бу ўзгариш итоатгўйлик ишларида намоён бўлади. Худонинг ишлари ҳақиқий эътиқоддан ҳосил бўлади, албатта, аммо улар бизни оқламайди. Бизни Масиҳнинг солиҳлиги оқлайди. Бироқ оқланиш ортидан қўл қовуштириб ҳеч нима қилмасак, бу ҳолат бизда ҳақиқий эътиқоднинг йўқлигини, демак, биз оқланишга эга бўлмаганимизни исботлайди.

Антиномизмда шаҳвоний масиҳий каби кўринишларга жой йўқ. Концепциянинг ўзи ҳам хавфли, ҳам қарама-қарши. Хавф нимадан иборат: одамлар нажот учун ўз имонига эътиқод қилиш даркор деб ўйлай бошлайдилар. Бироқ Муқаддас Китоб бизни огоҳлантиради, агар одамларнинг қалблари Худодан йироқ бўлса, улар Масиҳни оғзаки мактаб, улуғлай олишмайди. Улар имонга эга эканликларини таъкидлашлари мумкин, аммо имонларини исботлайдиган ишларни қилишмайди: “Эй биродарларим, агар бирор киши имоним бор, деса-ю, хайрли ишлар қилмаса, нима фойдаси бор?! Бундай имон уни қутқарармиди?!” (Ёқуб 2:14).

Ёкуб ўз саволига қатъий жавоб қайтаради – бундай имон ўлик ва ҳеч кимни қутқара олмайди.

Демак, биз ўз имонимизга амал қилишимиз керак, аммо нажотни олиш учун шунчаки имон келтиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Нимага эътиқод қилсанг, ўшанга эга бўлишинг керак. Эътиқоднинг ўзи эмас, балки нажоткор эътиқодга эга бўлмоқлик бизни оқлайди.

ПЕРФЕКЦИОНИСТЛАР НАЗАРИ

Масихийларни икки тоифага – танавий ва Рухга тўлган деб ажратадиган иккинчи қадимий бидъат – перфекционизм бидъатидир. Перфекционистларнинг хатоси антиномизмга қарши бўлган бошқа томонга тааллуқли. Перфекционизм масихийларнинг бир қисми руҳий баркамолликка шу ҳаётда етишини бизга уқтиради. Тўғри, бу борада масихий ҳаётида гуноҳ устидан тўлиқ ғалаба қозонадиган Муқаддас Рухнинг ҳаракатдаги кучи асосий хизматни бажаради. Бу таълимот танланганлик ҳолатини, бошқа масихийлардан нимасидир билан афзал бўлиб, мукамалликка эришиш хиссиётлари ҳақида уқтиради. “Мукамал” масихийлар биринчи қарашда ўз ҳолатлари билан мақтанишмайди, бироқ аста-секин уларнинг ҳаётига ўздан мамнунлик ва мағрурлик хисси кириб келади.

Перфекционизмнинг хавфи шундан иборатки, у ўта жиддий равишда инсон онгини бузади. Бизни амалда гўёки бегуноҳ ҳолатга келтирадиган сохта қарашларни ҳосил қилувчи эгри йўлларни бир тасаввур қилиб кўринг-а.

Перфекционистларнинг хатоси битта, кўп ҳолларда иккита оғир англашилмовчиликларга олиб келиши тайин. Агар ўзимзни бегуноҳ ҳолатга етишганлигимиз ҳақида ишонтирсак, биз ёки ўз қадр-қимматимизни ошириб юбориш гуноҳига ботамиз ёхуд Худонинг қонунлари талабларини жиддий пасайтириб юборамиз. Перфекционизмнинг парадокси шундан иборатки, гарчи у антиномизмдан ажралишга интилсада, аста-секин ва муқаррар равишда ўша хатолар жараёнига кириб боради.

Биз бегуноҳ эканимизга ишонишимиз учун Худонинг андазаларини бекор қилишимиз, илоҳий солиҳлик даражасини пасайтириб, ўзимизнинг ўртамиёна имкониятларимиз чегарасигача туширишимизга тўғри келади. Худонинг қонунлари, ўз итоатгўйлигимиз даражаси ҳақида ўзимизга ёлғон гапиришга ўтамиз. Бунга эришиш учун бизни гуноҳда фош этган Рухнинг овозини бўғиш керак. Бундай қиладиган одамлар Рух билан тўлишмаган, балки Уни босишга уринишади.

Бизнинг покланишимиз жараёнининг амалий эканлигига оид аломатлардан бири биз ҳақиқий мукамалликдан қанчалик орқада қолаётганимиз ҳақидаги фикрнинг доимо ўсиб бориши ҳисобланади. Перфекционистлар аслида мукамалликни рад этувчи ниқобга ўранган аксилперфекционистлардир. Биз мукамалликка эришдик деб ўйлаганимизда, мукамалликдан орқа томонга қараб кетамиз.

Мен бир вақтлар масихий бўлганига бир йил тўлган йигитни учратгандим. У йигит “иккинчи марҳамат”га эришганини ва эндиликда

музаффар ҳаёт – гуноҳсиз мукамал ҳаёт билан яшаётганини менга дадиллик билан айтди. Мен шу ондаёқ унинг эътиборини Павлуснинг Римликларга мактубидаги 7-бобга қаратдим. Мазкур боб перфекционизм доктринасига қакшатқич зарба беради. Ёш дўстим классик далил билан жавоб қайтарди, яъни Павлус Римликларга Мактубининг 7-бобида ўзининг имонга келгунча бўлган ҳолати ҳақида гапирган.

Мен йигитга Павлус бу бобда ўзининг аввалги, имонга келгунга қадар бўлган даври ҳақида ёзганини экзегетика нуқтаи назаридан қараб чиқишнинг мутлақо иложи йўқлигини тушунтирдим. Биз ушбу бобни диққат билан тадқиқ этдик ва йигит ниҳоят Павлуснинг чиндан ҳам ўз ҳақиқий ҳолати ҳақида ёзганига рози бўлди. Унинг кейинги эътирози шундай бўлди: “Эҳтимол, Павлус ўзининг ўша пайтдаги ҳолати ҳақида иккинчи марҳаматни олишидан аввалроқ ёзгандир”.

Ундаги бундай руҳий ўзига ишончнинг кўринишидан ҳайратимни яширишим оғир эди. Мен маънодор қилиб сўрадим: “Сиз ўн тўққиз ёшингизда, масиҳийлик имонига келганингиздан бир йил ўтгач, Худога итоат этишда ҳаворий Павлус Римликларга Мактуб ёзган пайтдаги ҳолатидан кўра янада юқорироқ даражага эришганингизни айтмоқчи бўляпсизми?”

Мен йигитнинг қилт этмай шу жавобни берганидан бутунлай қарахт бўлиб қолдим: “Ҳа!” Ўзининг беғуноҳ эканлигига ишонтирадиган одамларнинг ўз-ўзини алдаши ана шундай даражагача олиб боради.

Мен бир пайтлар “иккинчи марҳамат” олганини таъкидлаган бир аёл билан ҳам суҳбатда бўлганман. У чиндан ҳам қайсидир даражада юқори андазаларга мувофиқ келарди, аммо табаррукликка эришганига ва бошқа ҳеч қачон онгли тарзда гуноҳ қилмаслигига ишончи комил эди. У ўзидаги беихтиёр қилинадиган гуноҳларни тан оларди, холос.

Хўш, беихтиёр ёки ихтиёримиздан ташқарида бўладиган гуноҳ нима ўзи? Агар қайсидир ҳаракат иродамиздан ташқари содир бўлса, у асло ахлоқий ҳаракат ҳисобланмайди. Юрагимнинг беихтиёр уриши ахлоқий ҳаракат эмас. Ҳар бир гуноҳ – ихтиёрий. Ҳар қандай гуноҳқорона истакнинг пайдо бўлиши моҳиятан гуноҳ ҳисобланади. Гуноҳ истагисиз гуноҳ йўқ. Аёл ўз гуноҳини гуноҳ қилиш истагини рад этиши билан ҳаспўшлади. Гуноҳ шунчаки келди ва “рўй берди”. Бу ҳар кишига маълум ўта эскича ўзини оқлаш: “Мен бунга истамагандим!”

Уэсли издошлари орасида яна бир тоифа перфекционистлар бор. Бу ўринда мукаммаликка эришиш мукамал севгига эришиш билан асосланади. Улар таъкидлайдики, биз муайян ахлоқий заифликлар билан курашган ҳолда, мукамал севги марҳаматига етишамиз. Аммо бир дақиқа мулоҳаза қилинг. Агар биз мукамал севги марҳаматини олсак, гуноҳ қилишимиз мумкинми? Агар мен Худони мукамал севги билан севганимда эди, Унга фақат итоат қилишни истаган бўлардим. Худони мукамал севги билан севадиган ижод қандай қилиб Унга қарши гуноҳ қилиши мумкин?

Менга эътироз билдиришлари мумкин: “Биз билмасдан гуноҳ қилиб қўйишимиз мумкин”. Бироқ биз Худони севишга даъват этилган мукамал севги онгимизнинг ҳам, қалбимизнинг ҳам мукамал севгиси ҳисобланади.

Агар биз Худони бутун онгимиз билан севадиган бўлсак, бундай ғафлат ва кўполлик қаердан пайдо бўлиб қолди? Агар онг билан Худони мукаммал севсанг, Худонинг Каломини ўрганасан ва уни мукаммал эгаллайсан. Мукаммал севадиган онг йўлларимизни тўғри ёритади. Мукаммал севадиган онг Каломни тушунишда хатоларга йўл қўймайди.

Бироқ онгимиз мукаммалликдан узоқ бўлгани боис ҳам биз хатоликлар қилмаяпмизми? Мен онгимиз нега мукаммал эмаслигини сўрайман. Ақлимиз камлик қиялпими ёки фикрлаш лаёқатимизми? Бизнинг онгимиз туманга бурканган, шу боис қалбимиз зимистон ичида. Бу зулматни қалблардан йўқотинг ва қалблар Худонинг ёруғ нурлари билан ёришиб кетади.

Мукаммал севги ўз ортидан мукаммал итоатни эргаштириб келади. Дунё мукаммал итоатни намоён этган Масихда мукаммал севгининг ягона мисолини кўрган. Исо Отани мукаммал севги билан севган. У асло – беихтиёр ҳам, ихтиёрий ҳам, кўриб-билмай ҳам - гуноҳ қилмаган.

МУҚАДДАС КИТОБ НУҚТАИ НАЗАРИ

Павлус Римликларга Мактубининг 7:14-оятида ёзади: “...Мен эса гуноҳга қул қилиб сотилган ожиз бандаман”. Бу сўзлар Павлуснинг танавий масиҳий бўлганини билдирадими? Эҳтимол, у Масихни Худо сифатида эмас, балки шахсий Нажоткори тариқасида қабул қилгандир? Бундай бемаъни саволлар айни пайтда жавоб ҳам ҳисобланади. Дунё ҳаворий Павлусдан кўра Рухга тўлган бошқа масиҳийни кўрмаган. Ва барибир у айтади: “... мен гуноҳга қул қилиб сотилган ожиз бандаман”.

Павлус ўзининг танавий эканини айтганида, бу билан масиҳийдаги эски ва янги одам ўртасида, тана ва Рух ўртасида доимо кечадиган тўхтовсиз курашлар ҳақида гапиради. Ва шундай яқунлайди:

Бутун қалбим билан Худонинг қонунидан завқ оламан. Аммо аъзои баданимда бошқа бир қоида амал қилмоқда. Бу қоида онгимдаги қонунга қарши кураш олиб бориб, аъзойи баданимда амал қилувчи гуноҳ қоидасига мени асир қиялпти. Оҳ, мен шўрлик одам! Ўлим сояси остидаги бу аҳволимдан ким мени қутқарар экан? Худога шукур! Раббимиз Исо Масих орқали У бизни қутқаради! Хулласи Калом, мен онгим билан Худонинг қонунига қул бўлсамда, башарий табиатим гуноҳ қоидасига қулдир (Римликлар 7:22-25).

Эътибор беринг-а, Павлус ўзининг руҳий кураши ҳақидаги бу суҳбатни Худони улуғлаш билан яқунлайди. У биз ичимизда Масих орқали эгаллайдиган озодлик учун Худога мактов ва миннатдорчилик йўллайди.

Талабаларнинг “Campus Crusade for Christ” ташкилоти чоп этадиган оммабоп брошюрада Рухга тўлган ва танавий масиҳийлар ўртасидаги тафовут эслатиб ўтилган. Биринчи қарашда, доктор Билл Брайт икки тоифа масиҳийлар ўртасидаги аниқ чегаралар ҳақида гапираётганга ўхшайди. Бироқ мен муаллифнинг мақсади бундан иборат эмаслигига аминман. Ҳойнаҳой, доктор Брайт ҳар бир ҳақиқий масиҳий тўқнаш келадиган, тана ва Рух ўртасидаги классик курашни баён этапти. Китоб биз эски одамнинг ёвуз истакларини назорат қилиб, улар устидан бошқаришимиз учун Муқаддас Рух

кучини синаб кўришга чорлайди. Биз ўзимиздаги эски одамни ҳар куни ҳайдаб чиқаришимиз керак. Бизнинг кўзларимиз бизга тегишли барча нарсалар устидан ҳукмронлик қиладиган Рухга қараганидан кейингина ғалаба келади. Биз Масихга, имонимизнинг Муаллифи ва Якунловчисига қараганимизда, курашимиз кўриниш доирасидан ташқарига чиқади.

Биз барчамиз, масихийлар, ўзимизнинг эски табиатимиз ёки танамиз билан қанчалик курашсак, шу даражада “танавий”миз. Аммо ҳеч бир ҳақиқий масихий тана унинг ҳаётида тўлиқ устунлик қиладиган даражада танавий эмас. Агар тана ҳар тарафлама ҳукмронлик қиладиган бўлса, биз аввалгидек ҳали-ҳамон қайта туғилмаганимизни тан олишимиз керак. Биз эски одамни енгиш учун Рухга тўлган ҳаёт билан яшашга даъват этилганмиз. Айнан гуноҳнинг доимийлиги туфайли биз Муқаддас Рухга тўлишимиз лозим. Биз бундай муқаддасликка тўлишни сўраб, Худога манзур бўламиз. Биз ўзимизнинг гўёки “мукаммал” ҳолатимиз ҳақида эмас, балки Унга бўлган эҳтиёжимиз ва ночорлигимизни, Худонинг шарофати билан бизда камроқ ҳукмронлик қилаётган “ўлим танаси”дан ўз норозилигимизни билдирганимизда, У биздан мамнун бўлади.

ЎН БИРИНЧИ БОБ МАҒРУРЛИК ГУНОҲИ

Карл Барт бир пайтлар йўлдан озган одам барча гуноҳларни келтириб чиқарадиган учта асосий гуноҳга эга эканини қайд этганди. Улар мағрурлик (*hubris*), ялқовлик ва ёлғон. Барт ўз баҳолашида қанчалик ҳақ – бу баҳсли масала, аммо бу гуноҳлар учлиги чиндан ҳам ўта жиддий эканлиги мутлақо аён. Улар ҳақиқий солиҳликка эришиш йўлидаги барча ҳаракатларимизни барбод қилишга уриниб, турли хил киёфаларда ўзларининг мажруҳ бошларини кўтаришади.

Биз мазкур бобда улардан биринчисини – мағрурликни кўриб чиқамиз. Ҳойнаҳой, мағрурлик мавзуси ҳақида сўз борганда, Муқаддас Китобнинг ушбу мумтоз иқтибосларидан бири энг кўпроқ келтириб ўтилса ажаб эмас: “Мағрурликнинг ортидан ҳалокат келади, такаббурликдан сўнг эса одам қоқилади. Такаббурлар билан ўлжа бўлишгандан кўра, камтарин бўлиб, камбағаллар орасида яшаш яхшироқ” (Ҳикматлар 16:18-19).

Мағрурлик ҳалокатга етаклайди. Ҳалокат – бу ҳамма нарсанинг барбод бўлиши. Одамлар салтанат ва обрў-эътибор яратиб, анча юқорига кўтарилганча олдинга ҳаракат қилишлари мумкин. Бироқ буларнинг аввал соғлом бўлган пойдеворини мағрурлик емирадиган бўлса, ҳаммаси кулаб тушади. “Мен адои тамом бўлдим” – бу кулаганларнинг аянчли ингроғи. Бу ҳалокатга учраганларнинг юракни эзадиган фиғонидир.

Бир куни эрталаб менда мағрурлик билан боғлиқ ғалати ходиса рўй берган. Биз эрталаб тонгда рафикам билан супермаркетга йўл олдик. Биз автомашиналар тураргоҳига кирганимизда, Веста менга деди: “Умид қиламанки, сен мени машинадан чиқишимга мажбур этмассан. Биласан-а, менда ўз қадр-қимматим туйғуси бор”. У машинадан чиқишни истамади,

негаки эрта тонг бўлгани боис ўзи хоҳлагандек кўринишга эга эмасди. Унинг устида эркакларнинг катта иссиқ машғулот кийими бўлиб, пардоз-андоз қилмаганди. Ҳали сочларини тартибга келтирмаганди. “Менда мағрурлик бор”, - деди у. Мен унинг кийимига қараб, шўх табассум билан сўрадим: “Сен нега бундай кийиниб олдинг?” Рафиқам шу тобда бошимга китоб билан тушириб, бир пайтлар Лютер хотини Кэти фон Бор ҳақида айтган гапларнинг ҳақлигини исботлашга тайёр эди: “Агар Худо менга мулойим хотин беришни истаганида, уни тошдан йўнишига тўғри келган бўларди”.

Бироқ Веста айтган мағрурлик Муқаддас Китоб мазмунида келтирилган мағрурликдан фарқ қилади. “Ўз ишидан мағрурланиш” ёки “иложи борица яхшироқ кўриниш” истагида аҳмоқона ҳеч нима йўқ. Буларнинг бари инсон кадр-қимматиға тегишли ва ўз ишини сифатли бажариш истагида ҳеч қандай гуноҳ йўқ. Сифатға интилиш гуноҳ эмас, фазилат ҳисобланади. Яхши бажарилган ишдан мағрурланиш – ундан коникиш ҳис қилишни билдиради. Худо Ўзининг қилган ишларига қараб айтган: “Яхши”. Худо ҳалокатға олиб келадиган димоғдорликка берилиб кетмаган. Ҳикматлар такаббурли рух, сабрсиз димоғдорли рух мағрурлиги ҳақида сўзлайди. Такаббурликда кўполликнинг биз осонгина пайқаб оладиган аломатлари бор. Биз Каломда Худога қарши ишлар ҳақида огоҳлантиришлар берилганини ёдлаймиз: “Олти нарсадан Эгамиз нафратланади, етти нарсадан У жирканади. Булар: манманлик нигоҳи...“(Ҳикматлар 6:16-17а).

Манманлик ва димоғдорликдан туғиладиган вайронкор мағрурлик инсоният тарихидаги барча ҳалокатли кўринишларда намоён бўлган. Илоннинг васвасасига шундай сўзлар ҳамроҳлик қилган: “...Худога ўхшаб қоласизлар” (Ибтидо 3:5). Сифатға интилиш – бошқа масала. Худо билан тенг даражаға кўтарилишға интилиш – бутунлай бошқа масаладир.

Хукмронликка ва одамларға таъсир кўрсатишға интилиш чегара билмайди. Биз барчамиз жамиятда юқори ўринни эгаллаш васвасасига берилганмиз. Биз фикрларимиз ҳаттоки хато бўлса ҳам уни бошқаларға сингдириш имкониятиға эга бўлишни истаймиз. “Мен шундай дедим” – бу фақатгина Худонинг забонидаги мутлоқ амалий далилдир.

Худо каби бўлиш васвасаси биз тасаввур қилганимиздан ҳам кўра кўпроқ мавжуд. Биз қонун талабларига қаршилиқ қиламиз. Қудратли ҳукумат бизға ўз талаб ва чекловларини билдирганида минғирлаймиз. Бизға чекловлардан, жавобгарликлардан озод бўлиш бўлиш ёқади.

МУСТАҚИЛЛИККА ИНТИЛИШ

Озодлик чиндан ҳам қимматбаҳо маҳсулот. Бироқ бизнинг озодлигимиз муайян чегараларға эга. Гап шундаки, биз чиндан ҳам муайян чегараларға ва муайян мажбуриятларға эгамиз. Биз Худога тўлиқ ҳисобдормиз. Бизға хоҳлаган ишимизни қилишға шунчаки рухсат бериб қўйилмаган.

Яқинда бир дўстим билан машинада кетаётгандик. Тўсатдан бошқа йўналишдан кетаётганимизни пайқаб қолдик. Чорраҳадаги белги билдириб турарди: “Бурилиш йўқ”. Дўстим узоқ ўйлаб ўтирмай машинасини бурди-да,

орқа йўналишга қараб ҳайдади. Мен унинг йўл қоидасини бузганига эътироз билдирганимда, у шундай деди: “Роберт, наҳотки сизни ўша металл белги кўрқитиб юборган бўлса?”

Унинг сўзлари қонун устидан масҳара бўлиб эшитилди. Мен шу заҳотиёқ дунёдаги ҳукуматларга бўйсуниб ҳақидаги Муқаддас Китоб амрини эсладим. Албатта, фуқаролик қонунчилиги кўпроқ даражада бюрократик бебошликни акс эттирадиган дамлар бўлади, бироқ биз бутунлай қонунсизликдан қочишга даъват этилганмиз. Менинг қонунга бўйсуниб металл белгига эмас, энг аввало, Масихга итоатдир. У Худо ўрнатган ҳокимиятларга бўйсуниб тайёрлигим аломатидир.

Албатта, масиҳийлар фуқаролик ҳокимиятига бўйсунмасликлари, ҳатто рад этишлари зарур бўлган вазиятлар юзага келади, бироқ фуқаролик итоатсизлигининг бундай кўринишлари адолат ва заруриятга асосланган бўлиши шарт. Қонун қандайдир ноқулайликни акс эттиргани учунгина унга бўйсунмасликка ҳақли эмасмиз. Биз ўз итоатсизлигимиз билан ўзимизни қонундан устун қўйган бўламиз, бу эса ўз-ўзидан вайронкор мағрурликнинг аломати ҳисобланади.

Худого ўхшаш бўлишга интилиш – мана қонундан юқори бўлишга интилишнинг моҳияти нимадан иборат. Бу мустақилликка бўлган интилиш. Мустақиллик (autonomy) сўзма-сўз “ўзича қонун” маъносини билдиради. Бутунлай мустақил бўлишга интиладиган одам, - ўзи қонун бўлишга интиладиган одам. У ҳеч кимга тобе бўлишни истамайди.

Аммо бу ўринда биз эҳтиёткор бўлишимиз керак. Мустақилликдан қочиш одамнинг ўзини қулликка топширишга розилигини англатмайди. Каломда бошқарувнинг ўз жавобгарлик тизими бўлган турлича тоифалари келтирилган. Болалар ота-оналарига, ишчилар – иш берувчига, қўйлар – ўз чўпонига, талабалар – ўз ўқитувчисига бўйсуниб шарт. Биз барчамиз бирор-бир ҳукмронликни амалга оширадиган ёхуд унга бўйсунувчан инсоний ўзаро муносабатларнинг қандайдир тоифасига тааллуқли бўламиз.

Бироқ Худо бизга озодлик берадиган жойларда бизни ўзига бўйсундиришга уринадиган никобдаги мустабидлардан эҳтиёт бўлишга тўғри келади. Ота-оналар ўз фарзандларининг ёки ўқитувчилар ўз талабаларининг ҳукмбардорлигига бўйсунибдан бош тортишлари манманлик белгиси ҳисобланмайди. Гап бу ерда “ҳисобот беришга мажбурлик” ҳақида эмас, балки бошқа одамларни бошқаришга интилиш ҳақида бормокда.

Мен ҳамиша “масъулиятли” бўлиш ҳақида гапирадиган одамлардан чўчийман. Бунинг остида кўпинча одамларни бошқариш истаги ётади. Бу назорат қилишнинг ақл доирасидан ташқаридаги сеvimли воситасидир.

Мен бир пайтлар хусусий иш фаолияти юритадиган одам билан гаплашиб қолгандим. У шундай деганди: “Мен чўмилаётим, маслаҳат кенгашини ўтказаман”. Бу билан у президент ва компаниянинг хўжайини сифатида бошқалардан устун эканини айтмоқчи бўлганди. Албатта, у бошлиқ сифатида барчани ўз қўлида ушлайди, бироқ бу ҳол унинг ҳеч кимга ҳисоб бермаслигини англатмайди. У банкка ҳисобот беради. У ўз штатининг

конунлари олдида жавоб беради. У ўз жамоатининг чўпони ва оқсоқолларига ҳисоб беради. У Худога тўлиқ ҳисб беради. Аммо у ўз котибасига ҳисобот бермайди, котиба ишхонада унга бўйсунди.

Масиҳий кимнинг ҳукмронлиги остида эканини англаб етиши жуда муҳим, ана ўшанда бу ҳукмронликка тайёргарлик руҳи билан бўйсунди. Руҳоний хизматни қабул қилиш маросимида Худо олдида ўз жамоатининг бошқарувига бўйсуннишга тантанавор аҳд қилади. Аммо биз жамоат менинг виждонимни жавобгар этолмаслигини англаб турамыз. Виждоним фақат Худога бўйсунди. Агар менда жамоат қоидаларига нисбатан қандайдир эътирозим бўлса ва жамоатга ёки Худога бўйсунниш борасида танлов қилишим керак бўлса, мен Худога итоат қилишим шарт. Агар менинг қелишмовчилигим жамоатнинг бирлиги ва тинчлигини бузадиган даражага етиши мумкин бўлса, бу ҳолда ундан тинч йўл билан чиқиб кетиш менинг бурчим ҳисобланади.

Меҳнат муносабатлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Мен токи виждоним ўз раҳбариятимга бўйсунмасликни талаб қилмагунича, унга итоат қилишга мажбурман. Агар бундай итоатсизлик раҳбариятимга ёқмаса, бошқа жойдан иш қидиришимга тўғри келади.

Биз бундай вазиятга тушиб қолганимизда, қалбимиз ўйларини тадқиқ этиб, эътирозларимиз чиндан ҳам тақводор виждонга асосланганига ишонч ҳосил қилишимиз лозим. Мағрур қаршилиқни иккиюзламачиликнинг руҳий ёпинчиғи билан жуда осон ниқоблаш мумкин.

МАНҚЕГА ИНТИЛИШ

Бизнинг мағрур ҳолатимизда бизга нисбатан беҳурматликдан ортиқроқ азоб йўқ. Биз атрофимиздаги одамларнинг муайян ҳурмат-эътиборига эришиш учун ишлаймиз. Бизга нисбатан ҳурмат билан ва ҳолатимизга мувофиқ ёндашишларини хоҳлаймиз. Вазиятга интилиш америкача ҳаёт тарзининг ажралмас қисми ҳисобланади. Лекин унинг Америка билан чекланиб қолмаслиги мутлақо аён. Бу умуминсоний омил. Менеджер ўзида хизмат хожатхонаси калитини сақлаб юриш ҳуқуқига эга бўлгани сингари, ибтидоий қабила сардори ҳам ўз бошида қўшимча патларни тақиб юриш ҳуқуқини шундай иштиёқ билан ҳимоя қилади.

Мен Амстердамнинг Эркинлик олийгоҳига ўқишга кирганимда, ўқитувчиларимизнинг барча даражалари кўрсатилган расмий рўйхатни беришди. Агар ўқитувчи олий тоифага тегишли бўлса, унга “Жаноб олийлари” каби муайян даражаларини қўшиб мурожаат қилиш керак бўларди. Агар унинг илмий даражаси бўлса, “Ҳазрати олийлари”ни эслатувчи унвонни қўйиш лозим эди. Агар у бошга қўл қўйиб, фотиҳа берадиган даражага эришган бўлса, “ҳазрат”га айланарди. Барча бу унвонлар анчайин қўпол эди. Бу унвондор шахслардан бирортасига ёзиладиган мактубдаги жой икки қаторни эгалларди. Барча унвонларни ёзмаган талабанинг аҳволига эса асло ҳавас қилиб бўлмасди.

Менинг фикримча, барча бу тизим – ўз ҳаётимда кўрган барча тизимлар орасида энг бемаъниси эди. Уни юқори тезлик шосседаги

автомобиль ҳаракати билан таққослаш мумкин эди. Фольксвагенлар мерседесларга йўл бўшатиб беришлари керак. Мен бир пайтлар светофор қаршисида турган юк машинаси ёнидаги велосипедчини токи йўлдан чиқариб юбормагунича аста-секин туртиб борганлигига гувоҳ бўлганман. Ва бу ҳолат велосипедчи унга йўл бермагани учунгина келиб чиққанди.

Мавқега эгалик қилиш кайфияти, афсуски, юқумли. Мен бир муддат ана шу шароитда яшаб, ўз номимга, De Heer Спраулга (Жаноб Спраулга) аталган мактуб олдим. Афтим буришди. “De Heer!” Мен каттароқ ҳурмат-эътиборга муносибман-ку! Ўзимни худди вақтинчалик одамга мурожаат қилишгандек ҳис этдим. Ва тўсатдан ана шу тузукқа – унвонлар билан боғлиқ ўйинга тушиб қолганимни тушундим.

Мен унвонлар билан боғлиқ ўйинлар Амстердамда қолиб кетишини жуда истардим. Аммо бундай бўлмади. Яқинда ўғлим билан катта бир дўконда бўлгандим. Биз заргарлик маҳсулотлари қўйилган жойда тўхтадик. Мен “Ролекс” соатларига ҳавас билан тикилиб қолдим. Сўнгра ўғлимга айтдим: “Мен шундай соатим бўлишини хоҳлайман”.

Ўғлим ҳайрон бўлди. “Мени эшитинг, дада, - деди у. – Мен ҳаётингизга қандайдир қулайлик олиб кирадиган нарсалар учун пул сарфлашингизни тушунишим мумкин, аммо фақат ҳашамат учун харид қилишнинг нима кераги бор?”

Унинг сўзлари юрагимга ботди. Эстетика ҳақида гапиришга шайландим. Унга айтмоқчи эдим: “Бу шунчаки гўзаллик масаласи. Менга чиройли буюмлар ёқади”. Бироқ гапларим ярим ҳақиқат бўлиб қоларди. Мен чиндан ҳам чиройли нарсаларни ёқтираман. Санъатни севаман. Аммо қалбимнинг туб-тубидан “Ролекс” бу тоифага тааллуқли эмаслигини биламан. Ўғлим ҳақ эди: мен “Ролекс” атамасига ва шу атама остидаги барча нарсаларга мафтун эдим. Бу соатлар жамиятдаги муайян ўриннинг белгиси эди ва буни тан олмаслик учун ўзимда “фахр” туйғусини деярли ҳис этмасдим.

Филиппиликларга Мактубнинг 2-бобидаги *kenosis* (одамлар олдига ҳўрланиш учун тушиб келиш, Худонинг ўз-ўзини чеклаб қўйиши) учун бағишланган буюк мадҳияда қимматли панд-ўғитлар берилган. Ҳаворий Павлуснинг сўзларини тингланг:

Ҳеч бир ишни худбин ниятда қилманг, шухратпараст бўлманг, аксинча, камтарлик билан бошқаларни ўзингиздан юқори деб билинг. Фақат ўзингизнинг эмас, балки бошқаларнинг ҳам манфаатини кўзланг (Филиппиликлар 2:3-4).

Павлус бу мадҳияда бизга қийин шартни бажаришни таклиф этади. Биз барчамиз ўз кадр-қимматимиз билан оворамиз, бу ерда эса бизни бошқаларни ўзимиздан юқори баҳолашга даъват этишмоқда. Бу таклиф биз макбул деб ҳисоблайдиган қоидаларга мутлақо қарама-қарши. Одатда биз атрофдагилардан кўра ўзимизни яхшироқ деб ҳисоблашга мойилмиз ва атрофдагилар бизни ўзларидан ҳам ортиқроқ даражада кадрлашларини истаймиз.

Бу бизнинг илоҳлар каби бўлишдек ўша илк васвасанинг бир қисмидир. Америка фильмида Индиана штатидаги мўъжазгина бир шаҳарда янги мураббий ролини ўйнайдиган Жин Хакман мактабда баскетболга ҳаддан зиёд эътибор қаратилаётгани ҳақидаги айбловга жавоб қайтаради. Унинг рақиби жамоа ўйинчиларига худди илоҳлар каби эътибор қаратишаётганларини таъкидлайди. Хакман жавоб беради: “Наҳотки одамлар бир неча соат ўзларини илоҳлар каби ҳис этишлари учун бир-бирларини ўлдиришга тайёр эканликларини тушунмаётган бўлсангиз?”

Бу ўз-ўзига ҳаддан зиёд баҳо бериб юбориш. Ўз-ўзини бундай баҳолаш ўз-ўзини барбод қилиш билан чегараланади ва биз даъват этадиган итоаткор доноликка бутунлай қарама-қарши ҳисобланади.

ҲАҚИҚИЙ ИТОАТКОРЛИК

Итоаткорликка даъватни гўё унинг ортида ҳеч қандай мавжудлик бўлмайдиган идеалистик ва абстракт тушунчаларни акс эттиргани боис осонгина рад этиш мумкин. Бироқ Павлус Масихнинг ҳаёти акс этган итоаткор доноликни олий намуна сифатида улуғлаганида, абстракт тушунчалар ҳақида гапирмаган.

Фикр-зикрингиз Исо Масихникидай бўлсин. Исо Масих Худонинг табиатиға эга эди, шунда ҳам У Худо билан тенглигини маҳкам тутмади. Аксинча, У бу улуғворликдан воз кечиб, қул табиатиға кирди, инсон бўлиб тугилди. У инсон қиёфасида яшаб, Ўзини паст тутди. Итоаткор бўлиб, ҳатто ўлимға, хочдаги ўлимға ҳам рози бўлди. Шунинг учун Худо Уни энг юқорига юксалтирди ва Унга ҳар қандай исмдан юқори исми ато этди (Филиппиликлар 2:5-9).

Биз Масихға ўхшашга даъват этилганмиз. У одам шаклига кириб Ўзини паст тутди. У Ўзининг Илоҳийлиги ёки Илоҳийлик сифатидан қутулмади. У Ўз мавқеидан воз кечди. У Ўзининг Худо тариқасидаги устунлигини бир чеккага суриб қўйди. У Ўзининг ҳақиқий кадр-қимматидан қуйи даражада турадиган Одам сифатида бошқаларга қабул бўлиши учун тайёрлигини билдирди. Бу одамзот қачонлардир эгаллаган олий даражадаги кадр-қимматнинг намунаси бўлиб, итоатгўйликдан кўра мағрурликни юқори қўядиган ҳар кимни уялтириб қўйиши керак.

Биз шоҳ Шоулни эслаймиз. Шоул Худо томонидан Исроилнинг илк шоҳи бўлиш учун танланганди. Исроил шоҳига мустақил ҳокимият берилмаганди. У олий, Худонинг қонунига бўйсуниши шарт эди. Дунёдаги ҳеч қандай ҳукмдор бутун ҳукмронликка эга Худонинг ўрнини эгаллай олмайди. Ва ўшанда ҳам Худо Раббий ва яхудийларнинг Шоҳи бўлганди.

Шоул ҳаммасини яхши бошлади, бироқ тез орада ўз кадр-қимматини улуғлашга ўтди. У ўзига руҳоний вазифасини юклаб, Шомуилнинг вазифасини бажара бошлади (1 Шоҳлар 13:9). У тобора худбин ва калондимоғ бўлиб борди. Халқ ёш Довуднинг жасоратини улуғлай бошлаганида, унинг ҳасади ҳаддан ошиб кетди. “Шоул мингларчасини ўлдирди, Довуд эса ўн мингларчасини!” (1 Шоҳлар 18:7). Ана шундан кейин Шоулнинг ақли пастлигини кўрсатадиган қайғули воқеалар рўй берди.

Шоул ҳаёти фожеали тарзда якунланди. У филистлар билан жангда қаттиқ жароҳатланди ва ўзини қилич устига ташлаб нобуд бўлди. Душманлар унинг бошини узиб, ҳамма кўриши учун танасини шаҳар деворига осиб қўйдилар.

Довуд Шоулнинг ўлимига кўз ёш тўкиб, Яҳудонинг кейинги авлод ўғлонларига ушбу қўшиқни ўргатишларини буюрди: “Эй Исроил, йўқ бўлди Гуруринг сенинг тепаликларингда, Қандай қулаган экан довюраклар! Бу хабарни Гатликларга эшиттирманг, Ашқалон кўчаларида ёйиб юрманг. Токи Филист қизлари севинмасин, Суннатсизларнинг қизлари шод бўлмасин” (2 Шоҳлар 1:19-20). Бутун қўшиқда нақарот бўлиб шу сўзлар янграйди: “Қандай қулаган экан довюраклар!”

Шоулнинг ҳаёти бу масалнинг тўғри эканлигини яққол исботлайди: мағрурлик ҳалокатни олиб келади ва қайсар руҳ йўлдан озишга сабабчи бўлади; катта ҳокимият катта мағрурликни яратади; катта мағрурлик катта қулашни келтириб чиқаради.

Қулай вазиятда бўлиш васвасаси ва ҳуқуқий ҳолати анча катта. Обрў-эътибор масиҳийликда ўсиш йўлидаги катта тўсиқ сифатида пайдо бўлади. Биз барчамиз унга жуда боғланиб қолганмиз. Биз барчамиз атрофдагиларнинг ҳурматини қозонишга интиламиз. Зигмунд Фрейд бир пайтлар мактабдан ёмон ҳулқи учун ҳайдалган ўқувчи ҳақида гапириб берганди. У мактабдан чиқиб, деразаларига тошлар отган. Ниҳоят директор чиқиб, тўполончининг олдига келган ва: “Сен нега деразага тош отяпсан?” – деб сўраган. Бола жавоб берган: “Ҳамма ҳозир ҳам менинг шу ерда эканимни билишини истайман”.

Ҳаммамизнинг чўнтагимизда ҳам тош бор. Биз барчамиз ўз “қиёфамиз”ни сақлаб қолишни истаймиз. Биз ўзимизга берадиган баҳомизни сақлаб қолишга интиламиз. Биз ҳўрланишдан чўчиймиз. Мағрурлик – катта куч.

1960-йиллар бошида Кубада юз берган сиёсий инқироз пайтида президент Кеннеди Россия ҳарбий ракеталарини Кубадан олиб чиқиб кетишини талаб қилди. Қўшма Штатлар Кубага ўз кемаларини юборди. Аини вақтда Никита Хрущев ҳам совет флотига Куба томон йўл олишга буйруқ берди.

Дунё нафасини ичига ютиб турарди. Теледастур бошловчиси Уолтер Кронкайт ҳар соатда совет кемаларининг ҳаракати ҳақидаги ахборотни берарди. Қудратли давлатларнинг барча ҳарбий кучлари Армагеддон урушига тайёр тургандек бўлиб туюларди. Бироқ сўнгги дақиқаларда Россия таслим бўлди. Иттифоқ кемалари ортга қайтиб, уйга йўл олишди. Бу Кеннедининг буюк тантанаси ва Хрущевнинг тўлиқ мағлубияти бўлиб, охири-оқибат Хрущевни бутунлай инқирозга юз тутишига сабаб бўлганди.

Бироқ кейин нималар юз берди? Кеннеди Кубада назорат текшируви ўтказишга буйруқ берди. Хрущев бўйсунилган бош тортди ва Кеннеди ўз талабидан воз кечди. Журналистлар Кеннедидан нега ён берганини сўрашганида шундай деди: “Биз баҳсда ютиб чиқдик. Совет раҳбарига ҳурматини сақлаган ҳолда чекинишига рухсат беришимиз муҳим эди”.

Кеннедининг дипломатияси Хрущевнинг ғурурини сақлаб қолишга қаратилганди. У Совет раҳбарини бурчакка тикиб қўйишни истамади. Хрущевга ўз кадр-қимматини сақлаб қолиш имкони берилганди. Агар Кеннеди мулоҳаза билан иш тутмаганида, нималар содир бўлиши ҳақидаги фикрдан титраб кетаман. Топталган ғурур бу ҳолатда оламнинг вайронага айланишига сабабчи бўларди.

Масихийлик ҳаётида мағрурлик қандай жойни эгаллайди? Ҳеч қандай. Қулаган дунёда бош вазирлар ва президентлар ўз ролларини ўйнашлари, ўз обрўларини сақлаб қолиб, ҳуқуқий ҳолатларини намоён этишлари мумкин. Биз дунёнинг шундай яшашини биламиз. Аммо биз ҳозир Павлус филиппиликларни Худога тақлид қилишга даъват этиб, Масихнинг итоаткорлигини улуғлаган Филиппиликларга Мактубининг 2-бобига қайтамиз. Нуфуз, мавқе ва ҳурмат-эътибор кадрланадиган дунё назарида итоат, бўйсунуш, мағрурлик ва ўзига ишончнинг доимий маҳв этилиши бемаъниликдек кўриниши мумкин. Аммо борлиқ Ҳукмдорига манзур бўлиш истаги энг олий муваффақият ҳисобланади, демак, бу оламга бегона бўлган кадр-қийматга эга бўлиш лозим. Худо итоатда яшаш нима эканлигини олий ибрат қилиб кўрсатган. У нафақат бизни мағрурликдан эҳтиёт бўлишга ўргатган, балки буни қандай қилишни Ўзи кўрсатиб берган.

ЎН ИККИНЧИ БОБ ЯЛҚОВЛИК ГУНОҲИ

Худо – меҳнат Худосидир. Мукаддас Китобда Худонинг илк бора тасвирланиши Унинг ижод муҳити билан боғлиқ. У биринчи ва олий Ишлаб Чикарувчи. У барча маҳсулдор фаолиятнинг Илк Манбаи.

Гуноҳга ботиш оқибатида лаънат ўзига хос тарзда меҳнатнинг ёқимсиз жиҳатларини яққол ажратиб кўрсатган бўлсада, кўпчилик ишнинг ўзи лаънатнинг бир қисми деган қарорга келдилар. Бироқ биз Яратувчи илк эркак ва аёлга улар ҳаётига гуноҳ кириб келишидан аввал аниқ топшириқлар берганини кўрамиз.

Худо одамни яратганида, У Аданнинг шарқида боғ яратди. Худонинг руҳсати билан боғда дарахтлар гуллаб яшнади. Сўнгра Худо одамни боғда ишлашга ундади: “Шундай қилиб, Парвардигор Эгамиз, бу одам боққа ишлов берсин, парвариш қилсин деб, уни Адан боғига жойлаштирди” (Ибтидо 2:15).

Ўша пайтда боғда тиканлар ҳам, ёввойи ўтлар ҳам йўқ эди. Ёввойи ўтлари бўлмаган боғда ишлашни бир тасаввур қилинг-а. Одам Атонинг боғни парвариш қилиши роҳатнинг ўзгинаси эди – бутокларни кесиш, буталарни қирқиш, меваларни йиғиш ва шу каби юмушлар. Унга ёввойи ўтлар билан чексиз урушлар олиб боришига тўғри келмаган. У ерда терига ёки тирноққа кириб кетадиган тиканаклар бўлмаган. Одам Ато бир томчи тер тўкмай боғни парвариш қилиши ва мўл-кўл ҳосил олишга тўлиқ ишониши мумкин эди. Бу қувончли иш эди: одам бу ишни бажарганидан бахтиёр, Яратувчи эса уни кузатиб мамнун бўларди.

Бирок оламга гуноҳ кириб келганида, барчаси ўзгарди. Боғ парвариши машаққатли ишга айланди. Одам Атога йўлланган лаънат ана шундан иборат эди:

*...Сен туфайли ерни лаънати қилдим.
Бутун умринг бўйи тимдалаб ерни,
Ердан ўтказасан тирикчилигингни.
Ернинг ҳосили емишинг бўлса ҳам,
Ер сен учун тиканлару қушқўнмас ўстиради.
Сен тупроқдан яралгансан,
То тупроққа қайтгунигга қадар,
Пешона теринг билан нон ейсан.
Зеро, сен тупроқдирсан
Ва тупроққа қайтасан (Ибтидо 3:17-19).*

Тикан, тиканаклар, тер ва ўлим – бу лаънат элементларидир. Ана шундан инсон азоб-уқубатининг учлиги бошланади: қон, тер ва кўз ёшлар. Ҳа, кўриб турганимиздек, меҳнат лаънат ҳисобланмайди. Гуноҳга ботишдан сўнг, худди ундан аввал ҳам бўлгани каби, меҳнат Худонинг Ўз ижодига амри бўлиб қолаверади. Одамларнинг қандай ишлаётганини кўриш Худога ёқади.

МЕҲНАТКАШ ОДАМ

Биз умуман одам ҳақида гапирганимизда, одатда уни *homo sapiens*, “ақлли одам”, “хайвон каби фикрлайдиган одам” деб атаيمиз. Унинг ажралиб турадиган хусусиятларидан бири сифатида биз фикрлаш қобилияти борлигини таъкидлаймиз.

Карл Маркс лотинча бошқа атамани афзал кўрган – *homo faber*, яъни “ишлаб чиқарувчи одам” ёки “меҳнат қиладиган одам”. Маркс шунга ишонганки, меҳнат одам ҳаётида шунчалик муҳим аҳамият касб этгани боис, инсоннинг ўзига баҳоси унинг меҳнат қилиш лаёқати билан қалин боғлиқ бўлиши шарт. Бошқача айтганда, меҳнат лаънат эмас. Бу йирик даражада бизнинг ким эканимизни белгилайдиган ва мамнуният келтирадиган (ёки келтириши шарт бўлган) лаёқатдир.

Маркс бу масалада ҳақ эди. Биз бирор кишини учратиб қолганимизда, одатда шундай саволлар берамиз: “Исмингиз нима?”, “Қаерда яшайсиз?”, “Ким бўлиб ишлайсиз?”. Исм, манзил, касб – ана шу учта омиллар бизнинг маданиятимизда одамнинг кимлигини белгилаб беради.

Биз нима билан шуғуллансак, ана ўша ўзимизни қандай қабул қилишимиз билан узвий боғлиқ. Шунингдек, ўз мажбуриятларимизни қандай бажаришимиз ҳам муҳим. Ишхонада бизни доимо қилган ишимиз сифатига қараб баҳолашади. Барчамиз қайсидир маънода ҳисоби ҳар бир зарбадан сўнг ўзгариб турадиган олий лига жамоасидаги бейсбол ўйинчисига ўхшаб кетамиз. Агар ўйинчининг ўртача очколари сони белгиланган даражадан пастга тушса, унинг ҳолатига ҳавас қилиб бўлмайди. Бутун ҳаётимиз ишга боғланган бўлиб, барчамиз иш ва ҳаёт ўртасидаги ўзаро муносабатлар

муаммосига тўқнаш келамиз. Биз яшаш учун ишлашимиз, нафақат шунчаки ишлашимиз, балки ўз ишимизни яхши бажаришимиз зарур.

Аммо барибир меҳнат яшаш шароитини таъминлашдан кўра юксакроқ мақсадлар учун белгиланган. Биз Худо томонидан Одам Ато билан биргаликда яратувчилар бўлишга даъват этилганмиз. Биз самара келтиришимиз керак, самара келтириш учун эса фидойилик билан меҳнат қилишимиз лозим.

Ишлашдан бош тортиш инсоннинг асосий мажбуриятларидан бирини бажаришдан бош тортиш демакдир. Биз вақти-вақти билан дилгир лаънат остида инграймиз, бироқ тикан ва тиканаклар ҳам, пешона теримиз ҳам меҳнатга даъват этилишда иштирок этмаслигимизни оқлай олмайди.

Даъват сўзининг ўзи лотинча *vocare* – “чақирмоқ” сўзидан келиб чиққан. Бизнинг даъватимиз Худонинг чақириғидир. Даъватдан ўзини четга тортмоқ, Унинг чақириғидан бўйин товламоқ – ўз бурчимизни бажаришдан қочиш демакдир. Биз меҳнат қилишимиз шарт.

ЯЛҚОВЛИК ВА ҚАШШОҚЛИК

Ялқовлик – самарадорлик душмани. Дангаса одам нафақат ўзига зиён етказди, балки жамият учун ҳам юк ҳисобланади, чунки жамиятнинг самарадорлигини асло оширмаган ҳолда, бошқа одамларнинг меҳнати ҳисобига кун кечиради. Ялқовликнинг ижтимоий зиёни ҳам шунда: дангаса меҳнатсеварларнинг унга ғамхўрлик қилишларидан умидвор бўлади.

Жамиятнинг мажбурияти меҳнат қилишга лаёқатли, аммо ишламайдиган одамларга жорий этилмайди. Муқаддас Китобда камбағаллар ва жамоатнинг улар олдидаги мажбурияти ҳақида кўп гапирилади. Аммо Каломда қайд этиб ўтилган қашшоқлар тоифасини фарқлаш керак. Унда қашшоқликнинг кам деганда тўрт тоифаси келтириб ўтилган.

Фалокат оқибатидаги қашшоқлик: одамлар қандайдир ҳалокат туфайли ҳамма нарсаларини йўқотишган, касаллик, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар туфайли ишлай олишмайди. Бундай одамларга масиҳийлар севги билан ўз қалбларини очиб, ёрдам беришга даъват этилганлар. Биз бундай одамлар ҳаётига енгиллик олиб келишимиз лозим.

Жабр-зулм оқибатидаги қашшоқлик: айрим одамлар адолатсиз одамлар ёки ҳукумат томонидан сиқувга олиниш туфайли қашшоқланиб қолишади. Улар талончилик, фирибгарлик, бағритошлик қурбонлари ёки қуллиққа сотилиб, ўзларига ҳайвон каби муносабатда бўлишганидан озор чеккан одамлар. Балки улар бошқалар фойдасига ишлашга мажбур бўлган етим ва бева-бечоралардир.

Бундай одамларни сиқувга олиш Худони ғазаблантиради. У заифларни эзиш ва хўрлашларига тоқат қилмайди. Исроилнинг миллат сифатидаги тарихи, Худо қул қилинган халқнинг ноласини эшитиб, Миср фиръавнига: “Халқимни қўйиб юбор!” деб талаб қўйган пайтдан бошланган.

Шоҳлик ҳаққи-ҳурмати қашшоқлик: шундай танловга келганлари учун камбағаллашиб қолган одамлар бор. Улар онгли равишда дунёнинг барча хузур-ҳаловатидан воз кечишган. Бундай одамлар тоифасига борини

мухтожларга бериб, ўзи энг ками билан қаноатланишга қарор қилган она Терезани киритиш мумкин. Гарчи Худо ҳеч қандай ҳолатда ҳам биздан бундай ҳаёт тарзини талаб қилмасада, айнан шундай ҳаёт Унга муайян завқ бағишлайди. Бундай қашшоқлик - олижаноблик. Унинг эзгу майллари чиндан ҳам юқори.

Демак, қашшоқ одамларнинг бу уч гуруҳи фақирлиги боис Худонинг ҳукмига асло дучор бўлмайдилар. Бироқ Худонинг ғазаби одамлар гуноҳининг ифодасини ва оқибатини акс эттирадиган тўртинчи гуруҳ қашшоқларига йўлланади.

Ялқовлик туфайли қашшоқлик: бу тўртинчи тоифа одамлар Худода раҳм-шафқат уйғотмайди. Аксинча, Худонинг ғазаби бекорчи одамларга қарата янада аланга олади. Ҳикматлардаги сўзларга эътибор беринг:

Эй танбал, чумолиларга бир қара, уларнинг хатти-ҳаракатларини кўриб доно бўл. Уларнинг на раҳбари, на назоратчиси, на ҳукмдори бор. Лекин улар ёзда озик тўплашади, ўрим пайтида дон-дун йиғишади. Сен-чи, танбал, қачонгача ухлайсан?! Қачон ўрнингдан турасан? “Бир оз ухлай, бир мизғиб олай, ёнбошлаб бирпас дам олай”, дейсан. Шунинг учун қашшоқлик йўлтўсардай, муҳтожлик қароқчидай устингга келади (Ҳикматлар 6:6-11).

“Бирпас мизғиб олай, бор-йўғи ярим соат. Бу ишни эса эртага қиламан”. Ҳозир ўйнаб олай, кейин ишлайман – бекорчининг шиори шундай. Чумоли эса, аксинча, ёз бўйи қишга тайёрланади. Қаттиқ қиш келганида, унинг омбори заҳирага тўла.

Ва яна ҳикматлардан ўқиймиз:

Дангаса қўллар қашшоқлик келтиради, тиришқоқ қўллар эса бойлик. Ёз пайтида ҳосил йиққан – доно ўғил, ўрим пайти ухлаган эса отасига уят келтиради (Ҳикматлар 10:4-5).

Қадимги Ахднинг насиҳатомуз китоблари дангасалар ҳақида айтилган кўплаб мисолларга тўла. Келинг, улардан айримларига шунчаки назар ташлайлик: “Ишда дангаса бўлган одам бузғунчига оғайнидир” (Ҳикматлар 18:9). “Дангаса қўлини косага чўзади-ю, оғзига олиб келишга эринади” (Ҳикматлар 19:24). “Дангасанинг орзуси ўлимга олиб келади, чунки қўллари ишга бормайди” (Ҳикматлар 21:25). “Дангаса: “Ташқарида шер бор, кўчада мени ўлдиради”,- дейди” (Ҳикматлар 22:13). “Дангасаликдан уйнинг томи чўқади, Ялқовлик туфайли томдан чакка ўтади” (Воиз 10:18).

Дангасаликка нисбатан бундай муносабат нафақат Қадимги Ахдда учрайди. Янги Ахд муаллифлари ҳам ялқовлик ҳақида салбий фикрлар билдиришади. “Эй ёмон, ялқов хизматкор! Мен экмаган ердан ўришимни, ўзим етиштирмаган ҳосилни йиғиб олишимни билар экансан” (Матто 25:26).

Аммо, ҳойнаҳой, ялқовликка нисбатан энг жиддий айбловни Ҳаворий Павлуснинг Салоникаликларга 2-Мақтубидан топиш мумкин:

Ахир, сизлар билан бўлганимизда: “Ишламаган тишламайди!” деб айтган эдик-ку! Эшитишимизча, баъзи бирларингиз ялқовлик қилаётган экансиз. Бошқаларнинг ишларига аралашишдан бошқа нарсани билмас эмишсиз (2 Салоникаликлар 3:10-11).

Ҳаворийнинг насиҳати: ишламасанг – тишламайсан. Павлус ишладан бош тортадиган, аммо бошқаларнинг ишларига араллашиб юрадиган одамлар ҳақида гапирмоқда. Улар муғомбирлар. (Бизга янада тушунарлироқ бўлиши учун, келинг, бу *бекорчи* сўзи бўла қолсин.) Улар ишладан бош тортган ҳолда, фаол бўлиб қолаверишади. Улар лақиллаш ва ғийбат қилиш билан банд. Бундай фаоллик самарадор бўлиши мумкин эмас.

МЕҲНАТКАШЛАР

Бизнинг маданиятимизда *меҳнаткаш* сўзи икки маънода қўлланилади. Кундалик ҳаётда бу сўз ҳордиқ олмай ишлайдиган, кўнгилхушлик ва хурсандчиликка вақти йўқ одамни англатади.

Аммо бу сўзнинг иккинчи маъноси ҳам бор. У психологлар томонидан махсус термин сифатида қўлланилади ва фаолияти самарасиз, кам ишлайдиган ёки умуман ҳеч қандай иш қилмайдиган бекорчи одамни ифода этади. Бу тоифа одамлар ҳамиша жуда банд бўлиб кўринишади ва улар бандлик тасаввурини яратиш билан бандлар.

Мен коллежимизда тартиб-интизомли ва масъулиятли ҳисобланган битта талабани эслайман. Бизда машғулотлар бўлмаганида, у ҳамма вақт партада ўтириб ўқиш билан тинмай машғул бўларди. У залга ҳеч қачон шунчаки кирмас, шўхлик-тўполонларда иштирок этмасди. У ҳеч қачон ўйнамасди.

Бироқ имтиҳон топшириш пайти келганида, унинг натижаларига ҳавас қилиб бўлмасди. У баъзан имтиҳонлардан ўтмай қоларди. Мен шунчалик каттиқ машғулотлар бунчалик паст баҳолар берганидан ҳайрон қолардим. Ва бир куни кечкурун унинг қандай “машғул” бўлаётганини билиш имконияти менда пайдо бўлди. У стол ортида қўлини бошига тираб, олдидаги китобга тикилиб ўтирарди. Унинг нигоҳлари хира эди. Мен унга бир неча дақиқа қараб турдим: у саҳифаларга бефарқ тикилганча бирор марта ҳам бошқа саҳифани очмасди. Бироқ у стол ортида ўтириб, кўзларини китобга қадаганди. Ҳаёли бошқа ёқларда экани аниқ. Мен кўзлари очиқ ҳолда ухлаётган одамга қараб тургандек эдим.

Невротик ҳолатдаги меҳнаткаш таранг меҳнат тасаввурини ҳосил қилишга уринади. У кўпинча ишга биринчи бўлиб келиб, охирида кетади. Унда кечаси билан чироқ ўчмаслиги мумкин. У қаерга бормасин, ўзи билан оғир портфелини кўтариб юради. У жуда тез-тез ишхонада вайронкор кучга айланади. У бошқаларни хатолари учун танқид қилишни ёқтиради, ўзини доим банд қилиб кўрсатиб, айбни бошқаларга ағдаради ва ўзининг лаёқатсизлигини яхшигина ниқоблайди. Бироқ унинг энг фарқли хусусияти шуки, ҳеч қачон ҳеч нимани яратмайди. У ёки ҳеч нима қилмайди ёхуд беҳуда иш қилади. Унинг бандлиги – самарали фаолиятни қалбакилаштириш.

Аммо самарасиз меҳнаткашни фарқлаш осон эмас, чунки у меҳнатсевар ва сермахсул одамларга хос бўлган кўплаб сифатларни намоён этади. Лекин унинг эрта келиб кеч кетиши самарадор ишчи эканлигини белгилаб бермайди.

Ёлгончи меҳнатсеварликни дурустгина кўрсатиб беради, бироқ ўзига мажбурият юкланган пайтда эмас. Сохта ишчи жуда банддек бўлиб туюлади, лекин унинг иккита жиддий нуқсони бор – бесамарадорлик ва жавобгарликни доимо кимнингдир бўйнига ағдаришга уриниш. Унинг бошқаларни танқид қилиши фақатгина ўз лаёқатсизлигини беркитиш учун уринишдир. Бундай тоифадаги меҳнаткаш – ниқобланган танбал, холос. У баъзан нафақат ҳамкасбларини, балки ўзини ҳам чалкаш вазиятга киритиб қўяди. Лекин у Худони асло алдай олмайди, чунки Худога мева беришга лаёқатсизлигини яширишга уринаётган бундай самарасиз ишчилар манзур эмас.

Кўпчилик масиҳийлар одам ҳамиша банд бўлиб кўриниши керак деган фикр билан улғаядилар. Жамиятшунослар ва тарихчилар узоқ йиллар мобайнида протестантларнинг меҳнат этикаси аталмиш манба ҳақида баҳс-мунозара олиб бордилар. Шундай фикр борки, Шимолий Европа ва Америка протестантлари меҳнатга жуда катта аҳамият берадилар. Кўпчилик меҳнатни лаънат дея ҳисобламай, уни буюк ҳаётий мақсад сифатида кўришга ўрганишган. Муаммо шундан иборатки, ҳатто бундай нуқтаи назар устунлик қилса ҳам, барибир ялқов ва самарасиз одамлар топилади. Улар ўзларини ҳақиқат нурларида кўришларини исташмайди, шу боис меҳнатсеварлик кўриниши билан беркинмоқчи бўлишади. Бундай одамлар ўзларини (ва бошқаларни ҳам) нафақат фаол ялқовликлари билан, балки доимий ёлгонлари билан ҳам қийнаб қўйишади.

МЕҲНАТКАШНИНГ ШИРИН УЙҚУСИ

Худонинг амрига мувофиқ, биз меҳнат қилишимиз шарт. Бизнинг ялқовлик қилмай ишлашимиз – бу ахлоқий жиҳат. Бизнинг *қаерда* ишлашимиз – бу танлов ва ҳисоб-китоб. Яхши инсон – бу меҳнат қиладиган инсон. Ишда ўз қобилиятларидан фойдаланадиган одам эса донодир.

Албатта, ҳамиша ҳам ўз қобилиятларимизга яраша иш топиб бўлмайди. Бироқ ўзини билишга ҳаракат қилинса ва имкон қадар мос иш топилса, айбдорлик ва умидсизлик туйғусидан қочиш мумкин. Ҳатто бу иш бизга тўғри келмайдигандек бўлиб туюлса ҳам, биз Худонинг яхши ишлашимиз учун берган амрини бажаришимиз шарт. Худога бизнинг иқтидор ва эҳтиёжларимиз мутлақо тўғри келадиган жойда ишлашимизни кўриш ёқади, лекин шунингдек, Худо бизнинг ҳар қандай шароитда ҳам масъулият билан ишлашимизни манзур деб билади.

Муқаддас Китоб меҳнаткашнинг уйқуси тинч эканлигидан гапиради (Воиз 5:11). Самарали меҳнат ҳолдан тойдириши мумкин, лекин у одамга хурсандчилик келтиради. У одамга безовталиқ ва умидсизлик бузмайдиган уйқуни беради.

Безовта уйқуни кўпинча биз жавобгарликдан қочган ҳолда ўзимизни айбдор ҳис этишимиз билан изоҳлаш мумкин. Безовталиқ биз бажармаган ишга тўғридан тўғри боғлиқ тарзда ошиб боради. Мен оғир тушкунлик хуружидан қийналган бир аёлни билардим. Уни психиатр кузатиб борарди. Ниҳоят ўша хуружлар саватдаги дазмолланмаган ички кийимлар сони билан

боғлиқ эканлиги маълум бўлди. Аёл дазмол қилишни ёқтирмас, унинг оиласи эса дазмолланмаган кийимларни кийишдан бош тортишган. Ювилган кийимлар саватда кўпайиб боргани сайин аёлнинг безовталиги ҳам ортган. Бу ҳолат таранглик энг юқори даражага чиқмагунича давом этган.

Мен уни тушунишим мумкин. Гарчи психиатр назорати остида бўлмасамда, олган мактубларимга жавоб қайтармасам, ўзимда безовталикни ҳис этаман. Мактуб ёзишга тоқатим йўқ. Улар қанчалик кўпайгани сайин, ўзимни шунчалик ёмон ҳис қиламан. Бу ҳаётимдаги шундай нуқтаки, бу ерда ялқовлик ҳукмронлик қилади ва бу оқибатда айбдорлик ва дилгирлик туйғусини олиб келади.

Мен бир иқтисодиёт профессорини билардим, у ҳар бир семестрда стол устига чиқиб, сеvimли иқтисодиёт қонунини қичқириб айтарди – “Ишлаш керак!” Бу билан у эътиборимизни дарҳол ўзига жалб этарди. Унинг дарс бериш услуби, эҳтимол, ғайриоддий бўлгандир, бироқ у биргина шу таклифи билан Худонинг Қонуни руҳини эгаллаб оларди. Меҳнат – бизнинг бурчимиз. Бу бизнинг илоҳий даъват. Ҳар биримизда бажаришимиз керак бўлган вазифамиз бор.

Тинглаш учун Исо айтган мана бу сўзлардан ортиқ ширинроқ бошқа сўзни тасаввур қилолмайман: “Баракалла! Сен яхши ва ишончли хизматкорсан!” Мен қачондир ўзимга нисбатан ҳам шундай сўзларни эшитишдан умидворман. Ҳар бир киши ана шундай сўзларни эшитишни хоҳлашига ишончим комил. Аммо Худодан марҳамат олишни истар эканмиз, У бизни даъват этган ишларни тўғри бажаришга интилишимиз лозим. Биз ана шу тарзда Худога манзур бўламиз.

ЎН УЧИНЧИ БОБ ЁЛҒОН ГУНОҲИ

“Ҳамма одамлар ёлғончидир”, - таъкидлайди Забур (115:2). Бу фикр Ҳаворий Павлуснинг ҳукмига монанд янграйди: “Ахир, ҳар бир инсон ёлғончи бўлса ҳам Худо ҳақдир” (Римликлар 3:4).

Ёлғон биз учун жиддий муаммо ҳисобланади. Биз нутқларимизда, ҳаракатларимизда ва ўзаро муносабатларимизда ҳақиқатга киришамиз. Биз бир-биримизни, Худони ва ўзимизни алдаймиз. Ушбу муаммо ўз муқаддимасини инсоният тарихининг илк босқичидан бошлаган. Биринчи қайд этилган ёлғон Адан боғида илон томонидан айтилган. Шайтон Момо Ҳавога: “Йўқ, ўлмайсизлар”, деганида алдаган. Шайтон ўз табиатига кўра ёлғончи. Исо шайтон ҳақида шундай деган:

Сизларнинг отангиз Худо эмас, иблисдир. Сизлар ўз отангизнинг нафсу эҳтиросларини бажо қилишни хоҳлайсизлар. Азалданоқ иблис қотил эди. У ҳеч қачон ҳақиқат тарафдори бўлманан, чунки унда ҳақиқат йўқ. У ёлғон сўзлаганда, ўзига хос сўзлайди. Чунки у ёлғончи, ёлғоннинг отасидир (Юҳанно 8:44).

Худо ва шайтон ўртасидаги ихтилоф ҳақиқат масаласига қаратилган. Худо ҳар қандай ҳақиқатнинг Манбаи, шайтон эса ҳар қандай ёлғоннинг отасидир. Масих ва антихрист (дажжол) ўртасидаги асосий фарқ ҳақиқатга

бўлган муносабатдадир. “Анти” нимагадир қарама-қаршилиқни билдиради, шу боис антихрист ёки Масихга “қарши” ёхуд Масихнинг “ўрнига” маъносини англатиши мумкин. Антихрист Масихга қарши курашади ва унинг асосий айёрлиги ёки ҳийласи – ўзини Масих қилиб кўрсатиш. У ҳақиқий Объектни суриб ташлашга интиладиган ёлғончи ва фирибгар. Антихрист – бу сохта Масих. Бир сўз билан айтганда, ўзи ҳеч қачон бўлмаган Зотнинг қалбакиси, ёлғончи ва сохтакор.

Антихрист – иккиюзламачи. У катта ёлғонни бошлаган. У сохта мўъжизалар ва аломатлар содир қилади. У билан боғлиқ ҳамма нарсалар қалбаки. Унинг мақсади – ҳақиқатга бўлган ишончни бузиш, уни одамлар назарида хиралаштириш. Шайтон нур Фариштаси ниқоби остида кўринганидек, антихрист ҳам ўзини Масих қилиб кўрсатишга уринади.

Антихристнинг кучи бизнинг ҳақиқатга бўлган муносабатимизга боғлиқ. У ўз шохлигини одамларга ёқадиган ва улар мамнун бўладиган ёлғон асосида куради. Биз Исонинг бунга қарши айтган гапларини эслаймиз: “Мен ҳақиқат тўғрисида шохидлик қилмоқ учун туғилганман, ана шу мақсадда оламга келдим. Ҳақиқат тарафида бўлган ҳар бир одам Менга кулоқ солади” (Юҳанно 18:37).

Ҳақиқатда бўлиш – Масихнинг овозини эшитиш демакдир. Масих ҳақиқатни ўзида мужассам этади. Нур ва зулмат ўртасидаги, Масих ва антихрист ўртасидаги кураш ҳақиқат ва ёлғон ўртасидаги кураш ҳисобланади.

Келинг, Муқаддас Китобда бу гуноҳ ҳақида нималар дейилганига қарайлик:

Олти нарсадан Эгамиз нафратланади, етти нарсадан У жирканади. Булар: манманлик нигоҳи, ёлғончи тил... (Ҳикматлар 6:16-17).

Ёлғончи тил Эгамизга жирканч, тўғрилиқ билан иш қиладиганлар эса Унинг севинчидир (Ҳикматлар 12:22).

Солиҳ ёлғондан нафратланади, фосиқ эса уятли ва шармандали ишлар қилади (Ҳикматлар 13:5).

Камбагал одам ёлғончидан яхшироқдир (Ҳикматлар 19:22).

Аммо қўрқоқ, имондан қайтган, қотил, бузуқ, жодугар, бутпараст ва ҳамма ёлғончиларнинг қисмати олов ва олтингугурт билан ёнаётган кўлдадир. Бу иккинчи ўлимдир (Ваҳий 21:8).

БОШҚА ОДАМЛАРГА ҚАРАТИЛГАН ЁЛҒОН

Биз алдаганимизда, одатда бошқа одамларга ёлғон гапирамиз. Бизни ёлғон гапиришга бир қанча омиллар уйдади. Биз ёлғоннинг бошқа гуноҳлар – мағрурлик ва ялқовлик билан қалин боғлиқ эканига эътибор қаратдик. Биз бошқаларга ёлғон гапирамиз, чунки ҳақиқат бошқаларнинг биз ҳақимиздаги фикрига зарар етказиб кўйишидан чўчиймиз. Бизнинг мағрурлигимиз одамларга ҳақиқий “мен”имиз ҳақида очиб берилган маълумотларга чидай олмаса, биз ёлғон билан ўзимизни беркитишга уринамиз. Биз жазодан қочиш учун ёлғон гапирамиз; биз ўз айбимизни яшириш учун алдаймиз.

Шунингдек, биз ўз ялқовлигимизни яшириш учун ёлғон гапирамыз. Ёлғоннинг энг кенг тарқалган шаклларида бири фирибгарликдир. Биз ўзимизнинг ночор аҳволимизни яшириш учун ўзимизни четга оламиз. Агар биз имтиҳонларга тайёрланмаган бўлсак, айёрлик қилишни бошлаймиз ва ҳақиқий тайёргарлик ўрнига фирибгарлик йўлига ўтамиз. Биз оладиган баҳо, агар бизни қўлга туширмаган бўлсалар, бу ноҳалоллик баҳосидир. Биз конкурс танловида иштирок этаётганимизда, бу алоҳида жиддий аҳамият касб этади. Бизнинг ёлғонимиз ўғирлик шаклига ўтади, чунки бизнинг ноҳалоллигимиз туфайли бошқа одамлар жазоланишади.

Мусобақада алдайдиган гольф ўйинчиси унинг ноҳалоллиги қурбони бўлмиш бошқа спортчилардан ўғирлайди. Шу тариқа, биз ўз ёлғонимиз билан бу оламга келишмовчилик олиб кирамыз, одамларга ёмонлик келтирамыз.

Коллежда мен билан бўлиб ўтган бир воқеани эсласам уялиб кетаман. Юнон тили билан боғлиқ муаммоси бўлган дўстим бор эди. Биз ҳар сафарги назорат иши олдида зўр бериб шуғулланардик. Дўстим катта тайёргарлик билан сўнгги синовга келди. Охирги имтиҳонда ўқитувчи бизни “ҳалол сўз” остида қолдириб, хонадан чиқиб кетди. Биз ўзимизни номуносиб тарзда тутдик.

Дўстим менинг ёнимда ўтирарди. Вақт ўтиб борар, у эса тобора кўпроқ асабийлашарди. У менинг ёзувларимга қараш учун бўйнини чўзиб турарди ва мен унга ёрдам бердим. Мен ёзувларимни у яхшироқ кўриши учун стол четига сурдим. Бу масалада мен фаол шерикка айландим.

Профессорнинг эшигида бизнинг баҳоларимиз рўйхати осиб қўйилганида, иккита баҳо умуман йўқ эди. Менинг ва дўстимнинг фамилияси тўғрисида юлдуз билан белги қўйилганди: “профессор олдида таклиф этилади”. Хона эшигини тақиллатганимда, юрагим қинидан чиққудек бўлиб уриб турарди.

Профессор ичкарига киришга мени таклиф этди. У мени кўркувга солиб, барча талабаларнинг ҳамма саволларга берган жавоблари ёзилган қоғозни кўрсатди. Барча ишлар орасида фақат иккита талабанинг хатоси битта жавобда бутунлай мос тушганди. Ҳаммаси аён эди. Профессор менга маънос тикилиб сўради: “Менда фақат битта савол бор”. “Ҳа, жаноб?” – жавоб бердим мен. “Сиз саволларга ўзингиз жавоб топдингизми?” Мен айтдим: “Ҳа, жаноб, аммо ...”. Мен тўсатдан бу уятли вазиятнинг барча мураккаблигини тушундим. У гапимнинг ярмида мени бўлиб қўйди.

“Мен ҳеч нимани эшитмоқчи эмасман, - деди профессор. – Мен фақат бу жавобларни ўзингиз ёзганингизни билмоқчи эдим, холос”. Мен тагин айтдим: “Ҳа”. Ва шу заҳотиёқ у кетишимга рухсат берди.

Мен ҳанузгача нега мени жазолашмаганини билмайман, лекин бунинг учун профессордан ниҳоятда миннатдорман. Мен тўлиқ оқлангандим. Дўстим бундан осонгина кутулиб кетмади. У бутун курс учун “2” баҳо олди. Бу натижа унинг учун бутунлай ҳалокатга айланди.

Биз иккимиз ҳам алдадик. Мен дўстимнинг ваҳимага тушганини кўриб, раҳмим келганидан ёрдам бергандим. Унинг муваффақиятларидан яширинча

мағрурланганимни биламан, чунки унга ўзим ёрдам бергандим. Мен унинг учун ёлғонга бормагандим, ўзим учун алдагандим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам биз ўзимизни номуносиб тутдик. Мен ўша кундан бошлаб ҳеч қачон ва ҳеч қандай кўринишда имтиҳонларда алдамасликка қарор қилдим.

Кейинчалик жамоатдаги ёшлар гуруҳига (улар ўттиз киши эди) етакчилик қилганимда, улар билан шу мавзу юзасидан суҳбатлашдим. Мен айтдим: “Болалар, келинлар, ҳақиқатнинг кўзига тик қарайлик. Сизлардан кимдир имтиҳон топширишда муғомбирлик қилганми?”

Жавоб ҳайратомуз бўлди: ҳамма кўлини кўтарди. Юрагимни нима кўпроқ ларзага солганини билмайман – ҳамманинг алдаганими ёки бу ёлғонни ҳамма тан олишга тайёрлигими.

Сўнгра биз *нега* улар шундай йўл тутишганини узоқ муҳокама этдик. Жавоблар шундай эди: “Ота-онам ўқишимга шунчалик умид билдиришдики...”; “Ҳамма алдади ва бу рақобатга бардош беришнинг ягона усули эди”; “Мен бошқалар назарида аҳмоқ бўлиб кўринишни истамадим”; “Имтиҳонлар – умуман адолатсиз”.

Биз узоқ гаплашиб, ўз кўникмаларимизни ўзгартиришга қарор қилдик. Бутун семестр мобайнида ҳар ҳафта улардан сўраб турдим: “Сиз бу ҳафтада алдамадингизми?” Айримлар дарҳол алдашни бас қилишди. Бошқалар бу кўникма билан узоқроқ курашишди. Гуруҳимизда ўртоқлик руҳи пайдо бўлди ва барча бир-бирини ҳалолликка руҳлантирди.

Аммо ҳар қандай ёлғон ҳам мағрурлик ва ялқовлик билан боғланган эмас. Айрим ҳолатларда ёлғоннинг сабаби ўзимиз муносиб бўлмаган ниманидир қўлга киритиш истаги бўлиб чиқади. Мисол учун, савдо келишуви чоғида харидор маҳсулот ҳақида барча ҳақиқатни билиши кераклигини сотувчилар гўёки унутиб қўйишади. *Caveat emptor* (“Харидорнинг ўзи эҳтиёткор бўлсин”) қулай жумласи ортида яшириниш мумкин эмас. Агар менинг машинамда қандайдир яширин техник носозлик бўлса, сотишга қарор қилганимда, бу носозлигини айтишим керак. Камчилигини яшириб сотишга уриниш фирибгарлик ҳисобланади. Харидор ҳақиқатни билиши шарт.

Яқиндагина Қўшма Штатларда қимматли қоғозлар ва рекламалар билан келишувлар тузишда ҳалол бўлишни талаб этадиган қонун қабул қилинди. Кредиторлар энди яширин нархларни ғайриқонуний тарзда яшира олишмайди. Реклама берувчилар агар ўз маҳсулотлари ҳақида ёлғон маълумот беришса, қонун билан таъкиб этиладилар. Кредит келишувларида, реклама ёки савдода алдаш ўғирликнинг жиддий шаклида иштирок этишни билдиради.

БОШҚАЛАР ҲАҚИДАГИ ЁЛҒОН

Бошқа одамларга *ёлғон гапириш* – бошқа масала. *Бошқалар ҳақида ёлғон гапириш* эса мутлақо бошқа масала. Бу энди ғайбат ҳисобланади. Бошқалар ҳақида ёлғон гапириш – уларга жиддий зарар келтириш демакдир. Шайтоннинг ўзи ёлғоннинг устаси ҳисобланади. У ўз шогирдларини миш-мишларда, орқадан гапиришда ва тухмат қилишда иштирок этишлари учун

рухлантирган. Одамнинг ўз хурматини йўқотиши мол-мулк йўқотишдан кўра анча азоблироқ бўлиши мумкин.

Худо бошқа одамларга нисбатан тухмат ва ғийбатни шунчалик катта гуноҳ деб биладики, Ўзининг Ўн амрида бу гуноҳни таъқиқлаб қўйган: “Қўшнингизга қарши ёлғон гувоҳлик берманг” (Чиқиш 20:16).

Бу таъқиқ судда яқин кишига қарши гувоҳлик беришдан кўра кўпроқ нарсаларни ўзида жамлайди. Исроилда инсоннинг судда барча ҳақиқатни ва фақат ҳақиқатни гапиришга бўлган жавобгарлиги жуда жиддий қабул қилинган. Агар суд чоғида ёлғон гувоҳлик берилаётганлиги аниқланса, жазо токи ўлим ҳукмига қадар жуда қаттиқ бўлиши назарда тутилган.

Агар суд ўз гувоҳларининг ҳалоллигига ишонмайдиган бўлса, адолатли судни қарор топтириб бўлмайди. Бироқ кундалик ҳаётда зарарли ёлғон ғийбат шаклини олиши мумкин. Келинг, ғийбатнинг аҳамияти ва кучини кўриб чиқайлик. Бирор киши ҳақида ғийбат қилиш – ўша одамга ёмонлик ва зарар келтириши мумкин бўлган ёлғон гапларни айтиш демакдир. Зиёнкор сўзлар ўзида адолатсиз айбловни ҳам акс эттиради. Биз барчамиз қачонлардир ўзимизга йўлланган ёмон сўзларнинг ўқиға учраганмиз. Ўзинг айбдор бўлган гуноҳ учун азият чекиш – бошқа масала. Ўзинг қилмаган иш учун жазоланиш – бутунлай бошқа гап. Ҳеч кимга сохта айбловлар туфайли азоб чекиш ёқмайди.

Исо бу дунёдаги бутун Хизмати мобайнида ёмон гап-сўзларнинг қурбони бўлган. У ҳатто ўлим талвасасида ҳам ҳақоратли сўзлар билан таҳқирланган. У хочга тортилиш пайтида Ўзи билан биргаликда қатл этилган икки қароқчи ўртасида кечган баҳс объекти бўлган. “Хочга михланган жинойтчилардан бири Исони ҳақоратлаб деди: - Масих экансан, Ўзингни ҳам, бизни ҳам қутқармайсанми?” (Луқо 23:39).

Исо чиндан ҳам Масих эди. Ҳеч қандай “агар” бўлмаган эди ва масхараомуз тарзда айтилган бу гап ёмонликдан иборат эди. Иккинчи қароқчининг жавоби эса шундай:

Иккинчи жинойтчи эса бу шеригига таъна қилди: - Худодан қўрқмайсанми?! Ўзинг ҳам шу Одам каби жазога маҳкум бўлгансан-ку! Биз қилмишимизга яраша адолатли жазо олдик. У эса ҳеч қандай ёмонлик қилгани йўқ” (Луқо 23:40-41).

Иккинчи қароқчи ўзига берилган жазо адолатли бўлганини тан олмоқда. У чиндан ҳам хочга михланишга ҳақли жинойтларда айбдор бўлган. Биринчи қароқчи ҳам жинойтларда айбдор эди. Улар адолатли жазо олишди, қилмишлари яраша жазоланишди. Бироқ Исо Унга қўйишган барча айблар бўйича айбсиз эди. У сохта айбловлар қурбони бўлди. Хоч – барча покланиш тарихининг марказий палласи – Худо назарида нажотнинг муҳим фурсати бўлган. Аммо инсон нуқтаи назарига кўра хоч бу дунёда содир этилган адолатсизликнинг энг даҳшатли кўринишига айланган. Бу инсоният тарихидаги энг катта тухмат эди. Рим қонунчилиги бегуноҳ Инсон Ўғлини ўлимга муносиб деб топди. Масихни қутган Худонинг танланган халқи бўлмиш яҳудийлар бегуноҳ одамни римликлар қўлига топширишди.

Иккинчи қароқчи Исо ҳақида тўғридан-тўғри шундай деди: “У эса ҳеч қандай ёмонлик қилгани йўқ”. Бу қароқчи римлик прокуратор Понтий Пилатнинг сўзларини такрорлади: “Аммо сизлар Унга қўйган айблардан бирортасини мен топмадим” (Луқо 23:14). Бироқ Пилат шундай ҳулоса қилиб, барибир жунбушга келган оломонга ён босди ва сохта айбловлар ҳамда ғийбатлар устун чиқишига йўл очиб берди. Рим қонунчилигининг қўриқчиси бўлмиш бу одам жаҳлланган оломон фойдаси учун адолатнинг юзига тупурди.

Иккинчи қароқчи ахлоқан қанчалик бузилган бўлмасин, у ўзининг охириги кучларини ҳақиқат учун сарфлади. У адолат ҳаққига гувоҳлик ва кечиримга бўлган илтижо билан жон берди: “...тахтингизга ўтириб, Шоҳ бўлганингизда мени эсланг” (Луқо 23:42).

Исо шундай одам Унинг кадр-қимматини ҳимоя қилганидан таъсирлангани аниқ. У шу заҳотиёқ кечирим ҳақидаги ваъда билан жавоб қайтарди: “Сенга чинини айтайин, бугуноқ сен Мен билан бирга жаннатда бўласан” (Луқо 23:43).

Менинг фикримча, ўша қароқчи ҳануз Исо билан бирга жаннатда. Шайтон йўқ. Масих Шҳлигида ёмон гап-сўзларга ўрин йўқ.

Мен ёмон гаплар шайтоннинг Худо халқига қарши курашида асосий курол бўлгани учун кўпроқ зарар келтирувчи ёлғон эканлигини таъкидлайман. Инсонга тухмат қилиш – унинг обрў-эътиборига зиён етказишни билдиради, “яхши ном” обрўси эса биз учун ўта муҳим. Ҳаёт шундоқ ҳам мураккабдир, биз уни тухмат ва ёмон гап-сўзлар билан янада мураккаблаштириб қўймайлик.

ЯХШИЛИК УЧУН ЁЛҒОН

Ёқуб айёр одам бўлган. У ёлғон ва алдов билан Эсовнинг тўнғичлик ҳуқуқини эгаллаб олган. У тўнғичлик ҳуқуқини муғомбирлик билан ўғирлаган. Исҳоқ қариб кўзлари хиралашиб қолганида, Ёқуб қўй терисига ёпиниб, ўзини отаси қаршисида акаси Эсов қилиб кўрсатди ва отасининг марҳаматини олиш учун уни алдади. Буларнинг барчаси Исҳоқнинг хотини Ривқонинг бошқаруви ва ёрдами билан амалга оширилди. Бу аёл ёлғоннинг онаси бўлди:

Энди менинг гапларимни яхшилаб эшит, айтганимни қил, ўғлим. Сурувга бориб, менга иккита улоқчани танлаб олиб кел. Улоқчалардан отанг яхши кўрадиган мазали таом тайёрлаб берай. Сен таомни отангнинг олдига олиб кириб, унга егизгин, токи отанг ўлимидан олдин сени дуо қилсин (Ибтидо 27:8-10).

Ривқо шунчаки Худонинг иродасини бажарди деб эътироз билдиришимиз мумкин. Худо акалардан бири укасига хизмат қилишини олдиндан белгилаб қўйганди. Ёқуб учун ваъда берилганди, Ривқо эса Худонинг эркин иродаси бажарилишига шунчаки ишонч ҳосил қилишни истади, холос.

Бироқ Худога илоҳий ироданинг бажо бўлиши учун гуноҳкор ёрдамчилар зарур бўлмайди. У гуноҳдан юқори туради ва гуноҳнинг

муаллифи ҳисобланмайди. Ҳа, У чиндан ҳам Яхудо Ишқариёт орқали ўз иродасини амалга оширди, бироқ бу ҳолат Яхудонинг жиноятини асло оқламайди. Юсуфнинг акалари ҳам ёвуз ишларини қилишганди, лекин Худо бу ёмон қилмишларни яхшиликка йўналтирди. Шу боис Ривқо барча гуноҳи учун жавобгарликни ўзи тортади. Унинг гуноҳи Эсов ва Ёқуб ўртасида бошланиб, кейинги авлодларига ҳам ўтган қайғу-аламларга сабабчи бўлди. Айтиш мумкинки, Фаластиндаги конли душманлик айрим маънода бу аёлнинг тутуриқсиз ёлғони туфайли содир бўлмоқда.

Хўш, фоҳиша Раҳобанинг ёлғони ҳақида нима дейиш мумкин? Роҳибанинг тарихи Ибронийларга Мактубнинг 11-бобида ҳикоя қилинган:

Имони туфайли фоҳиша Раҳоба ҳалок бўлмади. У айғоқчиларга меҳмондўстлик қилгани учун Худога итоат қилмаган ҳамшаҳарлари билан бирга ўлмади (Ибронийлар 11:31).

Биз Роҳобанинг ёлғони ҳақида Ёшуа Китобининг 2-бобида ҳам ўқиймиз:

Лекин аёл ўша кишиларни яшириб қўйган эди. У шоҳнинг одамларига шундай деди: “Тўғри, ўша кишилар меникига келган эди, лекин уларнинг қаердан келганини билмагандим. Кеч тушиб, шаҳар дарвозаси ёпилишидан олдин улар чиқиб кетишди. У кишилар қаерга кетганини билмайман. Агар тез орқасидан борсангиз, уларни ушлашингиз мумкин (Ёшуа 2:4-5).

Биз очиқдан-очиқ ёлғонни кўряпмиз. Худо Раҳобани ёлғони учун ёки ёлғонидан қатъи назар марҳаматладими ёки йўқми? Айрим тадқиқотчилар Раҳоба худди Ривқо каби тоифага мансублигини айтиб, у ёлғонидан қатъи назар марҳаматланганини таъкидлашади. Бундай ёндашув ёлғоннинг ҳамшиша ёмонлик эканини фараз қилади.

Бошқа томонлама, биз айтишимиз зарур бўлганида, ҳақиқатни гапиришимиз ҳақидаги қоида мавжуд. Бундай ёндашув ҳақиқатни ҳар доим ҳам айтиш зарур эмаслигини назарда тутаяди. Яъни ҳамма ҳам ҳақиқатни гапира олмайди.

Битта мисол келтиришимга ижозат этинг. Мен Голландияда яшаганимда, иккинчи жаҳон уруши даврида беш йил босиб олинган худудда яшаган аёлнинг уйида ижарада турдим. Фашистлар ёшларни Германияга ишга жўнатишар эди. Бу аёл ўғлини яшириш учун ўз уйининг тагида кичкина чуқурлик қазиган. Аёл бу мўъжазгина жойни ҳаво айланиб туришига мослаштириб, бироз озик-овқат захирасини қолдирган.

Нацистлар ёшларни топиш мақсадида қишлоқни тинтиб чиқишганида, аёл ўғлини уй остига яширган. Автоматлар билан қуролланган аскарлар эшикни тақиллатмай унинг уйига бостириб киришган. Улар ётоқхонага ўтиб, бу уйда ўғил бола борлигини гувоҳи сифатида унинг кийимларини излай бошлашган. Улар кимдир қаравотда ётганига ишонч ҳосил қилиш учун уни пайпаслашган. Ниҳоят улар меҳмонхонага қайтиб, айнан ўғил яширинган жой устида туриб қолишган. Аскар аёлдан сўраган: “Сен бу ерда ёшларни яширяпсанми?”

Хўш, аёлнинг руҳий бурчи нимадан иборат эди? У аёл: “Ҳа, шу жойнинг тагида биттаси бор” дейиши керакмиди? Фикримча, йўқ. У жавоб

берган: “Йўқ, бу ерда ҳеч қандай ёшлар йўқ”. Шунда аскарлар аёл ваҳимага тушиш-тушмаслигини текшириш учун унинг ҳаракатларини кузатганча уй пастига ўқ узишни бошлаганлар. Аёлнинг бутун вужуди кўркувдан ларзага тушган бўлсада, ўз ҳиссиётларини билдирмаган. Ниҳоят аскарлар кетишган. Кўркувдан қалтираган она ертўлага ташланган. Ўғил бирор жойи шикастланмаган ҳолда ўша ердан чиқиб келган. Аёлнинг ёлғони ўғлини қутқариб қолган.

Биз талончиларга бойлигимиз қаерда яширинганини айтишимиз керак эмас. Аскарлар ўз қисмлари қаерда жойлашганини айтишлари мумкин эмас. Ҳақиқатни унга ҳуқуқи бўлган одамга айтиш лозим. Биз ҳақиқатга номуносиб одамларга рост гапирганимизда Худога манзур бўлмаймиз.

ЎЗИНИ АЛДАШ

Одамнинг ўзига ўзи ҳақиқатни гапириши ҳаммасидан қийинроқ. Биринчи қарашда бундай фикр ғалати кўриниши мумкин. Наҳотки бундай вазифа қийинчилик туғдирса? Ахир сени ўзингдан ортиқ ким ҳам яхшироқ билиши мумкин?

Бироқ барибир сен муносиб бўлганингдан ортиқ даражада сенга яхшироқ бўлиши ҳақида ўйлайдиган бир одам бор. Ўз шахсиятингни қоронғи тарафларини ёритиш ва ўзинг ҳақингдаги мутлоқ ҳақиқатни билиш ҳаддан ташқари азобли. Одатда ўзинг ҳақингдаги ҳақиқат ва мавжудият билан учрашиш учун илоҳий ошкораликнинг куч-қудрати талаб этилади. Аслида Муқаддас Рух бизга ўзимиз ҳақимиздаги барча ҳақиқатни дарҳол очиб бермагани учун ўзимизни хурсанд ҳис қилишимиз керак. Бундай ошкораликни ким ҳам кўтара оларди? Муқаддас Худонинг бир зумлик назари Ишаёни ўзини лаънатлашига мажбур этди. Худо Аюб ва Хабаққуқга очик ўзликларини кўрсатганида, уларнинг жони бўғизларига тикилди.

Биз ўзимизни алдаймиз. Биз ўз ҳатти-ҳаракатларимизни энг яхши нурларда қабул қиламиз. Яқинларимизни қанчалик тез муҳокама этсак, ўзимизни шунчалик тезлик билан оқлаймиз. Биз ўзимиз ҳақимизда ширин ҳаёлларга берилиш борасида катта маҳоратга эгамиз.

Биз Худога манзур бўлган эркак – Довудни эслаймиз. У Ботшева билан гуноҳ қилганида, ўз айбини ўзидан яшириш мақсадида бор ихтирочилигини ишга солди. У жинояти устига қотилликни ҳам қўшди, боз устига Ботшеванинг эри Уриёни жангда муқаррар ҳалок бўлиш учун юбориб, бошқалар ёрдамида бу гуноҳни содир этди.

Довуд Ботшевага уйланганидан сўнг унинг олдига пайгамбар Натан келиб, дастлаб оддий туюладиган масални шохга айтиб берди:

Эгамиз Натан пайгамбарни Довуднинг ҳузурига жўнатди. Натан Довуднинг ҳузурига келиб гап очди: - Бир шаҳарда икки одам яшар экан. Ўша одамлардан бири бой, бошқаси камбағал экан. Бойнинг жуда кўп мол-қўйлари бор экан. Камбағалнинг эса биттагина сотиб олиб боқаятган совлиқ қўзичоқдан бошқа ҳеч нарсаси йўқ экан. Қўзичоқ камбағал одамнинг уйида болалар билан бирга катта бўлаятган экан. Қўзичоқ унинг таомидан еб, идишидан сув ичар, қўйнида ухларкан. Қисқаси, қўзичоқ ўша одамнинг

қизидай экан. Бир куни бой одамнинг уйига бир йўловчи таширф буюрибди. Бой меҳмонга таом ҳозирлаш учун ўзининг мол-қўйларидан биттасини ҳам сўйишига кўзи қиймабди-да, камбағалнинг қўзисини сўйиб, меҳмонга таом ҳозирлабди (2 Шоҳлар 12:1-4).

Довуд бу ҳикояни пайғамбардан эшитиб ғазабга тушибди:

Довуд бой одамнинг ишидан қаттиқ ғазабланибди: - Худо шоҳид! Шундай иш қилган одам ўлимга лойиқдир! – деди Натанга. – Бағритошлик қилиб, шундай иш қилгани учун у қўзичоқ эвазига тўртта қўй тўлаши лозим (2 Шоҳлар 12: 5-6).

Шунда Натан ҳаётини таваккал остига қўйиб, Довуднинг юзига тик қараб, унинг юрагига санчилган шу сўзларни айтибди: “Ўша одам сенсан”.

Довуд қаттиқ қайғуга тушди. Унинг тавбаси ҳам жинояти каби жиддий бўлди. У ёстиғини кўз ёшлари билан ҳўл қилди. Унинг жараланган виждони эллигинчи Забурнинг ўлмас сатрларини яратди. Лекин Довуд ўз гуноҳларини ўзи ҳеч қачон кўра олмасди. Фақат Натан унинг юзига ойна тутганида, Довуд ўзини қандай бўлса шундайлигича кўрди, ўз гуноҳига назар ташлай олди. Бошқа одамнинг жиноятида у дарҳол гуноҳни кўрди. Бироқ Натан тўғридан-тўғри кўрсатмагунича, у бу вазиятни ўзига нисбатан асло тадбиқ этгани йўқ.

Довуд бу масалада ёлғиз эмас. Ўзини алдашга мойиллик борасида Довуд ҳар битта одамни ўзида акс эттиради.

ХУДОНИ АЛДАШ

Биз бошқа одамларни алдаймиз, биз ўзимизни алдаймиз. Аммо Худони алдаганимизда бизнинг айбимиз чексизликкача мураккаблашиб боради. Худони алдаш қанчалик беҳурматлик бўлгани каби, шу даражада аҳмоқлик ҳамдир. Худони алдай олшимиз мумкинлиги ҳақида ўйлаш бемулоҳазалиқдир. Қалбимиздаги ҳар қандай яширин хаёл шу ондаёқ Унга маълум бўлади. Ҳеч қандай тоғ бизнинг гуноҳимизни Унинг ўткир нигоҳидан яшириш учун етарлича баланд эмас.

Биз Худони турлича усуллар билан алдаймиз. Биз Одам Ато давридан бошлаб ўз шармандалигимизни Ундан яширишга уринамиз. Биз Унинг ҳақиқатини бузиб ўтамыз. Биз У билан тузилган аҳдни бузамиз. Худога қасамёд қилиб, сўнгра уни бузиш – Уни алдаш демакдир.

Каломда Худони алдашга бўлган уринишнинг энг ёрқин намунаси – бу Ханониё ва Сапфира билан юз берган ҳолатдир.

Ханониё деган бир одам хотини Сапфира билан келишиб, мулкидан бир қисмини сотди. Ханониё пулнинг бир қисмини ўзига олиб қолди. Хотини бу ҳақда биларди. Ханониё пулнинг қолганини ҳаворийларга олиб бориб берди. Бутрус ундан сўради: - Ханониё, нимага шайтонга қалбингдан жой бериб, Муқаддас Руҳга ёлгон гапирдинг? Ернинг пулидан бир қисмини олиб қолдинг-ку. Мулкингни сотмасингдан олдин, у сеники эди. Бундай иш қилишга қандай журъат этдинг?! Сен одамларга эмас, балки Худога ёлгон гапирдинг(Ҳаворийлар 5:1-4)!

Бутрус шундай ҳукм чиқаргани заҳотиёқ, Ханониёнинг жони узилиб ерга йиқилди. Орадан бир неча фурсат ўтиб унинг хотини ҳам ҳаётдан кўз

юмди. Худонинг ҳукми тезкор ва қатъий эди. У ҳеч қандай ноҳалолликка тоқат қилмади.

Хаворийлар Фаолияти Китобида айтилганки, Худонинг Ханониё ва Сапфирага йўллаган жазоси туфайли, “одамлар ва бутун жамоат ваҳимага тушиб қолди” (Хаворийлар 5:11).

Ханониё ва Сапфиранинг гуноҳи улар ўз мулкларини сотишдан бош тортганликларида эмас. Жамоат буни ўз аъзоларидан талаб қилмаган. Уларнинг гуноҳи ёлғондан иборат. Улар Худо олдида олган мажбуриятларини бажаришмаган.

Жамоат биринчи асрда эълон қилган соғлом қўрқув аллақачон йўқолиб кетган. Биз замонавий жамоатда мажбурият саксон-саксон беш фоизга бажарилишини биламиз. Жамоатда хануз Худога ёлғон гапирган Ханониёнинг руҳи ҳукмронлик қилмоқда.

Исо ҳақиқат ҳақида гувоҳлик бериш учун келди. Унинг халқи ҳақиқат халқи бўлишга даъват этилганди. Биз масиҳийлар сифатида ёлғон гапиришга мойиллик гуноҳидан воз кечишимиз керак. Ёлғонга чек қўйиш лозим. Агар биз жамоатнинг бирлиги учун курашишни истасак, ҳаққониятга интилишимиз шарт.

Ҳақиқат муқаддас, чунки Худо ҳақиқат Худосидир. Унда сохталик билан ҳеч қандай умумийлик йўқ, Унинг сўзларига мутлоқ ишониш мумкин ва биз ҳақиқатга бўлган бундай садоқатни ўзимизда акс эттиришимиз лозим. Биз ҳақиқатни гапиришимиз, ҳақиқатни амалга оширишимиз ва ҳақиқат билан яшашимиз керак. Биз шундай йўл тутган ҳолда, Худога ҳақиқатлар билан манзур бўлишимиз мумкин.

ЎН ТҶРТИНЧИ БОБ ДОКТРИНА ВА ҲАЁТ

Доктрина эмас, балки ҳаёт аҳамиятга эга. Бундай фикр масиҳийлик доирасида тез-тез билдириб турилади. Бу фикр оддий: бизнинг нималарга ишонишимиз Худони камроқ қизиқтиради. Биз қандай яшаётганимиз Уни кўпроқ ташвишлантиради. Имон ва ақида тимсоллари муҳим эмас, бизнинг ҳатти-ҳаракатларимиз муҳим. *Ортодоксия* (юнон. “тўғри фикрни эътироф этиш”) эмас, балки *ортопраксия* (юнон. «тўғри ҳаракат») эътиборга олинади. Худога нафақат тўғри фикр юритиш тарзи билан, балки тўғри яшаш тарзи билан ҳам манзур бўлиш мумкин.

Аммо бундай дилемма хавфли оқибатларга олиб боради. Тўғри фикрлаш ва тўғри ҳатти-ҳаракатлар бир-бирига мадад беради. Биз улар орасидаги фарқни англашимиз мумкин, лекин уларни бир-биридан ажратиш ниҳоятда хавфли. Бизда тўғри амалиётсиз тўғри назария ва тўғри назариясиз тўғри амалиёт бўлиши мумкин, аммо улар фақат вазиятнинг қулай келишига қараб рўй беради.

Уларга эътиборсизлик одатда шундай натижаларга олиб келади: тўғри диний қарашлар билан нопок ҳаёт кечирадиган одамлар пайдо бўлишади. Шайтон назарий илоҳиёт амалиётини синовдан ўтказилишда кўп очколар йиғиши мумкин. Айнан жинлар Исони Унинг шогирдлари тушуниб

етишларидан аввалроқ Худонинг Ўғли эканлигини тан олишган. Аммо жинлар буни ўзлари тан олсаларда, ҳақиқатдан нафратланишади. Худо ҳақидаги ҳақиқатни биладиган, бироқ ҳаётлари Худога манзур бўлмайдиган кўплаб одамлар мавжуд.

ЕТАКЧИЛАРНИНГ ХОИНЛИГИ

Кўплаб масиҳийлар илоҳиётга, айниқса академик илоҳиётга катта шубҳа билан қарашади ва бундай муносабатнинг ўзига хос сабаблари бор. Жамоат ўз ичида, бир олим айтганидек, “доноларнинг хоинлиги”ни яратган. Скептицизмнинг масиҳийликка қаратилган каттагина ҳиссаси жамоатнинг ичидан келиб чиқади. Айнан жамоат илоҳиётчилари Худонинг ўлимини эълон қилишган. Айнан илоҳиёт семинарияларида Муқаддас Каломнинг ҳақиқатини шубҳа остига қўйишади.

Семинариянинг биринчи курсида ўзимда уйғонган қизгин ҳиссиётни эслайман. Мураббийлардан бири Масиҳнинг илоҳийлигини рад этибгина қолмай, У ҳақда душманона оҳангда гапирганида кучли ҳаяжонга тушганман. Эҳтимол, профессор эътиқод инқирозини бошдан кечириб, ваъз айтишга ожизланиб қолганини англаганимда, камроқ ҳаяжонга тушган бўлардим. Агар у ўз эътиқодсизлигини вайрона қалби ва кўз ёшлари билан ифода этганида, уни тушунган бўлардим. Бироқ унинг раддияси жанговор либосга бурканган бўлиб, бу Каломнинг Исога бўлган қарашларини рад этиш билан изоҳланганди.

Мен унга савол берганимда, у менга қараб деди: “Йигитча, сиз семинарияга олдиндан тайёр нуқтаи назарларингиз билан келибсиз”. Менга қўйилган айб – олдиндан тайёр нуқтаи назар – Масиҳнинг илоҳийлигига бўлган ишончим эди.

Мен бутунлай саросимага тушгандим. Мен масиҳийлик хизматига тайёрланиш учун илоҳиёт семинариясида ўқиган ҳар қандай киши Масиҳнинг илоҳийлигига ишончи комил эканлигини соддалик билан фараз қилгандим. Мен ўша ерда бўлишим сабабини бошқача тасаввур қилишим мумкин эмасди. Мен жамоатимизнинг тимсоли Масиҳнинг илоҳийлигини аниқ тасдиқлашини эслатиб ўтганимда, ўша одам (яширинча) жавоб берди: “Эътиқоднинг ортодоксал тимсолларида кўпдан кўп...” (у ҳақоратли сўзни ишлатарди).

Беҳад кўп миқдордаги талабалар масиҳийлик семинарияси ва коллежларида шу каби муносабатларга дуч келишган. Ҳар нарсага шубҳа билан қаровчиларнинг бундай тоифаси билан учрашишдан юзага келадиган оғриқ ва қарахтликларга ягона реакция – эътиқоднинг тафаккурдан йироқ осойишта бандаргоҳига яшириниб олишдир. Бироқ шу заҳоти васвасага соладиган фикр пайдо бўлади: агар илоҳиёт мураббийлари шундай фикрлашар экан, буларнинг барчаси кимга керак? *Мен оддийгина эътиқодимни асрашни истайман ва илоҳиёт билан ҳар қандай тўқнашувдан қочишга уринаман.*

Биз шуни тушунишимиз лозимки, агар одам илоҳиёт олими бўлса ҳам, бу унинг масиҳий эканлигини асло билдирмайди. Рухоний даражасига

кўтарилган ҳар бир кишини масиҳий деб ҳисоблашимиз шарт эмас. Афсуски, жуда кўплаб одамлар турлича сабабларга кўра хизматчи ҳисобланишади. Айримлар илоҳиёт скептизмини ўз касбларига айлантириб олишади. Масиҳийлик илоҳиётчилигини рад этиш, бекор қилиш ёки ўзгартириш иштиёқидан келиб чиққан ҳолда ўрганадиган одамлар бор. Бузилган илк одамда ўзининг бутун ҳаётини Худо билан курашга бағишлаш истаги каби гуноҳ бор. Душман жамоатнинг ичида жойлашган.

Бизда дуо қилинганидан кейингина имонга келганини тан олган руҳонийларнинг етарлича гувоҳликлари бор. Шу тариқа, кўплаб одамлар имонсизликка бош эгишларини кўришимиз мумкин. Америкалик чўпон Гилберт Теннет бир пайтлар “Имонга келмаган руҳонийликнинг хавфи” номли эссе ёзганди. Теннет беҳуда бонг урмаганди. Бўрилар чиндан ҳам қўй териси остида яширинишади. Улар аслида Худога қарши уруш олиб борсаларда, ўзларини Худонинг одами қилиб кўрсатишади. Биз Исонинг бу оламдаги ҳаёти мобайнида Унинг энг ёвуз душманлари ўша пайтдаги руҳонийлар, Таврот тафсирчилари ва фарзийлар бўлганини эслаймиз.

Одамлар жамоатдаги хизмат мавқеига турли сабабларга кўра интилишади. Бу сабаблардан бири ўз имонсизлигини қонунийлаштириб олишга қаратилган интилишдир. Бошқа бир сабаб, биз кўриб ўтганимиздек, Масиҳга ички томондан туриб қарши жанг қилиш истаги. Бундан ташқари, кўплаб инсонпарварлар жамиятга ғамхўрлик қилишни амалга ошириш учун ажойиб имкониятни жамоат билан боғлашади. Жамиятга таъсир ўтказиш учун бундай яхши тузилган қулай майдонни бошқа қаердан ҳам топиш мумкин?

Янги доирада тадбиркор пайдо бўлганида, унга янги танишлар топиш керак бўлади. Агар у муайян даражага етишишни истаса, бунинг учун вақт ва куч-ғайрат сарфлашига тўғри келишини тушуниши лозим. Шаҳарда янги руҳоний пайдо бўлганида, у шу заҳотиёқ қавм бошлиғи даражасини эгаллайди. Эҳтимол, маҳаллий жамоатлар таъсири кучсизланиб бораётгандир, лекин у ҳамон мавжуд бўлиб қолмоқда. Руҳонийда воқеалар ривожига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган платформа бор. Унда кафедра бор. Унинг қавми бор. Унинг дастури бор. Эҳтимол, унинг меҳнат ҳақи унчалик юқори эмасдир, аммо қавм етакчиси сифатида одамларга таъсир кўрсатиш имконияти баланд. Кафедрa одамлар онгига ўз қарашларини сингдирмоқчи бўлган одамлар учун қулай жойга айланади.

Бундай қарорга келишга ундайдиган бошқа омиллар ҳам мавжуд бўлиб, улардан айримлари ҳақида гапириш азоб беради. Бундай шармандали ҳиссиётлардан бирини бизлар олтмишинчи йилларда алоҳида ҳис этганмиз. Семинарияга кириш ҳарбий хизматга чақирувни кейинги суришга имкон берарди. Айрим талабалар бу ҳақда очикчасига гапиришарди. Семинариядаги уч йиллик сабоқ уларга ўз бурчларини Вьетнамда ўтказиш ёки Канадада хизмат қилишдан кўра яхшироқ вариант бўлиб туюларди.

Бироқ ҳаммасини бир хил рангга бўяш мумкин эмас. Хизматчиларнинг аксарият катта қисми жамоатга Худога сидқидилдан хизмат қилиш мақсадида келишарди. Қўй териси остида кўплаб қўйлар бор. Аслида улар

хаттоки қўйлар эмас, балки чўпонлардир. Бу чўпонлар Худони ва ўз подаларини яхши кўришади. Улар ўзларидаги бор камчиликлари билан Худога манзур бўлишга ва халқни ўша мақсадлар сари олиб боришга уринишади.

ДОКТРИНАНИНГ ЗАРУРЛИГИ

Жамоатга садоқатли одамлар зарур. Шунингдек, унга илоҳиётни садоқат билан ўргатадиган мураббийлар керак. Содиқ илоҳиётчиларнинг меҳнати жамоатга ҳамиша катта фойда келтиради. Мен такрор ва такрор зийрак Августинга, собит Фома Аквинскийга, ажойиб Кальвинга ва жўшқин Лютерга мурожаат қиламан. Бу одамлар онгимни ва руҳимни тўлдиришади.

Ҳаммамизга ҳам яхши мураббийлар керак. Мен уларсиз уддалай олмаслигимни биламан. Бироқ уларни қандай топиш мумкин? Илоҳиётнинг яхши мураббийини қандай фарқлаш мумкин?

Яхши мураббийга эга бўлиш яхши шифокорга эга бўлишга ўхшайди. Биз учун нима ишташларини ўзлари тушунадиган ва танамизни ишониб топшириш мумкин бўлган шифокорлар керак бизга. Агар шифокор яхши ва меҳрибон одам бўлса-ю, тиббиётни билмаса, биз оғир аҳволга тушиб қолишимиз мумкин. Агар у мен учун хавфли бўлган укол қиладиган бўлса, кўлимдан меҳрибонлик билан ушлаб туришидан деярли таскин топмайман.

Бошқа томондан, мижозлар учун кам иштирок этадиган олий тоифали шифокорлар бор. Улар касалликни даволашни билишади, бироқ одамлар билан мулоқот қилишни эплай олишмайди.

Мен тиббиёт соҳаида катта билимга эга бўлган ва мени инсон сифатида кадрлайдиган шифокорим бўлишини истайман. Бу энг мақбул вариант.

Бизга илоҳиётчиликда чуқур билимли ва юқори маҳоратини Худога бўлган чуқур севгиси билан мувофиқлаштирадиган мураббийлар зарур. Худога севги Уни тушунишга ҳалақит берадиган тўсиқ ёки сохта фикр эмас. Аксинча, Худони ўзига жо этган қалб Худони илоҳиёт нуқтаи назаридан англашни оширади, холос.

Амстердамнинг Эркин университети профессори Г. Берковер бир куни синфда шундай деганди: “Жаноблар, барча барча буюк илоҳиётчилар ўз ишларини Худони улуғлаш билан бошлаб-яқунлашади!” Доксолигия – бу мадҳия руҳидан илҳомланган буюк маҳорат соҳибларининг ижоди. Уларнинг меҳнати таҳлил ва шарҳдан кўра янада олдинроққа – мадҳ этишга олиб боради. Жамоатнинг биринчи илоҳиётчиси хаворий Павлуснинг ёзганларини ўқинг. У ўзига тушган оғир синовлар ичида хайқирган: “Худонинг донолигию билими нақадар бой ва чуқурдир!” (Римликлар 11:33).

Биз ўшандек улуғлаш руҳини жамоат тарихининг буюк намоёндаларидан топамиз. Августинни, Буюк Афанасийни, Ансельмни, Фома Аквинскийни, Лютерни, Кальвинни ва Эдвардснни энг буюклар сифатида эсласликнинг иложи йўқ. Улардан ҳеч қайси бегуноҳ эмасди. Улар орасида қарама-қарши фикрлар бўлиши мумкин эди. Аммо барибир улар имоннинг асосий доктринасига нисбатан яқдил фикрда эдилар. К. С. Льюис бир пайтлар шундай ёзганди:

Мен масихийликдан нафратланган ўша пайтларимда гоҳ пуритан Буньянда, гоҳ англикан Хукерда, гоҳ Фома Аквинскийнинг издоши Дантеда деярли ушлаб бўлмайдиган, эски таниш ҳидга ўхшаш ниманидир билиб олишни ўргандим. У Франсуа де Салда (мазали ва гуллаган), Спенсер ва Уолтонда (жиддий ва камтарона), Паскаль ва Жонсонда (қатъий ва дадил) бор эди. Во, Бозция ва Трээрн ижодининг қандайдир енгил чўчитиби юборувчи жаннатмонанд тусланишларида уни ҳис қилиш мумкин эди. Шаҳарнинг ўн саккизинчи асрга хос мулоҳазакорлик муҳотида одам ўзини хавфсизликда ҳис этолмайди: сўқмоқда иккита шер – Лоу ва Батлер ётибди. Елезавета даврининг тахминий “мажусийлиги” уни масофада ушлаб туришига қодир эмас, у Фата-Морган ва Аркадий қироллиги марказида одам ўзини кўпроқ хавфсиз ҳис қиладиган фурсатни кутиб ётибди. Албатта, у турлича шаклларга кирган бўлсада, барибир ҳамма учун бир хил тарзда қолган. Уни таниб олиш мумкин ва ундан қочиб қутулишнинг иложи йўқ, токи биз унинг ҳаётга айланишига изн бермагунимизча, у биз учун ажал келтирувчи муаттар ҳид бўлиб қолаверади.*

*C. S. Lewis, *God in the Dock*, ed. Walter Nooper (Grand Rapids Eerdmans, 1970), 203-204).

Энди эса йигирманчи асрнинг танқидчи-илоҳиётчиси Рудольф Бультманнинг ёзганларини ўқинг. Бультман илоҳиёт масалаларида ғайритабиий билимдонликни намойиш этади. Унинг танқидчи сифатидаги маҳорати жуда зўр. Аммо унинг барча ёзувларида камида битта мактов ёзувини аниқлаш учун Диогеннинг фонари керак бўлади. Бу ниманидир англатади. Келинг, ўйлаб кўрайлик, агар инсон Худони улуғлай олмаса, ўзининг улкан билими билан Унга манзур бўла оладими?

Биз ҳаммамиз одамлар илоҳиётдан кўрқишаётганига дуч келамиз. Мен баъзан масихийлик китоб дўконларини танқид қилиб тураман. Илоҳиётчилик нуқтаи назаридан заиф бўлган қанчадан-қанча китоблар қўйилган-а! Ва кўпинча гап оддийгина (бу улуғвор иш бўларди-я) эмас, балки осонлаштирилган (буниси энди зарарли) илоҳиётчилик ҳақида боради. Бундай китобларда мадҳиялар кўп, аммо илоҳиётчилик кам. Масихийлик китоб дўконларидаги айрим китоблар ортодоксал илоҳиётчилик жабҳасидаги илтифотсизликни тўлиқ акс эттиради. Уларнинг барчаси яхши мақсадлари бўлган ёмон мураббийлардир. Бундай фан фақат зиён келтиради.

Масихийлик китоб дўконларини ва масихийлик нашриётларини танқид қилиш – ўзинг ўтирган бутокни кесиш билан баробар. Аммо ўша буток чириб, Масихнинг сурувига фойда келтирмаса, кимдир уни чопиб ташлаши керак.

Мен китоб сотувчилар ва ноширларга буюк маҳорат эгаларининг асарларини чоп этишларини таклиф этгандим. Одатда улар омма бундай китобларни жуда кам сотиб олаётганини айтишади. Мен илтимос қилишда давом этаман. Ишончим комилки, агар улар ўқувчилар бозорига мумтоз адибларни олиб киришни бошласалар, бу адиблар тезда оммабоп бўлиб қолишади.

Мен бир куни семинариядаги машғулотлар учун Жон Мюррейнинг “Ҳатти-ҳаракатлар қондаси” китобини буюртма қилмоқчи бўлдим. Ноширлар уни такрор нашр этишмагани ҳақида мени хабардор қилишди. Мен ҳаттоки бунинг учун керакли маблағ тўплашга ваъда бериб, уни қайта чоп этишларини ёлвориб сўрадим. Асар унутиб юборишмаслик даражасида жуда муҳим эди. Ношир мени жуда хурсанд қилиб таклифимга рози бўлди ва китоб қайта чоп этилди.

Мен китоб сотувчилар барча асарларимни ертўлада дафн этиб ёки гулханда ёкиб, ўрнига Лютер, Августин, Эдвардс ва бошқаларнинг китобларини сотувга чиқаришса хурсанд бўлардим. Мен улардан олмаган нимани биламан ўзи? Мен ва улар ўртасидаги ягона фарқ шундаки, уларнинг асарлари пухта ўйланган ва анча яхшироқ ёзилган. Мен Жеймс Бойс, Ж.Пакер, Чарльз Колсон ва бошқа кўплаб замонавий ёзувчилар ҳам худди шундай дейишларига ишонаман. Энг яхши кўринишда солиштириб қараганда ҳам, биз бу баҳайбатларнинг елкаларида ўтирган паканалармиз.

Бизга соғлом доктриналар зарур. Муқаддаслик Руҳи ҳақиқат Руҳи ҳамдир, ҳақиқат ва такводорлик эса ажралмасдир. Тўғри ҳаёт, ўз навбатида, тўғри фикрлаш тарзидан ҳосил бўлади. Бизнинг ҳаётимиз ташқи томонлама ички ўзгаришларсиз бошқача бўлиши мумкин, лекин бу ҳолатда барча ютуқларимиз бизни фарзийлар сафига қўшилиб қолишимизга ёрдам бериши мумкин, холос. Ахир Руҳ ҳамма нарсанинг замирига таъсир кўрсатади-ку.

Яхши дарахт яхши ҳосил беради. Ўзгарган онг ҳаётни ўзгартиришга интилади. Бизнинг Худо ҳақидаги фикрларимиз бизнинг Худога қайтарадиган жавобларимизга таъсир қилади. Тавбанинг ўзи фикрлаш тарзининг ўзгариши демакдир ва у одам ўз ҳаракатларини ўзгартира бошлашидан аввалроқ рўй беради.

Биз назарияга ва ҳаётга нисбатан сохта ажратишлардан воз кечишимиз керак. Гарчи покланиш сари соғлом доктринасиз ҳаракат қилиш ўта оғир бўлсада, биз покланмаган ҳаётимизда ҳам соғлом таълимотга эга бўлишимиз мумкин. Бироқ солиҳ ҳаётга келиш учун тўғри назариялар етарли эмас. Одам онгсиз тарзда покланиш сари интила олмайди, тўғри доктрина эса бундай бурилиш учун *зарур* шарт ҳисобланади. Бу ҳаётий зарур замин. У гўё оловга кислород каби зарур. Кислород ўз ҳолича олов чиқишини таъминлай олмайди, бироқ усиз олов бўлмайди.

ОНГ, ИШОНЧ, ВИЖДОН

Бироқ нима учун? Нега солиҳ одамнинг покланишида соғлом доктрина зарурият ҳисобланади? Масиҳийнинг ҳаётида ҳақиқий покланиш юз бериши учун, энг камида, уч нарсга зарур: онгимизда, ишончимизда ва виждонимизда ўзгаришлар бўлиши керак. Онг, ишонч ва виждон – бу учта таркибий қисм ҳам покланиш учун ниҳоятда зарур.

Онг бизнинг билимларимиз учун жавоб беради. Худо бизга буюрганларини бажаришга тайёр туришдан аввал, биз Унга нима манзур эканини, У биздан нимани талаб этаётганини тушунишимиз лозим.

Гуноҳ қонун орқали англаб етилади, биз қонун орқали такводорликни англаймиз. Одам онгсиз равишда “тасодифан” қонунга бўйсунishi мумкин. Бироқ бу ўринда унинг руҳий хизматлари бўлмайди. Дейлик, бир одамга соатига эллик миль тезликда машина ҳайдаш ёқади. Унга айнан шу тезлик маъқул. У машинасини соатига эллик беш миль тезликда ҳайдашга рухсат этилган ҳудудда бошқарса, соатига ўн беш миль тезликда ҳайдашга ижозат берилган бошқа ҳудудда ҳам шу тезликда юради. У соатига эллик беш миль тезликда ҳайдашга рухсат берилган ҳудудда бўлганида, тезлик чегарасидан чиқмайди. У қонунга бўйсунди. Лекин у соатига фақат ўн беш миль тезликда юришга рухсат этилган ҳудудда тезликни соатига эллик миль қилиб ҳайдаса, атрофдагилар учун хавф-хатарга айланади.

Дейлик, қаҳрамонимиз тезликни чекловчи белгиларга ҳатто қарашни ҳам истамайди. У тезликни чекловчи белгилар қаерга қўйилган бўлмасин, ҳеч қайсига қарамайди. У бу белгиларга онгли равишда қарамайди. У вақти-вақти билан қонунга “бўйсунди”, аммо фақат вазият тақозо этганда. Агар инсон ахлоқий фазилатларга эга бўлишни ва ҳамиша рухсат этилган тезликда юришни истаса, энг аввало қонунни *билиши* шарт.

Лекин биргина билимнинг ўзи етарли эмас. Биз барчамиз тезликни чеклаш талабларини тўлақонли англайдиган, аммо шундай бўлсада уларни бузадиган одамлар борлигини биламиз. Бундайларни узоқ излаш шарт эмас. Бизнинг ҳатти-ҳаракатларимиз ўзгариши учун биз англашдан ишончга ўтишимиз керак.

Ишонч чуқур ва интенсив билим. Муайян ҳаракатлар тўғри эканлигини тушуниш бу бир масала. Бунга ишонч ҳосил қилиш эса – мутлақо бошқа гап. Биз учун онгимизни келишувга ундаш ишончимизга қарши ҳаракат қилишдан кўра осонроқ. Эътиқод – бу қатъий билим. У устимиздан катта ҳукмронликка эга. У тушунчамиздан юқори бўлиб, виждонимизга сингиб киради.

Виждон эса ҳатти-ҳаракатларимизнинг бошқарувчисидир. У бизни фош этадиган ёки оқлайдиган ички овоз. У ҳатти-ҳаракатларимизни маъқуллаш ёки норозилиги билан бошқаради. Ҳамма муаммо шундаки, виждонимиз ҳар доим ҳам ҳақиқатни гапираверайди. Биз ҳаммамиз виждонни ҳамиша ҳатти-ҳаракатларимизни маъқуллашига ўргатиш борасида катта мутахассислармиз.

Виждон айбдорлиги туйғусининг юки билан яшаш жуда оғир. Айбдорлик туйғуси бизни қарахт қилиб қўяди. У кўнгилни айнитиб юбориши мумкин. У психосоматик касалликларга сабабчи бўлади. “Айбдор” виждон бизни фош этишни бошлаганида, биз ёки ўз ҳаракатимизни ёхуд виждонимизни ўзгартирамиз. Биз ёки уни қатъийлаштирамиз ёхуд фош этувчи овозини бўғамиз.

Биз бир хил гуноҳни такрор-такрор содир этиб, виждоннинг ички овозини бўғиб қўйишимиз мумкин. Ана шунда Павлус Римликларга Мактубнинг 1-бобида айтган гуноҳга ботамиз, яъни унда нопоклар гуноҳ қилишда давом этган ҳолда, бир-бирларида гуноҳ қилишга ҳавас уйғотганликлари айтиб ўтилган.

Худонинг қонунида, шундай ишларни қиладиган одамлар ўлимга лойиқ, деб айтилганини биладилар. Шундай бўлса-да, улар нафақат бу ишларни ўзлари қиладилар, балки ўшандай ишларни қилувчиларни қўллаб-қувватлайдилар (Римликлар 1:32).

Мен яқинда Фил Донахьюнинг илк фаолиятларини порнографик фильмларда бошлаган актёр ва актрисалар ўзлари ҳақида гапириб берадиган телевизион шоусининг кичикроқ қисмини кўриб қолдим. Улар таъкидлашича, (а) ўзларини айбдор деб ҳис қилишмайди ва (б) ўзларини ахлоқли инсонлар деб билишади, чунки жинсий зўравонлик ёки болаларни жинсий зўрлашда иштирок этишдан бош тортишган. Уларда гўё виждон бор, негаки улар бу масалада виждон овозига қулоқ солишган ва бу далил улар фаолиятининг бошқа жабҳаларида ҳам “оқлайди”.

Порноактёрлар ўз ҳаракатларини янада жирканч хирсий ҳаракатларда иштирок этмаганликлари билан оқлашди. Уларнинг сўзлари ўзларини тўлиқ алдашдан иборат, ваҳоланки улар ўзларининг ҳақ эканликларига ишонишади. Бу яхши ва ёмон ўртасидаги тафовут ўйини. Улар ўзларининг ёмон ишларини яхшилик деб аташди, негаки бундан ҳам ёмон бўлиши мумкин эди. Бу ўринда нопоклик шундай тақдим этилганки, виждон уни тўлиқ оқлаши мумкин.

Бу ҳар доим ҳам фош этиш мумкин бўлмаган ўйин. Мен ўз гуноҳимдан ҳам каттароқ ёмонликка ишора қилганимда фазилат ва иллат ҳақидаги бузилган нуқтаи назар билан ўзимни ҳушода қиламан.

Виждон солиҳ бўлиши учун унга тақводорона ишонч таъсир ўтказиши керак. Бизда нима тўғри-ю нима нотўғри эканлиги ҳақида аниқ тушунча бўлганида, яъни бунинг учун ақлимизни ишлатганимизда виждонимиз солиҳ бўлади. Бу эса энди илм-фаннинг алоҳида ҳуқуқи, яъни доктринадир.

Доктрина бизнинг онгимизга йўналтирилган Худонинг Каломига асосланган. У бизга тушунча берган, у тирсагимиздан эмас, балки онгимиздан тутади. Калом Рухнинг китобидир, чунки Муқаддас Рух Каломни илҳомлантиради. Муқаддас Рух бизга ҳақиқатни очадиган Зотдир.

Аммо Рухнинг иши Калом орқали руҳлантириш билангина чекланиб қолмайди. Рух Каломни ёритади ва бу Каломни бизга нисбатан қўллайди:

Бизларга эса Худо буларни Ўзининг Рухи орқали ошкор қилди. Чунки Муқаддас Рух ҳамма нарсадан, ҳатто Худонинг чуқур ўй-фикрларидан ҳам огоҳдир. Инсоннинг ўй-фикрларини унинг ичидаги ўз руҳидан бошқа яна ким билади?! Худди шу сингари, Худонинг ўй-фикрларини Худонинг Рухидан бошқа ҳеч ким билмайди (1 Коринфликлар 2:10-11).

Мен бир пайтлар Фуллер илоҳиёт семинарияси президенти Дэвид Хаббард бу матнни шарҳлаганини эшитгандим. Доктор Хаббард “Муқаддас Рух ҳамма нарсадан, ҳатто Худонинг чуқур ўй-фикрларидан ҳам огоҳдир” жумласининг маъносини изоҳлаб берган. Одамлар ўзлари эгалламаган ва билмаган нарсаларини тушунишга интилишади. Муқаддас Рух илоҳий ҳақиқатни билишга жон-жаҳди билан интиладиган, Учликнинг ҳеч нимани билмайдиган аъзоси эмас-ку. Муқаддас Рух – Худо. Ота нимани билса, Рух ҳам билади. Унга бу билимларни излаш шарт эмас.

Ушбу матн бизни поклайдиган Муқаддас Рухнинг иши ҳақидадир. Рух бу сўзлар қандай маънони яширганини кўришимизга ёрдам бериш учун Худо Каломининг нурини йўналтиради. У Каломни тушуниш йўлидаги изланишларимизда бизга ёрдам беради.

Рух бизни ўргатиш ва ишонтириш учун бизга юборилган. У билимларимизга жўшқинлик ва қатъий ишонч бўлмиш теранликни беради. Исо бизга Муқаддас Рухни айнан шу мақсадда беришга ваъда қилган:

Аммо сизларга ҳақиқатни айтаман. Менинг кетишим сизлар учун яхшироқдир. Агар Мен кетмасам, Ҳомий келмайди. Агарда кетсам, Уни олдингизга юбораман. У келганда дунёга гуноҳ, адолат ва ҳукм тўғрисидаги ҳақиқатни аён қилади (Йоҳанно 16:7-8).

Ўзгарган онгдан нуқтаи назарни ва виждонни ўзгартиришга бўлган ҳаракатни Муқаддас Рух бошқаради. Рух Калом билан *биргаликда* ишлайди. У Каломга қарши ёки Каломсиз ишламайди. Калом ва Муқаддас Рух бир-биридан ажралмасдир. Шунингдек, доктрина ва ҳаёт ҳам бир-биридан айро эмас. Ирода ва онгни ҳам бир-биридан айириш мумкин эмас. Уларни ажратиш – бизни поклаш ишларини бузиш ва Муқаддас Рухни ранжитмоқ демакдир. Уларни ажратиш – Худога манзур бўладиган мақсадли, солиҳ ҳаётдан воз кечиш демакдир.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ ҲЕЧ ҚАЧОН ТАСЛИМ БЎЛМАНГ

Бир куни жаноб Уинстон Черчилль болалик даври ўтган Итонга ташриф буюрди. Талабалар Итондан етишиб чиққан энг машҳур инсоннинг маърузасини эшитиш учун тўпланишди. Черчилль тенги йўқ нотик, ўткир тафаккур қироли эди. Парламентда “куролсиз одамлар” у билан даҳанаки жанглار қилишган. Аҳмоқлар бу ҳақда кейинчалик чуқур афсусланишлари учун уни банкетларга таклиф этишган. Ҳатто буюк драматург Бернард Шоу Черчиллнинг ҳужумларига муносиб жавоб қайтариш учун тилини махсус қайраган. Шоу унга ўз пьесаларидан бирининг премьераси учун анчайин истеҳзоли таклифнома юборган: “Қадрли бош вазир, янги пьесамнинг премьерасига сиз учун иккита чипта юборяпман. Биттаси сиз учун, иккинчиси эса дўстингиз учун... агар у бор бўлса, албатта”. Черчилль шу заҳоти жавоб қайтарган: “Қадрли жаноб Шоу. Таклиф ва янги пьесангиз учун чипта кўринишида қилган саховатингиз учун ташаккур. Афсуски, менинг иш рўйхатим премьерага боришимга изн бермайди. Бироқ шу спектакль иккинчи маротаба намойиш этилса бораман... агар яна намойиш этилса, албатта”.

Черчилль Итонга келганида, буюк нотикни тинглаш учун бутун шаҳар аҳли тўпланган. У саҳнага яқинлашганида, залда мутлоқ сукунат чўмган. У микрофонни қўлига олган, булдогникига ўхшаш бағбақасини чўзиб айтган: “Ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон... таслим бўлманг”. Ва ўрнига қайтиб ўтирган.

Аммо у шу гапи билан бутун аудиторияни руҳлантириб юборган. Қизик, ёшларнинг ҳаётидаги инқирозли дамларда, курашиш ёки қочиш учун

бир қарорга келиш лозим бўлганида хотирада сақланиб қолган бу сўзлар худди умид шуъласи каби неча-неча маротаба чарақлаб ёнгандир-а.

Ҳеч қачон таслим бўлманг. Бу Муқаддас Каломда қайта-қайта такрорланадиган мурожаат. Исо ҳақида нажотимизнинг Муаллифи ва Якунловчиси ҳақида ўйланг. Исо бошлаган ишини охирига етказган. У шайтон билан фақат бир раундда курашмаган. У охиригача жанг қилиб, душманни исканжага солиб қўйган.

Исонинг энг ажойиб сўзларидан бири хочда айтилган. Энг даҳшатли азоб-уқубатлар орасида, ўлим талвасасида Исо тин олган: “Амалга ошди”. Исо шу тарзда оламдан ўтган. Ўз вазифасини бажарганидан сўнг. Вақтидан аввал эмас. Ишни охиригача етказиш керак эди.

Исо айтган: “Омочни тутиб, ортига қараган биронта одам Худонинг Шохлигига лойиқ эмас” (Луқо 9:62). Исонинг нигоҳлари олдинга қаратилганди. У Қуддусга юзма-юз қараб турган. Лутнинг хотини орқага қаради ва тузли тошга айланиб қолди. Исо олдинга қаради ва оламни поклашга эришди.

Павлус бу ҳақда шундай деган: “Ортда қолганларни унутиб, олдинга интиламан. Фақатгина ўша мақсадни кўзлайман-да, Худо мени Исо Масиҳ орқали чақириб, менга ато қиладиган самовий ютуқ томон интилмоқдаман” (Филиппиликлар 3:13-14).

Биз юқори баҳоларга, юқори даъватларга *интилиш* учун чорланганмиз. Интилиш эса иродани кўрсатиш, зўр бериш демакдир. Ҳаворий бизни зўр бериб *интилишга* даъват этади. Тақводорликка интилиш аслида бизнинг табиатимизга хос эмас. Юмшоқ ўриндиққа жойлашиб олиб, покланишга келиб бўлмайди. Қатъият муҳим. Интилишлар муҳим.

СУСТКАШЛИК ВА ФАОЛЛИК

Покланиш доктринасининг энг жиддий бузилишларидан бирини квиетизм тимсолида топиш мумкин. Квиетизм анъанавий тарзда гўё илоҳий фаолликни таъкидлаган ҳолда муайян руҳий сусткашликка чорлайди. Квиетизмнинг шиори шундай: “Нима бўлса ҳам, Худо қилсин”. Бироқ бу шиор бизнинг руҳан улғайишимиз фақат ўзимизнинг ҳаракатларимизга боғлиқ эмаслигини эслатганида қандайдир қийматга эга бўлади. Ўзини ўзи камолотга етказиш ва ўзини ўзгартириш, агар биз Худонинг иноятига таянамасак, бемаъни машғулотлар бўлиб қолаверади. Аммо бу боғлиқликни яхшироқ ифода этиш мумкин: “Худони маҳкам ушла ва Унга ишонгин”.

Покланиш учун меҳнат қилиш зарур. Ҳаворий меҳнатга тўлиқ ҳаёт билан масиҳийларни руҳлантиради:

... қўрқув ва титроқ билан шундай яшанглarki, нажот топганингиз ёрқин кўриниб турсин. Зотан, Худо Ўзини хушнуд қиладиган ишларни қилишингиз учуе сизларга куч ва хоҳиш беради (Филиппиликлар 2:12-13).

Покланиш биргаликдаги иш ҳисобланади. Ишга иккита шерик жалб этилган Мен ишлашим керак ва Худо ҳам ишлайди. Агар Каломга алоқаси бўлмаган қандайдир сўз ҳақиқат бўлиши мумкин бўлсада, бу шундай гап бўлса керак: “Худога ишон, лекин ўзинг ҳам янглишма”. Биз Худо ҳамма

ишни Ўзи бажаришини кутиб, қўл қовуштириб ўтира олмаймиз. Биз меҳнат қилишга, астойдил меҳнат қилишга даъват этилганмиз. Қўрқув ва титроқ билан ишлаш – масъулият ва тиришқоқлик билан ишлаш, қандай натижаларга эришиш истагини чуқур тушунган ҳолда ҳафсала билан ишлаш демакдир.

Ёшлигимда боғда қандай ишлаганимни эслайман. Мен ўз боғимизда ҳам, қўшнимизнинг боғида ҳам ишлардим ва бу ишларнинг бажарилишига турлича ёндашганимни аниқ эслайман. Уйда ишлаганимда ўйнаш учун ишимни тезда тугатишга ҳаракат қилардим. Йўлак бўйидаги дарахтлар ва буталарни қирқишда кўп ҳам уринмас эдим.

Аммо қўшнимизнинг боғидаги иш бошқачароқ эди. У ерда менга ҳақ тўлашган. Ишимни кадрлашган, шу боис мен майда-чуйдаларга ҳам катта эътибор қаратиб ишлашга уринганман. Бу ишимда қўрқув ва титроқ бор эди.

Мен улғайдим, аммо барибир боғдаги ишларни қилишимга тўғри келяпти. Энди мен бу ишга янада эътиборлироқ тарзда ёндашяпман. Энди меҳнатга бўлган муносабатимда *мулкдорлик* туйғуси бор. Мен ўз боғимда ишляпман. Дарахт ва буталарни чопганим учун ҳеч ким менга ҳақ тўламайди. Мен қандай ишлаётганимни кўриш учун ҳеч ким ўгирилиб қарамайди. Бу менинг *боғим*. Мен ҳаммаси чиройли кўринишини истайман. Мени натижалар қизиқтиради. (Ваҳоланки, ҳозир ҳам ўйинга бориш учун шошилиб турибман!)

Ўғлим менга ёрдам бераётганида, унинг эҳтиётсизлик қилаётганини кўриб, тез-тез ранжиб қоламан. У ўтларни жуда тез ўради. Бир, икки ва тайёр. Ҳеч қандай қўрқув йўқ. Ҳеч қандай титроқ ҳам. Унинг хаёли фақат баскетбол ўйинида. Бир куни хаёлимга шундай фикр келиб қолди: наҳотки у боғимиз билан фахрланмаса? Ана шунда учинчи авлодда намоён бўладиган оталар гуноҳини пайқаб қолдим ва бу ўринда гап кекса дарахтда қандай мева етишиши ҳақида эмас. Гап меванинг ўзи ҳақида. Қизик, ўйладим мен, ўғлимда ўз боғи бўлганида, дарахтларини бутаб турармикан. Нималар бўлиши ҳақида ҳар хил хаёлларга бораман, хойнаҳой, у ҳар қандай бошқа одам каби охирги натижани муҳим деб билса, ҳаракат қилса керак.

Агар биз Худога манзур бўлиш учун яшайдиган бўлсак, ҳатти-ҳаракатларимиз ўта муҳим эканлигини ўзимизга ҳамиша эслатиб туришимиз жоиз. Биз қайта туғилганимизда, нажотимиз ҳали якунланмаган бўлади. Ҳа, Муқаддас Рух чиндан ҳам ўз ишини бизнинг қайта туғилишимизга асосан бажаради. Қайта туғилиш учун фақат Муқаддас Рух керак. Муқаддас Рух қалбимнинг тирилиши учун Ўз ишини бажарганида мен хотиржам бўламан, сустлашаман. Бироқ сўнгра менинг ишим бошланади. Мен ўзимни қутқариш учун ишлашим керак. Мен олдимга қўйилган мақсадлар сари интилишим зарур. Муқаддас Рух доимо бизга ёрдам беради, аммо биз ўз нажотимиз учун ўзимиз *ишлашимиз* лозим.

КУЧ-ҚУДРАТ ВА САМОВИЙ ШОҲЛИК

Исо бир куни шундай гапни айтдики, у Муқаддас Китобни ўқувчилар учун асрлар мобайнида жумбоқ бўлиб қолади. У шундай деди:

Яхё чўмдирувчи давридан шу кунгача одамлар Осмон Шоҳлигига шафқатсиз ҳужум қилмоқдалар. Зўравонлар Осмон Шоҳлигини қўлга киритишга ҳаракат қилмоқдалар (Матто 11:12).

Хўш, Исо нимани назарда тутган? Шоҳликни куч билан қандай қўлга олиш мумкин? Наҳотк биз одамлар Осмон Шоҳлиги дарвозасини ҳужум билан қўлга олишлари ва куч воситасида ичкарига киришлари мумкинлиги ҳақида ўйлашимиз керак бўлса? Бу ҳолда номақбул одамлар Шоҳликни камал қилиб, ҳарбий куч ёрдамида ичкарига киришга қодирликларини фараз қилиш мумкин. Бироқ бундай изоҳ Муқаддас Китоб Худо Шоҳлигининг хусусиятлари ҳақида айтган барча гапларга қарама-қарши келади. Худо нопокларнинг Ўз ҳузурига бостириб киришларига қаршилик кўрсатмайдиган даражадаги заиф эмас-ку. Ҳеч ким ўз ҳаракатлари билан Худонинг ҳузурига бостириб киришга қодир эмас. Худонинг қалъасига ўғрилар ва талончилар ёриб ўтолмайди. Мажусийлар Самовий Қуддусни қуршовга олишга уринишлари мумкин, аммо Сион ҳеч қачон таслим бўлмайди.

Ўйлашимча, Жонатан Эдвардс бу оят қайта имонга келганлар Худонинг Шоҳлигига интилишлари кераклигини кўрсатишини айтганида ҳақ бўлган. Бу интилиш Шоҳликда одамларнинг Рух билан уйғонишларига олиб келадиган қизғин истакни ўзида акс эттироғи лозим. Яхё Чўмдирувчи Шоҳликнинг яқинлашиб қолганини айтганида, Исроилда буюк уйғониш юз берган. Одамлар Яхёдан чўмдирилиш тайёргарлигини олиш учун тўда-тўда бўлиб Иорданга қараб интилишган.

Исо бу борада Яхёдан ҳам олдинга ўтган. Яхё “Осмон Шоҳлиги яқинлашди” (Матто 3:2) деб айтганида, Исо “Худонинг Шоҳлиги сизларнинг орангиздадир” (Луко 17:21) деб уқтирган. Бу Шоҳликнинг Шоҳининг Ўзи Исо тимсолида бу дунёга келган. Бу ҳолат ўша пайтгача Масихга тавба қилишга *интилган*, ўша пайтгача мисли кўрилмаган миллий тавба қилиш истагини уйғотган. Тавба қилаётган гуноҳкор Ўз Нажоткорини бағрига босиш учун ҳеч нима қаршисида тўхтаб қолмайди. Қайта имонга келганларнинг иштиёқи ва шижоати – қудратли лмил, аммо имонлиларнинг ҳаракати деганда жисмоний қудрат эмас, балки унинг бардоши ва қуввати назарда тутилади.

Шоҳликка кириш учун қатъият ва қувват каби хусусиятлар зарур. Бу эса бизнинг қатъий бир қарорга келганимизни ва нигоҳларимиз фақат мақсадга қаратилганини англатади. Дарҳақиқат, бунда ҳарбий ҳаракатлар билан таққословни келтириш мутлақо ўринли бўларди. Шаҳар дарвозалари очик бўлганида, ғолиб аскарлар бир лаҳза ҳам иккиланмай, олдинга ёпирилишади. Ҳеч бир аскар тантана онларида мудроқ ёки чарчоқ ўзини эгаллаб олишига изн бермайди.

Кимки Шоҳликка интилса, узоқ давом этадиган курашга тайёр бўлади. Биз чиройли чекинишни ўзимизга раво кўришимиз мумкин эмас. Биз покланишдан кетиб қолишимиз мумкин эмас. Худонинг Шоҳлигида нафақахўрлар йўқ. Биз охиригача бардош беришга даъват этилганмиз. Биз ўзимизни Худога бағишлаганимизда, бутун умр давом этадиган курашга

бағишлаган бўламиз. “Моҳир хизматчи” жуласи нафақат чўпон ва миссионерларга, балки ҳар биримизга тегишли бўлади.

Ибронийларга Мактуб муаллифи масиҳийлик ҳаётини кураш сифатида ва ҳаттоки ўлимга қадар давом этадиган кураш сифатида тасвирлайди:

Имони бизга ибрат бўлиб хизмат қиладиган ана шу одамларнинг ҳаммаси атрофимизни ўраб олган. Бу катта оломон бизни кузатиб тураркан, тақдиримиздаги мусобақада сабр-тоқат билан чопайлик. Югуришимизга халақит бераётган ҳар қандай юкни, айниқса, тўсқинлик қиляётган ҳар қандай гуноҳни бир четга улоқтириб ташлайлик. Исога кўз тикайлик. Ахир, бу имон мусобақасида У биз учун йўл очиб, бутун масофани биздан олдин югуриб ўтди. Исо келажакдаги шодликка эришиши учун шармандали ўлимни писанд қилмай, хочда азоб тортиб жон берди. Ҳозир эса У Худо тахтининг ўнг томонида ўтирибди... Сизлар эса қонингиз тўкилгунча гуноҳга қарши курашмадингизлар (Ибронийлар 12:1-2, 4).

Биз улғайишимизга тўсқинлик қиладиган гуноҳга қарши курашганимизда, осонгина руҳимиз тушиб кетади, тезда чекинамиз. Биргина хас туянинг елкасини синдиради. Биз қонли жанг бошланмасидан аввалроқ таслим бўламиз.

Такрорий мағлубиятлар бизни руҳлантириши ва ғалабага ишонч туйғусини бериши амри маҳол. Мана шунинг учун ҳам бизни ўтмишни унутишга даъват этишади. Муваффақиятсизликларни унутиш керак. Битта ҳам мағлубиятни эсламаслик керак. Биз олдинга интилишимиз шарт. Биз ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон таслим бўлмаслигимиз керак.

Бизнинг мақсадимиз катта. Унинг учун курашса арзийди. Унинг учун кўркув ва титрокка чидаса арзийди. Бу олий даъват, чиндан ҳам олий. У ҳар қандай мусобақанинг олтин кубоги учун курашдан кўра катта уринишларга арзийди. У дарахтларни буталашдан кўра чексиз равишда муҳим. Бу Исонинг даъвати. У қонимизни тўкишга, тер ва кўз ёшларимизга арзийди.

Ва биз Ибронийларга Мактуб муаллифи бизларни қандай руҳлантираётганини эшитамиз:

Одам тарбия олаётганда хурсанд бўлмайди, аксинча, қайғуради. Аммо бундай тарбияни олган одам кейинчалик тинч-тотув ва солиҳ ҳаёт кечиради. Сизларнинг қўлларингиз толиққан, тиззаларингиз букилган, аммо маҳкам туринг. Ўзингиз учун тўғри йўлни танлаб юринг. Токи орангиздаги “ожиз” ва “оқсоқ” одамлар йиқилмасин, балки шифо топсинлар (Ибронийлар 12:11-13).

Энди Мактуб муаллифи бу мавзуга батафсилроқ тўхталади.

Худонинг сизларга Ўз фарзандлари сифатида айтган мана бу далда сўзларини унутибсизлар: “Ўғлим, Эгамизнинг тарбиясига эътиборсиз бўлмагин, Ундан танбеҳ олганингда кўнглинг чўкмасин. Зеро, Эгамиз яхши кўрган бандасини тарбиялайди, Фарзанд қилиб олган ҳар бир одамни жазолайди” (Ибронийлар 12:5-6).

Мактубда биз Худонинг ноқонуний фарзандлари эмаслигимиз яққол айтилган. Отамиз бизни севгани учун бизни жазолайди. У вақти-вақти билан Ўзининг оғир қўлларини бизга ташлайди, лекин бу ҳолат Унинг бизга

шафқатсизларча муносабат билдиришини англатмайди. Унинг илоҳий тартибли тегиши бизни осонгина мағлуб этади. Унинг жазоси оғриқли туюлиши мумкин, биз қўлларимизни туширамыз ва оёқларимиз бўшашади. Ахир ким ҳам Худонинг жазоси олдида бўшашиб кетмайди дейсиз?

Аммо Худонинг тартибли мақсадлари бизни барбод қилишга эмас, балки, шифолашга қаратилган. Бундай даволаш фақат ҳозир оғриқли туюлиши мумкин, Худонинг жазолашдан мақсади эса бизни тарбиялашдан иборат. У биз интилган маҳсулни – *тақводорликнинг ҳаловат мевасини* – беради.

Бундай натижа куч сарфлашга арзийди. У курашга арзийди. Биз тортадиган жазони у келтирадиган натижа билан таққослаб бўлмайди. Ва яна Ибронийларга Мактубдан иқтибос келтирамыз:

Сизлар яқинлашган тоғ Синай тоғи эмас. Синай тоғи жисмоний бир тоғ бўлиб, унга қўл теккизиб кўрса бўларди. У ерда аланга ловуллаб ёнарди, устини зулмат, қора булут қоплаган, бўрон босган эди. Бурғу садоси янграб, Худонинг овози эшитилганди. Буни эшитган одамлар: “Ёлворамиз, Худо бизга бошқа гапирмасин”, деб ўтинганди. Чунки: “Тоққа ҳатто ҳайвон тегса ҳам, тошбўрон қилинсин” деган Худонинг буйруғига улар дош бера олмаган эдилар. Синай тоғидаги манзара шу қадар даҳшатли эдики, Мусонинг ўзи: “Кўрққанимдан титраб кетяпман”, деганди (Ибронийлар 12:18-21).

Биз буни кўрмаганмиз. Ёнаётган тоғ, даҳшатли бўрон, қора тутун, бурғулар садоси ва момақалдиروقдек сўзлар. Буни Исроил фарзандлари Синай тоғида кўришган. Бу даҳшатли пайт эди. Одамлар енгиллик сўраб илтижо қилишарди. Ҳаттоки Мусо қаттиқ кўрқиб кетганди. Муаллиф таққослов келтириш учун ўтмишда қолган ўша даҳшатли онларни эслатиб ўтади:

Сизлар, аксинча, самодаги Сион тоғига ва барҳаёт Худонинг шаҳри – самовий Қуддусга яқинлашгансизлар. Шод-хуррамлик қилгани йиғилган минглаб фаришталар олдига келгансизлар. Исмлари осмонда ёзилган Худонинг меросхўрларига сизлар шерик бўлдингизлар. Ҳаммани ҳукм қилувчи Худонинг ҳузурига кирдингизлар. Худо баркамол қилган солиҳларнинг руҳлари олдига келдингизлар. Сизлар янги аҳднинг воситачиси Исонинг ҳузурига кирдингизлар. Исонинг қонига яқинлашдингизлар. Унинг қони Ҳобилнинг қонига ўхшаб қасос талаб қилмайди, аксинча гуноҳларимизни ювиш учун тўкилган (Ибронийлар 12:22-24).

Биз ўзимизда янги Исроилни намоён этамыз. Бизнинг чиқишимиз исроилликларнинг Мисрдан чиқишидан кўра чексиз даражада катта. Мусо бизнинг Воситачимиз билан таққосланганда пакана одамга ўхшаб қолади. Бизнинг тоғимиз Синай эмас, балки абадий тоғ Сиондир. Биз самога кирамыз. Биз фаришталарнинг кўп сонлик жанговор сафига қўшиламыз. Биз барча азизлар билан мулоқотдан завқ оламыз. Бизга Масиҳнинг Қони сепилган ва бу Қон шу пайтгача қурбонликка келтирилган барча жониворларнинг қонидан муҳимроқдир.

Биз самодаги абадий уй учун барча азобларга чидашимиз мумкин. Бундай тadbирдан бош тортишга ким ҳам журъат қиларди? Тўсиқларга учрасада, бундай улушни кўлга киритиш учун ким ҳам яна ўрнидан туриб олға интилмайди?

Хотима ўрнида ушбу оятларни келтириб ўтишни истардим:

Бизга тебранмас шохлик берилган. Шундай экан, Худодан миннатдор бўлиб, эҳтиром ва қўрқув ила Унга манзур равишда сажда қилайлик. Ахир, бизнинг Худойимиз ямламай ютадиган оловдир (Ибронийлар 12:28-29).

Биз ямламай ютадиган Олов учун яшаймиз. Биз айнан Унга манзур бўлишни истаймиз. Бизни муваффақиятсизликлар таъқиб этганида, биз Унинг учун такрор ва такрор оёққа турамиз. Зеро, У бизнинг тақдиримиздир.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	
1-боб. Нафис иноят	
2 боб. Масиҳийлик ҳаётининг мақсади	
3 боб. Фарзийларнинг хамиртурушидан эҳтиёт бўлинг	
4 боб. Дунё билан кураш	
5 боб. Тана билан кураш	
6 боб. Шайтон	
7 боб. Шайтон – тухматчи	
8 боб. Қўрқув ва айбдорлик мажмуи	
9 боб. Ҳақиқий кечирим	
10 боб. Шахвоний масиҳий	
11 боб. Мағрурлик гуноҳи	
12 боб. Ялқовлик гуноҳи	
13 боб. Ёлғон гуноҳи	
14 боб. Доктрина ва ҳаёт	
15 боб. Ҳеч қачон таслим бўлманг	